ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИҚТИСОДИЁТИ



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИҚТИСОДИЁТИ

"Ўзбекистон миллий энциклопедияси"
Давлат илмий нашриёти
ТОШКЕНТ - 1998

65.9(5У)
У 340

Тузувчи муаллиф
иқтисод фанлари доктори,
профессор **Нурислом Тўхлиев**

Мамлакатнинг буюклигини иқтисодий қудрат таъминдайди. Мазкур китоб Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётини бутун кўлами билан қамраб олганлиги жиҳатидан диққатга сазовор. Китоб факт ва рақамларга бой, Ўзбекистонда олиб борилаётган иқтисодий сиёсатнинг асосий йўналишлари, республика иқтисодиётидаги энг сўнгги ўзгаришлар ва ютуқлар ҳақида атрофлича маълумот беради.

Китоб илмий ходимлар, талаба ва ўқувчилар, ишбилармонлар, умуман иқтисодиёт билан қизиқувчи барча китобхонларга мўлжалланган.

429627

У $\frac{4602030000}{358\text{-}98}$
ISB N 5-89890-148-5

©"Ўзбекистон миллий энциклопедияси"
Давлат илмий нашриёти, 1998

Библиотека
им. Кубанова

Ўзбекистонда борган сари иқтисодий ислоҳотлар чуқурлашиб, бозор муносабатлари асосида янги мустақил миллий иқтисодиётни барпо этиш жараёнлари тезлашмоқда. Мустақилликнинг дастлабки йилларидаёқ мамлакатимизда туб иқтисодий ислоҳотларни амалга оширишнинг ўзига хос йўли танланди. Бу йўл Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов томонидан ишлаб чиқилган бешта асосий тамойилда ўз аксини топган бўлиб, бозор иқтисодиётига ўтишнинг сиёсий ва ижтимоий ларзаларсиз, босқичма-босқич тараққиётни таъминлаб боришни назарда тутади. Бу йўл МДҲ давлатлари орасида биринчи бўлиб Ўзбекистонда ўтиш даврининг ўзидаёқ иқтисодий барқарорликни таъминлабгина қолмай, мамлакатни иқтисодий ўсиш сари олиб чиқди, келгусида халқ хўжалигининг янада жадалроқ ривожланиши учун мустаҳкам замин яратади. Натижада жаҳон иқтисодий адабиётида ҳақли равишда тараққиётнинг «Ўзбекистон модели», «Ўзбекистон йўли», «ўзбек феномени» деган тушунчалар пайдо бўлди. Шунинг учун ҳам ушбу китобни нашрга тайёрлаш билан китобхонларни, биринчи навбатда, талабалар, мутахассислар, умуман иқтисодиёт илми билан қизиқувчиларни мамлакатимиз иқтисодиёти ривожланишининг энг муҳим омиллари, механизмлари билан яқиндан, батафсилроқ таништиришни ўз олдимизга мақсад қилиб қўйдик. Китобда мамлакатимизнинг бекиёс меҳнат, табиат ва ишлаб чиқариш ресурсларини, саноат, қишлоқ хўжалиги, қурилиш, фан ва техника, экспорт салоҳияти, ижтимоий ва хизмат кўрсатиш соҳалари, шу билан бирга бу тармоқлардаги мавжуд айрим муаммоларни очиб беришга ҳаракат қилинди.


Китобни нашрга тайёрлашда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг «Ўзбекистон иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш йўлида», «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, тараққиёт шарти ва кафолатлари» асарлари, кейинги нутқ ва мақолалари, Ўзбекистон Республикаси Макроиқтисодиёт ва статистика вазирлиги

ўзи кифоя. 1998 йил бошига келиб хусусий мулк шаклига оид корхоналарнинг умумий сони 85,4 мингтага етди. Бу – барча корхоналарнинг 46,2 % демакдир. Уларнинг энг кўпи савдо ва умумий овқатланиш тармоғига тўғри келади. Жамоа мулкига оид корхоналар сони эса 71,7 мингтани ёки 38,8 % ни ташкил этди. Бу жамоаларнинг асосий қисми (33,2 минг) қишлоқ хўжалиги соҳасида фаолият кўрсатаётган корхоналардир.


Шундай қилиб, мамлакат иқтисодиётининг барча тармокларида нодавлат сектори жадал суръатларда ривожланиб бормокда. 1997 *йили ушбу секторда 61,3 % ялпи ички махсулот, 73,5 % соф* моддий махсулот, 59 % саноат махсулоти, 99,0 % ялпи қишлоқ хўжалик махсулоти ишлаб чиқарилди, 71,9 % қурилиш-пудрат ишлари, 95,3 % чакана товар обороти худди ана шу соҳада амалга оширилди. Халқ хўжалиги нодавлат секторида банд бўлганларнинг умумий сони 71,3 % ни ташкил этмокда. Давлат сектори иқтисодиётда ўзининг монопол аҳамиятини йўқотмокда, кўп қиррали, аралаш хўжаликка кенг йўл очилиб, рақобат учун борган сари кенгроқ имкониятлар яратилмокда.

Илгари, яъни шўролар ҳукумати томонидан ҳам иқтисодий ислоҳотлар ўтказилган эди. Аммо улар мулкий муносабатларда чуқур ўзгаришлар ясай олмаганлиги сабабли поёнига етмаган, муваффақият қозонмаган эди. Мулкий муносабатлар яратган бойликларга эгалик қилиш, улардан фойдаланиш ва ўзлаштириш, инсондаги бекиёс қобилиятларни, имкониятларни рўёбга чиқариш билан боғликдир.

Жами банд аҳолининг иқтисодиёт секторлари бўйича таксимоти
(1997 й., % хисобида)



Иқтисоднёт тармоқлари бўйича
давлат ва нодавлат сектори нисбати
(% ҳисобида)



Мулкчилик ва ташкилий-ҳуқуқий шакллар бўйича хўжалик юритувчи субъектлар таркиби

(1998 й., % ҳисобида)




Иккинчидан, кичик ва хусусий тадбиркорлик (бизнес)ни рағбатлантириш, қимматбаҳо қоғозлар бозорини шакллантириш ислоҳотлар тақдирини белгиловчи шартлардан биридир. Бу, биринчидан, давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш билан бевосита боғлиқ масала бўлиб, жамиятнинг ижтимоий ва иқтисодий негизини мустаҳкамлашга хизмат қилади, ўрта мулкдорлар синфини шакллантиради ва айни пайтда ички бозорни истеъмол моллари ва хизматлар билан таъминлашнинг муҳим омили ҳисобланади.

Ўзбекистонда қисқа вақт давомида кичик ва ўрта бизнесни ривожлантиришнинг ҳуқуқий шарт-шароитлари ва ташкилий тузилмалари яратилди. Товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатаси, Ўрта ва кичик бизнесни қўллаб-қувватлаш бўйича ҳукумат комиссияси, Хусусий тадбиркорлик ва кичик бизнесни қўллаб-қувватлаш фонди («Бизнес-фонд»), «Мадад» суғурта агентлиги, консалтинг, инжиниринг, лизинг фирма ва компаниялари, бизнес-инкубаторлар иш олиб бормоқда. 1997 йилга келиб мамлакатимизда кичик ва хусусий корхоналарнинг умумий сони 100 мингдан ошиб кетди. Қишлоқ хўжалигида 20 мингдан ошиқроқ деҳқон (фермер) хўжаликлари ташкил топди. Аммо кичик ва ўрта хусусий тадбиркорликни ривожлантиришнинг ҳозирги аҳволини қониқарли деб ҳисоблаш қийин. Ҳали яна кўплаб кичик ва хусусий корхоналарни ташкил этиш, бу ишга аҳоли шахсий жамғармаларини жалб этиш, шу йўл билан янги иш жойларини барпо этиш имкониятларини ишга солиш лозим. Айрим кичик ва хусусий корхоналар, деҳқон ва фермер хўжаликлари моддий-техника ва хом ашё, узоқ муддатли кредитлар билан боғлиқ қийинчиликлар, шунингдек, жойлардаги бюрократик тўсиқ ва

ғовлар туфайли ўз фаолиятларини ривожлантира олмаётирлар. Яна муҳимики, биз ўтмиш саркити – бокиманчалик руҳиятидан қутула олмаяпмиз. Хусусий тадбиркорлик билан шуғулланишни ихтиёр этганларнинг аксарияти уни давлат ёки бошқа бировнинг ҳисобидан амалга оширишни хоҳлайди. Тўғри, кичик ва ўрта бизнесни давлат даражасида қўллаб-қувватлашга, барча ривожланган мамлакатларда, жумладан, бизда ҳам алоҳида аҳамият берилаяпти. Аммо давлат томонидан ажратилган маблағларнинг ҳам ҳисоб-китоби бор. Қолаверса, хусусий тадбиркорликни ривожлантиришнинг давлат кўмагидан ташқари яна бошқа йўллари ҳам мавжудки, бугунги кунда улардан унумли фойдаланмоқ зарур.

Хўжалик юритувчи субъектлар динамикаси
(йил боши, минтта)



Масалан, мулкни гаров сифатида қолдириш ҳисобига ҳар қандай тижорат банкидан кредит олиш мумкин. Бундай имконият бўлмаган ҳолда тадбиркорликни молиялаштиришнинг венчур усулидан фойдаланса ҳам бўлади. Бу вақтда тадбиркорга маблағ ажратган банк қарздан қутулгунга қадар фирманинг ёки ушбу хусусий ишнинг эгаси бўлиб тураверади. Айрим мамлакатларда кредит иттифоқлари ташкил этилган бўлиб, уларда кичик корхоналар ҳисобидан умумий жамғарма тўпланади ва ундан бир-бирига қарз беришда фойдаланилади. Биз эса шу мақсадга ажратилган 350 миллион АҚШ долларига тенг чет эл кредитининг атиги 1,5 миллионини ўзлаштира олдик, холос. Чунки чет эл

кредит линияларига эга бўлиш учун, аввало, пухта ўйланган ва ишлаб чиқилган бизнес режа ҳамда бизнес лойиҳалар зарур. Умуман олганда, ҳали хусусий ишимизни йўлга қўйишда ҳам, уй-жой, турмуш шароитимизни яхшилашда ҳам кредитлар тизимидан фойдаланиш қонун-қоидаларини тўлиқ ўзлаштирмай туриб, кутилган натижаларга эришиш қийин.

Учинчидан, иқтисодий мустақилликка эришиш, миллий иқтисодиётни барпо этиш, иқтисодий ўсишни таъминлашнинг муҳим шартларидан бири – иқтисодиётда таркибий қайта қуришни амалга оширишдир. 90-йиллар бошида халқ хўжалигининг амалдаги таркиби собиқ Иттифоқдаги меҳнат тақсимоти ва ихтисослашуви тамойиллари асосида шаклланган бўлиб, Ўзбекистонга арзон хом ашё ва ярим тайёр маҳсулотлар, стратегик минерал ресурслар етказиб бериш ва саноат марказларида ишлаб чиқарилган тайёр молларни сотишнинг кенг бозори мавқеи ажратилган эди. Халқ хўжалигининг бундай мустамлака таркиби мустақилликнинг дастлабки йилларида, эски хўжалик алоқалари узилиб, янгилари ҳали шаклланиб улгурмаган шароитда мамлакатимиз иқтисодиётига салбий таъсир кўрсатмасдан қолмади. Мустақил миллий иқтисодиёт халқ хўжалиги таркибига мутлақо янги талабларни қўйди. Ижтимоий ишлаб чиқаришнинг тармоқ ва ҳудудий таркибини такомиллаштирмасдан туриб бой ресурслардан, катта имкониятлардан мақсадга мувофиқ фойдаланиш, вужудга келган номутаносибликлар ва зиддиятларга барҳам бериш мумкин эмас эди.

Таркибий сиёсат, энг аввало, қишлоқ хўжалиги хом ашёси ва минерал ресурсларни чуқур қайта ишлашга, технологик циклнинг тугалланганлик даражасини оширишга, мамлакат ёқилғи-энергетика ва озиқ-овқат мустақиллигини таъминлашга қаратилди. Илгари ташқаридан келтирилган юзлаб маҳсулот турлари шу ернинг ўзида ишлаб чиқарила бошланди.

Ички ва ташқи кредит воситаларининг асосий қисми ишлаб чиқаришни кенгайтириш учун база ҳозирлашга йўналтирилди. Бу автомобиль ва нефтни қайта ишлаш заводлари, янги автомобиль йўллари ва темир йўллар, енгил, тўқимачилик ва озиқ-овқат саноатининг ўнлаб янги ва замонавийлаштирилган корхоналаридир. Биргина 1997 йилнинг ўзида Кўкдумалоқ конида компрессор станцияси, Бухоро нефтни қайта ишлаш заводи, Фарғонада ип-йигирув фабрикаси қуриб ишга туширилди. Маълумки,

Ўзбекистоннинг саноат қудрати асосан бир неча йирик шаҳарларда тўпланган эди. Мустақиллик йилларида амалга оширилаётган йирик қурилишларнинг географияси анча кенгайди. Бу сиёсат узоқ вақтдан бери ҳукм суриб келаётган саноат тараққиётидаги минтақавий номутаносиблик ва зиддиятни сезиларли юмшатди.

Табиийки, иқтисодиётнинг таркибини такомиллаштиришда кампаниячиликка йўл қўйиб бўлмайди, у бирданига такомилига етиб ҳам колмайди. Бу ўзгаришлар мунтазам давом этадиган ижтимоий-иқтисодий жараён бўлиб, улар давр талаби ва иқтисодий сиёсатдан келиб чиқиб, тармоқлараро ҳамда тармоқлар ичида тўхтовсиз давом этаверади. Бозор иқтисодиёти ва фан-техника тараққиёти тан оладиган тармоқлар ривожланиб, маҳсулот ишлаб чиқаришда уларнинг ҳиссаси ошиб бораверади. Аксинча, бозор ва тараққиётга мос келмайдиган соҳаларнинг маҳсулот ва хизматларни яратишдаги улуши пасайиб ёки бутунлай йўқолиб, ўз ўрнини бошқа, илғор соҳаларга бўшатиб бераверади.

Тўртинчидан, ҳаёт бутун халқ хўжалиги тармоқлари орасида айрим тармоқ ва ишлаб чиқариш турларини ривожлантиришга устиворлик бериш ва уларни давлат томонидан ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш тўғри йўл эканлигини исботламоқда. Устивор соҳаларнинг тўғри белгиланиши нафақат илгари тақчил ҳисобланган маҳсулот турларини кенг ишлаб чиқаришни йўлга қўйишга, балки ижтимоий ишлаб чиқариш таркибини такомиллаштиришга имконият беради, шу билан бир қаторда бутун халқ хўжалигини олдинга силжитади, иқтисодий тараққиётда ўзига хос олға етакловчилик вазифасини ўтайди. Кейинги йилларда мамлакатимизда қайта қуришлар саноатнинг негиз тармоқларини ривожлантиришни жадаллаштириш, экспорт потенциалини ва четдан келтириладиган маҳсулотлар ўрнини босадиган маҳсулот турларини ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш, бозорни халқ истеъмоли ва озиқ-овқат маҳсулотлари билан тўйинтириш, коммуникация ва ишлаб чиқариш инфратузилмаси тизимини ривожлантириш, инвестицион фаолиятни жадаллаштириш, мамлакатнинг экспорт имкониятларини кенгайтириш, ташки иқтисодий фаолиятни кучайтириш ва бошқалар устун йўналишлар сифатида белгиланган эди. 1997 йилда, масалан, халқ хўжалигига ажратилган барча инвестициялар таркибида ишлаб чиқариш тармоқлари ҳиссаси 63% ни, ёқилғи-энергетика саноати тармоқлари саноат инвестициялари умумий ҳажмда 43% ни ташкил этди. Транспорт

ва алоқа соҳаларини ривожлантиришга мавжуд сармояларнинг 31% сарфланди. Бу эса ўз навбатида, ялпи ички маҳсулот ишлаб чиқаришни реал кўрсаткичларда ошириш имконини берди.

Бешинчидан, ислоҳотлар ислоҳот учун ўтказилмайди. Улардан мақсад – ижтимоий ишлаб чиқариш самарадорлигини узлуксиз ўстириш асосида халқнинг яшаш, турмуш даражасини юксалтириш. Худди ана шу натижалар ислоҳотларга ҳақиқий мазмун бахш этади. Мамлакатимизда 1997 йили биринчи марта ялпи ички маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми аҳоли сони ўсиши даражасидан юқори бўлади. Бу ўта муҳим ижтимоий-иқтисодий кўрсаткичдир. Натижада ялпи ички маҳсулот ҳажми аҳоли жон бошига 3,2 % га кўпайди.

1997 йилда ялпи ички маҳсулот ишлаб чиқариш 5,2 % га ўсди. Бундай ўсиш халқ хўжалигининг деярли барча соҳа ва тармоқларига хосдир. Саноат маҳсулоти 6,5, ялпи қишлоқ хўжалиги маҳсулоти ишлаб чиқариш эса 5,8 % га ўсди. Бу кўрсаткич қурилишда 2,6, савдода 12,7, аҳолига пуллик хизмат кўрсатиш соҳасида 21,3% га таъминланди. Халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш 11,2% га ошди. Мустақиллик йиллари давомида Ўзбекистонда саноат ишлаб чиқаришн ҳажми 12,7% га ўсди. Бу собиқ Иттифоқ парчаланганидан кейин ташкил топган мустақил давлатларда юз берган энг юқори ўсиш суръатидир. Шундай қилиб, Ўзбекистон иқтисодий тизими туб ўзгаришлар амалга оширилаётган жараёнда МДҲ давлатлари орасида 1990 йил даражасига нафақат эришган, балки ундан анча илгарилаб кетган биринчи ва ҳозиргача ягона иқтисодий тизимдир.

Шу ўринда яна бир кўрсаткич ҳақида тўхталмасдан бўлмайди. Мамлакатимизда ишлаб чиқарилаётган саноат маҳсулотлари таркибида тайёр маҳсулот ҳиссаси тобора ўсмоқда. Агар 1990 йилда саноат ишлаб чиқаришининг умумий ҳажмида тайёр маҳсулот ҳиссаси 35% га тенг бўлган бўлса, 1993 йилга келиб бу кўрсаткич 45% ни ташкил этди, ҳозир эса 70% га яқинлашиб қолди.

Хўш, иқтисодий ўсиш суръатлари қандай омиллар ҳисобига таъминланмоқда? Бунда мамлакатимизда ишлаб чиқариш, иқтисодий ўсиш учун мустаҳкам негиз яратилгани, асосий эътибор иқтисодиёт таркибини бозор муносабатларига монанд такомиллаштирилаётгани, тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш ҳиссасининг ошаётгани, капитал маблағлар катта қисмининг моддий ишлаб чиқариш соҳаларида ўзлаштирилаётгани, янги техника ва

8,3% савдо ва умумий овқатланиш корхоналарида, 22,4% хизмат кўрсатиш соҳаларида ва 12,7% маҳсулот ва ташқи савдодан тушган соф солиқлардан таркиб топмоқда.

Ялпи ички маҳсулот ҳажмининг қатор йиллар бўйича индексларда ифодаланиши ва бошқа мамлакатлар билан таққосланиши айниқса муҳим аҳамиятга эга. Унинг доимий нархларда ўсиши мамлакат иқтисодиёти тараққиётининг умумий тенденцияларини ўзида акс эттиради, юргизилаётган иқтисодий сиё-сатнинг самарадорлигини баҳолайди.

2-жадвал

МДҲ мамлакатларида ялпи ички маҳсулот ҳажмининг ўсиш индекслари

	Ўтган йилга нисбатан % ҳисобида					1990 йилга нисбатан % ҳисобида	
	1993	1994	1995	1996	1997	1996	1997
Ўзбекистон	97,7	94,8	99,1	101,7	105,2	82	86
Озарбайжон	76,9	60,3	88,2	101,3	105,8	42	44
Арманистон	91,2	105,4	106,9	105,8	103,0	56	58
Белорус	92,4	87,4	89,6	102,5	110,0	66	73
Грузия	70,7	108,7	103,3	111,0	111,3	38	42
Қозоғистон	89,4	87,4	91,8	100,5	102,0	61	62
Киргизистон	84,5	79,9	94,6	107,1	110,4	154	60
Молдова	98,8	69,1	98,1	92,2	101,3	36	37
Россия	91,3	87,3	95,9	95,1	100,4	59	59
Тожикистон	82,7	87,3	87,6	83,3	101,7	...	...
Туркманистон	101,6	83,3	90,7	100,1	...	...	...
Украина	85,8	77,1	87,8	90,0	97	43	42

Ривожланишнинг йиллик суръатлари ҳақидаги маълумотлар иқтисодий ислоҳотлар йилларида Ҳамдўстлик давлатларида юз бераётган чуқур иқтисодий пасайишни кўрсатади. Шу билан бирга ушбу маълумотларнинг ўзи асосида 1995 йилдан бошлаб кўпчилик мамлакатларда ялпи ички маҳсулот ҳажми пасайишининг секинлашгани ҳақида хулоса килиш мумкин.

Жадвалда келтирилган маълумотларга кўра Белорусда 1997 йилда ялпи ички маҳсулот ишлаб чиқариш 10, Грузияда 11,3,

Қирғизистонда 10,4 фоизга ошганини кўрамиз. Ўзбекистонда эса бу кўрсаткич 5,2 фоизга тенг бўлган. Лекин бундан юқорида қайд этилган учта мамлакатда иқтисодий вазият анча тез суръатларда ўнгланаётган экан деган хулоса келиб чиқмайди, албатта. Бу ҳақда жадвалнинг иккинчи қисми янада аниқроқ хулоса чиқариш имкониятини беради.

Агар суръат каторларини 1990 йилга нисбатан таҳлил киладиган бўлсак, МДҲ мамлакатлари орасида Ўзбекистон Республикаси иқтисодиёти кўпроқ ижобий натижаларга эришганининг гувоҳи бўламиз. Озарбайжон, Грузия, Молдова ва Украина мамлакатларида ялпи ички маҳсулот ҳажми 1990 йил даражасининг ҳали ярмига ҳам етгани йўқ (37–44%). Арманистон, Қозоғистон, Қирғизистон, *Россия каби мамлакатларда унинг миқдори* 1990 йил даражасининг 58–62 фоизини ташкил қилмоқда, холос. Белорусда бу кўрсаткич 73 фоиздан иборат бўлмоқда. Ҳатто бошқаларга нисбатан иқтисодиёти барқарорроқ ҳисобланадиган Болтиқбўйи республика-давлатлари ҳам пасайиш азобидан ҳанузгача халос бўла олганлари йўқ.

Ўзбекистонда эса 1996 йили ялпи ички маҳсулот ҳажми 1990 йил даражасидан 18 фоизга паст бўлди. 1997 йилга келиб бу фарқ бироз қисқарди ва 14 фоизни ташкил этди. Шундай қилиб бу муҳим иқтисодий кўрсаткич бўйича ислоҳотдан олдинги даражанинг 86 фоизига эришилди.

Демак, Белорусь, Қирғизистон ва Грузияда 1997 йилдаги иқтисодий ўсишнинг юқори кўрсаткичи ислоҳотлар бошланишидан олдинги даврга нисбатан эмас, балки 1996 йилга нисбатан олинган. 1996 йилда эса ялпи ички маҳсулот ишлаб чиқариш 1991 йилга нисбатан Белорусда – 65, Қирғизистонда – 58, Грузияда атиги 29 фоиз бўлган, холос. Фикримизнинг далили сифатида МДҲ мамлакатларида бу йилларда саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмининг ўсиш суръатларини кўрсатиш кифоя.

1997 йилда Ўзбекистонда саноат ишлаб чиқариш ҳажми 1990 йилга нисбатан 12,7 фоизга ўсди. Бу кўрсаткич Белорусда 1990 йил даражасининг 71, Қирғизистонда 51 фоизини ташкил этди. Қолган бирорта мамлакат ислоҳотдан олдинги даражанинг ярмига ҳам эришгани йўқ.

Ўзбекистон иқтисодиёти учун 1995 йил бурилиш йили бўлди. Ялпи ички маҳсулот ишлаб чиқаришнинг пасайиши кескин секинлашди, бир йилда у ҳаммаси бўлиб 0,9 фойзга тенг бўлди ва

3-жадвал

МДҲ мамлакатларида
саноат ишлаб чиқариш ҳажмининг ўсиш суръатлари
(1990 йилга нисбатан фоиз ҳисобида)

	1990	1992	1993	1994	1995	1996	1997
Ўзбекистон	100	94,7	98,1	99,7	100,0	106,0	112,7
Белорусь	100	89,7	80,7	66,9	59,1	61,0	71
Киргизистон	100	73,4	54,8	39,5	32,4	35,0	51
Украина	100	89,1	82,0	59,6	52,4	50,0	49
Қозоғистон	100	85,4	72,8	52,3	48,0	48,0	49
Россия	100	75,4	64,8	51,3	49,6	48,0	48
Арманистон	100	47,8	42,9	45,2	46,2	47,0	47
Озарбайжон	100	80,0	74,4	57,5	47,6	44,0	44
Молдова	100	64,8	65,0	47,0	45,2	42,0	41
Грузия	100	41,9	30,8	18,6	16,8	18,0	19

1996 йилдан бошлаб ҳозиргача ялпи ички маҳсулот ишлаб чиқаришнинг барқарор ижобий динамикаси давом этмоқда: 1996 йилда унинг ўсиши 1,7, 1997 йилда 5,2 фоиз, жорий йилнинг биринчи чорагида 3,3, иккинчи чорагида 4,1, ярим йил бўйича эса 4 фоизни ташкил этди. Бинобарин мамлакатимизда 1998 йил натижалари бўйича ялпи ички маҳсулот ҳажмининг 1990 йил даражасига эришишда ҳал қилувчи йил бўлади деб ҳисоблашга тўла асослар бор. Мамлакатимиз саноат ишлаб чиқариш ҳажми бўйича бу даражага 1995 йилда тўла эришган эди.

Ялпи ички маҳсулот ҳажми қанчалик универсал кўрсаткич бўлмасин, лекин барибир у иқтисодиётда кечаётган чуқур сифат ўзгаришларини ўзида тўла акс эттира олмайди. Шунинг учун ҳам уни тўлдирадиган, қўшимча иқтисодий кўрсаткичлардан фойдаланиш лозим бўлади.

Ўтган йил натижаларига кўра, ялпи ички маҳсулот ишлаб чиқариш умумий ҳажми суръатлари биринчи марта аҳоли сони ўсиш суръатларидан устун бўлишига эришилди. Бу ўта муҳим сифат кўрсаткичи бўлиб, иқтисодиётимизда 1980 йилдан кейин кузатилмаган эди. Натижада ялпи ички маҳсулот миқдорини аҳоли жон бошига ҳисоблаганда 3,2 фоизга оширишга муваффақ бўлинди.

Бу мамлакат иқтисодий қудрати ва аҳоли турмуш даражасини белгилайдиган муҳим мезонлардан бири бўлиб ҳисобланади.

Яна муҳим сифат кўрсаткичлардан бири шуки, ўтган йилдан бошлаб ижтимоий ишлаб чиқариш ҳажмининг ўсиши иқтисодиётда банд бўлганлар сонининг ўсиши билан бирга кечмоқда.

Иқтисодий ўсиш суръатлари таҳлили шуни кўрсатадики, бу жараён инфляциянинг паст суръатлари, ялпи ички маҳсулот ҳажмида жамғариш ва инвестициянинг юқори улуши, ялпи ички маҳсулотда давлат бошқариш харажатларининг нисбатан паст даражаси, шунингдек мамлакат иқтисодиётининг нисбатан очиқ характери ва бошқа сифат ўзгаришлари жўрлигида кечмоқда.

1997 йилда ялпи ички маҳсулотнинг 5,25 фоизга ўсиши инфляция суръатларнинг 1996 йилги 181,5 фоиздан 1997 йилга келиб, 167,9 фоизга, яъни 13,6 нуқтага пасайиши жараёнида юз берди.

Ялпи ички маҳсулотда бошқариш харажатлари 1996 йилда 0,9 фоиз бўлса, 1997 йилда 0,7 фоиздан иборат бўлди. Бошқа давлатларга нисбатан бу анча паст даража ҳисобланади.

Ижтимоий ишлаб чиқариш ҳажмининг миқдор ва сифат жиҳатдан ўсиши ўз навбатида халқ турмуш даражасини кўтаришга – аҳоли пул ва реал даромадларини, пенсия, стипендия ва бошқа имтиёзларни кўпайтириш, уй-жой, мактаб, тиббиёт объектлари қурилишини ривожлантиришга хизмат қилмоқда.

Қандай бўлмасин иқтисодий ўсишни таъминлаш ягона ва пировард мақсад эмас. Ялпи ички маҳсулот таркибини такомиллаштириш, бозор тан оладиган, кишиларнинг кундалик эҳтиёжини бевосита қондирадиган, сифатли ва экспорт талабларига жавоб берадиган маҳсулот ва хизмат турларини муттасил кўпайтириб бориш бош мақсадлардан ҳисобланади. Шундагина ислоҳотлар чуқур мазмун касб этади, кишиларни самарали меҳнатга рағбатлантиради. Мустақиллик йиллари давомида кучли ижтимоий сиёсат Ўзбекистон Ҳукуматининг устун ва изчил сиёсатларидан бири бўлиб қолмоқда.

нодавлат сектори хиссасининг ошиб бориш тенденцияси келажакда яна давом этади. Шу билан бирга аҳолининг саноатнинг янги тармоқлари (электроника, қайта ишлаш ва хизмат кўрсатиш)да банд бўлган қисми кўпайиб боради.

Ёқилғи-энергетика ресурслари

Асосий ёқилғи-энергетика ресурслари нефть, газ, кўмир ва электроэнергия ҳисобланади. Кейинги йилларда қатор нефть-газ конлари топилди. Фарғона вилояти ҳудудида йирик конлардан Шимолий Сўх, Андижон вилоятида Жанубий Оламушук, Полвонтош, Чуғара, Чимиён, Шўрсувни кўрсатиш мумкин. Фарғона водийсидаги конларда асосан нефть учрайди. Улар бир неча ўн йиллардан бери халқ хўжалигига хизмат қилиб келмоқда. Наманган вилоятида Мингбулоқ конининг очилиши муҳим аҳамиятга эга бўлди. Фарғона нефти асосан енгил, олтингугурти кам, парафини кўпроқ. Жанубда нефть конлари Сурхондарё вилоятида жойлашган.

Нефть конларининг катта захиралари Устюртда топилган. Булардан ташқари нефть-газ конденсат конлари Муборак, Шўртан, Ўртабулоқ ва б.ларда жойлашган. Бухоро вилоятидаги Кўкдумалоқ кони айниқса бекиёсдир.

Ўзбекистонда газнинг аниқланган захиралари 2 триллион кубометрни, кўмирники 2 миллиард тоннадан зиёдроқни ташкил этади. Мамлакатда топилган конларнинг захиралари нафақат ички эҳтиёжларни тўла қондиришга қодир, балки энергия манбаларини ташқарига экспорт қилиш имконини ҳам беради.

Нефть ва газга бой бешта минтақа аниқланган: Устюрт, Бухоро-Хива, Жануби-ғарбий Ҳисор, Сурхондарё ва Фарғона. Газнинг қозирги аниқланган захиралари мамлакат эҳтиёжларини 35, нефтники 30 йил мобайнида қоплашга етади. Аммо Ўзбекистонда газ ва нефть захираларини излаб топиш даражаси ҳозир 30–32% дан ошмайди.

Газ қазиб олиш саноати ва уни ишлаб чиқаришининг ривожланиши, табиий газ ва газ конденсатини қайта ишлаш истиқболлидир. Газнинг таркибида этан, пропан ва бутан бўлиб, улардан полимер материаллари олинади. Шўртан газ-кимё мажмуидан олинаётган пропандан келгусида нитрон толаси ишлаб чиқариш мумкин.

5-жадвал

Ёқилғи-энергетика мажмуи ривожланишининг асосий кўрсаткичлари

	1997 йил	1997 й. да 1996 й. га нисбатан, %
Нефть, млн. т	7,9	103,5
Газ, млрд. м³	51,2	104,6
Бензин, минг т	1343,3	111,7
Дизель ёқилғиси, минг т	2034,6	109,3
Электр энергияси, млрд. кВт.с	46,0	101,4
Кўмир, минг т	2946	103,8

Ўзбекистонда турли йилларда 3 та йирик кўмир кони аниқланган. Улар Ангрен (Тошкент вилояти), Шарғун ва Бойсун (Сурхондарё вилояти) конларидир. Ангрен кони Оҳангарон дарёси водийсида жойлашган бўлиб, бу ерда кўмир қўнғир очиқ усулда казиб олинади. Унинг асосида Ангрен ГРЭСи ишлайди. Шарғун кони 600–800метр баландликдаги тоғликда жойлашган. Кўмир қазиб олиш жараёнида қимматли минерал хом ашё ресурслари ҳам ажратиб олинади. Улар каолин, кварц қумлари ва бошқалар бўлиб, кўплаб янги замонавий маҳсулотлар ишлаб чиқаришни ривожлантиришда хом ашё базаси бўлиб хизмат қилади.

Минерал-хом ашё ресурслари

Ўзбекистон минерал хом ашё ресурсларига жуда ҳам бой ва бу ерда стратегик материалларнинг катта захиралари жойлашган. Турли хил фойдали қазилма бойликларнинг 2700 дан ортиқ конлари топилган бўлиб, улар минерал хом ашёларнинг 93 турини ўз ичига олади. Конларнинг руда захиралари 2,3 триллион АҚШ доллари атрофида баҳоланмоқда. Минерал хом ашё потенциалининг умумий баҳоси 3,3 триллион доллардан зиёдроқдир.

Ҳар йили мамлакатимиз ер қаъридан 5,5 млрд. долларлик қазилма бойликлар олинмоқда. Қатор муҳим қазилма бойликлар – олтин, уран, мис табиий газ, вольфрам, калий тузлари, фосфоритлар, каолинининг аниқланган захираларга кўра Ўзбекистон нафақат МДҲда, балки бутун жаҳонда етакчи ўринлардан бирида туради. Масалан, олтин захиралари бўйича Ўзбекистон жаҳонда 4-ўринда, уни қазиб олиш даражаси бўйича эса 7-ўринда, уран захираси бўйича 7–8, мис бўйича 10–11-ўринларни эгаллаб турибди.

Ҳозирги вақтда олтиннинг 30 дан ортиқ конлари қидириб топилган. Унинг асосий захиралари Марказий Қизилқумда. Мурунтов олтин кони бутун Евроосиё қитъасида маълум ва машҳур, руда таркибида олтин миқдори юқори ҳисобланади. Ўзбекистон олтини жаҳонда энг сифатлилардан бўлиб, у қатор халқаро мукофотлар соҳиби бўлган.

Кейинги йилларда Самарқанд ва Тошкент вилоятларида янги олтин руда конлари қидириб топилди. Ўзбекистондаги ҳозирча қидириб топилган барча олтин захиралари тўрт минг тоннадан ошади.

Кумуш конлари Тошкент, Навоий ва Наманган вилоятларида жойлашган. Республикада 30 уран кони мавжуд. Унинг қидириб топилган захираси 50–60 йил давомида фойдаланишга етарли. Уран билан йўлдош рений, скандий ва бошқа металлар учрайди. Шунингдек мис, қўрғошин, қалай, вольфрам ва литий каби муҳим стратегик нодир ва рангли металларнинг йирик конлари бор. Республикада ҳар йили 80 минг тонна мис ишлаб чиқарилади. Амалдаги ишлаб турган конлар мисни яна 40–50 йил, қўрғошин ва қалайни 100 йил мобайнида ишлаб чиқаришни таъминлашга қодир.

Рангли металлар захиралари асосан Олмалиқ кон районида жойлашган. Қалмоққир мис кони ноёб ҳисобланади. Бу коннинг рудасини қайта ишлаш мамлакатдаги энг йирик корхоналардан бири Олмалиқ кон-металлургия комбинатида амалга оширилади. Шунингдек бу саноат районида мис, молибден, олтин, кумуш, рений, теллур, селен ва б. катта захираларига эга бўлган Дальний кони бор.

Қўрғошин-қалай металлари Олмалиқдаги Қўрғошинкон, Жиззах вилоятидаги Учқулоч ва Сурхондарё вилоятидаги Хондиза конларидан олинади. Бу конларда яна йўлдош металлар – мис, кумуш, кадмий, селен, олтин ва индий ҳам учрайди. Вольфрам конлари Жанубий Тяньшанда кўпрок учрайди. Ўзбекистонда молибденли формациялар ҳам бор. Чаткол-Курама тоғлари висмутга бой. Жанубий Фарғона белбоғининг ўзидан 100 дан ортиқ симоб ва 10 дан ортиқ сурьма рудаланишлари аниқланган.

Қора металлардан энг кўп тарқалганлари темир, титан, марганец, магний, хром ва бошқалардир. Темирнинг бир неча конлари ва руда кўринишлари аниқланган. Улар орасида муҳими Қорақалпоғистон Республикасидаги Тебинбулоқ титан-магний кони

ҳисобланади. Марганец конлари Зарафшон, Қоратепа, Лолабулоқ ва бошқа жойларда мавжуд. Магматик хром Қизилқумда, Фарғонада, айниқса Томдитов ва Султон Увайсда кўплаб учрайди.

Кон-кимё хом ашёси таркибида минерал тузлар, олтингугурт, шпатит ва бошқаларни кўрсатиш мумкин. Республика ош ва калий тузларига, магний ва натрийга бой. Уларнинг йирик конлари Бойбичекан, Тубагатан, Оқпат, Лалмикон ва Хўжаиконда жойлашган. Фосфоритларнинг захираси чексиз. Улардан унумли фойдаланиш учун Қизилқум фосфорит комбинати, Қўнғирот сода заводи жадал суръатларда қурилмокда. Калий тузлари билан таъминланганлик камида 100 йилга етади. Тубагатан калий тузлари базасида калийли ўғитлар ишлаб чиқариш корхонаси қурилмокда. Тузларни комплекс қайта ишлаш йўл-йўлакай бром, темир, магнезит ва гипс олиш имконини беради.

Ўзбекистонда нометалл хом ашё – глауконит, дала шпати, волластонит, графит, асбест, тальк, тальк тоши, абразивлар, қимматбаҳо ва ишлов бериладиган тошлар конлари кўп. Волластонитнинг 50 га яқин кўриниши ва конлари аниқланган. Графитнинг 30 дан ортиқ руда рудаланиши ва конлари маълум.

Қимматбаҳо ва ишлов бериладиган тошлардан топаз, феруза, аметисит, тоғ хрустали, халцедон, яшма, нефрит, лазурит, амазонит, родонит, агальматолит, мармар оникси ва бошқаларнинг анча йирик захираларини қайд этиш лозим.

Ўзбекистонда тоғ кон-металлургия хом ашёсининг жуда катта захиралари мавжуд.Уларнинг кўпчилигидан ўтга чидамли (оловбардош) материаллар сифатида фойдаланилади. Устюртда, Жанубий Орол бўйида, Султон Увайсда, Марказий Қизилқумда ва Зирабулоқ-Зиёвудин тоғларида бентонит гилининг 150 дан ортиқ конлари бор.

Ўзбекистон шароитида биноларга безак беришда ишлатиладиган гранит тошлари, кварц кумлари, цемент хом ашёси, ғишт хом ашёси, гипс, оҳак ва бошқалар қурилиш материаллари ҳисобланади. Мамлакатимизда мармарнинг 20, гранитнинг 15 га яқин кони аниқланган. Уларнинг захиралари 100 йилдан ортиқ вақтга етади.

Ер-сув ресурслари

Ўзбекистон ери ниҳоятда серҳосил. Қулай иқлим шароити, деҳқончиликнинг суғоришга асосланганлиги республикада қишлоқ хўжалигининг қудратли ресурс базасини ривожлантиришга шароит ҳозирлади.

Ўзбекистоннинг умумий ер майдони 447,9 млн. га, шундан 27,9 млн. га қишлоқ хўжалигига қарашли ерлар. Қишлоқ хўжалигида фойдаланишда бўлган ерларнинг 4474 минг га (15,9%) ҳайдалашиган ерлар. Республиканинг ер фонди фойдаланиш бўйича хилма-хил. Мамлакат умумий ер майдоннинг 5–6 млн. гектари деҳқончиликда фойдаланилади. Улар суғориладиган ва лалми ерлардир. Қолган ҳудудлар асосан яйлов ва қисман тоғ ўрмонларидан иборат.

Суғориладиган ерлар 4,2 млн. га дан иборат, шундан 1,6 млн. га чўл зонасида, қолган қисми сур тупроқли минтақада. Суғорилашиган ерлар Фарғона водийси, Зарафшон водийси, Амударёнинг қуйи оқимларида катта майдонларни эгаллайди. Жами суғориладиган майдоннинг қарийб 3 млн. гектари экинзор.

Лалмикор ерлар майдони 767 минг га дан зиёд. Экин экиш учун етарли даражада намлик тўпланадиган ерлардан фойдаланилади. Лалмикор ерларнинг нисбатан катта майдонлари Қашқадарё, Самарқанд, Тошкент, Жиззах вилоятларида жойлашган. Оч сур тупроқли лалмикор ерларнинг бир қисми суғориб экилади.

Чўл яйловлари Ўзбекистонда энг катта майдон – 22,8 млн. га ни ташкил этади, шундан 10 млн. га сур-қўнғир тупроқли, қарийб 13 млн. га қумли ерлар ва қумли тупроқлар. Қолган қисми ўтлоқи-тақир, тақир тупроқлар ва тақир ҳамда шўрхоклардан иборат. Чўл-яйлов жойлардаги суғоришга яроқли ялпи майдон қарийб 12 млн. га.

Ўзбекистон ўсимликлар дунёсининг хилма-хиллиги, турларга ғоят бойлиги ва уларнинг халқ хўжалигидаги муҳим салмоғи билан Марказий Осиёда ўзига хос ўринга эга. Ўлкада 146 оилага мансуб 4500 га яқин ўсимликлар тури мавжуд. Мамлакатимизда ўсимликлар ўсмайдиган жой йўқ. Уларни текисликдаги қумли чўллардан тортиб, қорли баланд тоғларгача бўлган турли рельеф ва тупроқ шароитида учратиш мумкин. Ўзбекистонда ўсимликлар тури минтақаларга кўра (чўл, адир, тоғ, яйлов) тарқалган.

Чўл (текислик) – денгиз сатҳидан 400–500 м гача бўлган баландликдаги жойлар. Ундаги ўсимликларнинг тури, асосан, қум ва гипсли тупроклар ҳамда шўрхоклар билан боғлиқ. Адирлар денгиз сатҳидан 500–700 м дан 1200–1600 м гача бўлган баландликдаги жойлар бўлиб, ўсимлик турларига жуда бой. Тоғларнинг денгиз сатҳидан 1200–1600 м дан 2700–2800 м гача бўлган жойларида табиий ҳолатда ўсадиган ўсимлик ва дарахтлар

тур таркиби бошқа минтақалардан фарқ қилади. Тоғларимизни арчазорларсиз тасаввур қилиб бўлмайди, улар тоғ ёнбағирларини эрозиядан сақлайди. Тоғларнинг 2700–2800 м дан юқорида жойлашган қисми яйлов тарзида фойдаланилади. Бу минтақа баланд бўйли дарахтларнинг ўсмаслиги, қоялар ва текисликлар (плато)нинг кўплиги билан ўзига хос манзара ҳосил қилади.

Ўзбекистон ҳайвонот дунёси ҳам турларга ниҳоятда бой. Сут эмизувчи ҳайвонлар 6 туркум: ҳашаротхўрлар (6 тур), қўлқанотлилар (20), қуёнсимонлар (2), кемирувчилар (37), йиртқичлар (24), туёқлилар (8) га мансуб. Республикада қушларнинг 410 тури бор, шулардан 184 тури чумчуқлар туркумига киради. Судралиб юрувчиларнинг 57 тури мавжуд. Сув ҳавзаларида 60 га яқин турдаги баликлар бор. Тирга энг бой синф ҳашаротлардир. Улар 15 минг турдан ортиқроқ.

Ўзбекистондаги д а р ё л а р асосан тоғлардаги қор ва музликлардан сув олади. Иқлим иссиқ ва қуруқ бўлганлигидан дарёларнинг суви уларнинг ўрта ва қуйи оқимида суғоришга ва буғланишга сарф бўлади. Текисликдаги дарёларнинг сувлари эса қор ва ёмғирлардан ҳосил бўлади.

Республиканинг энг йирик сув артериялари – Амударё ва Сирдарё Ўзбекистондан ташқарида бошланади. Ўзбекистоннинг энг йирик дарёлари: Норин, Қорадарё, Сўх, Чирчиқ, Зарафшон, Сурхондарё, Қашқадарё, Шерободдарё. Уларнинг кўпчилиги фақат ўрта ва қуйи оқимида мамлакатимиз ҳудудидан оқиб ўтади. Дарёларнинг тўлинсув даври сув манбаининг тури ва сув йиғиш ҳавзасининг баландлигига қараб баҳор ёки ёзда кичикроқ дарёларда 1–2 ой, йирик дарёларда 3–4 ой давом этади. Бу даврда дарёлар йиллик сув ҳажмининг 70–95 % оқиб ўтади.

С е л о қ и м л а р и Ўзбекистоннинг тоғли ва тоғ олди ерларида кенг тарқалган. Сел келиши хавфи бўлган ҳудудлар сел суви йиғиладиган майдонларга ва тупроқ-грунтларнинг сув сингдириш имкониятларига қараб аниқланади. Сел баҳор ва ёз бошларида айниқса Фарғона водийсида, Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятларида кўпроқ кузатилади.

Ўзбекистонда йирик к а н а л л а р мавжуд. Улардан асосан суғориш мақсадларида фойдаланилади. Улар орасида Занг, Далварзин, Нарпай, Пахтаарна, Қиличниёзбой, Қизкеттен, Жанубий Фарғона, Шимолий Фарғона, Катта Фарғона, Тошсоқа, Эски Ангор, Жанубий Мирзачўл, Аму – Қоракўл, Аму – Бухоро, Катта

Андижон, Катта Наманган, Қарши магистрал, Шимолий Мирзачўл каналларини кўрсатиш мумкин. Мавжуд каналларнинг умумий узунлиги қарийб 160 минг км, шундан 22 минг км хўжаликлараро каналлар, қолган қисми ички хўжалик тармоқларидир. Ўзбекистонда гидроэлектр станциялари учун хизмат қиладиган каналлар ҳам мавжуд.

Ўзбекистон ҳудудидаги энг йирик кўл бу Орол денгизидир. Аммо кейинги йилларда Оролга сув берувчи Амударё ва Сирдарёнинг суви кўплаб суғоришга ишлатилгани ва сув омборларига тўпланганлиги туфайли денгиз сатҳи ҳалокатли қисқариб, шўрлиги ҳам кескин ортиб бормоқда. Мамлакатимизда жами 250 га яқин катта-кичик кўллар бор. Амударё дельтасидаги энг катта кўл Судачье кўлидир. Тоғларда ҳам кўллар кўп. Тоғлардаги аксарият кўллар 2000–3000 м баландликда жойлашган. Тоғ кўлларининг сатҳи 1 км^2 дан ошмайди. Текисликдаги кичик кўллар Сирдарё ва Амударё қайирларида, Амударё дельтасида, суғориладиган воҳалар чеккаларида жойлашган.

Ўзбекистонда сўнгги йилларда бир қанча сув омборлари қурилди. Улар асосан ирригация мақсадлари учун мўлжалланган. Улардан энг йириклари Андижон, Чорвоқ, Каттақўрғон, Жанубий Сурхон, Чимкўрғон, Қуйимозор, Пачкамар, Каркидон, Учқизил, Косонсой, Жиззах, Туямўйин, Туябўғиз, Ҳисорак сув омборларидир. Сув омборларининг ҳажми уларга сув берувчи дарёлар режими ва сув хўжалиги мақсадлари билан боғлиқ.

III БОБ

САНОАТ

- Саноатнинг иқтисодиётда тутган ўрни ✓
- Ёқилғи-энергетика мажмуи ✓
- Металлургия
- Кимё саноати
- Машинасозлик ва металлни қайта ишлаш
- Ёғочсозлик саноати
- Қурилиш материаллари саноати
- Енгил саноат ✓
- Озиқ-овқат саноати ✓
- Ун, дон, аралаш ем саноати

Саноат халқ хўжалигининг йирик соҳаси – унда 1 млн.дан ортиқ ишчи ва хизматчилар меҳнат қилади. Бу иш билан банд бўлган аҳолининг 1/8 қисмини ташкил этади. Саноатда 100 дан ортиқ тармоқ бўлиб, улардан 6 таси базавий ҳисобланади. Асосий фондларнинг 40% саноат ҳиссасига тўғри келади, ялпи ички маҳсулотнинг 16% дан ортиқроғи саноатда яратилади. Ўзбекистон саноатида электр энергияси, газ, нефть, кўмир, бензин, пўлат, автомобиллар, тракторлар, пахта териш машиналари, электродвигателлар, трансформаторлар, аккумуляторлар, кабеллар, экскаватор, кўприкли кўтаргичлар, йигирув машиналари, самолётлар, олтингугурт кислотаси, минерал ўғитлар, сунъий толалар, цемент, турли қурилиш материаллари, газламалар, пахта мойи, ун, гуруч, кийим-кечак, озиқ-овқат маҳсулотлари ва бошқалар ишлаб чиқарилади. Республика саноатида тармоқларнинг тутган ўрни ҳар хил (1-жадвал). Саноат тармоқлари орасида қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишловчи ва агросаноат мажмуига хизмат кўрсатувчи тармоқлар тарихан етакчи мавқега эга. Булар пахта тозалаш, шойи тўқиш, консерва, ёғ-мой ва бошқа саноат турларидир. Шунингдек кимё ва нефть кимёси, машинасозлик, электроника, энергетика, металлургия, енгил ва қурилиш материаллари саноати жадал суръатларда ривожланмоқда.

Саноат тараққиётида ёқилғи-энергетика мажмуасининг ўрни алоҳида. Унинг таркибига газ, нефть ва нефтни қайта ишлаш,

кўмир ва энергетика киради. Бу мажмуанинг ҳиссаси саноат ишлаб чиқаришида 26,8% дан иборат. Ўзбекистон жаҳондаги ўнта йирик газ ишлаб чиқарувчи мамлакатлар жумласига киради. Республикада қудратли гидроэлектр станциялари ва иссиқлик электр станциялари мавжуд.

Металлургия мажмуаси таркибига маъдан хом ашёсини, қора ва рангли металларни қазиб чиқарувчи, бойитувчи ва қайта ишлаб чиқарувчи корхоналар киради. Олтин, кумуш, мис, қўрғошин, рух, вольфрам, молибден, литий, уран, алюминий хом ашёси, нодир металлар ва бошқа қатор қазилма бойликларнинг аниқланган захиралари кўп. Ўзбекистонда олтиннинг 30 та кони топилган. Қазиб олинадиган олтиннинг умумий миқдори бўйича Ўзбекистон МДҲ мамлакатлари орасида иккинчи, кумуш, мис, қўрғошин, рух ва вольфрам бўйича учинчи ўринни эгаллайди. Ўзбекистон жаҳон ҳамжамиятида олтин ишлаб чиқариш миқдори бўйича саккизинчи, уни аҳоли жон бошига ишлаб чиқариш бўйича эса бешинчи ўринда туради.

Кимё ва машинасозлик мажмуалари саноатнинг муҳим соҳаларидир, янги иқтисодий шароитда бу тармоқларда чуқур таркибий қайта қурилиш амалга оширилмоқда. Улар мамлакатнинг иқтисодий мустақиллигини мустаҳкамлашга йўналтирилган.

Ишлаб чиқарилаётган истеъмол молларининг учдан бир қисми енгил саноат корхоналари томонидан амалга оширилмоқда. Бу ерда анъанавий етакчи соҳа тўқимачиликдир.

1-жадвал

Саноат маҳсулотининг тармоқлар бўйича таркиби (%)

Тармоқлар	1994	1995	1997
Бутун саноат	100,0	100,0	100,0
Ёқилғи-энергетика мажмуи	18,3	18,3	26,8
Металлургия	14,1	13,9	10,7
Кимё ва нефть саноати	4,6	5,2	4,2
Машинасозлик ва металлни қайта ишлаш	7,3	8,8	12,0
Ёғочсозлик саноати	0,9	1,0	0,8
Қурилиш материаллари саноати	5,0	4,5	4,2
Енгил саноат	19,0	18,6	17,6
Озиқ-овқат саноати	9,7	9,8	9,8
Ун, дон, аралаш ем саноати	9,9	9,9	9,9

Ёқилғи-энергетика мажмуи

Энергетика Республика халқ хўжалигининг негиз тармоғи, республикада иқтисодиёт ва техника тараққиётининг мустаҳкам пойдевори ҳисобланади. Ўзбекистон энергетика системаси умумий ўрнатилган қуввати 11,5 млн. кВт бўлган 37 иссиқлик ва гидравлик электр станцияларда йилига 55 млрд. кВт. с дан ортиқ электр энергияси ишлаб чиқариш имкониятига эга. Ўзбекистон энергетика системасининг барча кучланишлардаги электр тармоқларининг умумий узунлиги қарийб 228 минг км ни ташкил қилади. Тармоқ трансформаторларининг умумий қуввати 42,6 МВА га тенг. Ҳозир республика энергетика тизимида 60 мингга яқин киши ишлайди.

Ўзбекистонда электр қувватидан асосан 20-аср бошларидан фойдаланила бошланди. Ўша даврда Тошкентда 2 электр станция қурилган бўлиб, бири (қуввати 1450 кВт, 5 дизель) трамвайни ток билан таъминлаш, иккинчиси (Павлов электр станцияси, қуввати 125 кВт) шаҳарни ёритиш учун ишлатилган. 1913 йилда Ўзбекистон ҳудудида умумий қуввати 3 МВт чамасида бўлган 6 кичик дизель электр станциялари бўлган, йиллик электр энергияси ҳосил қилиш 3,3 млн. кВт. с га етган.

20-йилларда Ўзбекистонда иссиқлик энергетикаси дизель ва майда буғ турбинали электр станцияларини қуриш йўналишида ривожланди. Дизель электр станциялар умумий мақсадларда ҳамда иссиқлик энергиясига эҳтиёжи бўлмаган пахта заводлари, насос станциялари, каналлар ва бошқа корхоналар қошида қурилди. Республикадаги дастлабки буғ турбинали электр станциялари Фарғона ва Каттақўрғон ёғ-мой заводларида қурилди. Фарғона ёғ-мой заводининг «Шарқ тонги» иссиқлик электр маркази (ИЭМ) умумий мақсадлардаги электр станцияси бўлган биринчи ИЭМдир.

1934 йил 25 сентябрда Ўзбекистон энергия системасининг ташкилий асоси – «Ўзбекэнергия» энергетика бошқармаси (ҳоз. ЎзР Энергетика ва электрлаштириш вазирлиги) тузилди.

30-йиллар бошидан Чирчиқ-Бўзсув ГЭСлар каскади барпо этилди. Ўзбекистондаги биринчи гидроэлектр станцияси Бўзсув ГЭС шу трактда қурилиб, 1926 йилда ишга туширилган эди. Чирчиқ – Бўзсув гидроэнергетика трактида гидроэнергетика қурилиши тез суръатлар билан давом эттирилиб, 1926 йилдан 1940 йилга қадар мазкур тракт гидроэлектр станцияларида 67 минг кВт

генератор қувватлари ишга туширилди.

Урушдан кейинги йилларда Ўзбекистон энергетика системасида қувватларни ошириш гидроэлектр станциялар қурилиши ҳисобига амалга оширилди. 1950 йилда Ўзбекистон умумий энергетика балансида ишлаб чиқарилган электр энергиянинг 64,3% ГЭСлар ҳиссасига тўғри келди. Республика халқ хўжалигининг энергия таъминоти Чирчиқ ва Сирдарё дарёларининг сувчанлигига бевосита боғлиқ бўлиб қолди.

50-йилларнинг 2-ярмига келиб Ўзбекистонда жуда бой табиий газ захираларининг топилиши электр энергияси ишлаб чиқаришни кескин ошириш имкониятини яратди. 60–70-йилларда табиий газ негизида ишлайдиган Тошкент, Навоий, Тахиатош, Сирдарё ГРЭСлари, Ангрен кўмир кони базасида ишлайдиган Ангрен ГРЭСнинг ишга туширилиши натижасида энергетика қувватлари умумий балансида иссиқлик электр станциялари (ИЭС)нинг ҳиссаси 80% га етди. Электр станциялари қурилиши билан бир вақтда электр тармоқлари, электр узатиш линиялари (ЭУЛ) ва шаҳарлар яқинида кичик станциялар барпо этиш давом эттирилди.

1960 йили 110 ва 220 киловольтли электр узатиш линиялари билан Ўзбекистон, Тожикистон, Туркманистон, Қирғизистон ҳамда Қозоғистоннинг жанубидаги 5 вилоятини бирлаштирган Ўрта Осиё Бирлашган энергетика системаси ташкил этилди. Тошкентда Бирлашган энергетика системалари иш тартиботини оператив бошқариш учун Бирлашган диспетчерлик бошқаруви тузилди (1991 йилдан «Энергия» бирлашган диспетчерлик маркази). Энергетика системаларини бирлаштириш халқ хўжалигида электр таъминоти сифати ва пухталигини тубдан яхшилади, гидро ресурслар ва ёқилғидан оқилона фойдаланиш имкониятларини яратди, ўрнатилган қувватлар захираларини камайтирди. Бу даврда Ўзбекистонда жамоа ва давлат хўжаликлари, туман марказлари энергия системаси тармоқларига бирлаштирилди. 1965 йилга келиб барча шаҳарлар ва аҳоли пунктларининг электр таъминотини марказлаштиришга имкон берадиган Ўзбекистонда ягона энергия системаси яратилди. 1980 йилдан Бирлашган энергетика системаси таркибида 9 энергетика система – Ўзбекистон, Душанбе, Вахш, Шимолий Тожикистон, Фрунзе (ҳозирги Бишкек), Жанубий Қирғизистон, Олмаота, Жанубий Қозоғистон, Шарқий Туркманистон, Небитдоғ

системалари ишлади; уларнинг ўрнатилган қуввати 19 млн. кВт га етказилди. Ҳозир Ўрта Осиё Бирлашган энергетика системасининг умумий ўрнатилган қуввати 25 млн. кВтни ташкил этади.

Ҳозирги даврда Ўзбекистон энергетика системаси 19 минг саноат, 80 минг қишлоқ хўжалиги, 19 минг коммунал ва 3,5 млн. маиший истеъмолчиларни энергия билан таъминлайди. 0,4–6-10 кВ кучланишли электр узатиш йўлларининг ялпи узунлиги 190 минг км дан ортиқ. Республика бўйича жами электр энергияси истеъмоли 46,1 млрд. кВт. соатни ташкил этади.

Республика энергетикаси истиқболда гидроэнергетика ва иссиклик энергетикаси йўналишида ривожланади.

Г и д р о э н е р г е т и к а. Ўзбекистон энергетика системасида жами 27 ГЭСларда ўрнатилган қувватлар 1420 МВт ни ташкил этади. Уларда 6331,2 млн. кВт. с. электр энергияси ишлаб чиқарилмоқда.

Ўзбекистон гидроэнергетикасини ривожлантиришда Пском дарёси, Тўпаланг, Ҳисарак, Оҳангарон сув омборларида ГЭСларни лойиҳалаш ва қуриш йўналиши етакчи ўринда туради (2, 3-жадвал).

И с с и қ л и к э н е р г е т и к а с и. 60-йилларда республикада электр энергияси ҳосил қилишни кўпайтириш асосан газда ишлайдиган йирик ИЭС ни ишга тушириш йўналишида олиб борилди. Йирик ИЭСлар қурилиши натижасида Ўзбекистон энергетика системасининг ўрнатилган қувватлари 11,3 минг МВт га етди. Яқин йилларда Янги Ангрен ГРЭСида 8-блок ва Талимаржон ГРЭСнинг 1-блокини ишга тушириш режалаштирилган.

Ўзбекистон Энергетика ва электрлаштириш вазирлиги таркибида лойиҳа, қурилиш-монтаж, созлаш, таъмирлаш ва ишлатиш ташкилотларининг тўла мажмуи энергетика тизимининг ишончли ишлашини ва истиқбол тараққиётини таъминлайди. Ўзбекистон энергетика системаси ҳозир республика халқ хўжалиги ва аҳолисининг электр энергиясига бўлган эҳтиёжларини тўла таъминламоқда ва электр энергиясини қисман қўшни давлатларга экспорт қилмоқда. 1997 йилда Ўзбекистонда жами 46,0 млрд. кВт-соат электр энергияси ишлаб чиқарилди.

2-жадвал

Республикадаги энг йирик иссиклик электр станциялари

Номи	Ўрнатилган қувватлар, МВт	Турбоагрегатлар сони	Қурилган йиллар	Жойлашган шаҳар	Изоҳ
Сирдарё ГРЭС	3000	10	1972–1981	Ширин	
Янги Ангрен ГРЭС	1800	6	1985-қурилиш давом этмоқда	Нуробод	Лойиҳа қуввати 2400 МВт
Тошкент ГРЭС	1860	12	1963–1971	Тошкент	
Навоий ГРЭС	1250	11	1963–1981	Навоий	
Ангрен ГРЭС	484	8	1957–1963	Ангрен	
Тахиатош ГРЭС	730	5	1961–1990	Тахиатош	
Талимаржон ГРЭС	-	-	қурилиш 1984 йилда бош-ланган	Нуристон	Лойиҳа қуввати 3200 МВт

3-жадвал

Республикадаги энг йирик гидроэлектр станциялари

Номи	Ўрнатилган қувватлар, МВт	Турбиналар сони	Қурилган йиллар	Сув манбаи
Чорвоқ ГЭС	620,5	4	1970-1972	Чирчиқ
Хўжакент ГЭС	165	3	1976	Чирчиқ
Ғазалкент ГЭС	120	3	1980-1981	Чирчиқ
Фарҳод ГЭС	126	4	1948-1949	Сирдарё

4-жадвал

Йирик иссиклик электр марказлари

Номи	Ўрнатилган қувватлар, МВт	Қурилган йиллар	Жойлашган шаҳар	изоҳлар
Фарғона ИЭМ	330	1956-1979	Киргули	
Муборак ИЭМ	60	1985-1988	Муборак	лойиҳа қуввати 140 МВт
Тошкент ИЭМ	30	1939-1954	Тошкент	

Ёқилғи саноати. Республика ёқилғи саноати ер қаърида топилган ва қазиб олинаётган кўмир, нефть, табиий газ конлари негизида шаклланди ва ривожланиб бормоқда. Республикада 160 га яқин нефть-газ кони очилган, уларнинг 115 таси Бухоро-Хива геологик провинциясида,-27 таси Фарғона водийси, 10 таси Сурхондарё, 7 таси Устюртда жойлашган. Конларнинг газ, газ-конденсатли, газ-нефть, нефть, газ-нефть конденсатли ва нефть-газ конденсатли турлари мавжуд. Хозир 71 нефть, газ ва газ-конденсат конлари, 2 кўмир конидан фойдаланилмокда. 50 дан ортик нефть, газ ва газ-конденсат кони эса яъни келажакда ишга тушириш учун тайёрлаб қўйилган.

Ёқилғи саноати республика ёқилғи-энергетика мажмуининг асосий тармоғини ташкил этади ва барча турдаги ёқилғини қазиб олиш, табиий газни тозалаш ва етказиб бериш, нефть маҳсулотлари ишлаб чиқариш корхоналаридан иборат. Улар халқ хўжалигининг барча бўғинларига хизмат кўрсатади. Унинг йирик корхоналари Тошкент, Фарғона, Бухоро, Қашқадарё, Сурхондарё вилоятларида жойлашган. Республика саноат маҳсулотининг умумий ҳажмида ёқилғи-энергетика мажмуи маҳсулотлари ҳажми 26,8% ни ташкил этмокда (1980 йилда 8,8%). Республика саноатида банд бўлган ишчи-хизматчилар (саноат ишлаб чикариш ходимлари)нинг 6% ёқилғи саноати тармоклари ҳиссасига тўғри келади (80 минг кишидан ортик). Республикада 1992 йилда ёқилғи саноатида қазиб олинган ёқилғи (шартли ёқилғи – 7000 килокалория ҳисобида) умумий ҳажмида нефтнинг ҳиссаси 8,3% ни, газнинг ҳиссаси 87,3% ни, кўмир ҳиссаси 4,4% ни ташкил этган. Кўкдумалок нефть-газ-конденсат конининг очилиши ва ишга туширилиши билан нефть саноатининг ёқилғи саноати мажмуидаги мавкеи ортиб бормокда.

Нефть саноати. Ўзбекистонда дастлабки нефть кони 1904 йилда очилган (Фарғона водийсидаги Чимён нефть конида 278 м чуқурликдан суткасига 130 тонна нефть олинган). Ўша йили Ванновск (ҳоз. Олтиарик) темир йўл станциясида нефтни қайта ишлаш заводи ишга туширилди. Кейинрок Фарғона ботиғида Ёркўтон, Селрохс конлари ҳам очилди, Чимён-Ваннювск нефть кувури курилди, нефтни кайта ишлаш заводи кенгайтирилди. Шу даврда рус ва чет эл капитали нефть қазиб олиш, уни қайта ишлаш, нефть маҳсулотларини сотишни тўла ўз назоратига олди. «Санто» – Ўрта Осиё нефть савдоси ширкати ташкил этилди.

1913 йилда жами 13 минг тонна нефть қазиб олинди.

Октябрь тўнтаришидан кейин нефть конлари ва нефтни қайта ишлаш корхоналари национализация қилиниб, нефть конларини излаш, ишга тушириш учун Ўзбекистонга бошқа республикалардан, айниқса Россиядан кўплаб мутахассислар кела бошлади. Қўқон шаҳрида «Ўзбекнефть» (1924), Термиз шаҳрида «Термизнефть» (1936) трестлари ташкил қилинди. 1940 йилда республикада нефть олинадиган конлар сони 11 тага етди.

1941–45 йилларда янги нефть конлари (Фарғона водийсида Жанубий Оламушук, Полвонтош, Андижон) очилди. Олтиарик заводи кенгайтирилди. Ўша даврда республикада нефть саноатининг инфратузилмаси ҳам вужудга келди. 1945 йилда 478 минг т нефть қазиб олинди, 50-йиллардан нефть конларида телемеханизация воситалари қўлланилди, турбинали бурғилаш жорий қилина бошлади. 1959 йилда Фарғона водийси ва Сурхондарё вилоятидаги 9 нефть конининг ўзидан 1460 минг т дан зиёд нефть олинди. Ўша даврда Бухоро-Хива провинциясида топилган нефть конлари ишга туширилди, уларнинг негизида нефть ва газ қазиб олиш бошқармаси ташкил этилди. 70-йиллар бошидан айрим нефть конларидаги захираларнинг тугаши натижасида нефть қазиб олиш камайди.

Янги нефть конларини топиш учун чуқур қудуқлар қазиш ўзлаштирилди. Ворухда 5200 м, Гумхонада 5670 м, Чуст-Попда 5805 м, Мингбулокда 6006 м ўта чуқур нефть қудуқлари бурғиланди.

1985 йилда Бухоро-Хива провинциясида яхши таркибли йирик нефть-газ конденсатли Кўкдумалоқ кони очилди. 1993 йили Фарғона ботиғининг ўта чуқур қатламларидан (Мингбулоқ тузилмасидан) нефть отилиб чиқди (қидирув-бурғилаш ишлари давом этмоқда). Республика нефть саноати халқ хўжалигининг нефтга бўлган талабини тўлиқ қондириш имкониятларига эга.

Нефтни қайта ишлаш саноати соҳасида Олтиарик, Фарғона, Бухоро нефтни қайта ишлаш заводлари ишлаб турибди. Фарғона заводи сурков мойлари ва ёнилғи ишлаб чиқаришга ихтисослашган, ишлаб чиқариш бўйича 30 дан ортиқ технологик қурилмага эга. Олтиарик нефть заводи эса ёнилғи йўналишида. Кўкдумалоқ нефть-газ кони очилганидан кейин Францияниng ТЕКНЕП фирмаси билан ҳамкорликда 1993 йилдан Бухоро вилоятининг Қоровулбозор туманида Бухоро нефтни қайта ишлаш заводи қурилиши бошланди

ва бир йилда 2,5 млн. т газ конденсатини қайта ишлаш қувватига эга бўлган 1-навбати 1997 йил августида ишга туширилди. Нефтни қайта ишлаш заводларида юқори октанли бензин (шу жумладан Б-92 авиабензини), дизель ёнилғиси, кокс, парафин, мотор мойларига қўшилмалар, енгил автомашиналар учун мотор ва сурков мойлари (компрессор, турбина, урчуқ мойлари), керосин, битум, суюлтирилган нефть газлари (бутан, техник пропан ва б.), мазут каби 50 турдан ортиқ нефть маҳсулотлари ишлаб чиқарилади. Янги маҳсулот турлари ишлаб чиқаришни ўзлаштириш дастурига мувофиқ янги технологиялар ўзлаштирилмоқда. Ҳозирги даврда республикамиз нефть саноати корхоналари қувватлари бир йилда 11 млн. т нефтни қайта ишлаш имкониятига эга.

5-жадвал

Нефть ва газ қазиб олиш ҳажмининг ўсиши

	1960	1970	1980	1990	1995	1997
Нефть (газ конденсати б-н бирга), минг т.	1603	1805,3	1329,4	2810	7600	7900
Газ, млн. м³	446,6	32094	34840	40761	4860	5120

Кейинги йилларда кўрилган кескин тадбирлар натижасида нефть (газ конденсати билан бирга) қазиб олиш ҳажми юқори суръатларда ўсди. Республиканинг нефть мустақиллиги таъминланди.

Газ саноати – ёқилғи-энергетика мажмуасининг энг ривожланган тармоғи. Унинг республикада қазиб олинаётган ёқилғи балансидаги ҳиссаси 87,2 % ни ташкил этади. Нефть билан йўлдош тарзда учрайдиган табиий газни қазиб олиш урушдан олдинги йиллардан бошланган (1940 йилда 0,7 млн. м³). Нефть газидан саноат мақсадларида фойдаланиш учун 15 км узунликдаги биринчи газопровод «Андижонсаноат» – Андижон шаҳри ўртасида қурилган (1944). Газни алоҳида саноат усулида чиқариб олиш 50–60-йилларда бошланди. Газ қазиб олиш саноати жойлашган асосий районлар – Бухоро ва Қашқадарё, шунингдек Фарғона, Сурхондарё вилоятлари ҳамда Қорақалпоғистон Республикасидир.

1958–60 йилларда Жарқоқ – Бухоро – Самарқанд – Тошкент

магистрал газопроводи қурилиши билан республика саноат марказлари, шаҳар ва айрим қишлоқларни газлаштириш бошланди. 1962 йилда катта захирага эга бўлган Газли кони ишга туширилди. Зудлик билан магистрал газопроводлар қурилиб Ўзбекистон гази собиқ Иттифоқнинг Европа қисми, Урал, Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон, Болтиқ бўйи мамлакатлари ва бошқа минтақаларга узлуксиз жўнатиб турилди. Ниҳоятда қисқа муддатларда Бухоро – Урал (1, 2, 3 навбатлари), Ўрта Осиё – Марказ, Бухоро – Тошкент – Фрунзе (Бишкек) – Олма-ота газопроводлари қуриб фойдаланишга топширилди. Ўрта Осиё – Марказ газопроводига Туркманистон ва Қозоғистон ҳам газ етказиб бериб турди. 1970 йилга келиб республикада жами 32 млрд. м^3 табиий газ қазиб олишга эришилди (1960 йилда 447 млн. м^3 эди). Ўша йиллари Бухоро – Хива провинцияси таркибида олтингугуртсиз яна бир канча газ конлари очилди.

Ўзбекистон табиий гази мураккаб геологик қатламларда (3500 м ва ундан чуқурда, босими 600 атмосферагача) жойлашган. Таркибида водород сульфид (6% га қадар), карбонат кислота каби агрессив аралашмалар бўлган газ конларини ишга туширишда бир қанча илмий-техникавий муаммоларни ҳал этишга тўғри келди.

1972 йил Муборак газни қайта ишлаш заводининг биринчи навбати ишга туширилиб, газни магистрал газопроводларга узатишдан олдин аралашмалардан тозалаш имкониятлари яратилди. Шўртанда газ мажмуаси қурилди, олтингугурти озроқ табиий газни энергетика эҳтиёжлари учун узатиш мақсадида Шўртан – Сирдарё – Тошкент газопровди ишга туширилди. Газли – Чимкент газопроводи қурилиб фойдаланишга топширилди. Муборак газни қайта ишлаш заводида газдан олтингугурт ажратиб олишда аминли усулдан фойдаланилди. Шўртан газ мажмуасида эса жаҳонда биринчи бўлиб молекуялр элак (ғалвир)лар қўлланилди. Қазиб олинаётган газнинг карийб 98 % олтингугуртли газ конларига тўғри келади. Фарғона нефтни, Муборак газни қайта ишлаш заводлари ва Шўртан газ мажмуасида йилига 100 минг т га яқин суюлтирилган газ ишлаб чиқарилади.

Республикадаги газ узатиш бўлинмалари 7 магистрал газ қувури тармоғи (Бухоро – Газли – Тошкент, 522 км; Муборак – Навоий, 112 км; Шўртан – ТошГРЭС, 602 км; Калиф – Душанбе, 408 км; Бухоро – Урал, Ўзбекистон ҳудудидан ўтадиган қисми 489 км; Ўрта Осиё – Марказ, Ўзбекистон ҳудудидан ўтадиган қисми 369

км), умумий қуввати 1576,6 минг кВт бўлган 25 компрессор станцияси, 283 газ тақсимлаш станцияси, 5 ер ости газ сақлаш омборига эга. Диаметри 720 – 1220 мм ли магистрал газ қувурларининг умумий узунлиги 12,5 минг км.

Республикада газ саноатининг ривожланиши қишлоқ хўжалиги ва бошқа саноат тармокларининг ўсишини таъминлади. Шаҳар, шаҳарча ва айниқса қишлоқларни газлаштириш авж олди. Республикада табиий газ билан 3,8 млн. хонадон (жами хонадонларнинг 66%), шу жумладан шаҳар ва шаҳарчаларда 1,85 млн., қишлоқ жойларида 1,98 млн.дан ортиқ хонадон таъминланган (1995).

Тармокнинг илмий-моддий базаси, тармокни бошкариш. Республика ёқилғи саноати, хусусан, нефть, нефтни қайта ишлаш, газ саноати илгари собиқ Иттифоқнинг тегишли вазирликларига бевосита бўйсунар эди.

Ўзбекистон мустақилликка эришгач, мамлакатнинг нефть ва газ маҳсулотларига бўлган эҳтиёжини ўз ресурслари ҳисобига қондириш долзарб масала бўлиб қолди. Тарқоқ иш олиб борган илмий ва ишлаб чиқариш тармоқлари бирлаштирилиб, ягона ташкилот – Ўзбекистон нефть ва газ саноати давлат концерни ташкил этилди (1991). Кейинроқ концерн негизида Ўзбекистон нефть ва газ саноати миллий корпорацияси («Ўзбекнефтгаз») тузилди (1992).

Корпорация таркибида йирик бирлашма ва бошқармалар фаолият кўрсатиб келмокда. Улар жумласига «Ўзнефтқазиболиш» давлат-акциядорлик бирлашмаси (1994 й.), «Ўзнефтгазқурилиш» давлат-акциядорлик бирлашмаси (1992 й.). «Ўзгазузатиш» давлат бирлашмаси (1993 й.). «Илмнефт-газ» илмий ишлаб чиқариш бирлашмаси (1993 й.), «Ўзнефтқайтаишлаш» давлат ишлаб чиқариш бирлашмаси (1992 й.), «Ўздавнефтмаҳсулот» давлат-акциядорлик бирлашмаси (1992 й.) ҳамда нефть ва газ корхоналарини кенгайтириш, қайта жиҳозлаш, тармокда илғор, янги технологияларни жорий этиш ишларини амалга оширадиган «Ўзнефтгазкомплекс» бирлашмаси, шунингдек корпорация таркибидаги корхоналар ва ташкилотларнинг кооператив ва ташқи иқтисодий алокаларини мувофиқлаштирадиган «Ўзташкинефтгаз» бирлашмалари киради.

Корпорация таркибида, булардан ташқар яна, «Ўзбекгеофизика» давлат геология корхонаси, «Ўзбекнефтгазгеология» давлат

геология корхонаси, «Нефтгазтаъминот» бирлашмаси, «Ўзбекнефтгазинспекция», «Ўзнефтгазалоқа» бошқармалари бор. Республика нефть ва газ саноатини ривожлантиришнинг истиқбол концепцияси ишлаб чиқилган ва у изчиллик билан амалга оширилмоқда.

Корпорация Япония, АҚШ, Франция, Малайзия, Германиянинг энг йирик фирмалари билан ҳамкорлик қилмоқда.

Кўмир саноати. Ўзбекистонда кўмирни саноат усулида қазиб олиш 1930 йиллар охиридан бошланган. Тошкент вилояти Оҳангарон водийсида Ангрен қўнғир кўмир, Сурхондарё вилоятида Шарғун, Бойсунтоғ тошкўмир конлари бор.

1940–48 йилларда Ангрен қўнғир кўмир конида кўмир очиқ ва ёпиқ усулларда қазиб олина бошлади. 1950 йилга келиб, республикада 1,4 млн. т кўмир қазиб олинди, Ангрен кўмир ҳавзаси ёнида Ангрен шаҳри қад кўтарди. 1941 йилда Шарғун посёлкаси яқинида Шарғун тошкўмир кони очилиб, 1958 йилда ишга туширилган. Унинг йиллик ишлаб чиқариш қуввати 200 минг т Шахтада брикетлаш фабрикаси ишлайди (йиллик қуввати 150 минг т). 1961 йили Ангрен кўмир конида ер ости газогенераторларида кўмирни юқори босимдаги ҳаво оқими ёрдамида энергетик газга айлантирадиган «Еростигаз» станцияси қурилди (йиллик ишлаб чиқариш қуввати 800 млн. $м^3$ газ).

1990 йилда республикада 6,4 млн. т кўмир қазиб чиқарилди. Кейинги йилларда бу кўрсаткич сезиларли пасайди. 1997 йилда республикамизда 2946 минг т кўмир қазиб олинди. Аммо Ангрен ва Янги Ангрен ГРЭСларининг тўла қаттиқ ёқилғига ўтказилиши билан республиканинг кўмирга бўлган эҳтиёжи ортмоқда.

1927 йилдан Ўзбекистон ва қўшни республикалардаги кўмир конлари Иттифоқ Халқ хўжалиги олий кенгаши таркибида «Ўртаосиёкўмир» кўмир саноати бирлашмасига кирган. 1957–1970 йилларда ҳар бир республикада кўмир саноати мустақил бошқарувга эга бўлди, Ўзбекистонда «Ўзбеккўмир» комбинати иш олиб борди. 1970 йилда Ўрта Осиёдаги жами конлар яна «Ўртаосиёкўмир» комбинатига уюшди (1976 йилдан ишлаб чиқариш бирлашмаси). Республика мустақилликка эришганидан кейин Ўзбекистон кўмир конлари негизида «Кўмир» кўмир қазиб олиш ва сотиш акциядорлик бирлашмаси тузилди (1994).

Металлургия саноати

Ҳозир Ўзбекистон ерларида рудадан металл олиш 4 минг йилдан зиёд тарихга эга. Қадимда мисдан турли безак буюмлар тайёрланган. Кейинроқ рудали металлар – қалай, кумуш, олтин ва бошқаларни эритиш, қуйиш ва қиздириб ишлаш ўзлаштирилган. Дастлабки танга пуллар зарб қилинган. Илк ўрта асрларда Фарғона, Зарафшон, Чирчиқ, Оҳангарон водийларидаги бир қанча шаҳарларда заргарлик, мисгарлик, темирчилик, дегрезлик, рихтагарлик ривожланди. Рух, сурма, маргимуш, висмут, кобальт каби рангли металлар маълум бўлмасада, уларнинг қотишмаларидан кенг фойдаланилган.

Қора металлургия соҳасида фаолият кўрсатадиган ягона корхона Бекобод шаҳридаги Ўзбекистон металлургия заводидир. Заводда қора металлургия маҳсулотларининг энг муҳим турлари (пўлат, чўян, пўлат қувурлар ва пўлат прокат) ишлаб чиқарилади. Заводда темир-терсак, металл чиқиндилари эритилади (6-жадвал).

Ўрта Осиёдаги биринчи замонавий металлургия заводи қурилиши умумхалқ ҳашари йўли билан 1942 йилда бошланди ва 1944 йилда дастлабки металл эритмаси олинди. 1978 йилда заводда ишга туширилган электр қувватда пўлат эритиш цехи энг замонавий техника билан жиҳозланган.

6-жадвал

Қора металлургиянинг асосий маҳсулотларини ишлаб чиқариш (минг т)

	1990	1992	1995	1997
Пўлат	1014,5	688,4	367,2	378,5
Тайёр прокат	955,2	604,0	321,8	350,0

Завод тамғали прокат маҳсулотлари, қувурлар билан бирга 50 га яқин турдаги халқ истеъмол товарларини ҳам ишлаб чиқаради.

Рангли металлургия республикада металлургия саноатининг етакчи тармоғи. Маҳаллий минерал хом ашё ресурслари негизида 30-йиллардан ривожланди. Республикада рангли камёб ва қимматбаҳо металлар (олтин, мис, қўрғошин, рух, вольфрам, молибден, симоб ва бошқалар) конлари, Қорамозор мис қўрғошин-рух кони, Обираҳмат, Бурчмулла, Октуз, Такоб, Ингичка, Қўйтош,

Лангар рангли металлар, Чодак, Зармитан, Маржонбулок, Каулди, Кокпатас, Қизилолмалисой олтин, Кўрғошинкон, Олтинтопган кўрғошин-рух, Қалмоққир мис конлари ва бошқалар топилиб, улар саноат миқёсида ўзлаштирилиши билан рангли металлургия саноати шаклланди ва республика рангли металлар ишлаб чиқариш бўйича жаҳонда олдинги ўринлардан бирини эгаллаган мамлакатга айланди.

О л т и н қ а з и б о л и ш с а н о а т и. Марказий Осиёда, хусусан ҳозирги Ўзбекистон ерларида олтин қазиб олиш ва ундан турли тақинчоқлар, зарғарлик буюмлари, безаклар ясаш мил. ав. 6–5-асрлардаёқ мавжуд бўлганлиги археологик топилмалардан маълум. Тутма (эркин учрайдиган) олтин конларини ўзлаштиришга қадар олтин асосан сочма конларда жуда ибтидоий усулларда – олтин зарралари аралаш қумни қўй териси қопланган ёғоч тоғораларда ювиб, ажратиб олинган. Сочма олтин олиш 10–11-асрларда Чатқол, Чирчиқ, Норин, Косон, Сўх, Зарафшон, Дарвоз дарёлари водийларида олиб борилганлиги ҳақида маълумотлар бор.

Ўрта асрларда олтинли қумларни ювиш билан бирга мўғуллар боскинига қадар Чатқол – Курама, Нурота тоғларида, Марказий Қизилқумдаги конлардан тутма олтин қазиб олинган кон лаҳимлари ҳозиргача сақланиб қолган. Ўзбекистонда маълум бўлган олтин конларининг кўпчилигидан қадимги кончилар қисман фойдаланганлар.

Марказий Осиёнинг минерал хом ашё ресурсларини ўрганишда жонланиш 19- асрнинг 80- йилларида; Россия империяси Туркистон ўлкасини босиб олган даврда юз берди; ўлканинг барча жойларида тадқиқотлар ўтказилди, геологик карталар тузилди, айрим конлар тавсифланди. Октябрь тўнтаришигача Чирчиқ, Писком ва Чатқол дарёлари водийларида кичик-кичик олтин изловчилар корхоналари олтин олиш билан шуғулланганлар, 1913–17 йилларда Обираҳмат дараси (Тошкент вилояти)даги олтин конидан фойдаланилган.

Ўзбекистоннинг минерал хом ашё бойликларини аниқлаш, уни қазиб олиш ва акеари қисмини Марказга ташиб кетиш Октябрь тўнтаришидан кейин ҳам давом этди. Ноёб металл конларини қидириб топиш ва ундан фойдаланиш муаммоларини ҳал қилиш ишларида марказий илмий муассасалар фаол иштирок этдилар. 30-йиллар бошида «Ўзбеколтинноёбмет» трести ташкил этилди. Ўша йиллари Оҳангарон, Чирчиқ дарёлари водийларида, Курама тоғларида олтин изловчилар олтинни қумни ювиш усулида

ажратиб олдилар, йиллик олтин олиш бир неча ўн кг дан ошмади. Кейинчалик ўша жойларда рудали олтин конлари топилди.

1941–45 йилларда олтин изловчилик (артель) йўли билан олтин ажратиб олиш жадал олиб борилди, олинган йиллик олтин миқдори қарийб 50 кг га етди. 1950 йил сочма олтин излаш ишлари тўхтатилди. 1950 йиллардан рудали олтин конларини излаш ва қидирув бўйича олиб борилган тадқиқотлар натижасида Қоракўтон, Бичанзор, Пирмироб, Ғўзаксой, сўнгра Кўчбулоқ, Мурунтов, Чормитан, Маржонбулоқ, Каулди, Қизилолмалисой, Сармич ва бошқа олтин руда конлари топилди. 1965 йилда Рангли металлургия вазирлигига бўйсинувчи «Ўзбеколтин» бирлашмаси ва бошқа олтин қазиб олиш корхоналари ташкил этилди. Бирлашма қазиб олган флюс рудаларидан Олмалиқ кон-металлургия комбинатининг мис эритиш заводида олтин ажратиб олиш йўлга қўйилди. 1970 йил Чодак олтин кони ишга туширилди. Ўша вақтдан республикада олтин қазиб олиш саноати шаклланди, олтин олиш олдинги йилларга нисбатан уч марта кўпайди. 1972 йил Кўчбулоқ кони ва Ангрен олтин ажратиш фабрикаси лойиҳа қувватларида ишлай бошлади. 1977 йил Каулди, 1980 йил Маржонбулоқ олтин қазиб олиш мажмуи, 1989 йил Зармитан ва Қизилолмалисой конлари фойдаланишга топширилди.

Республика мустақилликка эришиши билан Ўзбекистон ҳукумати узоқ йиллар давомида собиқ Иттифоқнинг ҳукумати ихтиёрида бўлган олтин қазиб олиш саноатини республика мустақиллигини мустаҳкамлаш йўлида ривожлантириш бўйича бир қанча ташкилий чораларни кўрди. «Ўзбеколтин» бирлашмаси негизида Ўзбекистон Республикасининг Қимматбаҳо металлар давлат қўмитаси ташкил этилди (1992). Бу қўмита 1994 йил Ўзбекистон олтин қазиб олиш ва олмоста ишлов бериш корхоналари уюшмаси («Ўзолмосолтин»)га айлантирилди. «Ўзолмосолтин» уюшмаси (Тошкент шаҳрида) ва бошқаруви Навоий шаҳрида бўлган «Қизилқумкамёбметаллолтин» концерни (1991) фаолият кўрсатмоқда. «Ўзолмосолтин» уюшмаси таркибида Ангрен, Маржонбулоқ (Жиззах), Чодак (Наманган), Каулди (Тошкент), Зармитан (Самарқанд) олтин қазиб олиш конлари, олмос қирралаш фабрикаси (Тошкент вилояти) ва бошқа ташкилотлар бор.

Республикада олтин қазиб олиш саноатининг иккинчи йирик маркази «Қизилқумкамёбметаллолтин» концернининг бош корхонаси – Навоий кон-металлургия комбинатидир. Комбинат

Мурунтов ва бошқа олтин конларини ишга тушириш мақсадида 1958 йилдан қурила бошлаган. Унинг асосий ишлаб чиқариш қувватлари Зафаробод, Нуробод, Зарафшон, Учқудуқ шаҳарларида жойлашган. Янги қувватларни ишга тушириш жадал олиб борилмоқда. Комбинатда заргарлик буюмлари заводи ишга туширилган. Зарафшонда 1993 йилда ташкил этилган олтин қазиб олиш бўйича Ўзбекистон – АҚШ «Зарафшон-Ньюмонт» қўшма корхонаси 1995 йилнинг май ойидан маҳсулот ишлаб чиқара бошлади.

Буюк Британиянинг «Лонро» фирмаси билан ҳамкорликда Марказий Қизилқумда олтин рудалари конини ишга тушириш ва олтин ажратиб олиш бўйича катта корхона – «Амантайту Голдфилдз» қўшма корхонаси лоийҳаси амалга оширилди. Ўзбекистон олтини сифат жиҳатдан жаҳонда олдинги ўринларда. Навоий кон-металлургия комбинатида олинган олтин ёмбилар Лондон рангли металлар биржасининг сертификатини олган.

Мис, қўрғошин-рух саноати асосан Оҳангарон – Олмалиқ кон-саноат районида Қўрғошинкон-Олтинтопган полиметалл конлари, Қалмоққир мис конлари негизида шаклланди. Тармокнинг етакчи корхонаси тугал металлургия циклига эга бўлган Олмалиқ кон-металлургия комбинатидир. Комбинатнинг мис мажмуаси Қалмоққир мис кони, руда бойитиш фабрикаси, металлургия заводидан, қўрғошин-рух мажмуаси Қўрғошинкон, Олтинтопган, Чалата ва бошқа конлар, руда бойитиш фабрикаси, металлургия заводидан иборат.

Вольфрам ва молибден саноатининг йирик корхонаси Ўзбекистон қаттиқ қотишмалар ва ўтга чидамли металлар комбинати (Чирчиқ)дир. Комбинат Ингичка вольфрам (Самарқанд) ва Қўйтош вольфрам-молибден (Жиззах) конлари рудалари ҳамда мис рудаларидан ажратиб олинадиган молибден негизида ишлайди. Комбинатда биринчи молбиден қуймаси 1956 йили олинган, 1957 йилдан қаттиқ қотишмалар ишлаб чиқарила бошлади. Комбинат маҳсулотлари (100 турдан ортиқ) электротехника, пўлат эритиш, кон бурғилаш соҳаларида кенг қўлланилади. 1996 йилдан комбинатда республика эҳтиёжларини тўла қоплайдиган электр лампочкалари ишлаб чиқариш қувватлари ишга туширилди.

Республикада рангли металларнинг иккиламчи қуймаларини олиш учун қурилган қувватлар Тошкент шаҳрида ишламоқда.

Алюминий парчаларини қайтадан эритиб, йилига бир неча ўн минг т иккиламчи алюминий халқ хўжалигига етказиб берилмоқда.

1990 йиллардан Ўзбекистон металлургиясида к а м ё б в а к а м ё б - е р э л е м е н т л а р и м е т а л л у р г и я с и с а н о а т и шаклланмоқда. Камёб-ер металларининг алюминий ва магний билан қотишмалари – енгил қотишмалар, магний билан қотишмалари – ўтга чидамли қотишмалар турли саноат тармоқларида кенг қўлланилади. Республикада замонавий илғор технологияни жорий этиш мақсадида к у к у н л а р м е т а л - л у р г и я с и ҳам ривожланмоқда. «Махсускотишма» республика ташкилоти рангли металлургия саноатининг айрим корхоналарига раҳбарлик қилади.

Кимё саноати

Кимё саноати республика иқтисодиётида муҳим ўринни эгаллайди. Ўзбекистон кимё саноатида 750 дан ортиқ номда маҳсулот ишлаб чиқарилади. Мамлакат саноат маҳсулотлари умумий ҳажмида кимё саноати корхоналари маҳсулотлари ҳиссаси 4,6% ни ташкил этади. Республика кимё саноатида табиий газ, нефть, кўмир, олтингугурт, озокерит, турли минераллар, оҳактош, графит, шунингдек рангли металлургия, пахта ва канопни қайта ишлаш чиқиндиларидан хом ашё тарзида фойдаланилади. Ўзбекистон кимё саноатида ишлатиладиган хом ашёнинг асосий қисми (70% га яқини ёки 650 дан ортиқ турдаги маҳсулот) ҳамда эҳтиёт қисмлар ва асбоб-ускуналар четдан олиб келинади (Россиядан толуол, ёғоч целлюлозаси, каустик сода, Қозоғистондан фосфоритлар ва бошқалар). Айни пайтда кимё саноати маҳсулотлари (минерал ўғитлар, капролактам, кимёвий толалар ҳамда иплар, синтетик аммиак, лак-бўёқлар ва бошқалар) экспорт қилинади.

Кимё саноатининг шаклланиши 1932 йилда Шўрсув олтингугурт кони (Фарғона) ишга туширилиши билан бошланди. Бу корхона собиқ Иттифоқда ишлаб чиқариладиган олтингугуртнинг 57% ини берган. Кимё саноатининг энг йирик корхонаси Чирчиқ электр кимё комбинати 1940 йилдан маҳсулот бера бошлади.

М и н е р а л ў г и т л а р ишлаб чиқариш республика кимё саноатининг асосий тармоқларидан бирига айланди. Республикада қишлоқ хўжалиги учун зарур бўлган аммофос, аммиак селитраси, аммоний сульфат, суперфосфат, карбамид, суюлтирилган аммиак, шунингдек самаралар мураккаб азотли ва фосфорли ўғитларни ишлаб

чикариш йўлга қўйилган. Чирчиқ электр кимё комбинати, Фарғона азотли ўғитлар, Навоий кимё бирлашмаларида асосий турдаги азотли ўғитлар, Қўқон суперфосфат заводи, Самарқанд кимё заводи, Олмалиқ «Аммофос» бирлашмасида аммофос, оддий ва аммонийлашган суперфосфат, қумоқ аммоний каби фосфорли ўғитлар ишлаб чиқарилади.

Республика кимё саноати корхоналари бир йилда 2,8 млн. т азотли, 1,25 млн. т фосфорли ўғитлар ишлаб чиқариш қувватларига эга. 1997 йилда Ўзбекистонда 954,4 минг т минерал ўғитлар (100% озиқ модда ҳисобида), 278,5 минг т олтингугурт, 869,5 минг т сульфат кислота, 1146,6 минг т суюлтирилган аммиак ишлаб чиқарилди.

Кимё саноатида минерал ўғитлар ишлаб чиқариш ҳажми республика қишлоқ хўжалик эҳтиёжларини тўла таъминлайди, уларнинг бир қисми четга ҳам чиқарилади. Ўзбекистон қишлоқ хўжалигида калийли ўғитларга бўлган йиллик эҳтиёж илмий асосланган меъёрлар бўйича (100% озиқ модда ҳисобида) 800 минг т. Қашқадарё вилоятидаги калий тузлари конларини ўрганиш ва унинг негизида калийли ўғитлар ишлаб чиқарадиган Тубагатан калий заводи қурилиши режалаштирилган.

1998 йил май ойида Қорақалпоғистонда ва Навоий вилоятида топилган фосфорит конлари базасида ишлайдиган Қизилқум фосфорит комбинатининг 1-навбати қурилиб, ишга туширилди.

Сульфат кислотаси кимё саноати тармоқлари учун муҳим хом ашёдир. Республикада сульфат кислота ишлаб чиқарадиган йирик қувватлар Олмалиқ «Аммофос» бирлашмаси, Самарқанд кимё заводи, Навоий кон-металлургия комбинати, Олмалиқ кон-металлургия комбинати, Муборак газни қайта ишлаш мажмуасида барпо этилган.

Сода саноатининг Марказий Осиё мамлакатларида ягона бўлган корхонаси – Қўнғирот сода заводи қурилиши 1995 йилдан бошланди (йиллик лойиҳа қуввати 210 минг т сода).

Ўсимликларни ҳимоя қилишнинг кимёвий воситалари (дефолиант, десикат, гербицид, инсектицид, фунгицидлар) «Фарғонаазот» бирлашмасида (1965 йилдан; магний хлорат дефолианти), Навоий электрокимё заводида (1960 йилдан; гербицидлар; инсектицидлар) ишлаб чиқарилади. Бу корхоналарнинг йиллик қуввати магний хлорат дефолианти бўйича 60 минг т, гербицид ва инсектицидлар бўйича 5 минг т дан ортиқроқ.

Республика қишлоқ хўжалигида ўсимликларни касаллик ва

зараркунандалардан кимёвий ҳимоя қилишда қўлланиладиган олтингугурт кукуни Шўрсув кон-кимё корхонасида ҳамда Муборак газ мажмуасида ишлаб чиқарилади. Маҳаллий ресурслардан олтингугурт кукуни ишлаб чиқаришни йилига 50 минг т га етказиш режалаштирилган.

Кимёвий толалар ва иплар хилма-хил халқ истеъмоли товарлари ишлаб чиқаришда кенг қўлланилади. Чирчиқ «Электркимёсаноат» ишлаб чиқариш бирлашмасида капролактам (йиллик қуввати 80 минг т), Фарғона кимёвий толалар заводида ацетат иплар, «Навоийазот» бирлашмасида нитрон акрил толалари (йилига 40 минг т дан кўпроқ), «Фарғонаазот» бирлашмасида целлюлоза ацетати (йиллик қуввати 42 минг т) ишлаб чиқарилади. Фарғона фуран бирикмалари заводида целлюлоза мустақиллигини таъминлаш бўйича пахта линтидан йилига 30 минг т целлюлоза ишлаб чиқаришга ихтисослашган қувватлар барпо этилмоқда. Республика кимё саноатида ишлаб чиқарилган 32,6 минг т кимёвий тола ва ипларнинг 27,4 минг т ни нитрон тола ва иплари, 5,2 минг т ни ацетат иплари ташкил этди. Капролактамнинг ҳаммаси (йилига 65–70 минг т), ацетат ва нитрон толаларининг деярли 2/3 қисми республикадан ташқарига жўнатилади. Фарғона кимёвий толалар заводида 23 минг т капролактамни қайта ишлаб 20 минг т капрон ва иплар тайёрлашга имкон берадиган қувватлар қурилмоқда.

Кимё саноатида **гидролиз** корхоналари урушдан кейинги йиллардан қурила бошлади. Фарғона фуран бирикмалари, Янгийўл биокимё, Андижон гидролиз заводларида асосий хом ашё – чигит шулхаси, шоли қобиғидан техник этил спирти, фурфурол, озуқа ачитқилари (хамиртуруш), фурил спирти, ксилит, лапрол, каталазаторлар ва бошқа маҳсулотлар ишлаб чиқарилган. 90-йиллар бошидан бу заводларда ғалладан озиқ-овқат (этил) спирти ишлаб чиқариш ўзлаштирилди: Андижон биокимё заводида йиллик қуввати 915 минг дал, Кўқон ишлаб чиқариш бирлашмасида 1800 минг дал ва Янгийўл биокимё заводида 915 минг дал этил спирти ишлаб чиқарадиган янги қувватлар ишга туширилди. Натижада озиқ-овқат, тиббиёт, атир-упа ва бошқа саноат тармоқларини республиканинг ўзида ишлаб чиқарилган спирт билан таъминлаш имконияти яратилди. Бу корхоналарда йилига 4 минг т га яқин карбон кислоталари ҳам ишлаб чиқарилади. Андижон биокимё заводида қуруқ хлорелла биомассасини тайёрлаш йўлга қўйилган.

Резина маҳсулотлари Ангрен «Ўзбекрезинатехника» бирлашмаси ва Тошкент резина-техника маҳсулотлари заводида ишлаб чиқарилади. Илгари асосан махсус резина маҳсулотлари ишлаб чиқаришга ихтисослашган «Ўзбекрезинатехника» бирлашмаси 1987 йилдан халқ истеъмоли товарлари ишлаб чиқаришга ўтди. 1992 йилдан бирлашмада енгил автомобиль шиналарини тайёрлаш ўзлаштирилди. 1996 йилдан йилига енгил автомобиллар учун 1,5 млн. дона, юк автомобиллари учун 200 минг дона шина ишлаб чиқарадиган кувватлар ишга туширилади. Бундан ташқари «Ўзбекрезинатехника» бирлашмаси ва кимё саноатининг бошқа корхоналарида (Самарқанд кимё заводи) калишлар ишлаб чиқариш 10 млн. жуфтга етказилди. Шунингдек бу тармоқ корхоналари республика автомобиль саноати учун резина-техника маҳсулотлари ишлаб чиқаради.

Республикада пластмасса ва пропилен маҳсулотларини қайта ишловчи (Оҳангарон «Сантехлит», Жиззах пластмасса қувурлари заводлари), турли маркадаги лак-бўёқ маҳсулотлари (Тошкент «Рангли лак» фирмаси – лак-бўёқ заводи), мебель саноати учун синтетик смолалар (Фарғона фуран бирикмалари заводи), рўзғор кимёси товарлари («Ўзрўзғоркимё» бирлашмаси, Олмалиқ рўзғор кимёси заводи, Наманган кимё заводи), Тошкент ёғ-мой комбинати таркибида синтетик ювиш воситалари заводи ишлаб чиқарадиган йирик корхоналар ишлаб турибди.

Йилига 125 минг т полиэтилен пленкаси ва б. маҳсулотлар ишлаб чиқарадиган Шўртан газ-кимё мажмуаси қурилмоқда.

Атир-упа маҳсулотлари «Лола» фирмаси (Тошкент), дори-дармонлар «Ўзкимёфарм» бирлашмаси (Тошкент кимё-фармацевтика заводи)да, «Ўзфармсаноат» давлат-акциядорлик концерни корхоналарида ишлаб чиқарилади.

Тармоқдаги бир неча корхоналарда ғўзапоядан мебель ва қурилиш саноатида кенг ишлатиладиган ёғоч-толали тахталар (оргалет) ишлаб чиқариш ўзлаштирилди.

Истиқболда кимё саноатини ривожлантириш фосфорит, целлюлоза, каустик ва кальций содаси, калийли ўғитлар, ўсимликларни кимёвий ҳимоя воситалари, толуол, полимерлар каби энг муҳим хом ашё турлари бўйича республиканинг мустақиллигига эришиш, маҳаллий хом ашёдан янги маҳсулотлар ишлаб чиқариш технологиясини яратиш, чет мамлакатлардан олинаётган кимёвий маҳсулотларнинг асосий турларини

республикада ишлаб чиқаришни ташкил этиш, ишлаб чиқариш чиқиндиларини қайта ишлаш, ишлаб чиқаришни автоматлаштириш, *хорижий технологиялардан* фойдаланиш, экологик муаммоларни ҳал этиш, кимё саноатининг экспорт имкониятларини кенгайтириш йўналишларида олиб борилмоқда. Кимё саноати корхоналарида Хитой, АҚШ, Япония, Германия, Италия фирмалари билан ўзаро фан-техника, савдо соҳаларида ҳамкорлик йўлга қўйилган, хорижий шериклар иштирокида қўшма корхоналар ташкил этилмоқда. Кимё саноати корхоналарини давлат тасарруфидан чиқариш ва уларни асосан акциядорлик жамиятларига айлантириш ишлари давом этмоқда.

Республика мустақиллика эришгунига қадар кимё саноати корхоналари ҳам бевосита собиқ Иттифоқ Кимё саноати вазирлиги томонидан бошқарилган. Ўзбекистондаги кимё корхоналари негизида 1991 йилда давлат концерни ташкил этилди. 1994 йилдан концерн «Ўзкимёсаноат» уюшмасига айлантирилди.

Уюшма таркибида 22 та ишлаб чиқариш корхонаси ва бирлашма, 8 қўшма, 3 илмий тадқиқот, 1 лойиҳа институтлари, ташқи савдо фирмаси ва бошқа ташкилотлар бор.

Машинасозлик саноати

Ўзбекистонда машинасозлик саноатининг дастлабки корхоналари 20- аср бошларида вужудга келди. 20- аср бошида Ўзбекистонда металлга ишлов бериш саноати асосан 14 та кичик таъмирлаш устахоналаридан иборат эди. Уларда темир йўл, пахта тозалаш ва ёғ заводларининг таъмирлаш ишлари бажариларди.

1920 йиллардан қишлоқ хўжалиги, саноат ва транспортни ривожлантириш заруратидан мавжуд таъмирлаш корхоналари кенгайтирилди, янгилари қурила бошлади. 1927 йил ноябрда Тошкентда «Бошпахтасаноат»нинг механика заводи ишга туширилди. 1931 йилда бу завод негизида пахта тозалаш заводлари учун асбоб-ускуналар ишлаб чиқариш ва қишлоқ хўжалиги техникаси таъмири билан шуғулланадиган «Қишлоқмаш» – ҳозирги Тошкент қишлоқ хўжалиги машинасозлиги заводи ташкил этилди. Заводда ғўза сеялкалари, борона ва культиваторлар тайёрлаш йўлга қўйилди. 1932 *йилда Тошкентда экскаватор таъмирлаш заводи «Ирмаш»* (ҳозирги «Тошэкс» ишлаб чиқариш бирлашмаси), 1920 йиллар охирида Андижонда «Коммунар», Самарқандда «Колхозчи», Қўқонда

«Большевик» заводлари ва бошқа корхоналар ишга туширилган эди.

1920 йил механика устахоналари ҳамда чўян заводи негизида Тошкентда 1- Туркистон заводи ташкил этилди. 1959 йилдан бу завод Машинасозлик бўйича давлат лойиҳа-конструкторлик технология бюроси, 1976 йилдан «Технолог» ишлаб чиқариш бирлашмаси деб номланди.

Уруш даврида республикада 16 машинасозлик заводи ишга туширилди. Улар фронт эҳтиёжлари учун қурол-яроғ, ўқ-дорилар ва бошқа маҳсулотлар ишлаб чиқарди.

Урушдан кейин пахтачилик ва ирригация қурилиши машиналари ишлаб чиқариш тикланди, тўқимачилик, кимё ва халқ хўжалигининг бошқа тармоқлари учун янги жиҳозлар ишлаб чиқариш бошланди. Пахта териш машиналари, экскаваторлар, кўприк электр кранлари, йигириш машиналари ўзлаштирилди, корхоналарнинг ихтисослашуви ва кооперацияси ривожланди. Мустақиллик йилларида республика машинасозлигида теран сифат ўзгаришлари юз бермоқда, ишлаб чиқариш қувватлари ўсмоқда, жуда кўп янги машина ва механизмларни ишлаб чиқариш ўзлаштирилмоқда. Саноат маҳсулотларининг умумий ҳажмида машинасозлик саноатининг ҳиссаси 1997 йилда 12 % га етказишга муваффақ бўлинди. Машинасозлик саноати 15 тармоққа мансуб 100 дан ортиқ йирик корхоналардан иборат. Уларнинг орасида тракторсозлик ва қишлоқ хўжалиги машинасозлиги, тўқимачилик машинасозлиги, пахта тозалаш саноати машинасозлиги электротехника саноатининг салмоғи катта. 1960 йилда республика машинасозлигида 22 номдаги асосий машина, механизм ва асбоблар ишлаб чиқарилган бўлса, бу кўрсаткич 1970 йилда – 29, 1980 йилда – 39, 1997 йилда – 40 дан ортиқ номни ташкил этди.

Айни пайтда республика иқтисодиёти учун янги бўлган *автомобилсозлик, радио, электроника* каби саноат тармоқлари барпо этилди.

Автомобилсозлик. Ўзбекистонда машинасозлик саноатининг муҳим тармоғи ҳисобланган автомобилсозлик – автомобиллар, автомобиль двигателлари, автомобилларга эҳтиёт қисмлар, турли жиҳозлар ва бошқа асбоблар ишлаб чиқариш республика мустақилликка эришганидан кейин шакллана бошлади. Ўзбекистондаги бир неча автомобиль тузатиш заводлари енгил машиналарга хизмат кўрсатадиган «Ўзавтотеххизмат», «УзавтоВАЗ-хизмат» ишлаб чиқариш бирлашмалари корхоналар, ташкилотлар

ва аҳолининг автомобилларига техника хизмати кўрсатиб келган.

1994 йилда «Ўзавтомаш» уюшмаси ташкил этилди (уюшма таркибида 18 корхона ва ташкилотлар бор). Автомобилсозлик саноати соҳасида ишлаб турган ва янги қурилаётган заводлар негизида автомобиль индустриясини барпо этиш, енгил ва юк автомобиллари, автобуслар, троллейбуслар ҳамда уларга эҳтиёт қисмлар ишлаб чиқариш, сервис хизматини йўлга қўйиш, республика халқ хўжалигининг автотранспорт техникасига бўлган эҳтиёжларини қондириш, автомобиль саноатининг рақобатбардош маҳсулотлари билан жаҳон бозорига чиқиш вазифалари ҳал этилмоқда.

Автомобиль саноатини барпо этишда, асосан, республикадаги концернлар, корпорациялар, МДҲ корхона, ташкилотлари, чет эл фирмалари сармояларини жалб этиш билан акциядорлик жамиятлари ташкил этиш йўли танланган. Ишга тушириладиган корхоналарда ишлаб чиқариш циклини шакллантириш дастлаб автомобилларни етказиб берилган қисм ва агрегатлардан йиғишдан уларни шу корхоналарда тайёрлаш ва йиғиш циклига босқичма–босқич тўлиқ ўтиш йўли билан олиб борилади. Автомобиль двигателлари (моторсозлик), подшипниклар ишлаб чиқариш ҳам йўлга қўйилмоқда.

1992 йилда Ўзбекистон Республикаси ва Жанубий Кореянинг ДЭУ корпорацияси билан Асака пахта ташийдиган тиркамалар заводи негизида енгил автомобиллар ишлаб чиқарадиган Асака автомобиль заводи – «Ўз ДЭУ авто»қўшма корхонаси барпо этилди. Республика автомобиль саноатини бутловчи ва эҳтиёт қисмлар билан таъминлаш учун 1993 йили «Автоэҳтиётқисм» илмий ишлаб чиқариш бирлашмаси иш бошлади. Республикадаги подшипник заводларида автомобиль саноати ва қишлоқ хўжалиги машинасозлиги учун турли подшипниклар, саноати роботлари ишлаб чиқарилмоқда. Самарқанд «Красний двигатель» ишлаб чиқариш бирлашмаси автомобиль двигателларига эҳтиёт қисмлар, алюминий маҳсулотлари ишлаб чиқаради. Самарқандда қурилаётган «ЎзавтоВАЗагрегат» ишлаб чиқариш бирлашмаси корхоналарида яқин истиқболда «ЛИАЗ» ишлаб чиқариш бирлашмаси (Россия) билан ҳамкорликда йилига 1000 дона автобус йиғиш ва 500 дона троллейбус ишлаб чиқариш йўлга қўйилади. Асака автомобиль заводида микроавтобусларни серияли ишлаб чиқариш 1996 йилдан бошланди. 1996 йил июлда заводнинг расмий очилиши ва халқаро

тақдимоти ўтказилди. 2000 йилга бориб завод тўла лойиҳа қувватида туширилади (йилига 200 минг дона турли модель ва маркадаги автомашина). 1997 йилда мамлакатимизда 64883 дона енгил автомобил ишлаб чиқарилди.

Тракторсозлик ва қишлоқ хўжалиги машинасозлиги. Республика машинасозлигида ишлаб чиқариладиган жами маҳсулотнинг қарийб 20% шу тармоқ ҳиссасига тўғри келади. 90–йиллар бошигача тармоқнинг кўпгина маҳсулотлари собиқ Иттифоқ аҳамиятига эга бўлган. МДҲ мамлакатлари бўйича пахта териш машиналари, ғўза сеялкалари, пахтачиликка мослаштирилган чопиқ тракторлари, трактор тиркамаларининг асосий қисми Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган.

30–йиллар бошида пахтачиликда ишлатиладиган экиш ва тупроққа ишлов бериш машиналари, пахта тозалаш заводлари учун технологик ва бошқа жиҳозлар Ўрта Осиёда ягона «Бошпахтасаноат»нинг механика заводида тайёрланган. 90–йилларга келиб тракторсозлик ва қишлоқ хўжалиги машинасозлиги тармоғида 20 дан ортиқ завод, бирлашма ва ташкилотлар фаолият кўрсатди. Бу тармоқда пахтачилик тракторлари, дизель двигателлар, трактор тиркамалари, пахтачилик техникаси мажмуи, боғдорчилик ва токчилик машиналари, қишлоқ хўжалик машиналари редукторлари, чорвачилик озуқаси тайёрлайдиган машиналар, эҳтиёт қисмлар ва ҳ.к. ишлаб чиқарилади.

Тракторсозлик 90–йиллар бошида қуввати 30 от кучи бўлган ТТЗ-30 трактори ва унга мосланган қишлоқ хўжалик машиналари ва қуроллари мажмуи яратилди ва 1993 йилда уларнинг саноат партиялари ишлаб чиқарилди.

1994 йилда «Тошкент трактор заводи» давлат-акциядорлик жамиятида дизель двигателли ТТЗ – 80/100 универсал чопиқ тракторлари синовдан ўтказилди. Ўша йили янги ТТЗ–80Х тракторларининг йирик саноат партиялари ишлаб чиқарилди. Кейинги йилларда республикада ғалла ва сабзавот экинлари майдонининг кескин ортиши билан бу экинлар учун зарур қишлоқ хўжалиги машиналари ва қуролларини ишлаб чиқариш бўйича жадал иш олиб борилмоқда. 1994–96 йилларда илгари МДҲдан келтирилган 45 дан ортиқ номдаги қишлоқ хўжалиги машиналари ва қуролларини ишлаб чиқариш ўзлаштирилди.

Тракторсозликнинг йирик корхонаси «Тошкент трактор заводи» давлат-акциядорлик жамияти пахтачилик тракторлари,

универсал тракторлар, трактор тиркамалари, юклагичлар, металл қуймалар, штамповкалар ишлаб чиқаради. Завод 1969 йилда «Ташавтомаш» заводи негизида ташкил этилди, ўша йилдан Т-28Х4 маркали тракторлар ишлаб чиқарила бошлади. 1970–80 йларда завод реконструкция килиниб, МТЗ–80Х тракторлари ва трактор тиркамаларини ишлаб чиқариш ўзлаштирилди. «Тошкент трактор заводи» таркибида куюв заводи бор. Тошкент агрегат заводи пахтачилик тракторларига орка кўприклар, эҳтиёт қисмлар, қишлоқ хўжалик машиналарига редукторлар чиқаради. Бу завод 1955 й. Тошкент машинасозлик заводи тарзида ташкил этилган. 1957 йил Тошкент ирригация машинасозлиги заводига айлантирилди, 1960–1972 йилларда Ўзбекистон трактор йиғув заводи, 1972 йилдан Тошкент агрегат заводи. Тошкент мотор заводи Д–243 ва Д–245 трактор дизеллари, алюминий қуймалари ишлаб чиқаради. 1983 йил курила бошлаган, 1987 йил қисман ишга туширилди. 1994 йил Ўзбекистон – Италия қўшма корхонаси («Ўзиталмотор») акционерлик ташкилотига айлантирилди. АҚШ «Кейс» фирмаси билан ҳамкорликда янги трактор ва комбайнлар йиғиш йўлга қўйилди.

Қишлоқ хўжалиги машинасозлиги. 1931 йил «Тошқишлоқмаш» заводининг 1–навбати ишга туширилди. Завод пахтачилик учун хилма-хил техника ишлаб чиқара бошлади.

Тармоқдаги йирик корхоналардан бири «Ўзбекқишлоқхўжаликмаш» акциядорлик жамияти (АЖ) ғўза сеялкалари, кўсак чувиш машиналари, роторли ўрим машиналари, ТТЗ–30 тракторига тиркаб ва осиб ишлатиладиган машиналар, пуркагичлар ишлаб чиқаради. "Яккатутқишлоқхўжаликмаш" акциядорлик жамияти ҳам бирлашма таркибида.

Пахтачиликни комплекс механизациялаш учун машина ва механизмлар, ғўза культиваторлари, чизель–культиваторлар, ўғит солгичлар, арик казгич–текислагичлар, кўсак териш машиналари, плутлар, чорвачилик учун турли машиналари ва бошка маҳсулотлар «Чирчиққишлоқхўжаликмаш» АЖда ишлаб чиқарилади. Мангит шаҳри (Қорақалпоғистон)да жойлашган ихтисослаштирилган тажриба заводи чорвачилик учун машиналар, қишлоқ хўжалиги машиналари ишлаб чиқаради. «Кимёқишлоқхўжаликмаш» заводи тратор пуркагичлари, чанглатгичлари, картошка эккичлар, эҳтиёт қисмлар ишлаб чиқаришга ихтисослашган. 1959 йилдан «Тошқишлоқхўжаликмаш» заводи пахта териш машиналарини

ишлаб чиқаришга ихтисослашди (дастлабки пахта териш машинаси 1949 йил тайёрланган). 1946 йилда Тошкентда пахтачилик машиналари бўйича махсус давлат конструкторлик бюроси ташкил этилди. 1959 йил икки қаторли ўзиюрар ХВС – 1,2 1964 йилдан осма ХТ–1,2, 1966 йилдан икки қаторли «Ўзбекистон», 1972 йилдан тўрт қаторли ХН–3,6 «Ўзбекистон» ва бошқа пахта териш машиналари яратилди ва серияли ишлаб чиқарилди. 1988 йилдан завод бирлашмага айлантирилди. Унинг таркибига чорвачилик учун машиналар ишлаб чиқарадиган Сариосиё (Сурхондарё вилояти) ихтисослашган тажриба заводи ҳам кирди. Бирлашма 1994 й.дан акциядорлик жамияти. З-дда пичан ўриш комбайни, картошка кавлагич, тупроқ фрезаси ва б.нн ишлаб чиқаришни ўзлаштиришга тайёргарлик кўрилмокда.

Боғдорчилик, токчилик ва полизчиликда фойдаланиладиган машина ва мосламалар «Боғдорчилик машинасозлиги заводи» акциядорлик жамиятида ишлаб чиқарилади. Завод ихтисослаштирилган конструкторлик бюроси тарзида ташкил этилган эди, кейинчалик Тошкент тажриба эксперимептал заводи билан «Ўрта Осиёқишлоқмаш» бирлашмасига айлантирилди.

Чорвачиликнинг ем–хашак базасини механизациялашга имкон берадиган бир неча корхона ишга туширилди. «Урганчозукамаш» заводи осма трактор ўроқ машиналари, трактор хаскашлари, шоли ўриш машиналари, Бухоро ихтисослаштирилган тажриба заводи чорвачилик жиҳозлари, ғўзапоя юлгичлар ишлаб чиқаришга ихтисослашган. Шунингдек, Юкори Чирчик қишлоқ хўжалик машинасозилиги тажриба заводида (Тошкент вилояти Ийик посёлкаси) автоматик планировщиклар, тишли бороналар, тиркама ва осма трактор машиналари ва ҳоказолар ишлаб чиқарилади.

1996–97 йилларда республика қишлоқ хўжалигини унумдор техника билан таъминлашни яхшилаш мақсадларида «Ўзқишлоққўжаликмашхолдинг» компанияси ва «Кейс корпорейшн» компанияси билан тракторлар, ғалла ўриши комбайнлари, горизонтал пахта териш машиналарини етказиб бериш ва уларни республикада йиғиш бўйича 7 та қўшма корхоналар барпо этилди.

Пахта тозалаш саноати машинасозлиги «Ўзбекпахтамаш» бирлашмасида жамланган. Унинг таркибида Тошкент машинасозлик заводи, (бош корхона), Андижон «Тожметалл» заводи ва Каттақўрғон «Пахтамаш», Чустдаги «Олмоспахтамаш» заводлари,

Тошкент давлат махсус пахта тозалаш ускуналари конструкторлик бюроси бор. Асосий маҳсулотлари – пахта тайёрлаш пунктлари, пахта тозалаш заводлари учун технологик курилмалар (пахтани тайёрлаш, куритиш, тозалаш, сақлашда қўлланиладиган машиналар ва механизмлар), аррали ва жўвали (валикли) пахта толаси ажратиш (жин) машиналари, линтерлар, тола тозалагичлар, чигит саралаш ва тозалаш машиналари, транспортёрлар, пахта ғарамбузгичлари, пахта узатгичлар, туннель очиш машиналари, пахта ғарамларини шамоллатиш ва чанг тутиш машиналари, шунингдек, канопни қайта ишлаш машина ва курилмалари – жами 50 номдан ортик.

Бирлашмада ишлаб чиқарилган машина ва механизмлар МДҲдаги пахтакор мамлакатлар ва бир қанча чет мамлакатларга чиқарилади. Бирлашманинг бош корхонаси – Тошкент машинасозлик заводи пахта тозалаш саноати учун технологик ускуна–жиҳозлар ва эҳтиёт қисмлар ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилди. 1968 йилда завод негизида «Союзхлопкомаш» бирлашмаси ташкил этилди. Тошкент давлат махсус пахта тозалаш ускуналари конструторлик бюроси пахтани қайта ишлаш бўйича поток линиялари ишлаб чиқариш ва пахта тозалаш саноатида жорий этиш билан шуғулланди. «Меҳнат» ва РХ–1 тола тозалагич машинлари Загреб, Пловдив халқаро ярмаркаларининг олтин медалига сазовор бўлган.

Тўқимачилик машинасозлиги маҳсулотлари «Ўзбектўқимачиликмаш» бирлашмасида ишлаб чиқарилади. Бирлашма таркибида Тошкент тўқимачилик заводи («Тоштўқимачиликмаш» – бош корхона), Қўқон тўқимачилик заводи («Қўқонтўқимачиликмаш»), Гагарин кукун маҳсулотлар заводи (Жиззах), Тошкент махсус тўқимачилик машинасозлиги конструкторлик бюроси бор. Гагарин кукун маҳсулотлар заводи металл кукунларидан бутловчи қисмлар ва эҳтиёт қисмлар ишлаб чиқаради. Махсус конструкторлик бюроси янги машиналар конструкцияларини ишлаб чикиш, серияли чиқарилаётган машиналарни модернизациялаш каби ишларни бажаради.

Бирлашмада пилик тайёрлаш, йигириш, ҳалқали йигириш, йигириш–пишитиш машиналари, пиллакашлик (пилла буғлаш, тортиш) ускуналари ишлаб чиқарилади. Тўқимачилик машиналари, аппаратлари ва автоматларининг 50 дан ортиқ намунаси ўзлаштирилган. Тўқимачилик машинасозлигида йигириш, эшиш, пишитиш, калавалаш жараёнларини бирга бажарадиган ҳалқали

йигириш (жунни қайта ишловчи), йигириш–пишитиш (пахтани қайта ишловчи) машиналари, урчуқсиз роторли ва пневмомеханик йигириш машиналари ва пахта, кимёвий тола ва ипакдан ҳар қандай қалинликдаги пилталар ишлаб чиқариш имконини берадиган машиналар яратилди. Беш маркадаги машиналар чет элларга экспорт қилинган. ПК–100 йигириш–пишитиш машинаси Брно, Пловдив халқаро ярмаркаларида олтин медаль, бир неча машиналар Москвада «Инглегмаш» кўргазмасида бронза медали олган.

Радиоэлектроника, электротехника саноати уруш йилларида шаклланди. Жумладан, Тошкент кабель заводи (ҳозирги «Ўзкабель» давлат–акциядорлик жамияти) дастлаб алюқа дала симлари, Тошкент радиолампа заводи (ҳозирги «Фотон» акциядорлик жамияти бош корхонаси – электрон техника заводи) генераторлар, қабул қилувчи ва кучайтирувчи радиолампалар ишлаб чиқара бошлади. Чирчиқ трансформатор заводи ҳам ўша йиллар ишга туширилди. Марказий Осиёдаги энг йирик Тошкент электротехника заводи («Ўзэлектраппарат» акциядорлик жамияти) маҳсулот бера бошлади. Урушдан кейин ишга туширилган «Миконд» заводи («Оникс» бирлашмаси) радиодеталлар, электротехника саноати учун шиша изоляторлар ишлаб чиқарди.

50–йилларнинг ўрталарида электротехника саноати республикада машинасозлик саноатининг етакчи тармоғи тарзида шаклланди. 1970 йиллар охирига келиб республикада 10 дан ортиқ электротехника заводлари ишлади. 1982 йил ЭҲМ ишлаб чиқарадиган «Алгоритм» заводига асос солинди.

ЭҲМ учун микроэлектроника элементлари, микросхемалар, масофадан туриб бошқариш системалари ва бошқа маҳсулотлар ишлаб чиқарадиган «Зенит» заводи ишга туширилди. Бу заводда Жанубий Кореянинг «Goldstar» фирмаси билан ҳамкорликда видеомагнитофон ва видеоплейерлар, ХХРнинг Синьцзян 1–радио заводи билан ҳамкорликда рангли телевизорлар ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.

1990 йилда республикадаги радиоэлектроника, электротехника саноати соҳасидаги илмий, ишлаб чиқариш корхоналари ва ташкилотларини бирлаштирган «Радиоэлектронтехасбоб» республика давлат концерни ташкил этилди. 1994 йили концерн «Ўзэлтехсаноат» уюшмасига айлантирилди. Уюшма таркибида 50 дан ортиқ корхона ва ташкилотлар (46 мингдан ортиқ ишчи–хизматчи), жумладан «Ўзкабель» давлат–акциядорлик жамияти,

«Фотон», Чирчиқдаги «Трансформатор», «Ўзэлектраппарат», «Сигнал», «Оникс» (Тошкент), «Андижонкабель», «Алгоритм» акциядорлик жамиятлари, Жиззах аккумулятор заводи ва бошқа йирик корхоналар бор.

Бу корхоналарда электрон компонентлар (тўғриловчи устунлар, диодлар, дала транзисторлари, резисторлар, конденсаторлар), микроэлектрон тузилмалар (интеграл микросхемалар, электрет микрофонлар, кучланиш кучайтиргичлари, оқ–кора ва рангли телевизорлар учун СПЛИТ – трансформаторлар, кичик вольтли асбоблар, турли мақсадларга мўлжалланган кабель маҳсулотлари ва симлар, ўзгарувчан ток электродвигателлари, трансформаторлар, пайвандлаш машиналари, электр аккумуляторлари, рангли телевизорлар, плейерлар, радиоприёмниклар, биллур ва керамика буюмлари ва бошқа маҳсулотлар ишлаб чиқарилади.

Тармоқда ишлаб чиқарилган маҳсулотларнинг 80%, электроника маҳсулотларининг 90–95% Россия, Украина, Белорусь, Қозоғистон ва бошқа мамлакатларга чиқарилади. Корхоналарда Россия, Туркия, Жанубий Корея, АҚШ, Сингапур ва бошқа мамлакатлар фирмалари билан ҳамкорликда 20 дан ортиқ қўшма корхоналар ташкил этилди.

Асбобсозлик саноати соҳасида машинасозлик учун кирқув ва ўлчов асбоблари, слесарлик–созлаш асбоблари ҳамда мосламалари кам миқдорда махсус цехларда тайёрланар эди. 1941–45 йилларда Тошкент асбобсозлик заводи, қарборунд ва абразив заводлари ишга туширилди (икки завод бирлаштирилиб абразив комбинати ташкил этилди). Бу ерда олмос, сунъий олмос маҳсулотлари ишлаб чиқариш бошланди. 1975 й.нинг иккинчи ярмидан тўлиқ абразив маҳсулотлар ишлаб чиқаришга ўтилди. 1990 йил комбинат «Эльбор» бирлашмасига айлантирилди (1996 йилдан «Ўта қаттиқ материаллар» акциядорлик жамияти). Тошкент асбобсозлик заводи, Тошкент абразив заводи ва «Ўта қаттиқ материаллар» корхонаси маҳсулотлари чет элларга ҳам экспорт қилинади. Шунингдек, машинасозлик саноатининг йирик корхоналарида махсус асбобсозлик цехлари мавжуд.

Кимё ва нефть кимё машинасозлиги. Тармоқдаги энг йирик корхона Ўзбекистон кимё машинасозлиги заводи («Ўзбеккимёмаш», Чирчиқ) 1941 йилда ташкил топган ва фронт учун маҳсулот чиқарган. Урушдан кейинги йилларда заводда кимё, микробиология, целлюлоза–қоғоз ва бошқа тармоқлар учун жиҳоз–

ускуналар ишлаб чиқариш ўзлаштирилди. 1966 йилдан завод асосан кимё машинасозлигига ихтисослашди. 70–йилларнинг бошларида заводда труба йиғиш, аммиак селитраси ва бошқа ўғитлар ишлаб чиқариш учун кучли комплекс технологик линиялар ишлаб чиқариш ўзлаштирилди. Завод маҳсулотлари чет мамлакатларига экспорт қилинган. Ҳозир кимё ускуналари, турбокомпрессорлар, вентиляторлар, насослар ишлаб чиқаради. Тошкент «Компрессор» заводи тармоқдаги йирик корхоналардан бири. Кимё ва бошқа саноат тармоқларида ишлатиладиган кўчма компрессор станцияларининг турли моделларини ишлаб чиқаришга ихтисослашган. Наманган машинасозлик заводида нефть ва газ қудуқлари учун саноат арматуралари, пўлат, титан қопқоқлар, зангламас сурма қопқоқлар ишлаб чиқарилади.

Самолётсозлик. Тошкент авиация заводи 1941 йил барпо этилган. Уруш даврида жанговар самолётлар ишлаб чиқарилган. Кейинги йилларда ИЛ–14, 1958 йилдан транспорт самолётлари, 1966 йилдан АН-22 самолётлари тайёрланган. 70–йиллар бошларидан ИЛ-76 самолётлари ишлаб чиқарилади. 90–йилларда ҳам унинг асосий маҳсулоти ИЛ –76 МФ транспорт самолётлари бўлди. Маҳаллий ҳаво йўлларида қатнашга мўлжалланган 64 ўринли янги ИЛ–114 самолётлари ўзлаштирилди. Заводда АН–70, «Мрия», «Руслан» самолётлари қанотлари ва бошқа қисмлари тайёрланган. 1972 йилдан бирлашмага айлантирилди (Андижон ва Фарғонадаги механика заводлари билан бирга). 1996 йилдан очиқ турдаги «Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси» давлат–акциядорлик жамияти.

Қурилиш ва йўл машинасозлиги. 1932 йил «Ўзбекгидрострой» трести томонидан ирригация машина ва механизмлари таъмирланадиган «Ирмаш» заводи ташкил этилди. 1935 йилдан у Ўрта Осиё экскаватор ремонти заводига айлантирилди. 1946 йилдан бу корхона Тошкент экскаватор заводи деб номланди ва экскаваторлар ишлаб чиқарила бошлади. 1954 йилдан турли маркадаги экскаваторлар ишлаб чиқариш ўзлаштирилди. Завод "Мелиокурилишмаш" номи билан очиқ турдаги акциядорлик жамиятига айлантирилган. Маҳсулотлари чет элларга экспорт қилинади.

Тармоқдаги йирик корхоналардан бири «Подъёмник» (Тошкент) очиқ турдаги акциядорлик жамияти. «Подъёмник» заводида урушдан кейинги йилларда кўтарма транспорт жиҳозлари

ўзлаштирилди. Кўприк электр кранлари, махсус грейферли, магнит грейферли, магнитли, кўп тиргакли осма кранлар, тўрт оёкли кранлар ишлаб чиқаради.

1956 йилда Андижон машинасозлик заводи («Андижонирмаш») ишга туширилди. У асосан ер текислайдиган машиналар, экскаваторлар, юклагичларнинг осма жиҳозлари, гидроцилиндрлар, манипуляторлар, вибропресслар ва бошқа ирригация техникаси ишлаб чиқаради. «Андижон гидравлика машинасозлиги» («Андижонгидромаш») бирлашмаси гидротақсимлагичлар, 3 типдаги юклагичлар, экскаваторлар, насос ва дизеллар, эҳтиёт қисмлар ишлаб чиқаради.

Коммунал хўжалиги машинасозлиги тармоғида Самарқанд лифтсозлик заводи иш олиб боради. Заводда республика халқ хўжалигининг турли соҳаларида ишлатиладиган пассажир ва юк лифтлари, халқ истеъмоли товарлари, ёғочга ишлов берадиган станоклар ишлаб чиқарилади. Завод негизида Россия ва Ўзбекистон қўшма корхонаси – «Востоклифт» («Шарклифт») ташкил этилди.

Маданий–маиший–рўзғор техникаси машинасозлиги тармоғида Самарқанд «Сино» холодильниклари заводи ишга туширилган (1972). Рўзғор холодильниклари, совутгичлар ишлаб чиқаради. Завод Германиянинг «Форон» фирмаси билан ҳамкорликда турли совутгичлар, кир ювиш машиналари ишлаб чиқаришни ўзлаштирди. Самарқанд киноаппаратлар заводида («Кинап») турли маркали киноаппаратлар, электр–куч асбоблари, универсал кино ва театр овоз техника аппаратлари ва бошқалар ишлаб чиқарилади.

Республика машинасозлик саноати маҳсулотлари жаҳондаги 40 дан ортиқ мамлакатга экспорт қилинмоқда. Республикада машинасозлик саноатининг ривожланишида янги технологик жараёнлар ва махсус жиҳозларни яратиш бўйича тажриба–конструкторлик ва технологик ишланмаларни амалга оширадиган йирик илмий–амалий марказлардан бири – «Технолог» акциядорлик жамияти муҳим ўрин тутади. Унинг таркибида станоксозлик бўйича махсус, механизациялаш ва автоматлаштириш бўйича, машинасозлик бўйича лойиҳа-конструкторлик технология бюролари, тажриба механика заводи, ҳисоблаш маркази каби бўлинмалари бор. Илғор технологик жараёнларни ишлаб чиқиш, қаттиқ ва ўта қаттиқ материаллардан янги асбоблар тайёрлаш ва жорий этишни таъминлайди. Юқори унумдор агрегат ва махсус станоклар, комплекс механизациялашган линиялар, пластмасса ва бошқа материаллардан деталлар тайёрлаш учун ускуналар ишлаб

чиқаради, қурилиш ва қайта жиҳозлаш лойиҳаларини бажаради.

«Шарқ» илмий ишлаб чиқариш бирлашмаси радиоэлектроника буюмлари модуллари ва уларни монтаж қилиш, радиоэлектроника маҳсулотларини йиғиш сифатини назорат қилувчи жиҳозлар яратиш билан шуғулланди. Рақамли программали бошқарув станокларининг электр ўтказгичларини бошқариш системалари ва бошқалар тайёрланади.

Қадоқлаш ва ўраш жиҳозлари тажриба конструкторлик ва технология бюроси суюқ, сочилувчан, пастанамо маҳсулотларни қадоқлайдиган, пластмассадан идишлар тайёрлайдиган машиналар, линиялар ва комплексларни яратиш билан шуғулланади. Пиво ва яхна ичимликлар, озиқ–овқат, консерва саноати корхоналари учун машиналар мажмуи ва поток линиялари яратилмоқда.

Автоматлаштириш воситалари, бошқариш тизимларини тайёрлаш ва ишлаб чиқариш бўйича «Сигнал» бирлашмаси фаолият кўрсатади. Таркибида электр ўлчаш техникаси бўйича давлат махсус конструкторлик бюроси (бош ташкилот), асбобсозлик тажриба заводи, автоматлаштирилган бошқариш тизими лойиҳа–конструкторлик бюроси, махсус «Техноприбор» конструкторлик–технология бюроси, ихтисослашган ишга тушириш – созлаш корхонаси («Сигнал–Сервис») бор. Гидрометеорологияга оид ўлчов асбоб ва қурилмалари, пахтани қайта ишлаш саноати учун мўлжалланган асбоб ва қурилмалар, ҳисоблаш комплекслари учун график ахборот узатувчи қурилмалар ва бошқалар устида илмий тадқиқот ишлари ва тажрибалар олиб боради, уларни ишлаб чиқаришга татбиқ этади.

Республика мустақиллиги эълон қилинишига қадар машинасозлик саноатининг деярли барча корхоналари марказга – СССР нинг тракторсозлик ва қишлоқ хўжалиги машинасозлиги, Енгил ва озиқ–овқат саноати ҳамда рўзғор буюмлари машинасозлиги, Мудофаа саноати, Авиация ва автомобилсозлик машинасозлиги вазирликлари ихтиёрида эди.

1991 йилдан машинасозлик саноати корхоналари бошқарувини шакллантиришда тармоқлар бўйича концернлар – Ўзбекистон давлат қишлоқ хўжалиги ва автомобиль саноати машинасозлиги («Ўздавмашконцерн»), Ўзбекистон давлат радиоэлектроника, электротехника ва асбобсозлик саноати концерни («Радиоэлектронтехасбоб»), Ўзбекистон пахтани қайта ишлаш саноатини илмий техникавий таъминлаш давлат концерни

(«Ўзмашпахтагазмол»)ташкил этилди. 1994 йилда давлат концернлари ишлаб чиқарувчилар уюшмаларига айлантирилди ва уюшмаларнинг асосий вазифаси бозор конъюнктураси ва маҳсулотлар маркетингидан келиб чиққан ҳолда ишлаб чиқаришни ривожлантириш стратегиясини ишлаб чиқишдан иборат деб белгиланди.

Ўзбекистон машинасозлик корхоналари уюшмаси («Ўзмашсаноат» – таркибида 3 ёпиқ турдаги акциядорлик жамияти, 19 очиқ турдаги акциядорлик жамияти, 1 қўшма ва 4 давлат тасарруфидаги корхоналар, бир неча илмий конструкторлик ва технологик ташкилотлар бор) умумий машинасозлик, тўқимачилик саноати, пахта тозалаш саноати машинасозлиги ва бошқаларга, «Ўзқишлоқхўжаликмашхолдинг» холдинг компанияси қишлоқ хўжалиги машинасозлиги корхоналарига (таркибида 17 йирик корхона бор), Ўзбекистон автомобилсозлик корхоналари уюшмаси («Ўзавтосаноат» – таркибида 18 корхона ва ташкилотлар) автомобилсозлик саноати ва унга техника хизмати кўрсатиш соҳаларига, Ўзбекистон радиоэлектроника, электротехника саноати корхоналари уюшмаси («Ўзэлтехсаноат») электротехника, радиотехника саноати соҳаларига раҳбарлик қилади.

Қурилиш материаллари саноати.

Республика кўп тармоқли қурилиш материаллари саноатига эга. Цемент, асбест–цемент, деворбоп материаллар, юмшоқ ёпгич ва гидроизоляция материаллари, табиий тошлардан қоплама материал (плита)лар, норуда қурилиш материаллари, қурилиш керамикаси, иссиқлик изоляцияси материаллари, оҳак, гипс, боғловчи материаллар ва улардан буюмлар, санитария–гигиена жиҳозлари, полимер хом ашёдан қурилиш материаллари ва буюмлар, темир–бетон конструкциялари ва б. ишлаб чиқариш тармоқлари мавжуд. Тармоқ корхоналарида 100 дан ортиқ номдаги асосий маҳсулот турлари тайёрланади. 1997 йилда Ўзбекистонда 3286,0 минг т. демент, 718,0 млн. дона шартли ғишт, 225,7 млн. шартли тахта , асбест-цемент шиферлари, 5123,0 минг $м^2$ дераза ойналари, 1006,0 минг $м^2$ деноleум ишлаб чиқарилди.

Қурилиш материаллари саноати тармоқлари юксак механизациялашган ва халқ хўжалигининг қурилиш материалларига бўлган талабини тўла қондиради. Хорижий инвесторлар иштирокида янги қўшма корхоналар қурилмоқда, ишлаб турган

корхоналар замонавий технология билан жиҳозланиб кенгайтирилмокда.

Ўзбекистонда табиий хом ашёдан қурилиш материаллари сифатида фойдаланиш тарихи узоқ ўтмишга бориб тақалади. Айниқса биноларқурилишида хом ғишт, гувала, ёғоч синч, оддий тупроқ (лой)дан тикланадиган пахса асрлар давомида асосий қурилиш материаллари бўлиб келган. Хумдонларда пиширилган ғишт, сопол, чинни кошин, ганч, йўнилган гранит, мармар тошлар сарой, мадраса, масжид, работлар қурилишида кенг қўлланилган.

Цемент саноати. Республикадаги қурилиш индустриясининг биринчи корхонаси – 1913 йил қурила бошлаган Хильково цемент заводи (ҳозирги Бекобод цемент комбинати) дир. 1927 йили Ўзбекистонда ҳаммаси бўлиб 7,7 минг т цемент олишга муваффақ бўлинган. Республикада цементга бўлган эҳтиёж орта борди. Кейинчалик 1932 йилда Кувасой цемент заводи ишга туширилди.

Қурилиш материаллари ишлаб чиқариш урушдан кейинги йилларда анча ўсди. Янги тармоклар – керамика, иссиқлик изоляцияси ва норуда материаллар тармоклари вужудга келди ва ривожланди.

Республикада 1947 йили Ангрен, 1962 йилда Оҳангарон цемент комбинатлари, 1977 йилда «курук» усулда цемент ишлаб чиқарадиган, йиллик лойиҳа қуввати 3450 минг т бўлган Навоий цемент комбинати ишга туширилди.

Республика цемент саноати тармоғида йилига 5 млн. т дан кўпрок цемент ишлаб чиқарадиган 5 йирик корхона ишлайди. Цементнинг ҳамма асосий турларини ишлаб чиқариш ўзлаштирилди. Цемент корхоналарида шифер, асбоцемент қувурлар, минерал пахта (вата) ва ундан тайёрланган буюмлар, цемент–қум черепицалари ва бошқа маҳсулотлар ҳам ишлаб чиқариш ўзлаштирилган.

Республикада йилига 470 млн. шартли тахта (плита) ҳисобида шифер ишлаб чиқарилади. Текис ва тўлқинсимон шифер тахталари Оҳангарон, Кувасой, Бекобод цемент комбинатларида тайёрланади.

Тоштарошлик (тошга ишлов бериш). Табиий тошлар (мармар ва гранит)дан ишланган коплама материаллари ва блоклар Марказий Осиё меъморчилигида кўп ишлатилган.

Коплама тошлар захиралари, хилма–хиллиги ва ранги бўйича Ўзбекистон МДҲ мамлакатлари орасида етакчи ўринда. Республикада 30 дан ортиқ мармар, гранит, травертин (говак

оҳактош), туф (ғовак тоғ жинси) ва бошқа жинслар конлари топилган. Республика шаҳарларида, Москва, Киев, Новосибирск, Бишкек, Душанбе, Бокуда қурилган архитектура иншоотлари, Москва, Ленинград, Киев ва бошқа шаҳарларда қурилган 11 метрополитенда Ғозғон ва Нурота мармари, Лангар, Севасой, Чоркесар гранити, Чуст травертини ишлатилган. Тармоқдаги йирик корхоналар – Ғазалкент тошга ишлов бериш комбинати (йиллик қуввати 150 минг м^2 тош плита); Тошкент тошга ишлов бериш комбинати (88 минг м^2), Нукус гранит–мармар заводи (70 минг м^2), «Қашқадарёмармар» (25 минг м^2), «Самарқандмармар» (22 минг м^2) ишлаб чиқариш бирлашмалари. Республикада қоплама материалларга бўлган эҳтиёж тўла қондирилиб, қолган қисми яқин ҳамда узоқ хорижий мамлакатларга чиқарилмоқда.

Норуда ва қоплама материаллар тармоғида 19 та тошга ишлов бериш корхоналари фаолият кўрсатади, йилига табиий тошлардан 542 минг м^2 қоплама материаллар ишлаб чиқарилади. Мармар ва гранит блоклари қазиб олинадиган 10 карьер ишлайди (53,4 минг м^2 мармар, 9,8 минг м^2 гранит блоклари тайёрланади) Шунингдек, чиқитки тошлардан увоқлар ишлаб чиқарилади.

Деворбоп материаллар (ғишт) саноати соҳасида қурилишда ишлатиладиган оловбардош ва иморат ғиштининг асосий қисми Яланғоч 2–ғишт заводи, Янгийўл 8–ғишт заводи, Олмалиқ қурилиш материаллари комбинати, Чирчиқ 9–ғишт заводида ишлаб чиқарилади. 1990 йиллар бошидан ғиштни янги технология асосида тайёрлаш бўйича экспериментал цехлар ишга туширилди.

Керамика саноати тармокларида Ангрен керамика комбинати ва Тошкент қурилиш материаллари комбинатида барча турдаги сопол кошинлар (йилига 3436 минг м^2), санитария-қурилиш фаянси, гипс, канализация трубалари, майолика буюмлари ва бошқа турдаги маҳсулотлар ишлаб чиқарилади. Оҳангарон «Қурилишпластмасса» комбинати, Жиззах полиэтилен қувурлар заводида қурилиш эҳтиёжлари учун турли қуйма буюмлар тайёрланади.

Шиша-ойна саноати соҳасида «Қувасойшиша» ишлаб чиқариш бирлашмаси ва Ғазалкент шиша-ойна заводи ишлайди. Бу корхоналарда 212 млн. дона консерва шиша идишлари, 80 млн. дона бутилка, 2 млн. м^2 дераза ойнаси ишлаб чиқарилади.

Санитария жиҳозлари Оҳангарон «Сантехқуйма» заводида ишлаб чиқарилади (чўян ванналар, канализация қувурлари, ошхона пўлат чанок (раковина)лари, идиш ювиладиган жомлар).

Қурилишни индустрлаштиришда йиғма темир-бетон ишлаб чиқаришни ўзлаштириш муҳим аҳамиятга эга бўлди. Йиғма темир-бетондан маҳсулот ишлаб чиқарадиган 300 га яқин завод ва комбинатлар ишлайди. Бу корхоналарда республика қурилиш материаллари саноати ялпи маҳсулотининг деярли 50 %и ишлаб чиқарилади. Республика саноати маҳсулотининг умумий ҳажмида қурилиш материаллари саноатининг ҳиссаси 5,0 % ни ташкил этади.

Республика қурилиш индустриясида йирик уйсозлик жадал ривожлантирилмоқда. Республикада 11 уйсозлик комбинатлари ва заводлари ишлаб турибди.

Йиғма темир-бетондан қилинган деталлар ва контрукциялар учун табиий ва сунъий тўлдиргичлар, керамзит, аглопорит, минерал пахта ишлаб чиқариш кўпаймоқда.

Республикадаги қурилиш материаллари саноатининг асосий йирик корхоналари Ўзбекистон қурилиш материаллари акциядорлик компанияси («Ўзқурлишматериаллари»)га қарайди. Компания Ўзбекистон Республикаси Қурилиш материаллари саноати вазирлиги негизида ташкил этилган.

Республикадаги «Ўзсаноатфуқарокурилиш» корпорацияси, «Ўзсувқурилиш» концерни, «Ўздеҳқончиликқурилиш» давлат-ширкат, «Ўзжамоахўжаликқурилиш» кооператив бирлашмалари, Тошкент молия-қурилиш корпорацияси (собиқ «Тошкентбошқурилиш» корпорацияси), Ўзбекистон монтаж ва махсус қурилиш ишлари уюшмаси («Ўзмонтажмахсусқурилиш») каби йирик ташкилотлар ўз ишлаб чиқариш эҳтиёжаларини қондирадиган қудратли қурилиш материаллари индустриясига эга. Шунингдек республикада кўпгина жамоа хўжаликларида маҳаллий хом ашёдан қурилиш материаллари (ғишт, оҳак, қум, тош ва бошқалар) ишлаб чиқарадиган жуда кўп кичик цех ва корхоналар ишга туширилган ва фаолият кўрсатмоқда.

Ёғочсозлик саноати

Ёғочни қайта ишлаш ҳунармандчиликнинг бир тури тарзида ривожланиб келди. Ёғочсозлик ёки дурадгорлик (ёғочни қирқиш, тилиш, йўниш, рандалаш, пармалаш), уйсозлик, асбобсозлик, аравасозлик, эгарсозлик, сандиқсозлик, панжарасозлик, ўймакорлик сингари жуда кўп тармоқлардан иборат бўлган.

Урушдан кейинги даврларда республикадаги кустарь ишлаб чиқариш артеллари ва туман, шаҳар саноат комбинатларининг йирик цехлари базасида ёғочсозлик корхоналари ташкил этила бошлади, уларда қурилиш деталлари, дурадгорлик маҳсулотлари, дераза ва эшик блоклари тайёрлашга ўтилди. Бу саноат тармоғида арраланган ёғоч, ёғоч тўсин, паркет қоплами, дераза роми, эшик ва бошқа ёғоч деталлар, прессланган кипикдан плиталар ва бошқа маҳсулотлар ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.

1969 йили «Ўзбекёғочқурилиш» бошқармаси негизида ёғоч тайёрлаш ва ёғочсозлик бош бошқармаси («Ўзбошёғочсаноат») ташкил этилди (1978 йилдан Ёғоч тайёрлаш, қурилиш конструкциялари ишлаб чиқариш ва ёғочсозлик бош бошқармаси – «Ўзқурилишёғочсаноат»). Бошқарма Италия, Германия, Швеция фирмалари билан ҳамкорликда ишга туширилган Тошкент дурадгорлик буюмлари заводи, «Тошкент» ёғочсозлик бирлашмаси (қуввати 400 минг м^2 паркет, 500 минг м^2 дераза роми, 500 минг м^2 эшик тавақалари), Тошкент қуёшдан ҳимоя ускуналари заводи (қуввати 400 минг м^2), ёғоч кипиғи ва чиқиндиларидан прессланган қурилиш тахтачалари заводи (қуввати 20 минг м^3) ҳамда Шарқий Сибирдаги 11 ўрмон саноати (ёғоч кесиш) хўжаликлари ишига раҳбарлик қилди.

Сўнгги йилларда Тошкент дурадгорлик буюмлари заводи, қуёшдан ҳимоя ускуналари заводи ва Сергелида янги ишлаб чиқариш цехлари очилди. Мустақиллик йилларида қуёшдан ҳимоя ускуналари заводида пластмассадан дераза ромлари ишлаб чиқарадиган линиялар, Асака дурадгорлик буюмлари заводи ишга туширилди. Тошкентда Марказий Осиёда биринчи бўлган «Ўз-Эллас» гугурт заводи (Ўзбекистон–Греция қўшма корхонаси; йиллик қуввати 300 млн. қути гугурт) маҳсулот чиқара бошлади.

Эскирган ва самарадорлиги камайган қувватларни ҳисобдан чиқариш натижасида «Ўзқурилишёғочсаноат» таркибидаги ёғочсозлик корхоналари йилига 470 минг м^3 дераза ромлари (шу жумладан 180 минг м^2 пластмасса ромлари), 350 минг м^2 эшик, 166 минг м^2 паркет, 1 млн.погон/м узун ўлчовли буюмлар (плинтус, наличник, штапик ва б.), 50 минг м^2 қуёшдан ҳимоя ускуналари, 2,5 млн. дона ошиқ-мошиқ, 5,0 минг м^3 ДСП, 1 минг м^3 тахта ва бошқа маҳсулотлар ишлаб чиқариш қувватига эга. Бундан ташқари республикадаги йирик қурилиш концернлари, корпорациялари ва уюшмаларининг ўзида мустақил ёғочсозлик корхоналари бор.

Аммо ёғоч хом ашёси тақчиллиги туфайли ёғочсозлик саноатидаги мавжуд қувватларнинг ярмидан фойдаланилмоқда. Республика халқ хўжалиги ва аҳолининг ёғоч-тахтага бўлган йиллик эҳтиёжи 10 млн. м³ га боради. Республиканинг ёғоч, тахта, қоғоз, целлюлоза, гугурт ва бошқаларга бўлган эҳтиёжларини тўларок қондириш, ёғочни қайта ишлаш саноати корхоналари хом ашё базаси мустақиллигини таъминлаш бўйича Республика Вазирлар Маҳкамаси 1994 йили «Саноат теракчилигини ривожлантириш ва бошқа тез ўсувчи ёғочбоп дарахтзорларни барпо этишга оид чора-тадбирлар тўғрисида» қарор қабул қилди. Қарорда Қорақалпоғистон ва барча вилоятларда ҳар йили 10 минг га, 10 йилда 100 минг га теракзор ўрмонлари ташкил этиш, яқин келажакда ҳар йили 5 млн. м³ саноатбоп ва қурилиш ёғочи тайёрлаш режалари белгиланган.

Енгил саноат

20- аср бошларида Ўзбекистонда енгил саноат соҳаси асосан пахтани қайта ишлаш корхоналаридан иборат бўлиб, ялпи саноат маҳсулотининг қарийб 4/5 қисми шу соҳага тўғри келган. 1920 йиллардан пахта тозалаш заводлари, пиллакашлик, йигирув-тўқув, тикувчилик, пойабзал фабриклари қурила бошлади.

Ҳозирги даврда Ўзбекистон енгил саноати кўп тармоқли индустриал комплекс бўлиб, унинг таркибида пахта тозалаш заводларидан ташқари тўқимачилик, трикотаж, шойи тўқиш, тикувчилик, кўн-пойабзал, гиламчилик, чинни-фаянс буюмлари ва атторлик моллари ишлаб чиқариш соҳаларида 142 корхона бор. Республика саноат маҳсулоти умумий ҳажмида енгил саноат ҳиссаси 17,6 % ни ташкил этади. Бу тармокда 300 мингдан ортиқ киши банд.

1997 йилда республика енгил саноати тармокларида 474,4 млн. м² газлама, шу жумладан 424,9 млн м² ип газлама, 46,9 млн. м² шойи газлама, 49,9 млн. дона трикотаж маҳсулотлари, 64,5 млн. жуфт пайпоқлар, 5,4 млн. жуфт пойабзал маҳсулотлари ва бошқалар ишлаб чиқарилди.

Пахта тозалаш саноати енгил саноати тармоқлари орасида етакчи ўринда. Республика ривожланган ва замонавий технологияга эга бўлган пахта тозалаш саноатига эга. Бу саноат тармоғининг асосий маҳсулоти – пахта толаси 40 га яқин хорижий

мамлакатларга, жумладан Буюк Британия, Бельгия, Жанубий Корея, Швейцария, АҚШ, Туркия ва бошқа мамлакатларга экспорт қилинади.

Биринчи пахта тозалаш заводи Тошкентда 1874 йилда қурилган. Россияда пахта хом ашёсига бўлган талабнинг ортиши билан Ўзбекистонда пахта тозалаш саноати тез ривожлантирилди. 1885 йилда 9, 1890 йилда 27, 1914 йилда 208 та пахта тозалаш заводи ишлади. Пахтачилик ғалла экинларини сиқиб чиқара бошлади. Кейинги 80 йил давомида пахта толаси ишлаб чиқариш деярли 10 марта кўпайди. 1980 йилда энг кўп – 1745,3 минг т тола ишлаб чиқарилди. Шунга кўра 1924 йилда республикада 37, 1940 йилда 55, 1950 йилда 63, 1960 йилда 65, 1980 йилда 107, 1995 йилда 119 пахта тозалаш заводи ишлади. Пахтадан тола чиқиши 31–32% ни ташкил этди.

Республикада пахта экиладиган майдонлар бир қадар камайтирилиши ҳисобига дон экинлари майдони кенгайтирилмоқда.

Республикадаги ҳозирги пахта тозалаш саноати ягона бошқарувда ишлайдиган пахта тайёрлаш пунктлари, қуритиш-тозалаш цехлари, транспорт хўжаликлари, пахта тозалаш заводлари, илмий ишлаб чиқариш бирлашмаларидан иборат. Тармоқда 128 пахта тозалаш заводи, 582 пахта тайёрлов пункти бор. Энг йирик пахта тозалаш заводлари: Қоракўл, Ғиждувон, Каттақўрғон, Кўргонтепа, Ҳазорасп, Кўқон, Кува, Жума, Денов ва бошқа жойларда жойлашган (йиллик қуввати 100 минг т ва ундан ортиқ пахтани қайта ишлашга мўлжалланган). Толаси ажратиб олинган техник чигит ёг-мой комбинатларида қайта ишланади. Пахта саноати корхоналарида ҳар йили 1,2–1,5 млн. т дан ортиқ пахта толаси, 100 минг т дан ортиқ линт, 2-2,5 млн. т чигит, 200 минг т уруғлик чигит тайёрланади.

Ҳозирги босқичда пахта тозалаш саноатида янги техника, технология жадал суръатларда жорий этилмоқда. Хорижий мамлакатларнинг илғор технологиясини ўрганиш ва жорий этиш, тармоқ корхоналарида пахта толаси бўйича жаҳон стандартларига ўтиш учун АҚШ, Швейцария ва бошқа мамлакатлардаги фирмаларда ишлаб чиқарилган жиҳозлар ва технологияни қўллаш соҳасида халқаро илмий-техникавий ҳамкорлик йўлга қўйилди. Республика мустақилликка эришганидан кейин Туркия ва бошқа хорижий давлатлар фирмалари билан ҳамкорликда Фарғона, Хоразм, Қашқадарё вилоятлари ва Қорақалпоғистонда пахтани

қайта ишлашдан тайёр тўқимачилик маҳсулоти ишлаб чиқаришга қадар жараёнлар қамраб олинган комбинатлар қурилиши бошланди. Қорақалпоғистоннинг Элликқалъа туманида Туркиянинг «Язекс» корпорацияси билан ҳамкорликда «Элтекс» комбинати ишга туширилди.

Пахта тозалаш саноати бўйича илмий тадқиқот ишлари Тошкент шаҳрида жойлашган Пахта целлюлозаси кимёси ва технологияси илмий-тадқиқот институти, Марказий пахта тозалаш саноати илмий тадқиқот институти (ЦНИИХпром)да олиб борилган. Кейинчалик «Пахта саноати» илмий ишлаб чиқариш бирлашмаси ва унинг негизида пахта тозалаш саноати бўйича Илмий марказ ташкил этилди.

Тармоқ ЎзССР Пахта тозалаш саноати вазирлиги, сўнгра «Ўзбекпахтасаноат» ишлаб чиқариш бирлашмаси томонидан бошқарилган. 1990 йилгача пахта толасини четга сотиш билан собиқ СССР Енгил саноат вазирлигининг «Союзглавлегпромсырьё» бош бошқармаси шуғулланган. 1992 йилдан пахтани қайта ишлаш ва пахта маҳсулотларини сотиш билан шуғулланувчи «Ўздавпахтасаноатсотиш» давлат-акциядорлик уюшмаси ташкил этилди. Унинг таркибида 12 вилоят ва Қорақалпоғистон Республикаси пахта тозалаш саноати бирлашмалари, «Тошкент қаноп саноати» бирлашмаси, Республика илмий маркази бор. Республикада ишлаб чиқарилган пахта толасининг анчагина қисми (85–90 %) экспортга чиқарилади.

1993 йилдан ЎзР жаҳондаги 6 Халқаро пахта толаси савдоси биржаларидаги энг йириги – Ливерпул (Ливерпул Коттон ЛТД) пахта биржаси (Англия) билан ҳамкорлик қилмоқда.

Тўқимачилик саноати. Ўзбекистонда тўқимачилик узоқ тарихга эга. Бу ерда тайёрланган газмоллар (атлас, занданачи, бахмал, бекасам, олача) ўрта асрларда Буюк Ипак йўли орқали Европа ва Яқин Шарқ мамлакатларига чиқарилган, лекин саноат усулида газламалар ишлаб чиқариш 20- асрнинг 20- йилларидан бошланди. 1930 йилда Фарғона ип йигириш-тўқиш фабрикаси ишга туширилди (ҳозирги Фарғона тўқимачилик комбинати), 1932 йилдан Тошкент тўқимачилик комбинатини қуриш бошланди. Тошкент тўқимачилик комбинати ва Фарғона йигирув-тўқув фабрикаси 1945 йилда республикада ишлаб чиқарилган жами ип газламанинг 95,4 % ни берди. Кейинчалик Бухоро тўқимачилик комбинати, Андижон ип-газлама комбинати, Поп нотўқима материаллар комбинати, Хива

ипам комбинати қуриб ишга туширилди. Йирик тўқимачилик корхоналарида бир қанча филиаллар очилди. Жумладан Тошкент шаҳрининг ўзида 3 та фабрика қурилди. Шунингдек, Пахтаобод, Чувама, Кўргонтепа, Марҳаматда ҳамда Ғиждувон ва Вобкентда фабрикалар қурилиб ишга туширилди. Филиалларда ҳам ишлаб чиқариш технологик циклининг тугал бўлишига эришилди.

Республикада ҳозир 4 тўқимачилик комбинати ва 30 дан ортиқ йигирув-тўқув фабрикаси ишлаб турибди.

Ўзбекистон тўқимачилик саноатини ривожлантиришнинг асосий йўналишларидан бири жаҳон бозорида рақобатбардош ип газлама ишлаб чиқаришни кўпайтиришдан иборат. Шу мақсадда АҚШ, Италия, Туркия, Покистон, Ҳиндистон, Корея Республикаси ва бошқа мамлакатлар фирмалари билан ип газлама ишлаб чиқарадиган янги қўшма корхоналар ташкил этилмоқда. «Супертекстиль» пахта ип йигирув Ўзбекистон – АҚШ қўшма корхонаси, Ўзбекистон–Жанубий Корея «Кабул-Тўйтепа текстил» қўшма корхонаси фаолият кўрсатмоқда. Қарши ва Гулистонда Туркиянинг «Язекс» корпорацияси билан ҳамкорликда тўқимачилик мажмуалари қурилмоқда.

Ипакчилик саноатида ипак, кимёвий ва аралаш иплардан маҳсулотлар ишлаб чиқарилади. Ўзбекистонда пиллакашлик қадим тарихга эга. Қадимдан Марғилон, Наманган, Қўқон, Бухоро, Самарқанд, Хўжанд каби шаҳарлар Ўрта Осиёдаги шойи газламалар ишлаб чиқариш марказлари бўлган. Шойи газмоллар Яқин Шарқ ва Европа мамлакатларига ҳам чиқарилган. Пилладан ярим кустарь ҳолда (қозонларда қайнатиб), қўл чархларида калава қилиб ипак олинган. 1913 йилда Ўзбекистонда қарийб 4 минг т пилла етиштирилган, унинг аксарият қисми рус ишбилармонлари қўлига ўтиб, қайта ишлаш учун Италия ва Францияга жўнатилган.

1921 йилдан Ўзбекистонда 56 қозонли механик станок ўрнатилган биринчи пиллакашлик фабрикаси Фарғона шаҳрида иш бошлади. 1927–32 йилларда Самарқанд, Бухоро, Марғилон шаҳарларида пиллакашлик фабрикалари ишга туширилди. 1937 йилдан сунъий ипак газламалар тўқиш ҳам бошланди.

Ҳозир 9 йирик корхона: Марғилон, Фарғона, Самарқанд, Бухоро, Тошкент, Наманган, Урганч, Шаҳрисабз, Булоқбоши пиллакашлик фабрикалари, уларнинг 12 филиали ишлаб турибди. Бу корхоналарда республикада етиштирилган жами пилла (30 минг т атрофида) қайта ишланади.

Шойи тўқиш саноати соҳасида Марғилон "Ипакчи", "Марғилон хонатласи» ва Наманган "Атлас" акциядорлик жамияти, Наманган абрли газламалар комбинати, Самарқанд "Мусаффо" акциядорлик жамияти, Қўқон шойи тўқиш фабрикаси, "Хоразм ипаги" акциядорлик жамияти, Пойтуғ шойи тўқиш фабрикаси ва бошқалар ишламоқда. Бу корхоналар шойи газламалар турлари бўйича ихтисослашган. Масалан, Марғилон "Ипакчи" корхонасида крепдешин, крепшифон, крепжоржет, "Марғилон хонатласи" акциядорлик жамиятида табиий ипакдан миллий газламалар: атлас, хонатлас, бекасам, шойи (ишлаб чиқариладиган умумий газмоллар ҳажмининг 70% дан кўпроғи), шунингдек, плашбоп, костюмбоп, астарбоп газламалар, Наманган шойи ишлаб чиқариш корхонасида ипакли, штапель, вискоза ва аралаш толалардан кийим-кечак тикиладиган газмоллар, ип газлама ишлаб чиқарилади. Самарқанд "Мусаффо" шойи корхонаси тукли ва жаккард газламалар, Қўқон шойи тўқиш фабрикаси табиий ипак, сунъий иплардан абрли газламалар ишлаб чиқаришга ихтисослашган.

Трикотаж саноати республикада 30–40-йилларда шаклланди. 1939 йилда Ўрта Осиёда энг йирик ҳисобланган Қўқон пайпоқ фабрикаси ишга туширилди. Уруш йилларида Андижон ва Тошкент шаҳарларида трикотаж фабрикалари қурилди. 50–60-йилларда Самарқанд, Тошкент, Бухоро, Андижон шаҳарларида трикотаж кийимлар фабриклари ишга туширилди. Тармоқдаги энг йирик корхона Тошкентда «Малика» трикотаж ишлаб чиқариш бирлашмасида эркаклар, аёллар ва болаларнинг 200 хилдан ортиқ устки ва ички трикотаж кийимлари ишлаб чиқарилди.

Трикотаж корхоналари янги ускуналар билан жиҳозланди, янги корхоналар қурилди, «Малика» бирлашмаси Бухоро, Самарқанд трикотаж фабрикалари, Қўқон пайпоқ-тўқув комбинати тубдан реконструкция қилинди, Олтинкўл трикотаж матолар фабрикаси, Қорасув ва Жиззах пайпоқ фабрикалари ишга туширилди. Хўжаобод, Шаҳрисабз, Чорток, Шаҳрихонда трикотаж-тикувчилик фабрикалари фойдаланишга топширилди. Ҳозир республика трикотаж саноатида 1500 номдан ортиқ маҳсулот ишлаб чиқарилади.

Тикувчилик саноати. Ўзбекистонда тикувчилик ҳунармандчиликдаги касб тарзида катта тарихга эга. Қадимдан қишлоқ-шаҳарларда тикувчилик касби усталари – махсус чеварлар қўлда чопон, кийим-кечак, кўрпа-тўшак, рўзғор буюмларини

буюртмаларга кўра тикиш билан шуғулланганлар. Ўзбекистонда гулкўрпа, зарбоф тўн, чойшаб, сўзана, кашта каби буюмлар тикиш юксак санъат даражасига кўтарилган.

Ўзбекистонда энг биринчи тикувчилик корхонаси 1907 йил Тошкентда қурилган «Луи Зальм ва унинг ўғиллари» акциядорлик жамиятига қарашли тикувчилик фабрикаси эди. 20- асрнинг 20-йилларидан тикувчилик енгил саноатнинг йирик тармоғига айланди. 1926 йилда Тошкентда «Қизил тонг» тикув фабрикаси, кейинроқ 1- тикувчилик заводи ишга туширилди. Урушгача бўлган даврда Самарқанд, Бухоро, Тошкент, Қўқон, Урганч, Андижонда янги корхоналар қурилди. Уруш даврида Чирчиқ, Қарши, Наманган шаҳарларида йирик тикувчилик фабрикалари ишга тушди.

Кейинги йилларда Тошкентда 3- тикувчилик фабрикаси, Й. Охунбобоев номидаги Тошкент бош кийимлар фабрикаси, Хива тикувчилик фабрикаси ишга туширилди. Самарадорликни ошириш мақсадида ишлаб чиқариш бирлашмалари ташкил этилди. Айни пайтда меҳнат ресурслари ортиқча бўлган кичик шаҳар ва шаҳарчаларда тикувчилик корхоналари филиалларини қуриш авж олди. Шу даврда ихтисослашган 7 тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмаси ва 40 дан ортиқ филиаллар ташкил этилди. Тармоқда ҳозир 18 тикувчилик корхонаси ишлаб турибди. Уларда 50 мингдан ортиқ киши банд (қарийб 80 % хотин-қизлар). Тармоқ саноат корхоналарини янги технологик линиялар билан жиҳозлашда ривожланган капиталистик давлатлар фирмалари билан ҳамкорлик йўлга қўйилди.

Тошкент «Қизил тонг», Самарқанд «8-Март» тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмаларида Франция, Германия, Швейцария, Япония, Италия фирмалари иштирокида шу фирмаларнинг комплекс механизациялашган линиялари ўрнатилди.

«Қизил тонг» фабрикаси ҳузурида устки кийимлар тикадиган «Ойдин-Мониза» Ўзбекистон – Хитой қўшма корхонаси ишга туширилди.

Тикувчилик корхоналарида 36 комплекс механизациялашган линия ва потоклар жорий этилган. Корхоналарда янги технологиялар – тикиш ўрнига елим билан чоклаш ва янги материаллар ўзлаштирилмоқда. Республикада тикувчилик маҳсулотлари, айниқса миллий буюмлар ва кийим-кечак маҳаллий саноат корхоналарида ҳам ишлаб чиқарилади.

Кўн-пойабзал саноати маҳаллий хом ашё – ҳайвонлар

терисидан юмшоқ ва қаттиқ чарм, табиий ва сунъий чармдан пойабзал, шунингдек, телпак, от-улов асбоблари, атторлик буюмлари, тўқимачилик ва бошқа машиналар учун деталлар ишлаб чиқаради. К ў н ч и л и к Ўзбекистонда ҳунармандчиликнинг қадимий тури сифатида мавжуд. Тошкент, Самарқанд, Бухоро, Қўқон шаҳарларида, Хоразмда юзларча кўнчилик дўконлари бўлиб, уларда теридан турли нав чармлар тайёрланган. 19-асрнинг сўнгги чорагида маҳаллий бозорларда Европа шаҳарларидан хром, шагрень, упука тери турлари ва улардан тикилган пойабзаллар келтириб сотила бошлади.

Тармоқдаги биринчи энг йирик корхона – Тошкент кўн заводи 1928 йил ишга туширилди (ҳоз. 2-кўн заводи, йиллик қуввати 250 минг қорамол териси). Хонободда (Андижон вилояти) тери ошлаш заводи, пўстин учун қўй терисини ошлайдиган 2 корхона ишга туширилди. Тошкентда янги кўн заводи (ҳоз. 1-кўн заводи), сунъий чарм ва пленка материаллари заводи фойдаланишга топширилди.

Кўнчилик соҳасидаги барча заводлар негизида Тошкентда «Ўзбекистон» кўн ва сунъий чарм ишлаб чиқариш бирлашмаси ташкил этилди (Ҳозир «Чарм» корпорацияси).

П о й а б з а л с а н о а т и. Ўзбекистонда пойабзал тикиш ўз анъаналарига эга. Қадимдан пойабзал тикувчи косиблар қўлда ҳар хил андоза ва турда этик, махси, кавуш тикканлар. Пойабзал саноати корхоналари пайдо бўлиши билан туфли, ботинка, сандал, шиппак, пийма, калиш ҳамда махсус иш пойабзалларн ишлаб чиқарила бошлади.

1927 йил Тошкентда пойабзал фабрикаси ишга туширилди. Кейинги даврда Янгийўл пойабзал фабрикаси, Поп резина пойабзал фабрикаси, Фарғона пойабзал фабрикаси ишлай бошлади. Тошкентдаги 1- ва 2- пойабзал фабрикалари, Чирчиқ, Қўқон пойабзал фабрикалари кенгайтирилди ва қайта жиҳозланди, корхоналар маҳсулот турлари бўйича ихтисослашди.

«Фарғонапойабзал» акциядорлар жамияти билан Германиянинг «Саламандер» фирмаси иштирокида «Ўзсаламан» қўшма корхонаси маҳсулот чиқара бошлади (йиллик лойиҳа қуввати 8 турдаги 500 минг жуфт эркаклар пойбзали).

Ҳозир пойабзал саноати корхоналарини энг замонавий ускуналар билан қайта жиҳозлаш амалга оширилмоқда. Синтетик ва сунъий материаллардан кенг фойдаланиш тармоқдаги истиқболли йўналишлардан. Республика енгил саноати тизимида, маҳаллий

саноат тармоқларидаги бир қанча майда корхоналардан ташқари, 10 та йирик пойабзал фабрикаси ишлаб турибди.

Мўйна саноати. Ўзбекистонда мўйнадўзлик билан қадимда якка ҳунармандлар шуғулланган. Ошланган қўй терисидан пўстин, телпак ва ҳ. к. тикилган. 20- йиллардан ҳунармандлар артелларга бирлаштирилди. Тошкент кўн-мўйна ва Бухоро қоракўл тери заводлари мўйна саноатидаги йирик корхоналардир. Тошкент кўн-мўйна заводи 1956 йили чарм-галатерея буюмлари комбинати номи билан ташкил қилинган. Аёллар ва болалар пальтоси, бош кийимлар, астари мўйна, авраси газлама бўлган буюмлар ишлаб чиқаради. Бу завод Самарқанд тери хом ашёси заводидан ҳамда республика гўшт комбинатларидан келтирилган хом ашёдан фойдаланади. Бухоро қоракўл заводида қоракўл терилариға ишлов берилади. 1996 йилдан Наманганда сунъий мўйна фабрикаси ишга туширилди (Ўзбекистон-Германия қўшма корхонаси).

Ўзбекистон қоракўл териларининг кўпгина навлари жаҳон стандартларига мос ва халқаро бозорда юқори қадраланади. Республикада, айниқса Қорақалпоғистонда мўйнали ҳайвонлар – ондатра, нутрия, қундуз каби мўйнали ҳайвонларни саноат усулида боқиш – даррандачилик йўлга қўйилди. Улардан олинган мўйналардан устки ва бош кийимлар тикилади.

Чинни-фаянс саноати. Ўзбекистонда чинни-фаянс саноати асосан 50- йиллардан ривожлана бошлади. Тармоқдаги биринчи замонавий корхона Тошкент чинни заводи 1952 йилда ишга туширилган (йиллик қуввати 31 млн. дона маҳсулот). 1970 йили Самарқанд чинни заводи (йиллик қуввати 22 млн. дона маҳсулот) ва 1977 йилда Қувасой чинни заводи (йиллик қуввати 28 млн. дона маҳсулот) ишга туширилди. Бу корхоналарда рўзғорда ишлатиладиган чинни буюмлар (коса, пиёла, чойнак, лаган, эсдалик-совға буюмлари ва бошқалар) ишлаб чиқарилади. Тошкент чинни заводида ишлаб чиқариладиган «Оқ олтин» («Пахта»), «Тонг», Самарқанд чинни заводида ишлаб чиқариладиган «Узум» ва бошқа тўпламлар халқаро ярмарка ва кўргазмаларда намойиш қилинган.

Ангрен керамика комбинатининг ишга туширилиши билан Ўзбекистонда фаянс (дағал чинни)дан турли хил чинни тахтача, сирланган кошин ва бошқа санитария-қурилиш фаянс маҳсулотларини ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Маҳаллий саноатдаги кулолчилик корхоналарида махсус рангли тупроқдан сирлаб тайёрланган сопол-майолика буюмлар, қурилиш

материаллари ҳам ишлаб чиқарилади.

Енгил саноат тармоқларида техника ва технологияни такомиллаштириш ишлари технология жараёнларини интенсивлаштириш, ускуна-жиҳозлар ва технологик жараёнларни механизациялаш ва автоматлаштириш даражасини кўтариш, юқори даражада автоматлаштирилган жараёнлар ва ускуна-жиҳозлар мажмуини, робототехниканя яратиш ва жорий этиш, пировард маҳсулот ишлаб чиқариш тўла автоматлаштирилган корхоналар ва автомат фабрикалар барпо этиш йўналишларида олиб борилмоқда. Ўзбекистонда енгил саноат тармоқларига раҳбарликни ЎзССР Енгил саноат вазирлиги олиб борган. 1991 йилдан вазирлик Ўзбекистон енгил саноат моллари ишлаб чиқарадиган давлат уюшмаси («Ўзбекенгилсаноат»)га айлантирилди. Тармоқдаги илмий-технологик, ташкилий, конструкторлик муаммолари билан Марказий лойиҳа-конструкторлик технологик бюроси, Трикотаж саноати илмий текшириш институти, Табиий шойи ишлаб чиқариш ва қайта ишлаш Марказий илмий тадқиқот институти (Марғилон), Республика кийимлар моделлари уйи, Республика пойабзал моделлари уйи, Республика трикотаж маҳсулотлари моделлари уйи шуғулланади.

Каноп саноати. Республикада 30-йилларнинг охирида вужудга келди. Тармоқ корхоналари Тошкент вилоятида жойлашган. Каноп поясидан пўстлоғи ажратилиб, тола олинади, коп газлама, хўжалик арқони, кабель ипи ва бошқа маҳсулотлар ишлаб чиқарилади. Каноп толаси саноатда ишлатиладиган зигир толасига қараганда кўп афзалликларга эга.

Тошкент вилоятининг Қуйи Чирчиқ, Юқори Чирчиқ туманларида, 1950–56 йилларда Сурхондарё, Самарқанд вилоятлари, Қорақалпоғистонда жут ва каноп етиштирилиши билан каноп поясини қайта ишлайдиган заводлар қурилди. 1975 йил каноп саноати корхоналарида энг юқори даражага эришилди – 37,2 минг т узун каноп тола ишлаб чиқарилди.

Республикада каноп экин майдонларининг қисқариши натижасида Янгибозор, Тошовул, Кетмонтепа, Солдатск заводлари бошқа халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилди. Ҳозир 6 каноп заводи «Тошкент канопсаноатсотиш» акциядорлик бирлашмасига уюшган. Улар йилига 20 минг т каноп поясини қайта ишлаш қувватига эга.

1995 йилдан Пскентдаги «Гиламтўқима» корхонасида каноп

толасидан брезент, пояндозлар, Жумабозор ва Янгийўл заводларида каноп тўпонидан прессланган плиталар, Уялн ва Янгиҳаёт заводларида толали чиқиндилардан нотўкима матолар ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Каноп заводлари етказиб берадиган толадан Тошкентдаги каноп фабрикасида тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқарилади.

Мебель саноати. Мебель саноат усулида ишлаб чиқарила бошлангунга қадар уй-рўзғор мебелларн (хонтахта, курси, жовон, сандик ва бошқалар) кустарь ва ярим кустарь корхоналарда тайёрланган. Ўзбекистонда мебель саноатининг дастлабки маҳсулотлари – турар жой ва жамоат бинолари учун мебель ишлаб чиқариш 1922 йилдан бошланган. Уй-рўзғор ва жамоат эҳтиёжлари учун мебеллар ишлаб чиқариш урушдан кейинги йилларда бирмунча ривож топди. 50-йиллар охирида республикада турли вазирлик ва идоралар ихтиёрида бўлган 3 фабрика ва бир неча цехлар ишлаган. Ҳунармандчилик артеллари ва йирик мебель цехлари негизида Тошкент, Самарқанд, Наманган, Андижон шаҳарларида мебель фабрикалари барпо килинди. Республикадаги барча мебель саноати корхоналарини бошқарадиган «Ўзбекмебель» бирлашмаси ташкил этилиб кейинчалик шу бирлашма негизида «Ўзбекмебель» ижара корхоналари уюшмаси тузилди. Уюшма «Ўзбекмебель» давлат-акциядорлик бирлашмасига айлантирилди. Бирлашма таркибида 36 мебель ишлаб чиқариш акциядорлик бирлашма ва корхоналари: «Янгийўл» ишлаб чиқариш-тижорат ширкати, 13 мебель фабрикаси, 3 та мебель ишлаб чиқариш бирлашмаси, 6 мебель бирлашмаси, «Ўзбеккоғоз» ижара корхонаси, мебель кўзгуси корхонаси, ёғоч кесиш станоклари заводи, фирма магазинлари ва бошқалар бор. Тармоқдаги энг йирик корхоналар: «Тошкент» мебель бирлашмаси, «Миробод» бирлашмаси, Самарқанд мебель бирлашмаси, «Наманган» мебель бирлашмаси, «Мебель» бирлашмаси, «Фарғона мебель» бирлашмаси, Олмалик мебель комбинати, «Янгийўлмебель» ширкати, Қува мебель комбинати, Сергели мебель бирлашмаси, Олмазор юмшоқ мебеллар фабрикаси, Андижон мебель фабрикаси, Жиззах ва Риштон мебель фабрикалари ишга туширилди. Тармоқни ривожлантириш корхоналарни замонавий ускуналар билан қайта жиҳозлаш ва рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқариш, корхоналарнинг экспорт имкониятларини ошириш, хорижий фирмалар билан қўшма корхоналар ташкил этиш ҳамда иқтисодий ҳамкорликни йўлга қўйиш йўналишларида олиб борилмокда. «ЕвроЎз» Ўзбекистон

– Германия қўшма корхонаси ташкил этилди. Ўзбекистонда тайёрланган мебеллар экспорти йўлга қўйилди.

Мебель саноати ҳар хил мебель йиғмалари (меҳмонхона, ошхона, кабинет, ётоқхоналар мебеллари, мактаб, тиббиёт, лаборатория мебеллари), миллий мебель (хонтахта, сандиқ ва бошқалар) намуналарини, ҳашаматли мебеллар йиғмаларини ишлаб чиқаришни ўзлаштирган. Жиззах мебель фабрикасида ғўзапоядан ДВП (елимланган ёғоч толалари плитаси) ишлаб чиқарадиган линия (йиллик қуввати 1 млн. м²) ишга туширилди. Урганч ва Нукус мебель фабрикаларида шолипоядан тўшаклар ишлаб чиқарила бошлади.

Маҳаллий саноат. *Маҳаллий саноат йирик ишлаб чиқариш* хўжалик комплекси бўлиб, республикада ишлаб чиқариладиган халқ истеъмоли моллариниг йиллик умумий ҳажмида унинг ҳиссаси 12 % дан кўпрок. Тармоқдаги корхонада 70 мингдан зиёд ишчи-инженер, техник ходимлар банд.

Маҳаллий саноат корхоналарида асосан маҳаллий хом ашё ресурсларидан маҳаллий эҳтиёжларни қондиришга мўлжалланган халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқарилади. Унинг таркибида қора металлургия, кимё ва нефть кимёси, машинасозлик ва металлга ишлов бериш, ёғочни қайта ишлаш саноати, шу жумладан, мебель саноати, қурилиш материаллари, шиша ва чинни-фаянс, енгил саноат ва озиқ-овқат саноати корхоналари, халқ ҳунармандчилигининг зардўзлик, тикувчилик-тўқувчилик, пичоқчилик, бадиий каштачилик (сўзана, гулкўрпа, чойшаб, зардевор, палак, кирпеч), дўппидўзлик, ўймакорлик, мисгарлик, заргарлик, кандакорлик, рихтагарлик, кулолчилик, миллий чолғу асбоблари ясаш, косибчилик ва бошқа тармоқлари бор. Тармоқда шаҳар ва шаҳарчаларда, қишлоқларда катта-кичик хусусий ҳамда жамоа корхоналари, қўшма корхоналар, фабрика, бирлашмалар фаолият кўрсатади. Тармоқда 2000 дан кўпрок номда маданий, маиший, хўжалик моллари ишлаб чиқарилади.

Ўзбекистонда маҳаллий саноат 20- йиллардан ҳунармандлар ва косиблар ширкатлари кўринишида шаклланди. Тармоқдаги йирик корхоналар – Шаҳрихон, Косонсой ва Ургут шойи тўқиш, Уйчи ва Юкори Чирчик, Шаҳрисабз пиллакашлик фабрикалари, Бекободдаги «Металлист», Чустдаги миллий пичоклар заводлари, Тошкент, Андижон ва Шаҳрисабз бадиий буюмлар фабрикалари, Олмалик гилам фабрикаси, Тошкент ошхона мебеллари заводи,

Тошкент миллий чолғу асбоблари заводи, «Электрмашинйасбоб» заводи, Бухоро зардўзлик фабрикаси, Тошкент «Ёдгорлик» фабрикаси, Сўфиқишлоқ, Қамаши, Когон, Боёвут пахта фабрикалари, Риштон, Шаҳрисабз кулолчилик заводлари ва бошқа корхоналардир. Умумий ҳисобда 5 мингта замонавий технология, поток линиялар жорий этилган. Фарғона вилояти Олтиарик туманида жунни бирламчи қайта ишлайдиган корхона қурилди. Термос ишлаб чиқарувчи биринчи Ўзбекистон – Хитой қўшма корхонаси йилига 1 млн. дона маҳсулот ишлаб чиқармоқда.

Миллий ҳунармандчилик буюмлари 8 та ихтисослашган корхоналарда ишлаб чиқарилади, уларнинг энг йириклари, Тошкент, Андижон, Чуст, Наманган ва Қашқадарё бадиий буюмлар фабрикаларидир.

Маҳаллий саноат корхоналарида ҳар йили 1,25 млн. $м^2$ дан ортиқ миллий газлама (Марғилон, Олтиарикда қўлда тўқилган хонатласлар, Китобда бекасам) ишлаб чиқарилади.

Гилам тўқиш маҳаллий ҳунармандчиликнинг энг ривожланган ва кенг ёйилган тармоқларидан биридир. Қўлда тўқилган гилам ва палосларда маҳаллий услуб, бадиий усуллар сақланиб келмоқда. Бир йилда қарийб 240 минг $м^2$ гилам ва палос тўқилади.

Маҳаллий саноатда ишнинг касаначилик усуллари кенгайтирилмоқда. Чуст бадиий буюмлар фабрикаси ва Тошкент касаначилик фабрикалари уйда ишлайдиган ишчилардан фойдаланишга ихтисослашган. Тармоқда нодир металлар, тошлар ва синтетик материаллар (сунъий кристаллар) асосида маҳсулотлар ишлаб чиқарадиган «Фонон» илмий ишлаб чиқариш бирлашмаси фаолият кўрсатади. Корхоналарда янги техника, технология жадал суръатларда жорий этилмоқда. 1- Тошкент заргарлик буюмлари заводи негизида АҚШнинг «Гольдхоук Трейтинг Инкорпорейтед» фирмаси билан ҳамкорликда кумуш буюмлари ишлаб чиқарадиган «Кумуш» қўшма корхонаси ишга туширилди. 40 дан ортиқ хорижий мамлакат фирмалари билан бевосита алоқалар ўрнатилган, 30 та қўшма корхона ташкил этилди. Тармоқ маҳсулотларининг муайян қисми экспорт қилинади.

Республикадаги маҳаллий саноат корхоналари ҳудудий «Маҳаллий саноат» ишлаб чиқариш-савдо акциядорлик компаниялари (илгари Ўзбекистон маҳаллий саноат вазирлигининг вилоят бошқармалари) таркибига киради. Маҳаллий саноат тармоғида 168 акциядорлик

жамияти, 97 жамоа корхонаси, 33 масъулияти чекланган жамият, 80 хусусий фирмага айлантирилган корхоналар бор. Тармокда янги техника ва технологияни яратиш ҳамда жорий этиш масалалари билан «Тарх» акциядорлик жамияти, корхоналарни лойиҳалаш ва қайта жиҳозлаш масалалари билан «Ўздавмаҳаллийсаноат» республика лойиҳалаш институти шуғулланади.

Озиқ-овқат саноати.

Республика халқ хўжалигида муҳим мавқени эгаллайдиган замонавий озиқ-овқат саноатига эга. Бу саноат асосан маҳаллий хом ашёни қайта ишлашга асосланган. Республика умумий саноат маҳсулоти ҳажмининг 9,8% озиқ-овқат саноати ҳиссасига тўғри келади. Озиқ-овқат саноати корхоналарида банд бўлган саноат ходимлари сони 100 минг кишига якин.

Тармоқ таркибида гўшт-сут, ёғ-мой, балиқ маҳсулотлари, ун-ёрма, нон, макарон, мева-сабзавот консервалари, қандолат, чой қадоқлаш, узум ва шампань виноси, спирт, арақ, тамаки, пиво, чанқовбосар ичимликлар, совун ва бошқа саноат корхоналари бор.

Республика мустақилликка эришганидан кейин озиқ-овқат саноатида чуқур ташкилий ва иқтисодий ислоҳотлар амалга оширилди, кўпгина саноат корхоналари давлат тасарруфидан чиқарилиб, очиқ турдаги акциядорлик жамиятларига айлантирилди, илгари тармоқ корхоналарига раҳбарлик қилган озиқ-овқат, гўшт-сут, дон маҳсулотлари ва бошқа вазирликлар тугатилиб, «Ўзозиқовқатсаноат» давлат-акциядорлик концерни (кейинчалик «Озиқ-овқатсаноат» ва «Ёғ-мойтамакисаноат» уюшмалари), «Ўзгўштсаноат» давлат-акциядорлик уюшмаси, «Ўздонмаҳсулот» давлат-акциядорлик корпорацияси, «Ўзмевасабзавотузумсаноат холдинг» холдинг компанияси, «Ўзбалиқ» давлат-акциядорлик корпорациялари ташкил этилди. Қишлоқ хўжалиги вазирлиги таркибидаги «Ўзпаррандасаноат» республика ишлаб чиқариш бирлашмаси, «Ўзбекбирлашув» таркибидаги озиқ-овқат саноати корхоналари очиқ турдаги акциядорлик жамиятларига айлантирилди. Корхоналарда янги замонавий технология ва ускуналар ўрнатилмокда.

Мулкчилик шаклларининг хилма-хиллигини таъминлаш асосида тармокда иқтисодий ислоҳотлар давом эттирилмокда. Аҳоли

эҳтиёжларини республиканинг ўзида ишлаб чиқарилган озиқ-овқат маҳсулотлари билан қондириш чоралари кўрилмоқда. Чунки ҳамон республика импортида озиқ-овқат маҳсулотлари ҳиссаси юқори бўлиб келмоқда (19,3%, 1997).

1997 йилда мамлакатимизда 32,9 минг т гўшт ва гўшт маҳсулотлари, 89,8 минг т сут, 2,8 минг т ҳайвон ва 275,9 минг т ўсимлик ёғи, 133,3 минг т ёрма, 54,2 минг т макарон маҳсулотлари, 542,2 минг т нон ва нон маҳсулотлари ишлаб чиқарилди.

Гўшт саноати. 1930 йилларга қадар Ўзбекистон аҳолисини гўшт билан майда ва тарқоқ қассобхона ва кушхоналар таъминлаб келган. От гўштидан қази, қорамол, қўй гўштидан узоқ муддат сақланадиган, қуритилган, қовурилган гўшт маҳсулотлари тайёрланган. 1905 йилда Тошкентда Орифхўжа Азизхўжаев Туркистон ўлкасида биринчи завод типидаги кушхонага асос солган. 1929 йилда бу кушхона негизида Тошкент гўшт комбинати ташкил этилди. 1932 йилда гўшт саноати республика халқ хўжалиги режасига алоҳида саноат тармоғи тарзида киритилган. Ўша йили Тошкент, Самарқанд, Андижон, Бухоро, Каттақўрғон, Термиз, Қарши, Қўқон шаҳарларидаги 8 та шаҳар қассобхонаси, Самарқанд ва Бухородаги музхона (музлатгич)ни бирлаштирган «Ўзгўштсовитишсаноат» трести ташкил этилди. Кейинчалик бу трест таркибига Олмалиқ, Чирчиқ, Наманган, Янгийўл шаҳарларидаги кушхоналар, Хўжайли, Урганч мол сўйиш пунктлари ва Тошкент музхона комбинати ҳам кирди. Бухоро, Хўжайли, Урганч, Термиз, Шаҳрисабз гўшт комбинатлари қурилди. 1965 йилда Республика гўшт ва сут саноати вазирлиги ташкил этилди. Чирчиқ, Фарғона, Каттақўрғон, Самарқанд гўшт комбинатларида юқори қувватга эга бўлган колбаса цехлари қурилди. Самарқанд, Навоий, Урганч, Жиззах ва Наманган гўшт комбинатлари қурилиб ишга туширилди, Бухоро, Фарғона, Термез, Хўжайли, Қарши, Шаҳрисабз гўшт комбинатлари қайта таъмирланиб, қувватлари анча оширилди. Кўпгина корхоналар янги технологияларни қўллаш асосида ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар турларини кўпайтиришга эришмоқдалар.

«Ўзгўштсутсаноат» уюшмаси таркибида 23 йирик гўшт корхонаси (комбинат лар), 45 гўшт етиштиришга ихтисослашган хўжаликлар, вилоят туманларида сўқимга боқиладиган ва бўрдоқичилик пунктлари ҳамда 100 дан ортиқ ўрта ва кичик корхоналар бор. Уюшма корхоналарида, республикадаги жамоа

хўжаликлари ва тадбиркорлар томонидан замонавий технология ускуналари б-н жиҳозланган колбаса маҳсулотлари ишлаб чиқарадиган кўплаб қувватлар ишга туширилмоқда. Фақат «Ўзбекбирлашув»нинг «Ўзбекистон ширкат саноати» бирлашмаси таркибида колбаса маҳсулотлари ишлаб чиқарадиган 34 цех бор. Тармоқдаги энг йирик корхона Тошкент вилояти (Ўртаовул)даги гўшт комбинатидир.

Республика гўшт саноати ўзининг мустакил ва етарли хом ашё базасига эга. Гўшт саноатидаги ўсиш республикада чорва моллари бош сонини сақлаб қолиш ва кўпайтиришга эришилган қолда таъминланмоқда .

Республика гўшт саноатида ГФР ва Туркия фирмалари билан ҳамкорликда сужни қайта ишлаш, ичак маҳсулотлари тайёрлаш, ярим тайёр гўшт маҳсулотлари ишлаб чиқариш, гўштни қадоқлаш ва ўраб истеъмолга чиқариш бўйича тадбирлар амалга оширилмоқда.

Сут саноати. Республика сут саноати корхоналарида, сариёғ, сут-қатик, сут консервалар, қуруқ сут, пишлоқ, бриза, қаймоқ, музқаймоқ, казеин ва бошқа маҳсулотлар ишлаб чиқарилади. Мамлакатда сутни қайта ишлаш корхоналари пайдо бўлгунига қадар шаҳар-қишлокларда сутдан қатиқ, айрон, сузма, пишлоқ, қаганоқ, қурт каби маҳсулотлар тайёрлаш, қатиқни кувда пишиб сариёғ олиш кенг тарқалган эди. Ўзбекистонда биринчи сут заводи Тошкент шаҳрида 1928 йилда ишга туширилган. Ёғи олинмаган сут ва сут маҳсулотлари ишлаб чиқарадиган корхоналар Термиз, Андижон, Урганч, Навоий, Наманган, Ғазалкент, Хўжайли шаҳарларида ишга туширилди. Тошкентда бир сменада 150 т сут ва сут маҳсулотлари ишлаб чиқарадиган сут комбинати фойдаланишга топширилди. Фарғона, Қўқон, Ангрен, Гулистон, Жиззах, Навоий, Каттақўрғон, Чирчиқ шаҳарларида янги замонавий сут корхоналари ишга туширилди.

Республика сут саноати корхоналарида кичик ёшдаги болалар учун сут маҳсулотлари (Тошкент, Наманган, Самарқанд сут комбинатлари), бузоқларни боқиш учун сунъий сут (ЗЦМ) (Шаҳрихон, Денов, Наманган сут комбинатлари) ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Сут корхоналарида сариёғ, қатик ва юмшоқ пишлоқ, бринза, техник ва озуқа казеини ишлаб чиқариш ҳажми кўпайди. Техник казеин чет элларга чиқарилмоқда. Навоий ва Жиззах сут корхоналарида Германия ва Греция фирмалари билан ҳамкорликда казеин ишлаб чиқариш қўшма корхоналари барпо этилди.

Сут саноати корхоналари хорижий технология, қадоқлаш автоматлари билан жиҳозланмоқда. «Ўзгўштсутсаноат» уюшмаси таркибида 37 сут корхонаси, 118 сут қабул қилиш пунктлари ишлайди. Уюшма таркибидаги «Ўзмахсусавтотранс » бирлашмаси 2,5 мингдан ортиқ автомобиль, авторефрижератор, сут ва юк ташувчи машиналарга эга.

Ёғ-мой саноати республика озиқ-овқат саноатининг етакчи тармоқларидан бири. Ўзбекистонда қадимдан ўсимлик ёғи кунжут, зиғир, индов, маҳсар уруғи, пахта чигити, полиз экинлари уруғларидан жувозларда олинган. Ўзбекистонда пахта чигитидан мой олувчи дастлабки завод 1884 йили Қўқонда қурилган. 1913 йили 30 та кичик ёғ заводида 57 минг т пахта мойи ишлаб чиқарилган. Республикада йиллик қуввати 3 млн. т мойли ўсимлик уруғларини қайта ишлайдиган 19 корхона ишлаб турибди. Саноатнинг бу тармоғида пахта, соя, рапс мойлари, мева данаклари ҳамда сабзавот уруғларидан олиниб, атир-упа, фармацевтика ва озиқ-овқат саноати тармоқларида ишлатиладиган ёғлар, маргарин маҳсулотлари, майонез, кирсовун, атирсовун, техника мақсадларидаги бошқа турли маҳсулотлар ишлаб чиқарилади. Ўсимлик мойи ишлаб чиқаришда йилига ўртача 2,1 млн. т дан кўпроқ пахта чигити ишлатилади, рапс, зиғир, маҳсар уруғи, шунингдек импорт бўйича олинадиган соя дуккаги қайта ишланади. Республика ёғ-мой саноати озиқ-овқат саноати умумий маҳсулоти ҳажмининг 40% га яқинини беради. Тармоқ корхоналарида ишлаб чиқариладиган маҳсулотлар, хусусан пахта мойи экспортга чиқарилади. Косонсой, Гулистон ёғ экстракция заводлари (бир суткада 1200 т чигитни қайта ишлайди), Фарғона ёғ-мой комбинати (қуввати суткада 840 т чигит), Қўқон ёғ-мой комбинати қуввати суткада 810 т чигит), Каттақўрғон ёғ-мой комбинати; (қуввати суткада 950 т чигит), Денов ёғ-экстракция заводи (суткада 800 т хом ашё), Урганч ёғ-мой комбинати (суткада 800 т хом ашё) тармоқдаги энг йирик корхоналардир.

Қўқон ёғ-мой комбинати таркибида мева данаклари ва сабзавот уруғларидан мой ишлаб чиқарадиган махсус завод (қуввати суткада 50 т данак) ишлайди. Бу заводда 15 номдаги мева данаги мойлари (ўрик, шафтоли, помидор, узум, ва б.) ишлаб чиқариш ўзлаштирилди. Тошкент ёғ-мой комбинатида маргарин маҳсулотлари (йиллик қуввати 52,4 минг т) ва майонез (йиллик қуввати 2 минг т), тармоқдаги 10 корхона — Фарғона, Янгийўл,

Андижон, Урганч, Каттақўрғон ва б. ёғ-мой комбинатларида кирсовун (ялпи йиллик умумий қуввати 103,7 минг т) ишлаб чиқарилади. Фарғона ёғ-мой комбинатида йилига 16,7 минг т турли кичик ўлчамдаги (25, 40, 100 граммли) атирсовунлар ишлаб чиқарадиган линия қурилмоқда, глицерин (йиллик қуввати 2 минг т) ишлаб чиқариш ўзлаштирилди. Тармоқ корхоналарида технологик жараёнларни автоматлаштириш, хорижий фирмалар ускуналари билан жиҳозлаш ишлари давом эттирилмоқда. Корхоналарни техникавий жиҳатдан қайта жиҳозлашда Крупп, Скет (Германия), «Альфа-Лаваль» (Швеция), «Жон Браун», «Карвер», «Краун» (АҚШ), «Маццони», «Боллистра» (Италия), Германия, Польша, Украина, Россия фирмалари билан ҳамкорлик яхши самара бермоқда.

Элеватор саноати. 20-асрнинг 20 йилларига қадар Ўзбекистонда етиштириладиган ғалла асосан маҳаллий эҳтиёжлар учун сарфланар, товар донининг салмоғи унча катта эмас эди. Аҳоли ўзи етиштирган ва ўз эҳтиёжига сарфлайдиган ғаллани чуқур, қуруқ ўра ва хумларда, махсус омборларда сақлаган. Донининг катта заҳираларини сақлаш учун омборхоналар бино қилинган. 1906—09 йилларда Тошкентда 1 -ун заводи қошида сиғими 3000 т бўлган элеватор қурилган. 1927 йил Тошкентда темир-бетондан қурилган биринчи элеватор (2-дон маҳсулотлари комбинати) ишга туширилди. Кейинчалик Ҳаққулобод, Асака, Шаҳрихон, Қарши, Наманган, Самарқанд, Косон, Қамаши, Ғузорда ғалла омборлари, Ғаллаорол ва Зарбдорда элеваторлар қурилди. Ўзбекистон ўзининг ғалла мустақиллиги дастурини амалга оширишга киришиши муносабати билан республикада дон маҳсулотларини етиштириш кўпайди. 1997 йилда республикада 3788,1 минг т дон етиштирилди. Янги қурилаётган ва қайта жиҳозланаётган элеваторлар автоматик диспетчерлик бошқаруви системалари, ғалла ҳароратини автоматик ҳолда масофадан туриб ўлчайдиган қурилмалар билан жиҳозланган. Барча вилоятларда жойлашган элеваторлар сони 45 тага етди, уларнинг умумий сиғими 4,5 млн. т, ғалланинг 65% элеваторларда сақланади.

Ун тортиш (тегирмон) саноати. Ўзбекистонда завод типидаги ун тортиш корхоналари 19-асрнинг охирларида пайдо бўлди. Асрлар давомида аҳоли кичик сув тегирмонларидан фойдаланиб келган. 1870 йилда ҳозирги Ўзбекистон ҳудудида кепакли жайдари ун тортиладиган, унумдорлиги бир суткада бир неча центнер бўлган 5 мингдан ортиқ тегирмон бўлган.

1956 йилда «Ўздонтайёрлов» негизида Республика дон маҳсулотлари вазирлиги тузилди (1992 йилдан «Ўздонмаҳсулот» концерни, 1994 й.дан давлат-акциядорлик корпорацияси). Фарғона, Қува, Янгийўл ун комбинатлари, Наманган, Андижон, Самарқанд, Бухоро, Навоий шаҳарларида 240 т/сутка қувватли, уч навли ун тортадиган заводлар қурилди. Кейинги йилларда ун саноати тез суръатларда ўсди. Суткасига 120 дан 500 т гача дон тортадиган 23 та янги корхона қурилди, Жиззах, Оҳангарон, Қўқон, Қарши, Асака, Жомбой,Тахиатош шаҳарларида янги корхоналар ишга туширилиши билан корхоналарнинг умумий қуввати суткасига 6330 т га етди ёки бир йилда 1,5 млн. т ун ишлаб чиқариш имкониятига эга бўлди. Мустақиллик йилларида Оқолтин, Дўстлик, Оқтош, Яккабоғ дон маҳсулотлари комбинатлари қурилди. Қишлоқ жойларда кўпгина жамоа, ширкат хўжаликларида кичик тегирмонлар қуриш авж олди. Илгари ун саноати корхоналари учун ғалла ва унинг муайян қисми четдан олинар эди. Ғалла мустақиллигини таъминлаш дастури амалга оширилиши билан энди улар маҳаллий дон маҳсулотлари билан таъминланмоқда. «Ўздонмаҳсулот» корпорацияси таркибида 9 навли ун, манний ёрмаси ишлаб чиқарадиган 52 завод бор. Уларнинг 17 таси замонавий технологик ускуналар (асосан Швейцариянинг «Бюллер АГ» фирмаси) билан жиҳозланган.

Нон саноати. Ўзбекистонда нонвойлик қадимий тарихга ва бой анъаналарга эга. Нон энг олий меҳмондўстлик ва муқаддаслик рамзи бўлганлиги, асрлар давомида нонвойлар маҳоратининг ўсиши ва технологик усулларнинг такомиллашуви натижасида ўзбек халқ пазандалигида тандирда ёпиладиган оби, гижда, патир, ширмой нонларнинг ўнлаб хиллари яратилган ва ҳозир ҳам пиширилади. Узоқ асрлар давомида шаҳарлар ва йирик қишлоқларда нонниинг юзлаб турларини кашф этган ва тандирда пиширган нонвойлар шуҳрат қозониб келди. Биринчи нон пиширадиган саноат корхонаси — Тошкент нон заводи 1929 йилда ишга туширилди. Кейинги йилларда барча йирик шаҳар, шаҳарча, туман марказлари; йирик қишлоқларда нон заводлари, нонвойхоналар қурилди. Ўзбекистонда нон саноати европача нон хилларини ишлаб чиқарадиган нон заводлари ва нонвойхоналарни қуриш йўналишида ривожланди. Тошкент, Жиззах, Нукус, Ангрен каби шаҳарларда катта (100 т/ сутка) ва ўрта (30 т/ сутка) қувватга эга бўлган 15 нон заводи қуриб ишга туширилди. Нон саноати корхоналарида миллий

нонларни саноат усулида ишлаб чиқариш имкониятини берадиган печлар ўрнатилди. Нон саноати корхоналарида нон, нон-булка, макарон ва кандолатчилик маҳсулотлари ишлаб чиқарила бошлади.

Республика мустақилликка эришганидан кейин, айниқса, шаҳар аҳолисини нон билан барқарор таъминлаш мақсадида нон саноати корхоналарини замонавий ускуналар билан қайта жиҳозлаш, нон турларини кўпайтириш йўналишларида муҳим ишлар амалга оширилди. Даҳа ва гузарларда кичик нон корхоналари ишга туширилди. 1995 йилда «Ўздонмаҳсулот» таркибида 4 нон ишлаб чиқариш бирлашмаси (Тошкент, Янгийўл, Фарғона, Қарши), 21 нон заводи ишлади. Бу корхоналарда бир суткада 1300 т дан кўпроқ нон маҳсулотлари ишлаб чиқарилади.

Нон саноати корхоналари «Ўзбекбирлашув» тизимида ҳам ривожланган. Бу тизимда 242 корхона, 3 мингга яқин тандир (нонвойхона) ва кичик корхоналар бор, бир суткада 2273 тоннадан кўпроқ нон, булка ва бошқа маҳсулотлар ишлаб чиқарилади (республикада пиширилдиган нонинг 60%).

Республика нон саноати корхоналарида нонинг 300 дан кўпроқ хили тайёрланади.

Тармоқдаги энг йирик корхоналар — Тошкент нон саноати ишлаб чиқариш бирлашмаси (таркибида 6 нон заводи бор), Тошкент нон-булка кондитер маҳсулотлари комбинати, Самарқанд, Кўқон, Қарши, Қаттақўрғон, Термиз, Наманган, Урганч, Бухоро, Нукус нон комбинатлари.

Ёрма саноати. Сули, гречиха, бугдой, арпа, маккажўхори, шоли ва дуккакли экинлар (нўхат, ловия, ясмиқ) донидан бир неча хил ёрма ишлаб чиқарилади. Республика ёрма саноатида асосан шолидан турли навли гуруч тайёрланади, кейинги йилларда арпа ёрмаси (оқланган арпа) ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.

Тошкентдаги 4-дон маҳсулотлари комбинатида 1930 йили обжувоз негизида бир суткада 30 т гуруч ишлаб чиқарадиган завод қурилди. 1970 йилдан дон қабул қиладиган корхоналар ва дон маҳсулотлари комбинатларида алоҳида гуруч цехлари қурилди. Қорақалпоғистонда Тахиатош, Хўжайли, Қонликўл, Шуманай, Чимбой; Хоразм вилоятида Урганч, Хонқа, Боғотдаги гуруч заводлари йирик корхоналар ҳисобланади. Республикада 13 гуруч заводи ишлайди. Музробод (Сурхондарё) гуруч заводида қуввати 100 т/ сутка бўлган янги гуруч цехи Швейцария ускуналари билан жиҳозланди. Навоий ва Коғонда маккажўхори уни ва ёрмаси ишлаб

чиқариш йўлга қўйилди. Сирдарё, Шовот, Хўжайлида арпа ёрмаси ишлаб чиқарадиган линиялар ўрнатилди.

Консерва саноати. Ўзбекистон озиқ-овқат саноатининг энг ривожланган тармоқларидан бири, асосан мева ва сабзавотлардан консервалар ишлаб чиқаради. Асосий маҳсулотлари — мева компотлари, мураббо, жем, шарбатлар, маринадланган ва тузланган сабзавотлар, помидор пастаси, қуритилган мевалар (қоқилар).

1913 йилда ҳозир Ўзбекистон ҳудудида кустарь усул билан маҳсулот тайёрлайдиган 3 кичик консерва корхонаси бўлиб, уларда жами 200 минг банка консерва ишлаб чиқарилган. Ўзбекистонда консерва саноати 30-йилларда ривожланди. Янгийўл консерва заводи, Тошкент консерва заводи ишга туширилди. Самаркандда консерва заводи қурилди. Наманган консерва заводи ҳам кенгайтирилди. Урушдан кейинги йилларда Фарғона, Андижон, Шаҳрисабз ва бошқа шаҳарларда ўнлаб консерва заводи ишга туширилди, эскилари кенгайтирилди ва замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозланди. Консерва корхоналари ҳозир асосан «Ўзмевасабзавотузумсаноатхолдинг» компанияси таркибига киради.

Консерва маҳсулотлари ишлаб чиқаришда «Ўзбекбирлашув»нинг улуши ҳам салмоқли. «Ўзбекбирлашув» тизимида 28 консерва заводи бор. Ўзбекистондан Германия, Польша, Италия, Малайзия, Япония каби мамлакатларга турли мева ва сабзавотлар консервалари, помидор пастаси, майиз, турли қоқилар экспорт қилинади. Ҳар йили 35 млн. шартли банка консерва, 1450 тонна қуритилган мева четга чиқарилади. Республикада 90-йиллардан кўпгина жамоа хўжаликларида кичик консерва заводлари ва цехлари ишга туширилди. Ихтисослаштирилган йирик боғдорчилик, узумчилик, сабзавотчилик хўжаликлари консерва заводларига хом ашё етказиб беради. Республика консерва саноати корхоналари йилига 12 млрд. шартли банка маҳсулот ишлаб чиқариш қувватига эга. Республикада мева-сабзавотлар етиштирадиган, саноат асосида қайта ишлайдиган ва сотадиган агрофирмалар ташкил этилмоқда. 50 дан ортиқ агрофирма ишлади (мева-сабзавот консервалари ишлаб чиқаришга мосланган «Қашқадарё», «Наманганконсерва», «Самарқанд», «Кишмиш», «Учқўприк», «Қувасой» ва бошқалар). Ўзбекистонда ҳар йили 1 млрд. шартли банка (жумладан «Ўзмевасабзавотузумсаноат» уюшмасида 900 млн. банка)дан ортиқ мева-сабзавот консерва, кўплаб мева қоқиси, жумладан майиз, қуритилган сабзавот тайёрланмоқда.

«Ўзбалиқ» корпорацияси корхоналарида дудланган балиқ, Мўйноқ балиқ консерва комбинати четдан олиб келинадиган хом ашёдан турли балиқ консервалари ишлаб чиқарилади (8,6 млн. шартли банка балиқ консерваси).

Қанд-шакар саноати республика халқ хўжалигида янги тармоқ. Урушгача Ўзбекистонда бир неча қанд заводлари ишлаганига қарамай, урушдан кейинги йилларда бу тармоқдаги корхоналарнинг ихтисослашуви ўзгартирилди, аҳоли ва саноат эҳтиёжлари учун зарурий бўлган қанд-шакар фақат четдан олинадиган бўлди. Ўзбекистон мустақилликка эришганидан кейин мамлакатда қанд-шакар саноатини тиклаш ва ривожлантиришга катта эътибор берилди. Республиканинг ўзида қанд лавлаги етиштириш имкониятлари кенглиги туфайли қуриладиган қанд-шакар заводларида қанд лавлаги хом ашёсидан шакар олиш технологияси танланди. 1995 йилда Туркия фирмалари билан ҳамкорликда Хоразм вилоятининг Ҳазорасп туманида қанд-шакар заводи қурилиши бошланди. Заводда бир суткада 3 минг т қанд лавлаги қайта ишланди. Завод 1998 йилдан бошлаб Хоразм вилояти ва Қорақалпоғистонда етиштириладиган қанд лавлагидан шакар ишлаб чиқаради. Францияниng «ФСБ» фирмаси Самарқанд шаҳрида қуриладиган ва суткасига 6 минг т қанд лавлагини қайта ишлашни таъминлайдиган шакар заводини қуриб беради. Шунингдек, бир суткада ҳар бири 1,5 минг т қанд лавлагини қайта ишлаш қувватига эга бўлган 4 шакар заводи қурилиши бўйича Миср ва Хитой фирмалари билан шартномалар имзоланган.

Қандолатчилик саноати. Ўзбекистонда турли ширинликлар, қандолат маҳсулотлари ишлаб чиқариш бой тарихга эга. Қадимдан халқ қандолатпазлари кичик хусусий дўкон (корхона) ларида узум, тут ширасидан тайёрланадиган шинни, шунингдек асал, турли меваларнинг ширалари, ун, кунжут, ўрик мағзи, ёнғоқ ва бошқалардан хилма-хил ҳолва, парварда, новвот, печак, пашмак, ишолда, мураббо тайёрлаганлар. Шаҳарларда ва йирик қишлоқларда қандолатчилар расталари бўлган. Ҳозир республиканинг бу саноат тармоғида турли масалликлардан мармелад ва пастила, шоколад, карамель, конфетлар, ундан пиширилган қандолат маҳсулотлари, шарқ ширинликлари (новвот, парварда, печак, пашмак), қандолатчиликда ишлатиладиган ёрдамчи маҳсулотлар (хамиртурушлар, шакар упаси, толқонлар) ишлаб чиқарилади (уларнинг хили 1000 дан ортиқ). Тармоқдаги дастлабки

йирик корхона — Тошкентдаги «Ўрток» қандолатчилик фабрикаси (унинг йиллик қуввати 26,8 минг т қандолат маҳсулотлари ишлаб чиқаришга етказилди). Йирик корхоналардан ташқари озиқ-овқат саноати корхоналари, маҳаллий саноат, умумий овқатланиш корхоналари ҳамда «Ўзбекбирлашув» тизимида қандолат ишлаб чиқариш цехлари ишга туширилди. Тайёрланаётган қандолатларнинг катта қисмини миллий ширинликлар (новвот, пашмак, парварда ва бошқалар) ташкил этади. Тармоқда республика «Озиқовқат-саноат» уюшмасига кирадиган энг йирик корхоналар: Янгийўл «Лаззат» бирлашмаси (йиллик қуввати 39,1 минг т), Урганч қандолатчилик фабрикаси (11,9 минг т), Самарқанд «Нарзия» қандолатчилик фабрикаси (10,4 минг т), Наманган «Дилором» қандолатчилик фабрикаси (0,8 минг т). Республикада тайёрланадиган кандолатнинг 15% «Ўзбекбирлашув» корхоналарида ишлаб чиқарилади. Унинг таркибида Беруний агросаноат комбинати, Қува қандолат фабрикаси (йиллик қуввати 12,5 минг т) каби йирик корхоналар бор. Республика қандолатчилик саноати корхоналари маҳаллий хом ашёдан кенг фойдаланишга ўтмоқда. Республикага четдан қандолат маҳсулотлар келтириш камайиб бормоқда.

Вино саноати. Археологик топилмалар Ўрта Осиё ерларида узумдан вино тайёрлаш милодгача маълум бўлганлигини кўрсатади. Хонадонларда узумдан мусаллас (май, шароб), сирка, ғалла донидан бўза каби спиртли ичимликлар тайёрланган.

Россия Туркистонни босиб олганидан кейин тармоқдаги энг биринчи корхоналар — Тошкентда савдогар И.И.Первушин, Самарқандда Д.Филатов вино заводлари пайдо бўлди. 20-а. бўсағасида Тошкентга икки тарафдан темир йўл олиб келиниши билан Россиядан кўплаб аҳоли кўчириб келтирила бошлади. Натижада винога бўлган талаб ҳам кескин ортди.

Тармоқда хўраки ва майизбоп, винобоп узум навлари, олма ва бошқа мевалардан турли нав вино, коньяк, шампань виноси, арақ ва бошқа маҳсулотлар ишлаб чиқарилди. Корхоналарнинг аксарият қисми «Ўзмевасабзавотузумсаноат холдинг» компанияси таркибида. Маҳаллий хом ашёда ишлайдиган корхоналар республиканинг барча вилоятларида бор.

Республика вино саноати бир йилда 22 млн. дал вино маҳсулотлари, 12 млн. дал вино, 11 млн. дал арақ, 150 минг дал коньяк, 12 млн. бутилка шампань виноси ишлаб чиқариш қувватига

эга. Тармоқда 22 йирик корхона бор. Вино маҳсулотлари тайёрлаш ва қуйиш билан 56 корхона шуғулланади. Энг йирик корхоналар: «Тошкентвино», "Ўзбекистон шампани" (Тошкент), "Зарафшон" (Самарқанд), "Шоҳруд" (Бухоро), "Мастона" (Қўқон), "Гулбулоқ" (Андижон), "Кеш" (Шаҳрисабз) ва бошқалар. Вино саноати корхоналарида тайёрланадиган оқ, қизил десерт винолар («Ўзбекистон», «Вассарға», «Гулякандоз», «Юмалоқ» ва бошқа) 1995–97 йилларда халқаро кўргазмаларда 29 та медаль ("Ўзбекистон", "Шодлик" коньяклари олтин медаль) олди. Вино маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кўпайтириш, бозор рақобатига бардош берадиган ва экспорт йўналишидаги маҳсулотлар ишлаб чиқариш, маҳсулот турларини кўпайтириш бўйича тармоқда туб ўзгартиришлар амалга оширилмоқда. Тармоқда узумчилик ва виночиликка ихтисослашган «Шаҳрисабз», «Наманганвино», «Денов», «Янгийўл», «Мастона» агрофирмалари — хом ашё етиштирувчи хўжаликларини бирлаштирган саноат корхоналари иш бошлади. «Тошкентвино» комбинатида Англиянинг «Кристон» фирмаси билан ҳамкорликда бир сменада 25 минг шиша шотланд вискиси ишлаб чиқарадиган қўшма корхона ташкил этилди. Шунингдек хорижий фирмалар билан тузилган «Конвин», «Фарител», шампан виноси ишлаб чиқарадиган «Паркент шароб», «Ян-апра», «Янис jv" (Испания) қўшма корхоналари ишламоқда. "Ўзбекистон шампани" корхонаси Германия, Италия фирмалари билан ҳамкорликда тузган қўшма корхона маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини 5—6 марта кўпайтириш имконини беради. Республика 250 минг дал узум виноси, 20 минг дал коньяк, 1100 минг шиша шампань виносини экспорт қилиши режалаштирилган. 1997 йилда республикада 5,4 млн.дал арақ ва ликер-арақ маҳсулотлари, 7,1 млн. дал узум виноси, 7,5 млн. бутилка шампань виноси, 127 минг дал коньяк ишлаб чиқарилди.

Пиво ва алкоголсиз ичимликлар саноати. Тармоқда йилига 17,7 млн. дал пиво, 19,2 млн. дал алкоголсиз ичимликлар ва 380 млн. шиша минерал сув ишлаб чиқариш қувватига эга бўлган 16 йирик корхона бор (Тошкент, Фарғона, Қўқон, Андижон, Гулистон, Самарқанд, Наманган, Бухоро ва бошқа шаҳарларда). Шунингдек Урганч, Қарши, Денов, Ғиждувон ва Учқўрғонда ҳамда маҳаллий минерал сув манбалари бўлган туманларда матлубот жамиятларига қарашли заводлар ва цехлар ишлайди. Бир қанча корхоналарда солод цехлари бор. Чортоқ озиқ-овқат концентратлари

экспериментал заводида алкоголсиз ичимликлар тайёрлашда ишлатиладиган гулбахмал (хатмигул) ва хушбуй доривор ўтлар дамламаларидан табиий озиқ-овқат бўёқлари ишлаб чиқариш ўзлаштирилди.

Тармоқдаги энг йирик корхоналар: Қибрай чанқовбосар ичимликлар комбинати (йиллик қуввати 6,3 млн. дал пиво, 4,4 млн. дал алкоголсиз ичимликлар, 68 млн. шиша минерал сув, 13,5 минг т солод), Фарғона чанқовбосар ичимликлар заводи (44,3 млн. шиша минерал сув, 2,5 млн.дал пиво, 1,9 млн.дал алкоголсиз ичимлик), Андижон чанқовбосар ичимликлар заводи (2,1 млн.дал пиво, 1,6 млн.дал алкоголсиз ичимликлар), Самарқанд пиво заводи (2,8 млн. дал пиво, 1,1 млн. дал алкоголсиз ичимликлар, 44,1 млн. шиша минерал сув). Фақат бир турдаги маҳсулот ишлаб чиқаришга ихтисослашган корхоналар ҳам бор (Тошкент минерал сув қуйиш заводи —116 млн. шиша минерал сув). Корхоналарда ишлаб чиқариладиган 25 номдаги ичимликнинг 17 тури маҳаллий хом ашё асосида ишлаб чиқарилади. Корхоналарда юксак унумли автоматик қуйиш линиялари ишга туширилмоқда.

1996 йилда Тошкентда АҚШнинг «Кока-Кола» фирмаси билан ҳамкорликда «Кока-Кола — Тошкент ичимлиги, ЛТД» қўшма корхонаси (лойиҳа йиллик қуввати 1,2 млн.дал) ишга тушди. Нукус пиво заводи ва Ҳиндистоннинг «Парле» фирмаси билан ҳамкорликда «Ўзбек-Парле» қўшма корхонаси ташкил этилди. Республика шаҳар ва туманларида «Ўзбекбирлашув» тизимига кирадиган маҳаллий минерал манбалардан минерал сув ва чанқовбосар ичимликлар ишлаб чиқарадиган 100 га яқин корхона ва цехлар бор, республикада тайёрланадиган жами пиво ва алкоголсиз ичимликларнинг 25 % шу корхоналар ҳиссасига тўғри келади.

Туз саноати. Ош тузи ишлаб чиқариш республикада энг ёш саноат тармоқларидан бири. 90- йилларга қадар республиканинг аҳоли истеъмоли ва техника мақсадларидаги ош тузига бўлган эҳтиёжи асосан Қозоғистон ва Туркманистондан, шунингдек Россиядан келтириладиган ош тузи ҳисобига қондирилган. МДҲ давлатлари ўртасида иқтисодий алоқаларнинг издан чиқиши сабабли республиканинг ош тузига бўлган эҳтиёжлари маҳаллий ресурслар ҳисобидан қондирила бошлади. Қорақалпоғистон Республикаси (Қўнғирот тумани)да «Ўзбекбирлашув» тизимида йиллик қуввати 100 минг т ош тузи қазиб чиқарадиган ва қайта ишлайдиган комбинат, Сурхондарё вилоятида «Маҳаллийсаноат»

корпорациясининг Хўжаитузкон корхонаси маҳсулот ишлаб чиқара бошлади (йиллик қуввати 150— 200 минг т).

Чой саноати. Самарқанд чой қадоқлаш фабрикаси республикадаги ягона корхона, 1923 йилда ишга туширилган, чет эллардан, асосан Хиндистон, Индонезия, Хитой, Туркия, Грузиядан келтириладиган хом ашё асосида ишлайди. Кўк ва қора (ишлов берилган) чойлар ишлаб чиқаради. Корхона четдан келтирилган қадоқлаш автоматлари билан жиҳозланди. Йиллик умумий қуввати 30,8 минг т қадоқланган чой. Фабрикада маҳаллий хушбўй ўтлар (ялпиз, райҳон, далачой, наъматак) қўшилган чой турларини ишлаб чиқариш ўзлаштирилди. Фабрикада Аргентинанинг «Сурта» фирмаси билан ҳамкорликда бир марта дамланадиган 1—3 грамм қилиб қадоқланган пакетчаларда чой ишлаб чиқариш йўлга қўйилди (бир йилда 22,8 т чой ишлаб чиқарилади). «Тата» (Хиндистон) фирмаси билан ҳамкорликда Урганч ёғ-мой комбинатида қурилаётган чой қадоқлаш корхонасини ишга тушириш билан қадоқланган чой ишлаб чиқариш йилига 5 минг т га кўпаяди. 1995 йилда республика чой саноатида 11,6 минг т чой қадоқланган.

Тамаки саноати. Тармоқда 3 йирик корхона — Самарқанд ва Ургут тамаки ферментлаш заводлари (ҳар бирининг йиллик қуввати 25 минг т тамаки) ва Тошкент тамаки фабрикаси (йиллик қуввати 7,42 млрд. дона папирос ва фильтрли сигарета) ишлаб турибди. Республикадаги тамаки етиштирадиган хўжаликлар, уни қайта ишлайдиган ферментлаш корхоналари ва Тошкент тамаки фабрикаси негизида Буюк Британиянинг «БАТ» компанияси билан ҳаамкорликда акционерлик жамияти шаклидаги қўшма корхона иш бошлади.

Синтетик ювиш воситалари саноати кейинги йилларда ривожланди. Тошкент синтетик ювиш воситалари заводи, Олмалиқ рўзғор кимёси заводи, «Ўзмаишийкимё» бирлашмасида турли маҳсулотлар ишлаб чиқарилади.

IV БОБ

ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ

- Қишлоқ хўжалигининг иқтисодиётда тутган ўрни √
- Янги хўжалик юритиш шакллари √
- Қишлоқ хўжалиги моддий-техника ва илмий базаси
- Қишлоқ хўжалиги минтақалари
- Қишлоқ хўжалиги ер фонди √
- Деҳқончилик
- Чорвачилик
- Бошқа тармоқлар

Республика қишлоқ хўжалиги мамлакат халқ хўжалигининг энг муҳим ва йирик тармоғи, аҳолининг озиқ-овқат маҳсулотларига, енгил ва озиқ-овқат саноати тармоқларининг хом ашёга бўлган талабини қондиради. Қишлоқ хўжалиги ўсимлик ва ҳайвонот маҳсулотларини дастлабки ёки тўлиқ қайта ишлашнинг турли жараёнларини ҳам ўз ичига олади ва халқнинг моддий фаровонлигини таъминлашда муҳим аҳамиятга эга.

Республика қишлоқ хўжалигида мамлакатнинг иқлим, ер-сув ва меҳнат ресурсларидан ҳамда халқнинг асрлар давомида тўплаган деҳқончилик маданиятидан унумли фойдаланиш негизида пахтачилик етакчи тармоқ айланади. Айни пайтда ғаллачилик, шоликорлик, канопчилик, лавлагикорлик, мевачилик, токчилик, полизчилик, сабзавотчилик соҳалари, чорвачиликнинг қорамолчилик, қўйчилик, хусусан қоракўлчилик, эчкичилик, паррандачилик, йилқичилик, туячилик, асаларичилик, пиллачилик соҳалари ҳам асосий тармоқларга киради. Ўзбекистон жаҳонда ялпи пахта ҳосили етиштириш бўйича 4- ўринда, пахта толаси экспорти бўйича 2- ўринда (АҚШдан кейин) туради. Шунингдек республикада етиштириладиган мева, узум, сабзавот, полиз маҳсулотларининг талай қисми қўшни давлатларга чиқарилади. Республикада мева, узум ва сабзавотнинг юқори сифатли навлари етиштирилади, Ўзбекистон ўзининг сифатли пилласи ва қоракўли билан ҳам дунёга машҳур.

1993 йилдан республиканинг ғалла мустақиллигини таъминлаш йўлида ғаллачилик жадал ривожлантирилмоқда.

Республика аҳолисининг 60% дан зиёдроғи қишлоқ жойларида яшайди. Ялпи ички маҳсулотнинг 26,8% қишлоқ хўжалигига тўғри келади. 3,8 млн. киши ёки республика халқ хўжалигида иш билан банд бўлганларнинг 43,7% қишлоқ хўжалиги соҳасида меҳнат қилади.

Республика қишлоқ хўжалигида мулкчилик шаклларига кўра к о о п е р а т и в (жамоа хўжаликлари, хўжаликлараро корхоналар, ширкатлар уюшмалари, давлат хўжаликлари негизида ташкил этилган хўжаликлар, жамоа мулкига айлантирилган фермалар ва бошқалар), давлат (давлат хўжаликлари, наслчилик заводлари, ўқув-тажриба ҳамда тажриба хўжаликлари), хусусий (деҳқон ва фермер хўжаликлари, хусусийлаштирилган корхоналар), аҳолининг шахсий ёрдамчи хўжаликлари (шахсий эҳтиёжлар учун айрим қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштириш) секторлари мавжуд. Республикада қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг 99% иқтисодиётнинг нодавлат секторида ишлаб чиқарилмоқда. Ялпи қишлоқ хўжалиги маҳсулотининг 59,6%и аҳолининг шахсий ёрдамчи хўжалигида, 37,8 %и қишлоқ хўжалиги корхоналарида ва 2,6%и фермер хўжаликларида яратилмоқда. Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги тизимида 1043 жамоа хўжалиги, 21864 деҳқон (фермер) хўжалиги, 444 ширкатлар уюшмаси, 270 чорвачилик акциядорлик жамияти, 87 ижарачилар уюшмаси, 288 давлат хўжалиги, 155 хўжаликлараро корхоналар, 764 хусусийлаштирилган фермалар, 751 қурилиш ташкилотлари ва бошқалар ишламоқда.

Ўзбекистон Ер курраси да деҳқончиликнинг энг қадимий ўчокларидан биридир. Ҳозирги Ўзбекистон ҳудудида ғўза мил. ав. 7— 6- асрлардан бери етиштириб келинаётганлиги маълум. Хусусан Ўрта Осиёда бундан қарийб 3 минг йил аввал ғалла экинлари, шоли, кунжут, қовун, ток ва бошқалар ўстирилган. Археологик тадқиқотларнинг кўрсатишича мил. ав. 2- минг йиллик ўрталарида Хоразмда қайир типидаги суғоришга асосланган чопиқ қилинадиган экинлар, Фарғона водийсида лиман усулида суғоришни қўллаб тарик, арпа ва бошқа донли экинлар экилган. Чорвачиликда узоқ асрлар давомида корамол, қўй ва эчки, от, туяларнинг қимматли хўжалик белгиларига эга бўлган кўплаб ноёб зотлари яратилган.

20-асрнинг 20-йилларида Ўзбекистонда ҳам бутун Иттифоқдаги

каби, ер-сув ислоҳотлари ўтказилди, деҳқон хўжаликларини амалда мажбурий бўлган коллективлаштириш бошланди. Мамлакат қишлоқ хўжалигида асрлар давомида шаклланган укладлар тубдан ўзгартирилиб, қишлоқда йирик давлат хўжаликлари (совхозлар) тузилди ва якка деҳқон хўжаликлари аста-секин коллектив хўжаликлар (колхозлар)га бирлаштирилди. Социалистик мулк қишлоқда иқтисодий муносабатларнинг асоси деб қабул қилинди. Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини контрактация (шартнома тузиш) йўли б-н тайёрлаш деҳқонларни жамоа хўжаликларига бирлаштиришнинг ўзига хос мажбурий воситаси бўлди. Давлат қишлоқ хўжалик техникасини ҳам ўз ихтиёрига олди. Давлат машина-трактор станциялари (МТСлар) ташкил этилди.

Биринчи беш йиллик деб аталмиш даврда собиқ Иттифоқнинг пахта мустақиллиги таъминланди. 1,2 млн тонна пахта хом ашёсининг 65%ини Ўзбекистон етказиб берди. Пахта хом ашёси ниҳоятда арзон нархларда сотиб олинарди. Мустақилликка эришгунга қадар Иттифоқнинг асосий пахта базаси бўлиб қолди. Бу эса республика халқ хўжалигининг хом ашё етиштириш билан чекланиб, бир ёқлама ривожланишига сабаб бўлди ва жуда кўп салбий оқибатларга олиб келди, пахта монокультурасини мустаҳкамлади.

Республика қишлоқ хўжалигида пахта якка ҳокимлиги (якка зироатчилиги) нинг қарор топиши оқибатида 1987 йилга келиб 2107,7 минг га ёки жами суғориладиган экин майдонининг 60% дан кўпроғига пахта экилди. Натижада илмий асосланган алмашлаб экиш тизими издан чиқди, минерал ўғитлар, гербицидлар, айниқса инсон саломатлигига зарарли бўлган бутифос каби дефолиантларни меъёридан ортиқча ишлатилиши натижасида деҳқончилик қилинадиган жойларда экологик шароитлар бузилди, ерларнинг мелиоратив ҳолати ёмонлашди.

Ўзбекистон мустақилликка эришганидан кейин мамлакат қишлоқ хўжалигида чуқур ислоҳотларни амалга ошириш даври бошланди. Республика ҳукумати мамлакат иқтисодиётининг энг муҳим тармоғи бўлган қишлоқ хўжалигида бозор муносабатларини шакллантириш, мулкчиликнинг нодавлат шаклига ўтиш, мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш, деҳқон (фермер) хўжаликлари фаолиятини йўлга қўйиш каби масалаларни ҳал этишга эътибор бермоқда. Республика парламенти қишлоқ хўжалигида туб бурилишларнинг ҳуқуқий асосларини яратадиган

қонунларни қабул қилди. Жумладан «Ер тўғрисида», «Ўзбекистон Республикасида тадбиркорлик тўғрисида», «Давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш тўғрисида», «Ижара тўғрисида», «Деҳқон хўжалиги тўғрисида», Хўжалик жамиятлари ва ширкатлари тўғрисида», «Ер солиғи тўғрисида», «Кичик ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришни рағбатлантириш тўғрисида», 1998 йил апрель ойида Олий Мажлиснинг XI сессиясида қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг Ер кодекси, «Қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкат хўжалиги) тўғрисида», «Деҳқон хўжалиги тўғрисида», «Фермер хўжалиги тўғрисида» қонунлари ҳамда ҳукумат қарорлари қишлоқ хўжалигида кўп укладли иқтисодиёт пойдеворини яратишга йўл очди. Биринчи навбатда пахта якка ҳокимлигини бартараф этиш ва экин майдонлари таркибини илмий асосда тузиш тадбирлари кўрилди. Янги иқтисодий шароитларда Ўзбекистоннинг энг муҳим озиқ-овқат ресурслари б-н ўзини-ўзи таъминлашга эришиш вазифаси қўйилди. Республика ғалла мустақиллигини таъминлаш йўлида катта дастур ишлаб чиқилди ва босқичма-босқич амалга оширила бошлади. Пахта майдонлари қисқартирилди, таркибий тузилиши ўзгартирилиб, ғалла майдонларининг улуши 40% га етказилди ва 3,3 млн. т ғалла тайёрланди, ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш ишлари давом эттирилмоқда. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштиришда деҳқонларнинг шахсий томорқа хўжаликларига 500 минг га дан кўпроқ ҳосилдор ер ажратиб берилди, унинг умумий майдони 750 минг гектарга етказилди. Қишлоқ хўжалиги соҳасидаги зарар кўриб ишлаётган давлат хўжаликлари, иқтисодий жиҳатдан ўзини оқламаган хўжаликлар хўжалик юритишнинг ширкатлар, ижарачилар уюшмалари, хусусийлаштирилган фермалар каби иқтисодий самараси кўпрок шаклларга ўтказилди, жамоа хўжаликлари ривожига шароит яратилди. Банкротлик ёқасида турган корхоналар учун санация чоралари кўрилди. Давлат хўжаликлари мулкчиликнинг бошқа шаклларига айлантирилди, уларнинг негизида жамоа хўжалиги, ширкат хўжалиги, ижарачилар уюшмаси ташкил этилди, катта майдонлардаги боғ ва токзорлар хусусийлаштирилди. Маҳсулдорлиги паст давлат ва жамоа хўжаликларининг норентабель корамолчилик фермалари меҳнат жамоалари мулки қилиб берилди. Ислоҳотларнинг биринчи босқичида қишлоқда фермерлар ва деҳқон хўжаликлари пайдо бўлди. Республика 1997 йил охирида 20

мингдан ортиқ фермер хўжалиги ишлади. Уларнинг деярли ярми чорвачиликка ихтисослашган.

Республика Президентининг 1994 йил 21 январдаги «Иқтисодий ислоҳотларни янада чуқурлаштириш, хусусий мулк манфаатларини ҳимоя қилиш ва тадбиркорликни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони, Республика Вазирлар Маҳкамасининг 1995 йил 24 мартдаги «Чорвачиликда хусусийлаштиришни давом эттириш ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида» ва бошқа қарорлари иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш, бозор тамойилларининг эркин ишлаши учун шарт-шароитлар яратиш, хўжаликларни нодавлат шаклларига айлантириш, маҳсулдорлиги паст чорва фермаларини жамоага мулк қилиб бериш йўли билан қишлоқ хўжалигида ислоҳотларни янада чуқурлаштиришга, деҳқон ва фермер хўжаликлари ишини йўлга қўйишга кенг имкониятлар очиб берди. Чорва моллари зотини яхшилаш тадбирлари ишлаб чиқилди. Андижон, Сирдарё, Тошкент вилоятларида ширкат хўжаликлари негизида қорамолчилик наслчилик заводлари, Андижон, Жиззах, Наманган, Сирдарё, Тошкент, Хоразм вилоятларида жамоа хўжаликларида наслчилик хўжаликлари ташкил этилди. Республиканинг барча вилоятлардаги ихтисослашган хўжаликларда зотли моллар етиштириладиган ва сотиладиган таянч пунктлар иши йўлга қўйилди. Ким ошди савдоси орқали қорамоллар хўжаликларга ва аҳолига сотилди.

Қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш бўйича Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1998 йил 18 мартдаги Фармонига мувофиқ республика комиссияси тузилган эди. Бу комиссия 1998-2000 йилларга мўлжалланган қишлоқ хўжалигидаги иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш Дастурини ишлаб чиқди. Дарҳақиқат қишлоқ хўжалигида ислоҳотлар чуқурлашмас экан, иқтисодиётнинг бошқа соҳаларида ҳам бу масалани ҳал этиш осон кўчмайди. Қишлоқда ислоҳотларни амалга ошириш юзасидан бир қатор тадбирлар белгиланмоқда. Фармонлар, қарорлар қабул қилиниб, қишлоқ хўжалигини моддий ва молиявий, техникавий жиҳатлардан қўллаб-қувватлаш чоралари кўрилмоқда.

Нима учун бугунги кунга келиб ислоҳотлар маркази қишлоқ хўжалигига кўчирилмоқда?

Ислом Каримов «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт

кафолатлари» асарида таъкидлаганидек: «Ҳозирги вақтда айнан иқтисодиётнинг аграр секторида катта-катта заҳиралар мавжуд. Уларни ишга солиш яқин вақт ичидаёқ сезиларли натижалар бериши мумкин. Бутун иқтисодий ўзгаришларнинг якуни, барқарорлик ва халқ фаровонлиги кўп жиҳатдан туб ўзгаришлар жараёнлари аграр секторни қанчалик кенг камраб олишига, қишлоқда ислоҳотлар қанчалик чукур боришига боғлиқ бўлади».

Демак, мустақилликнинг еттинчи йилида қишлоқ хўжалигида ислоҳотларни чуқурлаштириш, қишлоқда турмушни янги поғонага кўтариш жиддий қўйилган экан, бу аввало, ҳаёт тақозоси, қолаверса, кун тартибига қўйиладиган ҳар бир шиор, вазифа реал имкониятга таянмоғи лозим. Бугун ана шундай имкониятлар юзага келмокда.

Қишлоқ хўжалигини ривожлантириш имкониятлари саноатда, умумий иқтисодиётда мужассамланган. Қишлоқ хўжалигини жадал олға силжитиш учун жуда катта миқдорда молиявий ресурслар зарур. Бу қадар салмоқли маблағлар ёки мамлакат ичкарисида ишлаб топилиши ёки хорижий давлатлардан, халқаро молиявий ташкилотлардан қарз олиш ҳисобига амалга оширилиши мумкин. Қайси йўлни танлашни, мавжуд имкониятлардан келиб чиқиб, ўша давлатнинг ўзи ҳал қилади. Деярли барча мамлакатларда, ҳатто ривожланган мамлакатларда ҳам қишлоқ хўжалиги норентабел ҳисобланади, шунинг учун ҳам давлатдан кўмак олади. Қишлоқ хўжалигига ёрдам кўрсатиш учун, аввало, умумий иқтисодиётда, саноатда жиддий ўзгаришлар, силжишлар юз бериши керак эди.

Жаҳондаги тараққий этган мамлакатлар тажрибаси шуни кўрсатдики, саноатсиз қишлоқ хўжалигини ривожлантириб бўлмайди. Қишлоқ хўжалиги барча халқ хўжалиги мажмуи тармоқлари, энг аввало, саноат билан чамбарчас боғлиқ. У ҳозир саноатдан бошланиб (ишлаб чиқариш воситалари, маъданни ўғитлар ишлаб чиқариш), саноат билан тугалланади (етиштирилган хом ашё ва маҳсулотларни қайта ишлаш, тайёр маҳсулотга айлантириш). Бу икки тармоқ ўртасидаги алоқа вертикал интеграция ёки агросаноат интеграцияси жараёни бўлиб, борган сари чуқурлашиб бораверади. Гўшт, сут, сабзавот ва бошқа маҳсулотлар истеъмолчи дастурхонига тушишдан олдин саноатда қайта ишловдан ўтади. Бу объектив жараён.

1-жадвал

Ўзбекистонда асосий деҳқончилик маҳсулотларини ишлаб чиқариш

(минг т)

	1995	1996	1996 й.да 1995 й.га нисбатан %
Дон	3215,3	3549,2	110,4
шу жумладан			
бошоқли дон	2680,4	2948,1	110
шундан буғдой	2346,9	2736,5	116,6
Шоли	327,6	445,2	135,9
Маккажўхори	185,5	130,6	70,4
Картошка	439,9	490	111,4

2-жадвал


Ўзбекистонда асосий чорвачилик маҳсулотларини ишлаб чиқариш

(минг т)


	1996	1997	1997 й.да 1996 й.га нисбатан %
Гўшт (тирик вазнда)	800,6	801,1	100,1
Сут	3403,9	3405,6	100,0
Тухум, млн. дона	1057,1	1075,3	102,0

Хўжалик шакллари бўйича яппи қишлоқ хўжалиги маҳсулот ишлаб чиқариш

(1997 й., %)



Барча тоифадаги хўжаликларда дон ишлаб чиқариш
(1997 й., %)



- Буғдой - 81,1
- Арпа - 3,8
- Жавдар - 0,1
- Шоли - 10,4
- Дуккакли экинлар - 0,2
- Дон учун маккажўхори - 3,7
- Бошқа экинлар - 0,7

Картошка, мева-сабзавот маҳсулотлари, чорва, парранда, сут, тухум, коракўл тери ва жун маҳсулотларига эркин (келишилган) нархлар жорий этилди, бу эса хўжаликларнинг ўзлари етиштирган маҳсулотларни ўз хоҳишича фойдаланишга имкон яратди. Давлат буюртмаси фақат пахта ва донга нисбатан сақланиб, пахта толаси бўйича ва дон бўйича 50% даражасида белгиланди. Республика Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 29 августдаги қарори асосида қабул қилинган ва тасдиқланган «Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари контрактация шартномаларини тузиш ва бажариш тартиби тўғрисида»ги Низом маҳсулот ишлаб чиқарувчилар билан истеъмолчилар ўртасидаги муносабатларни бозор талабларига жавоб берадиган босқичга кўтаришда дастлабки қадам бўлди. Қишлоқ хўжалик корхоналари (жамоа хўжаликлари, турли кооперативлар, қайта ишлаш корхонари)да мулкнинг муайян қисмини пай ва улуш ҳолида ходимларга бириктириб қўйишга асосланган хўжалик юритишнинг янги шакллари — хўжаликларни ёпиқ турдаги акционерлик жамиятларига айлантириш бошланди.

Қишлоқда мулкдорлар синфини шакллантириш аграр сиёсатдаги муҳим йўналишга айланди. Республика қишлоқ хўжалигини ривожлантиришда халқаро ташкилотлар дастуридан фойдаланиш йўлга қўйилди.

Бу тадбирлар эса хўжалик юритиш механизмини такомиллаштиришга, хўжаликларни иқтисодий жиҳатдан мустаҳкамлашга, қишлоқ меҳнаткашлари турмуш даражасини оширишга ҳамда хўжаликларда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлашни ривожлантиришга йўл очди. Натижада 1995 йили қишлоқ хўжалигида ялпи маҳсулотлар етиштиришда пасайиш суръатлари тўхтатилди. 1997 йилда республикада 3226,4 минг т бошоқли дон, 685,5 минг т картошка, 362,6 минг т полиз, 801,1 минг т гўшт, 3405,6 минг т сут, 1075,3 млн. дона тухум етиштирилди.

Ҳозир қишлоқ хўжалигида банд бўлган ортиқча меҳнат ресурсларини саноатга, хизмат кўрсатиш соҳасига жалб этиш давлат аграр сиёсатининг гоят муҳим йўналиши ҳисобланади. Қишлоқ жойларига саноатни олиб кириш, замонавий технологияга эга бўлган кичик корхоналарни очиш ҳисобига янги иш жойларини яратиш устивор вазифа ҳисобланади. Қишлоқда туб ислоҳотларни ўтказиш, қишлоқ хўжалигини тараққий қилдириш, қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш Ўзбекистон иқтисодиётини ривожлантиришнинг асосий омили ва манбаидир.

Шундай қилиб, мустақиллик йилларида саноатда қишлоқ хўжалиги тараққиёти учун мустаҳкам негиз ҳозирланди. Урушдан кейинги йилларда Германияда ҳам, Японияда ҳам шундай йўл танланган эди. Шуни тан олиш керакки, бошқа соҳаларда бўлганидек, қишлоқ хўжалигидан ҳам бизга оғир мерос қолган эди. Тўғри, 70–80 йилларда қишлоқ хўжалигига қарз бериш, харид нархларини ошириш, қишлоқ хўжалигини ривожлантириш дастурларини молиялаштириш ҳамда солиқ сиёсати бир неча бор қайта кўрилиб, агросаноат мажмуи фойдасига гўё ҳал этилди. Бир неча ўн йиллар давомида қишлоққа нисбатан ўтказиб келинган адолатсизликни бир оз бўлса-да, юмшатишмоқчи бўлишди. Аммо бу сиёсат эски ишлаб чиқариш усулларини сақлаб қолишга, йирик колхоз ва совхоз ишлаб чиқариш монополиясини мустаҳкамлашга, саноат учун керакли бўлган техника экинлари ишлаб чиқаришни ривожлантиришга хизмат қилди, қишлоқда хўжалик юритиш шаклларини кенгайтиришни рағбатлантирмади.

Ер давлатники, ер жамоа ва давлат хўжаликларига фойдаланиш учун бериб қўйилгани сабабли ҳам харид нархини белгилаш давлат монополияси бўлиб келди. Мана, нима учун қишлоқ хўжалик маҳсулотларига белгиланадиган харид нархлари узлуксиз равишда индустриал ишлаб чиқариш воситаларига белгиланадиган саноат улгуржи нархларидан, ана шу қишлоқ хўжалиги маҳсулотларидан *ишлаб чиқариладиган халқ истеъмоли молларига белгиланадиган* давлат чакана баҳоларидан узлуксиз орқада қолиб кетди. Бу узоқ йиллар давомида шаклланиб келган халқ хўжалигининг бошқа тармоқларини аграр соҳа ҳисобига ривожлантиришдан бошқа нарса эмас эди.

Қишлоқ хўжалигида хусусийлаштириш, айниқса, ерни сотиш ва сотиб олиш объектига айлантириш масаласи анча мураккаб, етти ўлчаб бир кесишни талаб қиладиган, шошма-шошарликни хуш кўрмайдиган масаладир. Гап шундаки, бизнинг шароитимизда деҳқончилик асосан суғоришга асосланган, экинга яроқли ер майдонлари кўп жиҳатдан чекланган, катта миқдорда экиладиган техника экинлари, шу жумладан, пахта жамоа бўлиб меҳнат қилишни тақозо этади. Бундан ташқари, мамлакат миқёсида ер кадастрининг ишлаб чиқилиши, ерлар баҳоланиши керак. Булар маълум вақт талаб қиладиган катта юмушлардир. Ўтиш даври ҳали тўла тугалланмаган, нархлар турли ички ва ташқи омиллар таъсирида тебраниб турган пайтда бугунги мезонлар эртанги вазиятни тўла ифодалай олмаслиги ҳам мумкин.

Бу ерда қарор топган анъаналарни ҳам назардан соқит қилиб бўлмайди. *Ўзбекистонда ҳамиша деҳқон ер эгасига эмас, ернинг* ўзига биркитилган. Россияда эса крепостной деҳқон помешчикники бўлиб келган. Биргина шу ҳодисанинг ўзи ҳам хусусий мулкчилик ерга эгалик қилишнинг ягона шакли бўла олмаслигини кўрсатади.

Хўш, унда нима қилиш керак? Ердан фойдаланишнинг биз учун самарали қандай усуллари, шакллари бор? Бу ҳақда Ўзбекистон Республикаси Президенти И. Каримов шундай деб ёзади: «Қишлоқда бозор механизмларини ривожлантириш, деҳқонда соҳиблик ҳиссини уйғотиш мулкчилик муносабатларини такомиллаштириш, жамоа хўжаликларнинг ўзида ижара муносабатларини чуқурлаштириш, ерни мерос қилиб қолдириш ҳуқуқи билан умрбод фойдаланишга бериб қўйиш орқали, шунингдек, деҳқон (фермер) ҳамда шахсий ёрдамчи хўжаликларни кенг ривожлантириш асосида рўй бериши лозим».

Деҳқончиликда оилавий пудрат шаклини қўллаш, ерга эгалик қилишда даромадни тақсимлашда эса пайчилик усулидан фойдаланиш, пай орқали мулкка эгалик қилиш, даромад олиш, шартнома асосида ишлаш бугун мақсадга мувофиқ деб ҳисобланмоқда.

Ривожланган мамлакатларда аҳолининг 3–5 фоизини ташкил этадиган фермерлар озиқ-овқат маҳсулотлари билан ўз халқини тўла таъминлабгина қолмай, айни пайтда уларни бошқа давлатларга ҳам экспорт қилади. Голландияда ёки Америкада фермерларга сервис хизмати кўрсатиш бўйича қанчадан-қанча аҳоли банд эканлигини ҳам эътибордан соқит қилиб бўлмайди. Фермер ўз уйида ёки фермасида туриб, керакли уруғлик, минерал ўғитлар ёки техника хизмати учун, арзон ва ишончли таъминотчи ҳамкорига буюртма бериши ва уни ўз вақтида олиши мумкин. Токи деҳқон (фермер) ўзининг асосий иши – ҳосил тўплаш ва йиғиш билан шуғулланмас экан, унинг ишида унум ҳам, самара ҳам бўлмайди.

Қишлоқда хизмат кўрсатиш соҳасини етарли даражада ташкил этиш зарур, давлат деҳқонлардан ёрдамини аямаслик лозим. Расмий статистика маълумотларга кўра, 1996 йилда ялпи қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг 53,1 фоизи аҳоли шахсий ёрдамчи хўжаликларида етиштирилди. Ижара корхоналари, ширкатлар ва фермер хўжаликларининг ҳам ҳиссаси ортди. Агар уларга вақтида керакли миқдорда ёрдам кўрсатиладиган бўлса, қабул пунктлари ва қайта ишлаш корхоналари қуввати етарли бўлса, улар бундан ҳам кўпроқ маҳсулот ишлаб чиқариши ва истеъмол бозорини бойитиши мумкин эди.

Республикада с у ғ о р и ш деҳқончиликнинг зарурий шарти ва моддий асосидир. Суғориладиган ерлар майдонини кенгайтириш, сув таъминотини яхшилаш, дарёлар оқимини мавсумий ва кўп йиллик бошқариш учун сув омборлари, тўғонлар қурилиши, улкан ўзи оқар ва машина каналларининг қурилиши, ирригация шохобчаларини яхшилаш бўйича катта ишлар амалга оширилди. Ерларни мелиорациялаш, қишлоқ хўжаликни механизациялаш, электрлаштириш, кимёлаштиришда эришилган ютуқлар экинлар ҳосилдорлигини ошириш, меҳнат унумдорлигини кўтаришда ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлди. Республиканинг ўзида қишлоқ хўжалигини ишлаб чиқариш воситалари билан таъминлайдиган саноат тармоқларининг ривожланиши унинг моддий-техника базасини мустаҳкамлади.

Қишлоқ хўжалигида маҳсулотлар етиштиришдаги асосий жараёнлар механизациялаштирилди ва қўл меҳнатидан фойдаланиш анча қисқарди. Қишлоқ хўжалигида асосий дала ишлари (ер ҳайдаш, экиш, культивация билан бир вақтда ўғитлаш, дон экинларини йиғиб олиш ва бошқа) тўлиқ, экин қатор ораларини ишлаш юқори даражада (пахтачилик соҳасида 78%) механизациялаштирилди. Республикада тайёрланган пахтанинг 30% дан ортиқроғи машиналарда териб олинди; бу кўрсаткич Жиззах, Сирдарё, Тошкент вилоятларида анча юқори.

Республика агросаноат мажмуини зарур моддий-техника ресурслари билан таъминлаш, қишлоқ хўжалик техникасини таъмирлаш ва унга инженерлик хизмати кўрсатишни "Ўзқишлоқхўжаликтаъминоттаъмир» давлат-кооператив қўмитаси тизимида қишлоқ хўжалигига техника хизмати кўрсатувчи «Агромашсервис» акционерлик уюшмасининг ихтисослаштирилган ташкилий-хўжалик тузилмалари: «Қишлоқхўжаликмаштаъмир» (таъмирлаш заводлари), «Агромашэҳтиётқисм» (таъминот базалари), «Техчорвамонтажсервис», «Қишлоқхўжаликжиҳозлаш» (жиҳозлаш базалари), «Махсустаъмирлашсозлаш» ва бошқа бирлашмалар, уюшманинг вилоят ва туманлардаги бўлинмалари олиб боради. «Ўзқишлоқхўжаликтаъминоттаъмир» тизимида Қорақалпоғистон Республикаси ва 12 вилоят бирлашмаси, 166 туман ишлаб чиқариш корхонаси; 28 таъмирлаш заводи, 64 та кичик корхона ва 13 та қўшма корхоналар бор. Тизимга қарашли корхоналарда 50 номдаги машина ва механизмлар ишлаб чиқарилади. «Ўзқишлоқхўжаликтаъминоттаъмир» тизимининг таъминот ташкилотлари мулкчиликнинг ҳамма туридаги хўжаликларга трактор, юк автомобили, автобус ва енгил автомобиль, бульдозер, пахта териш машинаси, ғалла комбайни, хашак ўргич, трактор тиркамалари, культиватор, чигит экиш сеялкаси, пуркагич, хашак ўргич-майдалагич ва бошка кўплаб қишлоқ хўжалиги машиналари етказиб беради. «Ўзқишлоқхўжаликтаъминоттаъмир» тизимида қишлоқ тадбиркорлари ва қишлоқ хўжалик корхоналарига сервис хизмати кўрсатиш бўйича «Ўзтехчорвасервис» республика бирлашмаси ташкил этилган. Унинг барча вилоят ва туманларида 160 дан ортиқ ишлаб чиқариш-техника марказлари ишлайди, майда улгуржи дўконлар, ижара-сервис шохобчалари орқали қишлоқ хўжалик машиналари, эҳтиёт қисмлар, узеллар, бутловчи деталлар сотилади, турли хизматлар кўрсатилади.

Республика кимё саноати қишлоқ хўжалигининг ўғитларга бўлган эҳтиёжларини тўла қондириш қувватига эга. Қишлоқ хўжалигида экинларни зараркунандалар, касалликлар ва бегона ўтлардан ҳимоя қилишнинг кимёвий воситалари билан бирга, айниқса, пахтачиликда биологик ҳимоя усулидан ҳам фойдаланилади. Ўзбекистонда 756 биолаборатория, трихограмма етказиб берувчи механизациялашган линиялар ишлайди. Республикада қишлоқ хўжалигига агрокимёвий хизмат кўрсатишни давлат-акционерлик бирлашмаси («Ўзагрокимётаъминот» бирлашмаси) олиб боради. Республикада мавжуд қишлоқ хўжалиги техникаси паркидан оқилона фойдаланиш, уни ишлатиш харажатларини қисқартириш мақсадларида 1995- 99-йилларда «Ўзқишлоқхўжаликтаъминоттаъмир» давлат-кооператив қўмитасининг туман бўлимлари негизида мулкчиликнинг барча шаклларидаги машина-трактор парклари (МТП) ташкил этиш дастури қабул қилинган. 1998 йилгача 180 та давлат-акциядорлик машина-трактор парклари ташкил этилди, 1998 йилда яна 146 МТП ташкил этилади. Бу парклар хўжаликлардаги машина ва механизмларни кейинчалик сотиб олиш ҳуқуқи билан ижарага олади ёки қишлоқ хўжалиги техникаси хўжаликлардан қолдиқ қиймати бўйича машина-трактор парклари балансига берилади ва ерларни экишга тайёрлаш, қишлоқ хўжалиги экинларига ишлов бериш ва ҳосилни йиғиб-териб олишга доир механизациялашган ишларни хўжаликлар билан шартномалар бўйича бажаради.

Республика Президентининг «Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини давлат йўли билан қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида» Фармонида (1996 йил 3 апрель) қишлоқ хўжалигини сифатли техника, минерал ўғитлар, экинларни ҳимоя қилишнинг кимёвий воситалари билан таъминлаш 2000 йилга қадар республика қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг комплекс дастурида устивор вазифалар сифатида белгиланган.

Республика қишлоқ хўжалигининг илмий базаси етарли даражада ривожланган. Илмий изланишлар натижасида асосий қишлоқ хўжалиги экинлари бўлган ғўза, каноп, буғдой, арпа, шоли, мева, узум, картошка, полиз экинлари ва бошқанинг тезпишар, серҳосил навлари яратилди ва ишлаб чиқаришга жорий этилди, деҳқончиликда илғор агротехника тадбирлари ишлаб чиқилди, ҳар бир экинни етиштириш, айниқса пахтачилик учун машиналар системаси яратилди, илмий текшириш институтлари,

тажриба станциялари, таянч пунктлари тармоқлари ривожлантирилди. Қишлоқ хўжалигини малакали мутахассислар билан таъминлайдиган олий ва ўрта махсус ўқув юртлари ташкил этилди.

Ўзбекистон Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги илмий марказининг 17 илмий тадқиқот институти, уларнинг 12 филиали, 15 таянч пункти, 9 экспериментал базаси ва 50 га яқин бошқа бўлимларида қишлоқ хўжалиги, ўрмон хўжалиги ва агросаноат мажмуининг турли соҳаларида назарий ва амалий илмий таъминот ишлари олиб борилади, фан ютуқлари ишлаб чиқаришга жорий этилади. Республикада Тошкент давлат аграр университети, Андижон, Самарқанд қишлоқ хўжалиги, Қарши аграр- иқтисодиёт, Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш инженерлари институтлари ишлайди. Ўрта махсус маълумотли мутахассислар 40 дан ортиқ техникум ва коллежларда тайёрланади. Республика олий ўқув юртларини қишлоқ хўжалиги ихтисосликлари бўйича ҳар йили 5 мингдан ортиқ олий маълумотли, 12 мингдан кўпроқ ўрта махсус маълумотли мутахассислар битириб чиқади.

Республикада қишлоқ хўжалик соҳасидаги умумий сиёсатни республика Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги амалга оширади. Давлат бошқарувининг қуйи бўғини бўлган туман қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармалари жамоа хўжаликлари, давлат хўжаликлари, ширкатлар уюшмалари, ижара хўжаликларига умумий раҳбарликни олиб боради. Ихтисослашувига кўра боғдорчилик, токчилик, айрим иссиққхона хўжаликлари мустақил «Ўзмевасабзавотузумсаноатхол-динг» компаниясига қарайди. Айрим тармоқларга раҳбарликни амалга ошириш учун Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг «Қоракўл», «Ўзбек ипаги», «Ўзпаррандасаноат», «Асал» каби республика ишлаб чиқариш уюшмалари ташкил этилган.

Қишлоқ хўжалиги минтақалари. Ўзбекистон ҳудуди қишлоқ хўжалиги жиҳатидан 3 минтақага бўлинади: т о ғ ва т о ғ о л - д и м и н т а қ а с и республика ҳудудининг 20% дан ортиқроғини ташкил этади. Асосан лалмикор деҳқончилик (буғдой, арпа, нўхат, зиғир), боғдорчилик ва токчилик тараққий этган, бу минтақада мавсумий баҳорги кузги яйловлар бор, чорвачилиги гўшт-жун етиштиришга ихтисослашган. С у ғ о р - м а д е ҳ қ о н ч и л и к м и н т а қ а с и республика ҳудудининг қарийб 20% ни ташкил этади. Бу минтақа Фарғона

водийси, Мирзачўл, Далварзин чўли, Чирчиқ-Оҳангарон, Зарафшон, Қашқадарё ва Сурхон-Шеробод водийлари, Қуйи Амударёни ўз ичига олади. Асосан, пахта, шунингдек каноп, дон (буғдой, маккажўхори, шоли), картошка, сабзавот-полиз экинлари (ковун, тарвуз, қовоқ), ем-хашак экинлари (беда, суданўт, перко ва бошқа) етиштирилади. Боғ ва токзорлар, тутзорлар, резавор мева майдонлари бор, гўшт-сут чорвачилиги ривожланган. Ч ў л -я й - л о в м и н т а қ а с и - республика ҳудудининг 60% ни ташкил этади. Асосан чўл ва сувсиз текисликлардан иборат. Бухоро, Қашқадарё вилоятлари, Қорақалпоғистонда ва Фарғона водийсининг марказий қисмида жойлашган.

Ер фонди. Ўзбекистонда қишлоқ хўжалигининг асосий ишлаб чиқариш воситаси бўлган ер давлат мулки ҳисобланади. Давлат қишлоқ хўжалиги билан шуғулланадиган корхоналар ва хўжаликларга, шунингдек фуқароларга муддатсиз ёки вақтинчалик фойдаланиш учун ер ажратиб беради.

Давлат ер фонди ер эгалиги ёки ердан фойдаланувчилар ҳудудидаги барча ерларни – ҳайдалма ерлар, дарахтзор, яйлов, пичанзор, ўрмонзор, кўрик ер, қишлоқ хўжалигида фойдаланилмайдиган ерларнинг жамини ўз ичига олади.

3-жадвал

Ер майдони ва қишлоқ хўжалиги ерларининг ердан фойдаланувчилар бўйича тақсимоти
(минг га, 1994)

	Умумий ер майдони	Барча тоифадаги қишлоқ хўжалиги ерлари	шу жумладан		
			ҳайдалма ер	пичанзорлар	яйловлар
Жами ер	44797,7	27987,1	4474,5	109,4	22855,6
Қишлоқ хўжалиги корхоналари ва хўжаликлар ерлари	31970,0	25925,2	4458,8	107,4	20824,6
шу жумладан деҳқон (фермер) хўжаликлари ерлари	82,8	76,8	32,9	0,3	42,1
фуқаролар ерлари	571,3	477,5	382,5	–	–
Захирадаги ва ўрмон хўжалиги ерлари	10203,9	1975,3	9,0	2,0	1954,1
Бошқа тоифадаги ерлар	2623,8	86,6	6,7	–	76,9

Республиканинг умумий ер фонди 44797,7 минг га, барча қишлоқ хўжалик ерлари 27987 минг га, шундан суғоришга яроқли ерлар 5 млн. га, суғориладиган ерлар майдони 4238,6 минг га, қишлоқ хўжалигида фойдаланиладиган ерларнинг умумий майдони салкам 32 млн. га, экиладиган ерлар 4090,2 минг га, ҳайдалма ерлар 4474,5 минг га.

Республика ер фондининг асосий қисми (62% га яқини) қишлоқ хўжалик ер турлари тоифаларига мансуб, колган қисми фуқаролар ерлари-томорка (1%), ўрмон ва тўқайзорлар (3,2%) ва қишлоқ хўжалигида фойдаланилмайдиган ерлардан (34,2%) иборат. Суғориладиган ерлар жами ер ресурсларининг 9,2% ни ташкил этишига қарамай республика қишлоқ хўжалигида етиштириладиган ялпи маҳсулотнинг 98,5% шу ерларда етиштирилади.

Ўзбекистонда 20-асрда суғориладиган ерлар майдони сезиларли кўпайди (1914 йилда 1809,5 минг га; 1994 йилда 4238,6 минг га). Кейинги ўн йилликларда ирригация-мелиорация ишларига катта эътибор берилди. Республика аҳолиси сонининг ўсиш суръатлари суғориладиган ерларни кенгайтириш суръатларидан ўсиб кетиш натижасида аҳоли жон бошига тўғри келадиган суғориладиган ҳайдалма ер майдони йилдан-йилга камайиб борди. Ерлардан оқилона фойдаланиш, уларни муҳофаза қилиш, тупроқ унумдорлигини тиклаш, табиий муҳитни асраш ва яхшилаш, хўжалик юритишнинг ҳамма шаклларини тенг ҳуқуқлар асосида ривожлантириш учун шароитлар яратиш мақсадида республикада ер муносабатлари Ўзбекистон Республикасининг Ер кодекси (1998 йил апрель; 1998 йилнинг 1 июлидан амалга киритилган) билан тартибга солинади.

Деҳқончилик

Республика қишлоқ хўжалигида деҳқончилик етакчи ўринда туради. Деҳқончиликнинг қишлоқ хўжалиги ялпи маҳсулоти таркибидаги ҳиссаси 1997 йилда 49,7% ни ташкил этди. Республикада агротехниканинг илғор усулларини қўллаш, экинларнинг ҳосилдор навларини яратиш, навларни муттасил янгилаш ва нав алмаштириш ҳисобига деҳқончиликда юқори кўрсаткичларга эришилди. Адир зоналарда л а л м и к о р д е ҳ қ о н ч и л и к (буғдой, арпа, зиғир, кунжут, нўхат, озуқабоп экинлар, боғдорчилик) қилинади. С у ғ о р м а д е ҳ қ о н ч и -

л и к да лалмикор деҳқончиликка нисбатан 3–5 марта кўпрок ҳосил олинади ва ердан самарали фойдаланишни таъминлайди. Республикада деҳқончилик ялпи маҳсулотининг 98,5% суғорма деҳқончиликдан олинади. Суғориладиган ерларда асосан техника экинлари (ғўза, каноп, тамаки, қанд лавлаги), дон экинлари (буғдой, шоли, маккажўхори, дуккакли дон экинлари), сабзавот-картошка, полиз экинлари, ем-хашак экинлари ва бошқалар экилади, мева, узум етиштирилади. Кейинги йилларда республикада экин майдонлари таркиблари кескин ўзгарди, техника экинлари, биринчи навбатда ғўза майдонлари қисқартирилди, аҳолини озиқ-овқат билан таъминлашни тубдан яхшилаш, республиканинг ғалла мустақиллигини таъминлаш мақсадларида дон экинлари, қанд лавлаги, картошка майдонлари кенгайтирилди.

Пахтачилик. Республикада деҳқончиликнинг етакчи тармоғини пахтачилик ташкил этади. Пахтачиликнинг пировард асосий маҳсулоти - пахта толаси ва пахта мойидир. 1 т пахта хом ашёсидан ўртача 320-350 кг тола (3500 м^2 газлама), 10 кг момик, 620 кг чигит олинади. Ўз навбатида 620 кг чигитдан 110 кг мой, 225 кг кунжара, 175 кг шулха, 35 кг линт, 30 кг тук (делинт) чикади. Умуман ғўзадан олинадиган маҳсулотлар асосида саноат усулида 1200 дан кўпрок, турли маҳсулотлар ишлаб чиқариш мумкин.

Республика халк хўжалигининг 70% дан кўпроғи технологик жиҳатдан пахтачилик билан боғлик. Республикада пахтачилик аграр-саноат комплекси шаклланди. Комплекс пахтачилик учун қишлоқ хўжалик машинасозлиги саноати, кимё, асбобсозлик, тўқимачилик саноатлари, тегишли инфратузилма тармоқларини ва ноишлаб чиқариш соҳаларини ўз ичига олади.

Пахтачилик учун энг унумдор суғориладиган ерларнинг қарийб 35% ажратилган ва меҳнат ресурсларининг катта қисми шу тармокда банд. Ўзбекистон жаҳонда энг шимолда жойлашган пахтачилик минтақаси бўлишига қарамай, ҳосилдорлик бўйича олдинги ўринларда (гектаридан 40-50 ц/га ча).

Республиканинг барча вилоятлари ва Қорақалпоғистонда ўрта толали, Бухоро, Наманган, Сурхондарё, Қашқадарё вилоятларида эса ингичка толали ғўза ҳам етиштирилади. Пахта толаси Ўзбекистон экспортининг муҳим бандини ташкил этади. Пахта толаси экспорти бўйича республика жаҳонда АҚШдан кейин 2-ўринда туради.

Ҳозир Ўзбекистон ерларида пахта 2,5 минг йилдан кўпроқ вақтдан бери етиштирилади. Археологик тадқиқотларнинг далилларига кўра ғўза милоддан аввал 7—6-асрларда Самарқанд, Тошкент, Хоразм воҳаларида, 1- асрда Фарғона водийсида етиштирилган. 19- асрнинг 60- йилларида Ўзбекистонда ғўза тахминан 40 минг га майдонда, асосан, деҳқон хўжаликларининг ички эҳтиёжларини қондириш учун экилган. Бир неча аср мобайнида кўсаги майда ва яхши очилмайдиган жайдари ғўза экиб келинган. Марказий Осиё, хусусан Ўзбекистон Россия томонидан босиб олинганидан кейин Россия саноатининг пахта толасига бўлган талаби кескин ортди. Натижада пахта майдонлари йилдан-йилга кенгайиб борди. 19- асрнинг охирларида Туркистон билан Россиянинг саноат марказларини боғловчи темир йўлларнинг қурилиши ҳамда нисбатан серҳосил чет эл ғўза навлари (америка навлари — амиркон пахта)нинг экилиши муҳим роль ўйнади. 1890 йилда ғўза майдони 100 минг га дан кўпроқни, 1913 йилда 424,6 минг га, ялпи ҳосил 517,2 минг т, ҳосилдорлик 12,2 ц/га ни ташкил этди. 1913 йили Наманган шаҳри яқинида (Пахталикўл) ғўза тажриба станцияси ишлай бошлади. 1914 йилдан Мирзачўлда қишлоқ хўжалик ва ғўза тажриба станциясида ғўза селекцияси бўйича ишлар бошланди.

1920- йилларнинг 2- ярмидан Ўзбекистон пахта хом ашёсига бўлган талаб яна кескин кучайди.

1930—1990 йиллар давомида Ўзбекистон жаҳондаги асосий пахта етиштирувчи мамлакатлар қаторидан жой олди ва собиқ СССРнинг пахта хом ашёси етиштирувчи мустамлакаси бўлиб келди (Иттифоқ бўйича етиштирилган пахтанинг қарийб 60-65%).

Пахтачиликни ривожлантириш максадларида биринчи навбатда «халқ ҳашари» деб аталмиш йўл билан сув хўжалиги қурилиши кенг қулоч ёйди, пахтакор хўжаликларда трактор ва машина-механизмлар парки кенгайди, минерал ўғитларни қўллаш кўпайди, ғўзани ўстириш агротехникаси яратилди, алмашлаб экиш, механизациялаш, чигитни қаторлаб экиш жорий қилина бошлади, республикада иш бошлаган селекция муассасаларида яратилган янги ғўза навлари экила бошлади. Республиканинг қишлоқ хўжалик машинасозлигида пахтачиликка мослаштирилган трактор, сеялка, культиватор, пахта териш машиналари ишлаб чиқариш йулга қўйилди, пахтачилик машиналари бўйича бир неча махсус конструкторлик бюролари фаолият олиб борди.

4-жадвал

Ўзбекистонда пахтачиликнинг ривожланиши

	Ғўза экилган майдон, минг га		Ғўза ҳосилдорлиги, ц/га		Ялпи пахта ҳосили, минг т.	
	жами	шундан ингичка толали ғўза	ўрта ҳисобда	шундан ингичка толали ғўза	жами	шу жумладан ингичка толали ғўза
1924	264,8	–	7,8	–	205,8	–
1928	589,2	–	9,1	–	533,8	–
1930	883,8	0,2	8,4	9,7	744,3	0,2
1940	923,5	30,1	15,0	12,0	1385,9	12,0
1950	1098.1	27,5	20,3	15,0	2225,6	41,1
1960	1386,6	36,1	20,4	17,9	2823,5	64,8
1970	1709,2	69,9	26,3	28,3	4495,2	197,4
1980	1877,7	125,6	29,7	28,4	5578,7	357,3
1990	1830,1	119,4	27,6	32,0	5058	381,1
1992	1666,7	95,6	24,8	29,1	4127,9	278,6
1993	1695,1	77,3	25,0	27,6	4235,0	213,1
1995	1492,8	25,6	26,4	27,4	3934,1	71,1
1996	1487,3	...	22,5	...	3350,1	70,3

Собиқ Иттифоқнинг пахта мустақиллигини таъминлаш мақсадида ғўза майдонларининг мунтазам кўпайтирилиши республика деҳқончилигида пахта якка зироатчилиги (монокультура)ни вужудга келтирди. 1984-88 йилларда ғўза 2 млн. га дан кўпроқ, 1989 йил эса энг кўп - 2107,7 минг га майдонга экилди, 1980 йил энг кўп ялпи ҳосил - 5579 минг т пахта ҳосили олинди (*аникланган маълумот; дастлабки маълумотларда* 6244,9 минг т). Олинган толанинг фақат 10% гина республикада қайта ишланар, қолгани жуда арзон нархларда Марказга ва бошқа республикаларга ташиб кетиларди. Натижада республика қулай табиий-иқлим шароитларига эга бўлишига қарамай асосий озиқ-овқат маҳсулотлари – қанд-шакар, дон, гўшт, сут, картошка каби маҳсулотларнинг асосий қисмини четдан келтиришга мажбур эди.

Ғўза майдонларида минерал ўғит, гербицид, пестицид, дефолиант ва десикантларнинг илмий асосланган меъёрларга риоя этмай кўплаб қўлланилиши, алмашлаб экишнинг бузилиши

натижасида атроф-муҳитга зарарли таъсир кучайди, тупроқ хусусиятлари ёмонлашди, унумдорлиги пасайди, турли касалликлар (вилт) ва зараркунандалар кенг тарқалди. Буларнинг таъсирида ҳосилдорлик пасайди.

Республика мустақилликка эришганидан сўнг Ўзбекистон ҳукумати пахта якка зироатчилигини (якка ҳокимлигини) бартараф этиш фақат иқтисодий эмас, балки сиёсий аҳамиятга ҳам эга эканлигини назарда тутиб, қатъий тадбирлар кўрди. Ўзбекистоннинг энг муҳим озиқ-овқат ресурслари билан ўзини-ўзи таъминлашга эришиш йўли танланди.

Биринчи навбатда республикада экин майдонлари таркиблари ўзгартирилди, 1991-95 йилларда ғўза майдонлари йилдан-йилга қисқартирилди, ғалла, сабзавот ва бошқа экинлар майдонлари, томорқа, фермер (деҳқон) хўжаликлари ерлари кенгайтирилди. Пахта етиштиришни кўпайтириш ҳосилдорлик ва толачикишини ошириш йўналишида амалга оширилиши, пахтачилик соҳасидаги асосий вазифа — республикада пахта-беда-ғалла, пахта-ғалла алмашлаб экишни жорий этиш ва ўртача ҳосилдорликни 30- 35 ц/га етказишдан иборат деб белгиланди.

Ўзбекистонда пахтачилик фани ва пахтакорлик маданияти шаклланди. Республикадаги Пахтачилик, Ғўза селекцияси ва уруғчилиги илмий тадқиқот институтлари, Ўзбекистон Республикаси ФАнинг Генетика ва ўсимликлар эксперименталь биологияси институти пахтачилик бўйича жаҳон миқёсида эътироф этилган обрўли илмий марказлардир.

Ўзбекистон олимлари ғўзанинг қимматли хўжалик белгиларига эга бўлган 90 га яқин навини (шундан 20 дан ортиғи ингичка толали навлар) яратдилар ва ғўза селекциясида янги илмий йўналишларга асос солдилар. 1922—96 йиллар мобайнида *республика пахтачилигида 8 марта нав алмаштириш ўтказилди.*

Канопчилик республикада 1936 йилдан бошланган (Тошкент вилояти Қуйи Чирчиқ туманида 6980 га майдонга экилди, 19,7 ц/га ҳосил олинди ва 13,8 минг т каноп пояси тай-ёрланди). Аммо кейинги йилларда каноп майдонлари кискариб борди. Ҳозир асосан Юқори Чирчиқ ва Қуйи Чирчиқ туманларида экилади. 70-йилларда 360 минг т каноп пояси етиштирилган. Ҳозир йилига 6,5 минг т каноп пояси етиштирилади. Поясидан олинадиган толадан газлама, ўров материаллари, қоп, брезент, каноп арқон, каноп ип, кабель ип тайёрланади.

Етиштирилган каноп пояси «Тошкентканопсаноатсотиш» уюшмаси тизимидаги каноп заводларида қайта ишланиб, каноп толаси олинади.

Тамакичилик. Тамакининг маҳаллий навлари қадимдан экиб келинади ва асосан носвой тайёрлаш ҳамда чилим чекиш учун ишлатилган. Тамаки етиштиришга асосан Самарқанд вилоятининг Ургут тумани ихтисослаштирилган, қисман Қашқадарё вилоятининг Китоб, Шаҳрисабз ва Яккабоғ туманлари хўжаликларида ҳам етиштирилади. Жаҳоннинг кўплаб сигарета ишлаб чиқарувчи компаниялари катта эҳтиёж сезадиган Виржиния, Парлей навлари, хушбўй турк ва болгар тамакилари ҳам экилмоқда. Етиштирилган тамаки Ургут тамаки ферментлаш фабрикасида қайта ишланади. Тошкент ва Самарқанд сигарета фабрикаларини хом ашё билан таъминлайди. Республикада «Бритиш Америкэн тобакко» компаниясининг Самарқандда Ўзбекистон билан ҳамкорликда қурилган янги тамаки фабрикаси «ЎзБАТ акциядорлик жамияти» ҳам маҳаллий хом ашёда ишлайди.

Лавлагикорлик республика қишлоқ хўжалигидаги қадимги тармоқларидан бири саналади. Қанд лавлаги айниқса 40-йилларда катта майдонларга экилган. 1945 йилда республикада 70 минг гектардан ортиқ майдонга экилиб, 1 млн. т дан ортиқ қанд лавлаги етиштирилган. Республикада қанд-шакар саноатини тиклаш ва ривожлантириш йўлида қанд лавлаги хом ашёсидан қанд-шакар ишлаб чиқарадиган бир неча завод қурилаётгани муносабати билан бу корхоналарни хом ашё билан таъминлаш учун 1998 йилдан Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятида 12 минг га дан кўпроқ майдонга қанд лавлаги экилди. Шунингдек чорва молларини ширали озуқа билан таъминлаш учун хўжаликларда хашаки лавлаги, сабзавот сифатида қизилча (қизил лавлаги) етиштирилади.

Дончилик республика деҳқончилигида муҳим ўринда туради. Мамлакатда аҳолининг озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган талабини тўлароқ қондириш, чорвачиликнинг ем-хашак базасини мустаҳкамлаш дон етиштиришни кўпайтириш билан боғлиқ. Республикада дон учун кузги ва баҳорги ғалла экинлари - буғдой, арпа, жавдар, сули, шунингдек шоли, маккажўхори, оқ жўхори, тариқ, қўноқ, маржумак (гречиха), дуккакли дон экинлари - нўхат, мош, ловия, вигна, ерёнғоқ, мойли дон экинлари - зиғир, кунжут, соя, канакунжут, маҳсар, кунгабоқар, индов ва бошқалар

етиштирилади. Дуккакли дон экинларининг экин майдонлари таркибидаги ҳиссаси жуда оз (0,09 % ёки 3 минг га) Республикада дон етиштириш юқори даражада механизациялашган. Минерал ўғит ва кимёвий воситалардан унумли фойдаланилади.

Ғ а л л а ч и л и к деҳқончиликнинг қадимий тармоғи. Қадимдан қизил буғдой, арпанинг тошкаллак, унумли арпа каби маҳаллий навлари машҳур бўлган. 90- йилларга қадар дончиликда ғалла экинлари ва дуккакли дон экинлари етиштирилган. Бу экинлар асосан лалмикор ерларга экилган. Урушдан олдинги йилларда арпа ва буғдой қарийб 1,5 млн. га ерга экилган. Арпа ва буғдой барча ғалла экинлари майдонининг 90 % дан ортиқроғини ташкил этар эди.

Республика мустақилликка эришганидан кейин республиканинг ғалла мустақиллигига эришиш, дон маҳсулотларига бўлган талаб-эҳтиёжни республиканинг ўзида етиштирилган ҳосил ҳисобига қондириш муҳим стратегик вазифага айланди. 1993—95- йилларда ғаллачиликни устивор суръатларда ривожлантириш бўйича катта амалий ишлар бажарилди, ғаллачилик пахтачилик қаторида биринчи даражали тармоққа айланди. Ғалла етиштиришни кўпайтириш мақсадида ғаллага лалмикор ерлардан ташқари суғориладиган ерлар ҳам ажратилди. 1995 йили мамлакат ғалла мустақиллигини таъминлаш йўлида катта қадам ташланди, республикадаги жами экинлар майдонининг 40 % га яқини ғалла экиш учун ажратилди. Ўша йили ғалла экинлари майдони 1300 минг гектарга етказилди, унинг 62% ёки 828 минг га суғориладиган ерлар. Бу майдонларда бошоқли дон экинлари салмоғи 70 % ни ташкил этди ва 2,68 млн. т ғалла тайёрланди. 1996 йили ғалла майдонлари 1700 минг гектарни (унинг 1200 минг га суғориладиган ерларда) ташкил этди. Ҳосилдорлик республика бўйича 21,1 ц/га бўлди (суғориладиган майдонларда айрим туманлар ва хўжаликларда 42—31 ц/га).

Республиканинг ғаллага бўлган эҳтиёжини тўла таъминлашда (бир йилда 6 млн. т, жон бошига илмий асосланган йиллик меъёри 300 кг) ҳосилдорликни ошириш, деҳқончилик маданиятини юксалтириш, уруғчиликни яхшилаш, навли уруғлик экиш муҳим аҳамиятга эга. Ғалла экинлари ҳосилини суғориладиган майдонларда ҳар гектарига 30-35 центнерга, лалми ерларда 9-12 центнергача етказиш муҳим вазифа ҳисобланади.

Ш о л и к о р л и к билан республиканинг деярли барча вилоятларида шуғулланилади. Маълумотларга кўра 1913 йил ҳозирги Ўзбекистонда 161,1 минг га шолипоянинг ҳар гектаридан 8—13 ц ҳосил олинган. 30- йиллардан ихтисослаштирилган шоликорлик давлат хўжаликлари барпо этила бошлади

1960- йиллардан шоли майдонлари кенгайтирилди, маҳаллий навлар ўрнига ўзбекистонлик селекционерлар яратган, ҳосилдорлиги 60-70 ц/га борадиган, кескин об-ҳаво шароитлари, касаллик ва зараркунандаларга чидамли, пояси ётиб қолмайдиган ва дони тўкилмайдиган навлар экила бошлади. 60-йиллардан арпа-шолидан ташқари барча маҳаллий навлар экилмайдиган бўлди. 1995 йилда республикада шоли экилган майдонлар 180 минг гектарга етди (жами экин майдонининг 5,5 %). Асосий шоли майдонлари Қорақалпоғистон Республикаси (карийб 100 минг га), Хоразм (38 минг га), Сирдарё, Сурхондарё, Тошкент вилоятларида жойлашган.

М а к к а ж ў х о р и ч н и л и к. 60- йиллардан дон ва силос бостириш максадларида тез ривожланди. Республиканинг тупроқ – иқлим шароитида баҳорда ва иккинчи марта экинзорлардан бўшаган ерларга ёзда экилади. Илғор хўжаликларда ҳар гектар майдондан 50-60 ц дон, 1300-1400 ц сўтали кўк поя ҳосили олинади. 1995 йил республикада 181,0 минг т маккажўхори дони етиштирилди, дон бўйича ҳосилдорлик 38,4 ц/га (Андижон вилоятида 56,0 ц/га) бўлди. Силос ва кўк озуқага мўлжалланган маккажўхори (сўта ва пояси билан) ҳосилдорлиги 182 ц/га ни ташкил этди. Маккажўхори дони емлик жиҳатидан барча донли экинлардан афзал туради (1 кг маккажўхори донининг озиқлик қиммати 1,34 озуқа бирлигига тенг).

Сабзавотчилик, полизчилик ва картошкачиликда Республиканинг иқлими, суғорма деҳқончилик шароитлари юқори ҳосил олишга имкон беради. Бу тармоқда сабзи, лавлаги, шолғом, турп, редиска, помидор, бақлажон, қалампир, бодринг, тарвуз, қовун, ковок, пиёз, саримсоқ, карам, баргли сабзавотлар (салат, кашнич, укроп, петрушка ва бошқа), картошка экилади. Ўзбекистонда сабзавот ва полизчилик қишлоқ хўжалигининг қадимий тармоғи. Асосий полиз экинлари бўлган қовун, тарвуз ва қовоқнинг ватани Ўрта Осиё ҳисобланади. Халқ селекционерлари томонидан қовун ва тарвузнинг дунёга машҳур навлари яратилган. Асрлар давомида мамлакатда сабзавот ва

полизчиликда экинларнинг тур таркиби бойиб борди. Масалан 19-асрнинг 2- ярмидан Россия орқали помидор, картошка, гулкарам, чучук (болгар) қалампир, Хитойдан эса редиска, патиссон, полиз экинларининг айрим турлари кириб келди ва асосий экинлар қаторидан жой олди.

Вилоят марказлари ва йирик шаҳарлар атрофларидаги туманлар асосан сабзавотчилик билан шуғулланади. Шунингдек, «Ўзмевасабзавотузумсаноатхолдинг» компанияси таркибида сабзавот, помидор, бодринг етиштирадиган иссиқхона-комбинатлар тармоғи барпо этилган. Хўжаликларда очиқ далада полиэтилен плёнкалар ёпиб, эртаги карам, полиз экинлари етиштириш йўлга қўйилган. Айниқса республиканинг жанубий вилоятларида эртаги сабзавот етиштириш ривожланиб бормоқда. Республикада сабзавот, полиз экинлари, картошканинг эртаги, ўртаги ва кечки навлари экилади ва юқори ҳосил олинади. 1995 йили сабзавот экилган майдонлар 72 минг га, полиз экинлари 18 минг га, картошка 28 минг га ни ташкил этди. Республикада сабзавот, полиз экинлари, картошканинг янги серҳосил навларини етиштириш йўлга қўйилган. Республика хўжаликларини элита, суперэлита ва навли уруғликлар билан «Ўзсабзавотуруғнав» республика бирлашмаси ва унинг вилоят бўлимлари ҳамда ихтисослашган хўжаликлар таъминлайди. Кейинги йилларда уруғчилик агрофирмалари ҳам ташкил этилди.

Боғдорчилик ва токчилик республика қишлоқ хўжалигида энг қадимги ва озиқ-овқат ҳамда саноат хом ашёси берадиган асосий тармоқлар қаторига киради. Ўзбекистон ҳудудида мева дарахтлари ҳақидаги дастлабки маълумотлар милоддан аввал 1- минг йиллик ўрталарига тўғри келади. Асрлар давомида халқ селекцияси асосида ўрик, олма, ёнғоқ, бодом, шафтоли, анор, тут ҳамда токнинг жуда сархил мевали навлари яратилган. Уларнинг кўплари сифати жиҳатидан дунё коллекциясида ўзининг такрорланмас ўрнига эга. Шаҳар ва қишлоқлар атрофларида алоҳида мавзеларда аҳолининг боғлари ва чорбоғлари (мевазор, токзор, полиз ва сайилбоғ)да мевалар, ток, турли гулларнинг маҳаллий навлари экиб келинган. Боғи бўлган хонадонлар баҳорда боғига, кузда йиғим-теримни тамомлаб яна шаҳар (қишлоқ) ҳовлисига кўчиб яшаган. Етиштирилган мевалар ҳўллигида истеъмол этилган, лекин қоқи ва майиз олиш асосий ўринда турган. Майиз, туршак, жийда, шафтоли, олма қоқилар аҳоли учун асрлар давомида қанд-шакарнинг ўрнини босиб келган.

20- а. бошларида Ўзбекистон ерларида 24 минг га боғ, 30,6 минг га токзор бўлган. Республика боғларида мева ва резавор мева берадиган 20 турга мансуб дарахт, бута ва ўт ўсимликлар ўстирилади. Уруғли мева дарахтлари (олма, нок, беҳи), данакли мева дарахтлари (ўрик, шафтоли, олхўри, гилос, олча, олуболи), субтропик ўсимликлар (анор, анжир), ёнғоқ мевалилар (ёнғоқ, писта, бодом), резавор мевалилар [қулупнай, малина, смородина (коракат), чаканда (облепиха)] асосий ўринни эгаллайди. Олма, нок ва токнинг ёзги, кузги ва қишки навлари муҳим хўжалик аҳамиятига эга. Токчилик қадимдан Тошкент, Самарқанд вилоятлари, Фарғона водийсида тараққий этган. Токчилик хўраки, майизбоп ва консерва маҳсулотлари (шинни, мураббо, шарбатлар) ҳамда виночилик йўналишларига эга. Хўраки узум етиштириладиган токзорлар майдони кейинги 15 йилда деярли 2 марта ортди. 1995 йилда республикада боғларнинг умумий майдони 382 минг га дан ортиб кетди (мева боғлари 253 минг га, токзорлар 131 минг га). Ҳар йили ялпи ҳосил қарийб 1 млн. т ни ташкил этади.

Ўзбекистонда қуруқ мева ва майизнинг ноёб хиллари тайёрланади.

Республикага тропик ва субтропик минтақалардан олиб келинган лимон, апельсин, мандарин, уноби, шарқ хурмоси, пекан каби мевалар тобора кўпроқ майдонларда экилмоқда. Андижон, Наманган, Сурхондарё, Тошкент вилоятларида кўпгина хўжаликларда иссиқхона лимонзорлари барпо қилинган. Республика бўйича бундай иссиқхоналар майдони 400 га дан кўпроқ.

Республикада боғдорчилик ва токчиликнинг илмий асосланган усулларини яратиш ва ишлаб чиқаришга жорий этиш масалалари билан Р. Р. Шредер номидаги боғдорчилик, токчилик ва виночилик корпорацияси шуғулланади. Кейинги йилларда мева, резаворлар ва токнинг 60 дан ортиқ серҳосил навлари яратилди, бошқа мамлакатлардан келтириб иқлимлаштирилди ва экишга тавсия этилди.

Республикада к ў ч а т ч и л и к ишлари ҳам илмий асосга қўйилган ва марказлаштирилган. Р. Р. Шредер номидаги корпорация, унинг вилоятлардаги филиал ва хўжаликларида хўжаликлар ва боғбон, соҳибкорларга сотиш учун ҳар йили 6—8 млн. дона турли мева дарахтлари ва ток кўчатлари етиштирилади.

Ем-хашак экинлари республиканинг суғориладиган майдонларида чорвачиликни озуқа билан барқарор таъминлаш мақсадида етиштирилади. Унга кўк ем, пичан, ем, силос, сенаж учун бир йиллик ва кўп йиллик ўтлар, хашаки илдизмева (лавлаги), хашаки полиз (қовоқ, тарвуз), донли (маккажўхори, сули, арпа) экинлар киради. Узоқ йиллар давомида беда ғўза билан алмашлаб экиб келинди. Шунингдек, ўтлардан себарга, эспарцет, шабдор, берсим тарқалган. Кейинги йилларда райграс, перко, суданўт кўпроқ экилмоқда. Йилига 5 млн. т дан ортиқроқ пичан, жумладан, табиий пичанзорлардан 270 минг т пичан, 5 млн. т га яқин маккажўхори силоси тайёрланади, 967,8 минг га майдонга озуқа экинлари экилади. Хашаки илдиз мевалилардан 300 ц/га атрофида ҳосил олинади. Республикада ғалла майдонларининг кенгайиши билан чорвачилик учун сомон тайёрлаш ҳажми кескин кўпайди. 1995 йили бедазорлар 280 минг га (жами экин майдонининг 6,2 %), бир йиллик ўтлар 10 минг га, лавлаги 25 минг га дан иборат бўлди.

Чорвачилик

Ўзбекистон чорвачиликнинг қадимий марказларидан бири. Республиканинг тупроқ ва табиий иқлим шароитлари — унумдор суғориладиган ерлар, бепоён қир-адирлар, дашт-чўл ва тоғ олди яйловлари чорвачиликнинг ривожи учун қулай. Суғориладиган ерларда асосан қорамолчилик, чўчқачилик, паррандачилик, қуёнчилик, асаларичилик, қир-адирлар, дашт-чўл ва тоғ олди яйловларида эса қўйчилик, эчкичилик, йилқичилик, туячилик, сув ҳавзаларида балиқчилик ривожланган.

1995 йил бошида Ўзбекистондаги барча тоифа хўжаликларда 5,5 млн. қорамол, 10 млн.дан зиёд қўй ва эчки, 350 минг чўчқа, 144,8 минг от, 84 минг қуён, 11 млн. парранда бор эди. 1991 йилдан кейин чорвачиликда хусусий секторга эътибор кучайтирилди, Республика Президентининг «Аҳоли шахсий хўжаликларини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» 1990 йил 10 май Фармонига асосан аҳолига жамоа ва давлат хўжаликларидан ем-хашак ҳамда чорва моллари сотиш йўлга қўйилди. 976 та зооветеринария пунктлари ташкил этилди, 396 та ветаптекалар янгидан очилди. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1993 йил 15 мартда «Республика чорвачилигида

иқтисодий ислоҳотни чуқурлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 1994 йил 23 февраль «Чорвачиликда иқтисодий ислоҳотларни такомиллаштириш ҳамда деҳқон (фермер) хўжаликлари ва хусусийлаштирилган фермалар манфаатларини ҳимоя қилиш чоралари тўғрисида»ги қарорларига кўра зарар билан ишлаётган 1499 та қорамолчилик фермалари мазкур ферма жамоаларига хусусий мулк қилиб берилди (1995). Натижада республикада ишлаб чиқарилаётган гўшт ва сутнинг 75 % ини хусусий сектор бермоқда. 1995 йил 21 декабрда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг «Наслчилик тўғрисида» қонуни чорвачиликни ривожлантиришда муҳим аҳамиятга эга бўлди.

О з у қ а б а з а с и чорвачиликни ривожлантиришнинг муҳим омилидир. Ем-хашак экинлари майдони республикадаги жами қишлоқ хўжалик ерларининг 7,7% ни ташкил этади. Асосан беда, маккажўхори, озуқабоп лавлаги экилади. Республикада йилига қарийб 10 млн. т пичан ва силос тайёрланди. Республика ёғ-мой саноати корхоналарида олинадиган кунжара, шулха, аралаш ем саноати корхоналарида ишлаб чиқариладиган турли таркибдаги ем чорвачилик эҳтиёжларини таъминлайди.

Ўзбекистон Республикасида чорвачилик муаммолари билан Ўзбекистон чорвачилик, Ўзбекистон қоракўлчилик, Ўзбекистон ветеринария ҳамда Ўзбекистон ветеринария-санитария ва акарология илмий тадқиқот институтлари шуғулланади.

Республикада наслчилик бўйича давлат хизматига Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг Чорвачиликда наслчилик ишлари бош давлат инспекцияси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари ҳузуридаги чорвачиликда наслчилик ишлари давлат инспекциялари раҳбарлик қиладилар.

Қорамолчилик республика чорвачилигида асосий ўринда (етиштирилган жами гўштнинг 74 %ини, сутнинг 99,9 %ини беради). Ўзбекистон иқлим шароитида сут, сут-гўшт ва гўшт йўналишидаги қорамол зотлари боқилади. Гўшт йуналишидаги қорамолчилик тоғ ва тоғ олди минтақаларда ривожланган. Қорамол зотларини такомиллаштириш бўйича ишлари бўйича республика «Племэлита» илмий ишлаб чиқариш бирлашмаси, 6 та наслчилик заводи (Андижон вилоятида «Пойтуғ», «Савай», Сирдарё вилоятида «Янгиобод», «Малик», Тошкент вилоятида «Қизил Шалола» ва «Дўстлик»), 15 та наслчилик хўжалиги ҳамда 180 та наслчилик фермаларида илмий-амалий ишлар олиб борилмоқда. Шунингдек,

1995 йилда қўшимча 5 та наслчилик заводи: Охунбобоев (Марҳамат тумани), Дўстлик (Косонсой тумани), Р. Ҳамраев номидаги (Оқдарё тумани), Гулистон (Юқори Чирчиқ тумани), Ҳамзаобод (Бағдод тумани) ташкил этилди.

5-жадвал

Чорвачиликда моллар сони
(минг бош, йил бошида)

	1991	1995
Қорамол, жами	4580,8	5483,3
шу жумладан сигирлар	1856,4	2336,9
Қўй ва эчкилар, жами	9229,6	10059,3
шу жумладан		
қоракўл қўйлар	5071,9	...
эчкилар	823,3	...
От	105,2	144,8
Туя	23,2	...
Парранда	36025,6	22484,8*
Чўчқа	716,0	350,4
шу жумладан		
Аҳолининг ёрдамчи хўжалигида:		
Қорамол	2903,3	3852,8
шу жумладан		
сигир	1421,2	1866,1
Чўчқа	25,1	25,0
Қўй ва эчкилар	3828,6	5143,5
шу жумладан		
қоракўл қўйлар	1087,7	...
эчкилар	619,8	...
От	35,3	70,5
Туя	6,6	...

* 1994 й. кўрсаткичи

Олимлар билан чорвадорлар ҳамкорликда маҳаллий зебусимон молларни яхшиловчи зотлар билан чатиштириб, касалликларга чидамли Бушуев зотини яратганлар. Маҳаллий зотларни швиц ва қора-ола зотлар билан чатиштириб кўнғир ва қора-ола зотларнинг Ўзбекистон типи (сут маҳсулдорлиги 4000-4100 кг) яратилди (республика бўйича бир сигир бошига соғиб олинган сут 1600 кг, 1994).

Қўйчилик. Республикада қўйчиликнинг қоракўл тери, гўшт-ёғ ва жун учун боқиладиган тармоқлари ривожланган. Қоракўл қўй зоти Зарафшон воҳасида яшаган чорвадорлар яратган зот ҳисобланади. Араб сайёҳи Ибн Ҳавқал 976 йили Хоразм ва Бухорога қилган сайёҳатидан кейин бу қўй зоти ва унинг маҳсулоти тўғрисида ўз асарларида маълумот беради. Ҳозир Жанубий Африка, Афғонистон, Россия (Қалмиқ Республикаси), Молдова ва Марказий Осиёнинг бошқа давлатларида боқилаётган қоракўл қўйларнинг ватани Ўзбекистон ҳисобланади. Қоракўл зотли қўйлардан асосий маҳсулот бўлган қоракўл теридан ташқари дағал жун, парҳез қўй гўшти, пўстинбоп тери, сут ва ширдон олинади. Қоракўл терилар асосан мўйна бозорларида, жумладан Санкт-Петербург мўйна ким ошди савдосида, халқаро ярмаркаларда, шунингдек Европа ва Америка бозорларида сотилади. Республикада 120 та қоракўлчиликка ихтисослашган хўжаликнинг 18 таси наслчилик заводлари ва 9 таси наслчилик хўжаликларидир. Улар қоракўлчилик хўжаликлари учун ҳар йили 18-20 минг бош наслли қўчқор ҳамда 25-30 минг бош уруғочи тўқлилар етказиб беради. Наслчилик заводлари турли рангдаги қўйларни кўпайтиришга ихтисослашган бўлиб, айни вақтда қоракўл тери ҳам етиштиради. Тайёрланган маҳсулотлар жаҳон андозалари даражасига етказилмоқда. Бухоро қоракўл заводи, унинг 3 та бўлинмаси (Нуробод, Нурота ва Томди) ҳамда Бухоро қоракўл заводи қошида ташкил этилган «Бухоро - Омега» қўшма корхонасида қоракўл териларига ишлов берилади. Бухоро вилоятидаги «Жонгелди» наслчилик заводида жакет қора рангли қўйлар, Қорақалпоғистондаги «Жамбаскала» хўжалигида қоракалпоқ сур завод типлари яратилди. Нурота туманидаги «Нурота» наслчилик заводида зармалла қўзилар олинди.

Республикада гўшт ва жун йўналишидаги қўйчиликда дағал жун ва гўшт-ёғ берувчи ҳисори ва жайдари қўй зотлари боқилади. Думбали ва сержун қўйлардан 3065 минг боши ёки 78 % и аҳоли ҳамда фермерхўжаликларида, 874 минг боши эса жамоа секторида боқилмоқда. Ҳисори қўйлар асосан тоғ ва тоғ олди минтақаларда (Сурхондарё, ҚашҚадарё ва Жиззах вилоятлари) боқилади. Ҳисори қўчқорларнинг энг юқори тирик вазни 190 кг гача етиб, соф 140-150 кг гўшт-ёғ беради. Жун маҳсулдорлиги йилига ўртача 1,0-1,2 кг. Ҳисори зотли қўйчилик билан Сариосиёдаги Охунбобоев номли ва Бойсун туманидаги «Бойсун» давлат наслчилик заводи,

«Сурхон» ва Бобур номидаги наслчилик хўжалиги ва 6 та наслчилик фермалари шуғулланади. Республикада жайдари қўйнинг салмоғи жами бошга нисбатан 43 %. Бу зотлар Қорақалпоғистон Республикаси, Бухоро ва Навоий вилоятларидан бошқа барча вилоятларда боқилади. Қўчқорларининг ўртача тирик вазни 55-60 кг, совлиқлариники — 45-50 кг. Жун маҳсулдорлиги йилига 2,0-2,5 кг. Ярим дағал жун олинадиган Саражжа, Олай ва Тожикистон зотли қўйлар асосан Фарғона ва Тошкент вилоятларидаги тоғ, тоғ олди яйловларида боқилади. Уларнинг бош сони республика бўйича 175 минг (думбали қўйларнинг 18%).

Ўзбекистон гўштдор-сержун қўй зоти ярим майин жуни ва гўшти учун боқилади. Уларнинг бош сони 150 мингдан кўпроқ қўчқорларнинг ўртача тирик вазни 80-90 кг, совликлари 50- 55 кг. Қўчқорларидан соф тола ҳолида 3,2 кг гача майин жун олинади.

Эчкичилик гўшт, серкаймоқ ва шифобахш сут, жун, тери ҳамда тивит учун мўлжалланган. Ўзбекистон эчкичилигида сержун ангор, тивитли Оренбург, жундор Ўзбекистон зотлари тарқалган. Эчки жуни қўй жунига нисбатан сифатлироқ. Ундан турли техник матолар, драп, адёл ва трикотаж тайёрланади. Ўзбекистонда йилига 60-85 т эчки жуни, 40-45 т тивит ва 15-20 минг дона эчки териси тайёрланади. Эчки об-ҳавонинг ноқулай шароитларига чидамли. Эчкилар баланд тоғ ва тоғ олди минтақаларида боқилади. Эчкичилик Наманган, Сурхондарё, Қашқадарё ва Самарқанд вилоятларида ривожланган. Ўзбекистонда эчкичилик бўйича наслчилик заводи (Наманган вилоят Чуст тумани «Ғалаба» жамоа хўжалиги), наслчилик хўжалиги (Наманган вилояти Косонсой тумани «Ободон» жамоа хўжалиги) ва 4 та наслчилик фермаси (Наманган вилоят Поп туманидаги «Чоркесар» ва «Чодак», Сурхондарё вилояти Бойсун тумани «Бойсун», Навоий вилояти Хатирчи тумани «Олтинсой» жамоа хўжаликлари) шуғулланади.

Чўчқачилик билан аҳолисининг кўпчилигини европаликлар ташкил этган йирик шаҳарлар яқинида ва ғаллачилик минтақаларида шуғулланиб келинади. Чўчқачилик Ўрта Осиё Россия империяси томонидан босиб олингандан кейин вужудга келган. Чўчқа гўштидан колбаса ишлаб чиқаришда фойдаланилади. Йилда ҳар она чўчқадан 18-20 тагача чўчқа боласи олинади. Уларни бўрдокига боқиб 1,5-2 т гўшт олиш мумкин. Ўзбекистонда чўчқаларнинг ландрас, йирик оқ, шимолий кавказ ва дюрок зотлари боқилади. 1994 йили республикада 27,6 минг т чўчқа гўшти тайёрланди.

Чўчқачилик соҳасида Самарқанд вилоятида «Пастдарғом», Тошкент вилояти Қибрай туманида «Қизил Шалола» ва Янгийўл туманида «Новомихайловка» наслчилик заводлари, Бахмал туманида «Турон», Ғаллаорол туманида «Ғаллаорол», Булунғур туманида «Мозгул», Жомбой туманида «Чорвадор», Тошкент вилоятида «Сергели» ва «Тошкент» наслчилик фермалари, шунингдек жойларда чўчқачилик комплекслари мавжуд.

Қуёнчилик парҳез гўшт, момиқ ва мўйна беради. Ўзбекистонда қуённинг шиншилла, оқ улкан, кулранг йирик, кумушсимон, мардер, капалаксимон, олмахон, кора-қўнғир, вена зангориси, янги зеландия, оқ калифорния, оқ ҳамда қизил тивитли каби зотлари боқилади. Ҳозирги кунда республикада 90 мингдан зиёд қуён асосан шахсий, фермер хўжаликларда, Фарғона вилояти Тошлоқ ва Охунбобоев туманларидаги қуёнчилик комплекслари ва Боғот тумани «Наримонов» жамоа хўжалигидаги қуёнчилик фермаларида парвариш қилинмокда. Республикада ҳар йили 30 минг дона қуён териси ва 90—100 т га якин гўшти тайёрланади

Йилқичилик ва от урчитиш билан Ўрта Осиё халқлари милоддан аввал бир неча асрлар илгариёк шуғулланганлар. Етиштирилган отлар Ўрта Осиёдан четда ҳам кадрланган. Ҳозирги Ўзбекистон ва Туркманистон ерларида етиштирилган от зотлари ҳақидаги маълумотларни Геродот, Страбон ва бошқа тарихчиларнинг асарларида учратиш мумкин. Йилқичилик халк хўжалигида муҳим аҳамиятга эга. Отларнинг энг асосий маҳсулдорлиги уларнинг иш лаёқати билан баҳоланади. Сут, гўшт, тери ва бошқалар эса улардан олинадиган қўшимча маҳсулотдир. Қорабайир Марказий Осиё, жумладан Ўзбекистондаги асосий маҳаллий от зотидир. Бу отдан салт миниш, аравага қўшиш, юк ташиш, ҳарбий ишларда, қишлоқ хўжалигида ёрдамчи ишларни бажаришда, ер ҳайдаш, спорт мусобақалари (айникса кўпкари)да ва гўшт-сут ишлаб чикаришда фойдаланилади.

Ўзбекистонда «Равот» (Жиззах вилояти), «Ҳисор» (Қашқадарё вилояти Яккабоғ тумани), Навоий номидаги (Тошкент вилояти Оҳангарон тумани) от заводлари, «Пангат» наслчилик хўжалиги (Самарқанд вилояти Қўшработ тумани), 12 та наслчилик фермалари ва 4 та маҳсулот ишлаб чиқарувчи хўжаликлар мавжуд. От заводлари республика от спорти мактабларини от билан таъминлайди, шунингдек ҳар йили республика хўжаликлари ва чет элларга 400 дан ортик наслдор ҳамда спорт отлари етказиб беради. Яхши

озиклантириб, парваришлаганда ҳар 100 бош биядан 100 тагача қулун олиш мумкин.

От гўшти юқори сифатли парҳез хусусиятига эга. Бия сутидан шифобахш қимиз тайёрланади. Бияларнинг соғин даври 6-9 ой, бу даврда ҳар биядан 750- 3700 кг сут соғиб олиш мумкин. Бия сути (қимиз) сил, камқонлик, ошқозон-ичак, юрак, асаб касалликлари ва бошқа хасталикларни даволашда қўлланади.

Туячилик 4000 йилдан ортиқ тарихга эга. Туянинг бир ўркачли (дромедар) ва икки ўркачли (бактрия) турлари мавжуд. Туячилик чўл, чала чўл ва қуруқ дашт зоналарида тараққий этган. Буюк ипак йўли орқали бошқа ашёлар қатори Хитойга Бактрия ва Даван (Фарғона водийси)дан туялар ҳам олиб кетилган. Туячилик Ўзбекистонда асосан Қорақалпоғистон Республикаси, Навоий, Бухоро ва Қашқадарё вилоятларида яхши ривожланган. Туялардан асосан улов сифатида (200-400 кг юк кўтаради), шунингдек гўшт, сут ва жун тайёрлашда фойдаланилади.

Бир бош бир ўркачли туядан 300-350 кг, икки ўркачлисидан 350-400 кг гўшт олинади. Соғин даврида ҳар бир она туядан 1500-5300 кг сут олиш мумкин. Туя сути таркибида 4-5 % ёғ, 3-4% оқсил бор. Сутдан шубат, ёғ, пишлоқ, бринза каби маҳсулотлар тайёрланади. Шубатдан табобатда ўпка сили ва ошқозон-ичак касалликларини даволашда фойдаланилади. Бактрия туяларининг жун маҳсулдорлиги 5-10 кг, дромедарларники - 2-4 кг. Айрим туялардан 10-15 кг гача жун олиш мумкин. Туя жуни тўқимачилик саноати ва гиламчилик учун хом ашё. Туя жунининг 75 % ни тивит ташкил қилади.

Паррандачилик республикада саноат асосида ривожланган. Хўжаликларда товуқ (тухум, гўшт йўналишлари), гўшт учун курка, қисман ўрдак, ғоз, парҳез таомлар учун бедана боқилади. Асосан товуқнинг оқ леггорн, кросс-олатов, кросс-конкурент, ломон, курканинг оқ кросс-фэйбрид, ломон браун зотлари боқилади.

Ўзбекистонда паррандачилик маҳсулотларининг асосий қисми «Ўзпаррандасаноат» республика ишлаб чиқариш бирлашмаси корхоналарида етиштирилади. Унинг таркибида 71 парранличалик фабрикаси, 12 наслчилик хўжалиги (5 таси тухумга, 7 таси гўштга ихтисослашган) бор (1996). Республикада гўшт йўналишида куркачиликни ривожлантириш бўйича Исроилнинг «МАД» фирмаси билан ҳамкорликда Хонобод, Чимён, Риштон, Урганч ва Янгийўл паррандачилик фабрикалари куркачиликка ихтисослашди.

Германия, Беларусь, Исроил, Голландия, Қозоғистондан келтирилган зотли товуқ ва курка тухумларидан жўжа очириш йўлга қўйилди. Ўзбекистон чорвачилик илмий текшириш институтида паррандачилик генетика-селекция станцияси ишлайди.

Пиллачилик республика қишлоқ хўжалигининг асосий тармоқларидан бири. Пилладан олинадиган ипак саноат ва техниканинг кўп соҳаларида ишлатилади. Республикада тут ипак қурти уруғини тайёрлаш, куртини боқиш, пиллани дастлабки ишлаш (димлаш ва қуритиш), янги курт зотлари ва дурагайларини яратиш ва тутчиликни ўз ичига олган мукаммал мажмуа яратилган. Тут ипак қурти республиканинг барча вилоятларида боқилади. Ўзбекистонда тут ипак қурти жуда қадимдан машҳур. Айрим маълумотларга кўра ипак қурти боқиш 4- асрда Хитойдан Ўрта Осиёга тарқалган. 1913 йилда Ўзбекистонда 4 минг т га яқин пилла етиштирилган бўлса, унинг 90 % и Фарғона водийсига тўғри келган.

Мустақилликдан кейин пилла етиштириш давлат буюртмасидан чи-қарилиб, уни харид қилиш эркин келишилган нархлар асосида олиб борилди. Ҳар йили 30 минг т атрофида пилла етиштирилди. 1995 йилдан «Ипак» ишлаб чиқариш мажмуида интеграциялаш жараёнларини кучайтириш чора-тадбирлари кўрилди. Марғилон «Ипакчи», Наманган «Атлас» акционерлик жамиятлари ҳамда Андижон, Фарғона, Наманган вилоятларидаги пилла етиштириш, тайёрлаш ва сотишни амалга оширувчи корхона ва ташкилотлар негизида «Ўзбекенгилсаноат» давлат уюшмасига кирадиган «Кумуш тола» ва «Хонатлас» акционерлик компаниялари ташкил этилди. Республика «Ипак» ишлаб чиқариш бирлашмаси корхоналари негизида республика Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги ҳузурида «Пилла» уюшмаси тузилди (Қорақалпоғистон Республикаси ва 9 вилоят). Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1998 йил 30 мартдаги «Республикада пиллачилик соҳасини бошқариш тизимини такомиллаштириш тўғрисида»ги Фармони билан «Ўзбек ипаги» мустақил уюшмаси ташкил этилди. Унинг таркибида ипакли ва аралаш газламалар ишлаб чиқарадиган шойи тўқиш корхоналари, шунингдек табиий шойи ишлаб чиқариш ва қайта ишлаш бўйича Марказий илмий тадқиқот институтини ўз ичига оладиган «Шойи» акциядорлик компанияси ҳамда пилла хом ашёси ва ипак калава ишлаб чиқарадиган шойи тўқиш саноати, ипак қурти уруғи тайёрлайдиган заводлар, хом пиллани қабул қилиш ва дастлабки

ишлов бериш корхоналари, тутчилик хўжаликлари, ипак қурти наслчилик станциялари ва автотранспорт корхоналари, Ўзбекистон ипакчилик илмий тадқиқот институтини ўз ичига оладиган «Пилла холдинг» холдинг компанияси бор. Республика «Ўзбек ипаги» уюшмаси таркибига 107 та туман ва 1260 та жамоа, ширкат, ижара хўжаликларидан ташқари яна 7 та ипак қурти уруғини тайёрловчи корхона, 3 та наслли уруғчилик станцияси, 7 та ихтисослаштирилган пиллачилик хўжаликлари ҳамда 2 та тут кўчати етиштирувчи кўчатзор (питомник)лар киради. Уюшма бўйича ҳар қути уруғдан ўртача маҳсулдорлик 53-57 кг, илғор хўжаликларда - 70-80 кг. Ипак қурти уруғини тайёрловчи корхона (завод)ларда 290 минг қути уруғ тайёрланди (1995). 1 кг пилладан 53 г ипак қурти уруғи олинади (1500-2000 та уруғ 1 г вазнга эга) ва уруғлар тарозида 29 г дан қилиб тортилиб, қутиларга жойланади. Наслчилик уруғчилик станциялари уруғ заводлари учун элита уруғи ва ундан эса уруғчилик корхоналари хўжаликларда боқиш учун саноатбоп уруғ тайёрлайди. Ўзбекистонлик олимлар ипак қуртининг сермаҳсул 52 зот ва дурагайини, тутнинг 70 сербарг навини яратдилар. Ипак қуртининг 32 дурагай зоти, тутнинг 14 нави ишлаб чиқаришга жорий этилди.

Ихтисослаштирилган пиллачилик хўжаликлари ва кўчатзорларда 15–20 млн. туп тут кўчати етиштирилади.

Балиқчилик билан Ўзбекистонда қадим замонлардан бери табиий сув ҳавзаларида шуғулланиб келинган. Республиканинг дарё ва кўлларида 62 балиқ тури яшайди. Шулардан зоғора балиқ, дўнгпешона, судак, окча (лещ), тобонбалиқ (карась), илонбош, чўртан, қизилкўз (вобла) хўжалик аҳамиятига эга. Балиқчиликни саноат асосида ривожлантириш 1937 йилдан бошланган. Ўша йили Тошкент вилоятининг Юқори Чирчиқ туманида «Тошкент балиқ чавоклари хўжалиги» ташкил этилди. Кейинчалик бу хўжалик балиқ чавокларини балиқ хўжаликлари ва табиий сув ҳавзалари учун ҳам етказиб бера бошлади. 1946 йилда Ўзбекистон Халқ хўжалиги Кенгаши ҳузурида Балиқчилик хўжалиги бош бошқармаси ташкил этилди (1976-88- йилларда Ўзбекистон балиқчилик хўжалиги давлат комитети, 1991-94 йиларда «Ўзбалиқ» концерни). Тошкент вилоятининг Зангиота туманида балиқ етиштиришга мўлжалланган Дамачи ҳовуз балиқчилик хўжалиги ташкил этилди.

1960-йилларгача балиқ маҳсулоти асосан Орол денгизи, денгиз

яқинидаги кўллар ва Сирдарё ҳамда Амударёдан овланар эди (йилига ўртача 25-28 минг т). Республикада фақатгина карп балиғи етиштирилар ва ҳовузлардан олинадиган ҳосил 15- 18 ц/га дан ошмас эди. 1961 йилда Хитойдан келтириб, иқлимлаштирилган ўсимликхўр балиқлардан оқ дўнгпешона, оқ амур, тарғил дўнгпешона турлари бу ер шароитига тез мослашиб, кейинчалик балиқ етиштиришнинг кескин ривожланишига замин яратди. Ҳозирги даврда республика балиқчилик хўжаликларида етиштирилаётган балиқларнинг 60-70 % ўсимликхўр. Ўсимликхўр оқ амурдан канал ва коллекторларни ўтлардан тозалашда биологик мелиоратор сифатида фойдаланилади. Ўсимликхўр балиқ турлари Сирдарё ва Амударёда ҳам табиий урчиб, кўпаймокда (айрим дўнгпешона балиқларнинг оғирлиги 80 кг гача боради). Кейинги йилларда бир қанча йирик балиқчилик хўжаликлари ташкил этилиши ва балиқларни сунъий урчитиш йўлга қўйилиши билан *саноат усулида балиқ етиштириш барқарор тус олди.*

Ҳозир «Ўзбалиқ» корпорацияси тизимида 8 бирлашма (Қуйи Чирчиқ «Баликчи» тажриба-намунавий балиқчилик бирлашмаси, Мўйноқ, Хоразм ва Жиззах балиқчилик бирлашмалари, Қорақалпоғистон балиқчилик хўжаликлари бирлашмаси ва бошқалар), 7 комбинат (Сирдарё, Самарқанд, Бухоро, Қашқадарё, Сурхондарё, Дамачи ва Навоий балиқчилик комбинатлари), 10 балиқчилик хўжалиги [Андижон, Наманган, Фарғона, Бешарик, Гулбоғ (Наманган вилояти), Янгиер (Сирдарё вилояти), Когон (Бухоро вилояти), Фориш (Жиззах вилояти), Узун (Сурхондарё вилояти) хўжаликлари ва Тошкент хонбалиқ (Бўстонлиқ тумани) хўжалиги], Хоразм вилоятида Кўрпкўл фермер хўжалиги, балиқ чавоқлари етиштириш давлат хўжалиги (Янгийўл), Ихтиопатология маркази (Тошкент), Чиноз балиқ аралаш ем ишлаб чиқариш корхонаси, улгуржи савдо омборхоналари ва бошқалар бор.

Корпорация тизимидаги хўжаликларда майдони 12 минг га бўлган сунъий кўл ва ҳовузлар бўлиб, уларда йилига 104 млн. дона балиқ чавоқлари ва 22 минг т товар балиқ маҳсулотлари етиштириш имконияти мавжуд. Энг йирик Қуйи Чирчиқ туманидаги «Баликчи» тажриба-намунавий балиқчилик бирлашмаси ҳовузларининг умумий майдони 2611 га. Бирлашмада 400 млн. личинка етиштириш имкониятига эга урчитиш хонаси бор; йилига 25-30 млн. дона бир йиллик балиқ чавоқлари, ҳар йили 8 минг т товар балиқ ва 500 т гача дудланган балиқ ҳам етказиб бермокда.

Етиштириладиган балиқ турларини кўпайтириш, шароитга мос турларни олиб келиб, уларни иқлимлаштиришда «Ўзбалиқ» корпорациясининг Сув ҳавзалари жониворларини ўрганиш институти («Аквакультура»; собиқ Балиқчилик илмий текшириш институти) хўжаликларга яқиндан ёрдам бермоқда.

Арнасой сув ҳавзасида йилига 2 минг т, Қорақалпоғистон Республикасида Оролбўйи кўлларида эса 3 минг т гача балиқ овланмоқда. Республикадаги сув омборлари ҳам балиқчиликни ривожлантиришда маълум аҳамиятга эга. Ҳар йили Тўдакул сув омборидан 500, Чимқўрғон ва Жиззах сув омборларидан 70- 100 т гача балиқ овланади.

Асаларичилик республикада муҳим озиқ-овқат маҳсулоти - асал, шунингдек асалари муми, прополис (асалари елими), асалари сути, заҳари, асалари йиғадиган гулчанглар (перга) каби маҳсулотлар олиш ва ҳашаротлар билан чангланадиган экинларни чанглатиш йўналишларида ривожланмоқда. Ўзбекистонда асаларичилик маҳсулотлари қадимдан озиқ-овқат ва дори-дармон сифатида маълум бўлса-да, асалариларни қутиларда боқиш 19-асрнинг 2- ярмидан бошланган (унга қадар асал тоғлардаги дарахтлар, тош ковакларига уя қўйган асаларилардан олинган).

19- асрнинг 2- ярмида Туркистонга ўрта рус асалариси, Кавказ кулранг тоғ асалариси, Украина дашт асаларисн ва бошқалар олиб келинган ва Ўзбекистонда биологияси ҳамда фойдали хўжалик белгилари билан аждодларидан фарқ қиладиган асаларилар популяцияси вужудга келди. Ҳозирги даврда республикада 154 минг асалари оиласи (кутиси) бор. Ихтисослаштирилган асаларичилик хўжаликлари ташкил этилган. Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги тизимида 48 асаларичилик хўжалиги, шу жумладан «Асал» ишлаб чиқариш уюшмаси таркибида 22 асаларичилик хўжалиги (88 минг асалари оиласи) бор. Республика Ўрмон хўжалиги давлат комитети, «Ўзмевасабзавотузумсаноат-холдинг» компанияси таркибида ҳам асаларичилик хўжаликлари бор. Асаларичилик билан 20-50 (90 %) ёки 50-150 (10%) кути асаларисн бўлган хусусий асалчилар ҳам шуғулланади. Мавсумда икки марта – май-июнь (баҳорги) ва август-сентябрда (ёзги) асал олинади. 1996 йил 17,1 минг т асал тайёрланди. Республикада йилига 20 минг т дан кўпроқ асал тайёрлаш имкониятлари бор. Асаларилар асосан кўчма усулда боқилади. Асаларилардан қишлоқ хўжалик экинларини (ғўза, маҳсар, каноп, уруғлик беда ва

бошқалар) чанглатишда фойдаланилади. Ғўзани асаларилар билан чанглатиш ҳосилдорликни ўртача 5,1-5,9 ц/га ошириши аниқланган.

Даррандачилик республика қишлоқ хўжалигининг анъанавий тармоқлари қаторида ривожланмоқда. Асосан мускусли каламуш (ондатра), сув бобри (нутрия), тулки, норка кабилар Қуйи Амударё ҳамда Сурхондарё вилоятида боқилади.

Ветеринария хизмати Ўзбекистон Республикасининг «Ветеринария тўғрисида»ги Қонуни (1993 йил 3 сентябр) га биноан мамлакатда давлат ветеринарияси, идоравий ва хусусий ветеринария хизматлари ташкил топди.

Ветеринария хизмати – чорва моларини касалликлардан муҳофаза қилиш ва даволаш ишлари уларни хонакилаштириш давридан бошланган. Давлат ветеринария хизмати Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Давлат ветеринария бош бошқармаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар давлат ветеринария бошқармалари, туманлар, вилоят ва туман бўйсунувидаги шаҳарларнинг давлат ветеринария бўлимлари, улар қарамоғидаги ҳайвонлар касалликларига қарши кураш станциялари (туман ветеринария станциялари), диагностика марказлари, ветеринария шифохоналари, лабораториялари, экспедициялари, ҳайвонлар касалликларига қарши кураш қисмлари, деҳқон бозорларидаги ветеринария-санитария экспертизаси лабораториялари ва давлат ветеринария тармоғининг бошқа муассасалари амалга оширади.

Идоравий ветеринария хизмати вазирлик, идора, корхона, муассаса ва ташкилотлар тасарруфида бўлиб, ветеринария мутахассислари ўз ваколатлари доирасида ҳайвонларга идоравий ветеринария назорати ва ветеринария хизмати кўрсатишни амалга оширади. Хусусий ветеринария хизмати билан ветеринария врачи бўлган Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари ва бошқалар, шунингдек ветеринария фельдшерлари ва техниклари ветеринария врачи назоратида шуғулланиши мумкин.

Республикадаги чорва ва уй ҳайвонларида 80 дан ортиқ тур юқумли, гельминт касалликлари учрайди. Уларга қарши курашда олдини олиш тадбир-чоралари, эмлаш, гельминтсизлантириш ишлари олиб борилади. Шунга қарамай қутуриш, лептоспироз, сальмонеллёз, тейлериоз, қорасон, фасаллез, гемонхоз, ценуроз, эхинококкоз, манезиоз каби касалликлар вақти-вақти билан чорвага катта зиён етказади.

Ҳозирги даврда республика ветеринария хизмати тармоқларида 5454 нафар олий маълумотли ветеринария врачлари, 6 мингдан кўпроқ нафар ветеринария фельдшерлари меҳнат қилмоқда. Давлат ветеринария хизмати тармоғи тизимида 13 вилоят ветеринария бўлими, 165 та туман ветеринария шохобчалари, 13 вилоят ветеринария лабораторияси, 126 туман ва туманлараро ветеринария лабораториялари, 246 ветеринария-санитария экспертизаси лабораториялари, 55 участка ветеринария шифохоналари мавжуд.

Мелиорация ва сув хўжалиги

Республикада истеъмол қилинаётган сув миқдорининг 95% дарё ва сойлардан олинади. Сувни истеъмолчиларга ўз вақтида ва керакли миқдорда етказиб бериш мақсадида кўплаб канал, зовур, гидроузел, гидротехника иншоотлари, сув омборлари, доимий насос станциялари қурилган. Республикада қишлоқ хўжалик суғорма деҳқончиликка асосланган. Сув хўжалигида умумий сув сарфи секундига 2500 $м^3$ дан ортиқ бўлган 75 йирик канал, умумий ҳажми 18,6 млрд. $м^3$ бўлган 53 сув ва 25 сел омборлари, 32,4 минг км хўжаликлараро каналлар (унинг 9,4 минг км га бетон қопланган), 4889 насос агрегатлари ўрнатилган 1479 доимий насос станциялари, 10180 тик дренаж ва сув чиқариш қудуқлари, 30,4 минг км хўжаликлараро коллекторлар бор. Сув иншоотларини ишлатиш (эксплуатация қилиш) ва ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш билан боғлиқ бўлган барча ишларни Республика Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги (собиқ Мелиорация ва сув хўжалиги вазирлиги) ва унинг жойлардаги ташкилотлари бажаради.

Республикада сув хўжалиги халқ хўжалигининг энг муҳим тармоқларидан бири сифатида шаклланди ва аҳоли ҳамда халқ хўжалигининг сувга бўлган эҳтиёжини қондиришга хизмат қилади.

Сув хўжалиги тизимида мелиорация қурилишини Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги ва «Ўзсувқурилиш» давлат концерни олиб боради. Сув хўжалиги қурилиши соҳасида кейинги 25-30 йил давомида мавжуд суғориладиган 4,2 млн. га ернинг қарийб 2,0 млн. гектари Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги ва «Ўзсувқурилиш» давлат концернининг қурилиш ташкилотлари томонидан ўзлаштирилди. Суғориладиган ерларнинг 3 млн. гектарга яқини дренаж тармоқлари билан таъминланган, 2 млн. га дан ортиқроқ ер насос станциялари ёрдамида суғорилади.

Ўтган вақт ичида Мирзачўл, Қарши, Жиззах ва Сурхон-Шеробод чўллари ўзлаштирилиб, асосан пахта экилди.

Деҳқончиликда қадимдан мелиорацияниинг энг оддий усулларидан фойдаланиб келинган. Сирдарё ва Амударё этакларида мил. ав. 8-7-асрдан бошлаб суғориладиган деҳқончилик қилинганлиги ҳақида далиллар мавжуд. Хоразм, Қорақалпоғистонда, Самарқанд воҳалари, Фарғона водийсида қадимий суғориш иншоотлари (каналлар, тўғонлар, коризлар ва бошқалар) қолдиқлари ҳозиргача сақланиб қолган. Ирригация ўрта асрларда анча ривож топган. Йирик суғориш каналларидан Бўзсув, Зах, Занг кабилар қадимий тарихга эга. 16-асрда Самарқанд вилоятида қурилган Абдуллахон банди (тўғон) ўша даврнинг ноёб иншоотларидан бири бўлган. Чиғирлар билан сув чиқариш ўрта аср ирригациясининг муҳим босқичларидан бири эди. Чиғир Ўрта Осиёда 20- а. бошларигача кенг кўламда қўлланилиб келинди.

20–30 йилларда Мирзачўл, Далварзин ва Қумқўрғон даштларида катта майдонларга сув чиқарилиб ўзлаштирилди. Янги Жўн (Тошкент вилояти), Қумқўрғон (Сурхондарё вилояти) каналлари қурилди. Янгиарик (Фарғона вилояти) ва Эски Жўн (Тошкент вилояти) каналлари қайта қурилди, бир канча гидротехника иншоотлари янгиланди, суғориш каналлари ва гидро иншоотлар қўл меҳнати, ҳашар йўли билан қурилган. Минглаб колхозчилар 30-40 йилларда қўл меҳнати билан Шимолий Фарғона ва Жанубий Фарғона каналларини қазидилар, Тошкент, Тошсоқа (Хоразмда) ва бошқа каналларни қуришга ўн минглаб деҳқонлар жалб қилинди. 1940 йил 270 км узунликдаги Катта Фарғона канали 45 кунда қуриб битказилди. Ҳашар йўли билан 1939 йили Фарғона вилоятидаги Лоғон канали қурилган. Сурхондарё вилоятидаги Ҳазорбоғ канали, Тошкент вилоятидаги Жўн ва Хон суғориш тизимлари қайта қурилди (1940).

Шу йилларда ирригация максадларида дарё оқимини сунъий ростлаш ишлари бошланди. Зарафшон дарёсида Каттақўрғон сув омборининг биринчи навбати, Боёвут магистрал канали (Жанубий Мирзачўл каналининг 1- навбати), хўжаликлараро суғориш ва коллектор-дренаж тармоклари ишга туширилди.

Уруш даврида Тошкент каналининг 2-навбати, Катта Ҳисор (Сурхондарё вилояти) канали, Косонсой сув омбори (Наманган вилояти) бунёд этилди. 50-60- йилларда Марказий Фарғонани ўзлаштириш муносабати билан Катта Фарғона канали реконструкция қилинди, Тошкент вилоятида Оҳангарон сув омборининг 1- навбати, Юқори Чирчик сув узели, Бухоро вилоятида Қуйимозор сув омбори, Сирдарё вилоятида Жанубий Мирзачўл магистрал канали қурилиб фойдаланишга топширилди.

Бухоро, Навоий, Самарқанд вилоятларида янги ерларни ўзлаштириш учун узунлиги 400 км бўлган Аму-Бухоро машина канали (1965–76 йилларда), Қарши чўлини суғориш учун узунлиги 290 км бўлган Қарши магистрал канали (1973) ва б. каналлар ишга туширилди. Қарши каналига Амударё суви бир неча босқичда 132 м баландликка қудратли насос станциялари орқали кўтариб берилади.

Республика ирригация тизимларида 400 дан зиёд сув чиқариш насос станциялари қурилди, ерлар шўрини ювиш ва грунт сувлари сатҳини ростлаш бўйича катта қурилиш ишлари давом эттирилди. Қуйи Амударёда шолиқорлик зонаси барпо этилди. Жиззах даштини ўзлаштириш давом этди. Хоразм вилоятининг Қизилқум чўли чеккаси ўзлаштирилди.

Ўзбекистон Республикасининг «Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида»ги Қонуни (1993, 6 май) республикада сувга доир муносабатларни тартибга солиш, ундан оқилона фойдаланишни таъминлашда муҳим аҳамиятга эга.

1995 йилда республикада 53 сув омбори (унинг 20 таси Амударё, 25 таси Сирдарё ҳавзасида) ва 75 дан ортиқ канал ишлади.

Мелиорация ва сув хўжалиги тизимида бир қанча корпорация, ишлаб чиқариш бирлашмалари, илмий ишлаб чиқариш, илмий тажриба корхоналари фаолият кўрсатмоқда. Корпорация ва бирлашмаларнинг ҳар бири ўз тизимида ўнлаб саноат ва қурилиш индустриясига эга.

Суғориладиган деҳқончиликда мулкчиликнинг ҳар хил турлари пайдо бўлиши, фермерчиликнинг тараққий этиши, сув танқислигининг кучайиши ва бошқа сабаблар туфайли республикада сувдан ва унга боғлиқ хизматлар учун пуллик фойдаланишга ўтиш соҳасида тегишли тайёргарлик ишлари олиб борилмоқда. Сувни тежаш мақсадида каналлар ўзанида сув сизишини камайтириш учун қопламалар ётқизилмоқда, томчилатиб ва тупроқ остидан намлатиб суғориш усуллари қўлланилмоқда.

Хўжалик ҳисобидаги «Ўзсувхорижийқурилиш» республика ташқи иқтисодий бирлашмаси Сурия, Гвинея, Афғонистон, Хитой, Мозамбик, Ангола ва бошқа давлатларда сув хўжалиги иншоотлари, қишлоқ хўжалиги ва саноат объектларини қуришда иштирок этди.

Ўрмон хўжалиги

Республиканинг ўрмон хужалиги кўп тармокли хўжалик бўлиб, асосан хилма-хил ўрмон ресурсларидан окилона фойдаланиш, уларни кўриклаш ва кайта тиклаш, ўрмонни саклаб колиш ва иҳота дарахтзорлари барпо этиш билан шуғулланади.

Ўзбекистон Республикасининг давлат ўрмон фонди 1996 йил 1 январда 9211,8 минг га бўлиб, унинг 9119,0 минг га Ўрмон давлат кўмитасига, 92,8 минг га Табиатни муҳофаза қилиш давлат кўмитасига карайди. Ўрмон фондининг асосий кисми чўл зонасида — 7789,5 минг га (85,4 %), тоғли зонада — 1184 минг га (13,0 %), водийларда — 72,6 минг га (0,8 %) ва тўқай зонасида — 72,9 минг га (0,8 %) жойлашган. Ўзбекистоннинг экма ўрмонларининг умумий майдони 514,8 минг га бўлиб, ёнгок, писта, бодом каби 40 дан ортик турдаги бута-дарахтлар билан банд.

Ўрмон хужалигини ташкил этиш 19- аср 2- ярмидан бошланган. Туркистон ўлкасида дастлабки ўрмон хўжалиги 1873 йил Бўстонлик тумани (ҳозирги Чирчик ўрмон хўжалиги) ўрнида ташкил этилган. 1875 йилда Туркистон тоғ тизмасининг Молгузар тармоғи ён багрида Зомин ўрмонзор дам олиш маскани сифатида ўрмон хўжалиги ташкил этилган. 1890 йилда Тўрткўл ўрмончилик хўжалиги иш бошлади. 1925 йилгача Республикада умумий майдони 642,3 минг га бўлган 16 ўрмон хўжалиги ва 36 ўрмонзор дам олиш масканлари бор эди. 1923 йилдан мавжуд ўрмончилик ва ўрмонзор дам олиш масканлари асосида ўрмон хўжаликлари ташкил этилди. 1930 йил охирида республикада 32 ўрмон хўжалиги бўлган. 1996 йилда Республикада ўрмон хўжалиги корхоналари, кўриқхона ва миллий парклар сони 90 тага етди.

Ўрмон хўжалиги корхоналарининг асосий вазифаси ўрмонларнинг умумий экологик, иқтисодий ва ижтимоий аҳамиятидан келиб чикиб ва республика ўрмон ресурсларини кайта тиклашни жадаллаштириш ва фауна ҳамда флорани саклаш бўйича чора-тадбирларни амалга оширишга каратилган.

Ўзбекистонда 91 ўрмон хўжалиги корхоналари, кўриқхоналари ва миллий парклар бор. Табиатни муҳофаза қилиш давлат кўмитасига Чатқол биосфера кўриқхонаси, Бухоро жайрон питомниги, Ҳисор давлат кўриқхонаси, «Сайхун» ўрмон-ов хўжалиги (Сирдарё вилояти) карайди.

Ўзбекистон Республикаси Ўрмон давлат қўмитаси таркибида 86 ўрмон хўжалиги корхонаси бўлиб, шулардан 64 таси ўрмон хўжалиги, 8 таси доривор ва озиқ-овқат ўсимликларни тайёрлаш бўйича ихтисослашган хўжаликлар, 6 таси давлат қўриқхоналари, 1 таси ўрмон-ов хўжалиги, миллий табиат парки, халқ парки, ёввойи қушлар бўйича ихтисослашган питомник ва 2 таси ўрмон хўжалиги участкасидир.

Қорақалпоғистонда «Бадай тўқай», Жиззах вилоятида Зомин, Нурота, Самарқанд вилоятида Зарафшон, Сурхондарё вилоятида Сурхон, Хоразм вилоятида Қизилқум қўриқхоналари, Зомин ва Угом-Чатқол табиат миллий парклари фаолият кўрсатади.

Республиканинг ўрмон хўжалиги корхоналарида йилига 50 — 60 млн. м³ ёғоч, шу жумладан 2 минг м³ дан зиёди бинокорликка яроқли ёғоч, 300 т дан кўпроқ, турли ўсимлик, бута, дарахт уруғлари тайёрланади.

Ўрмон хўжалигида 36 дан зиёд ёввойи доривор ва озиқ-овқат ўсимликлари тайёрланади, республиканинг фармацевтика ва озиқ-овқат корхоналарига 700 т дан зиёд хом ашё етказиб берилади.

Республика ўрмон фонди ерларида йилига 30—40 минг га майдонда ўрмон тиклаш (уруғ сочиш ва кўчат экиш) ишлари олиб борилади. Қишлоқ хўжалиги ерларида 45 минг га дан зиёд ерга дала иҳота ўрмонлари барпо қилинган. Орол денгизининг қуриган тубида кумларни мустаҳкамлаш, чорвачилик хўжаликларининг чўл яйловларида иҳота дарахтзорларини барпо қилиш бўйича амалий ишлар олиб борилади.

Ўрмон хўжалиги корхоналарида сурилма ва сел оқимларининг олдини олиш, тупроқ эрозиясини тўхтатиш, атроф-муҳитни яхшилаш учун ёнғоқ, арча экишга алоҳида аҳамият берилмоқда. Ўрмон хўжаликлари кўчатзорларида ҳар йили ўрмонлар барпо этиш ва тиклаш ишлари учун 60 млн.га якин кўчатлар, жумладан 11 млн. туп саксовул, 1,7 млн. туп арча кўчатлари, ишлаб чикариш мақсадлари ва сотиш учун 1,5 млн. туп пайвандланган мевали дарахтлар кўчатлари етиштирилади.

Барча ўрмон хўжалиги корхоналарида ёрдамчи хўжаликлар ташкил этилган бўлиб, улар асаларичилик, чорвачилик, богдорчилик ва деҳқончилик билан шуғулланади.

1995 йилда бир неча янги махсус ўрмон хўжаликлари ташкил этилди. Андижон вилоятидаги махсус ўрмон хўжалиги, Навоий вилоятидаги «Айдаркўл» давлат қўриқхонаси, Тошкент ўрмон

мелиоратив техникумининг ўқув маркази, Тошкент вилоятидаги Сижжак давлат овчилик қўриқхонаси, Самарқанд вилоятидаги тез ўсувчи ёғочбоп дарахтзорларни барпо этиш бўйича учта махсус ўрмон хўжалиги, Бухоро вилоятидаги Пешку, Қашқадарё вилоятидаги Қумдарё ўрмон хўжаликлари ҳамда Қора-қалпоғистон Республикасининг Нукус шаҳридаги ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштиришга ихтисослашган махсус ўрмон хўжалиги ана шулар жумласидандир.

Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 8 февралдаги «Саноат теракчилигини ривожлантириш ва бошқа тез ўсувчи ёғочбоп дарахтларни барпо этишга оид чора-тадбирлар тўғрисида»ги махсус қарори ўрмончилик тизимини олға силжишида инқилобий ўзгариш ясади.

Республикада 10 қўриқхона ва заказник (умумий майдони 1579,7 минг га), ўрмон ов хўжалиги, Тошкент вилоятидаги Угом-Чатқол табиат миллий парки ва Жиззах вилоятидаги Зомин миллий парки, майдони 8,1 минг га бўлган Бухоро вилоятидаги жайрон кўпайтирадиган махсус питомник бор.

Республика ерларидаги ўрмон фондида 12 турдан зиёд доривор ва озиқ-овқат ўсимлиги табиий ҳолда ўсади. 8 та ихтисослаштирилган хўжаликларда Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси тавсияси бўйича ҳар йили қарийб 700 т дан кўпрок табиий доривор, озиқ-овқат ва техника ўсимликлари хом ашёси тайёрланади.

Ўрмон хўжалигини ривожлантириш муаммоларини Ўзбекистон ўрмон хўжалиги илмий текшириш институти ҳамда ўрмон-қурилиш ва лойиҳа-изланиш корхонаси олиб боради.

V БОБ

ТРАНСПОРТ

- Транспорт тизимининг халқ хўжалигида тутган ўрни
- Транспорт тизими
- Темир йўл транспорти
- Автомобиль транспорти
- Ҳаво транспорти
- Сув транспорти
- Шаҳар йўловчилар ташиш транспорти
- Трубопровод транспорти

Ўзбекистон Республикасида умумий фойдаланиладиган юк ва йўловчилар ташувчи транспортнинг барча тури — темир йўл, автомобиль, авиация, шаҳар электр транспорти (трамвай, троллейбус, метрополитен), дарё, трубопровод транспорти, шунингдек умумий фойдаланилмайдиган (саноат) транспорти – темир йўл, автомобиль, тасмали транспорт, осма аркон транспорти ривож топган. 1995 йил мамлакат ялпи ички маҳсулотининг 8,4% транспорт тармоқларига (алоқа б-н бирга) тўғри келди. Транспорт тармоқларида банд бўлган ишчи-хизматчиларнинг ўртача йиллик сони 298,3 минг кишини, жумладан темир йўл транспортида 58,4 минг, сув (дарё) транспортида 0,6 минг, автомобиль, шаҳар электр транспорти, юк ортиш-тушириш корхоналарида 239,3 минг кишини ташкил этди. Мустақилликкача республика транспортининг асосий турлари собиқ Иттифоқнинг Марказий вазирликларига ёки уларнинг Ўрта Осиё, Ўзбекистон бўйича ҳудудий бошқармаларига бўйсунган: темир йўл транспортига Ўрта Осиё темир йўл бошқармаси, сув транспортига Ўрта Осиё давлат пароходчилиги бошқармаси, ҳаво транспортига Иттифоқ фуқаро авиация вазирлигининг Ўзбекистон Фуқаро авиацияси бошқармаси, умумий фойдаланишдаги автомобиль транспортига ЎзССР автомобиль транспорти вазирлиги раҳбарлик қилган.

Республика мустақилликка эришганидан кейин транспортнинг халқ хўжалигига ва аҳолига хизмат кўрсатишини тубдан яхшилаш ва транспорт бошқариш тизимини такомиллаштириш мақсадларида

«Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпанияси (1992), «Ўзбекистон автомобиль транспорти» («Ўзавтотранс») давлат-акциядорлик корпорацияси (1993), «Ўзбекистон темир йўллари» давлат-акциядорлик компанияси (1994 й.) ва бошқа идоралар ташкил этилди. Мамлакатда транспорт корхоналари давлат иштирокидаги акционерлик компаниялари, корпорациялари, очик, турдаги акционерлик, масъулияти чекланган жамиятларга, жамоа корхоналарига айлантирилди.

Республикада автотранспорт воситаларининг бир қисми (автобуслар, юк ва енгил машиналар) жамоа хўжаликлари, фуқароларнинг мулки. Саноат ва қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқаришнинг ўсиши, кенг миқёсдаги капитал курилиши ва транспорт моддий-техника базасининг юксалиши билан юк ва йўловчилар ташиш ҳажмлари ҳам орта борди. Республиканинг умумий юк оборотида транспорт турларининг солиштирма ҳиссаси ҳам ўзгарди. Умумий фойдаланишдаги ва саноат транспорти турларида юк ва йўловчиларнинг асосий қисми автомобиль транспортида ташилди (1995 йилда юкларнинг 70%; 1819,6 млн. йўловчи).

Республикада транспорт иқтисодий районлар ва корхоналар, халқ, хўжалиги тармоқлари ўртасида, шунингдек мамлакатлараро иқтисодий алоқаларни таъминлайди.

Республиканинг транспорт тизими темир йўл, автомобиль йўллари, замонавий ускуналар билан жиҳозланган вокзаллар, станциялар, юк омборлари, пристанлар, ҳаво флотининг йирик аэровокзаллари ва бошқа инфраструктура бўлинмаларни қамрайдиган мураккаб халқ хўжалиги мажмуини ташкил этади.

Темир йўл транспорти. Халқ хўжалигида темир йўл транспортининг йўловчилар ҳамда юк ташишда салмоғи катта. Республика темир йўлида бу транспорт тури МДҲ доирасида қўшни давлатлар б-н иқтисодий алоқаларни амалга оширишда муҳим ўрин тутади. Ўзбекистон темир йўлининг 1972 йилда қурилган Кўнғирот – Бейнов магистрали Қозоғистон орқали Россиянинг Марказий, Жанубий, Урал минтақаларига туташган. Ховос - Арис магистрали ҳам мамлакатни Қозоғистон орқали яна Россиянинг Сибирь, Узоқ Шарқ минтақалари билан, Кўкон – Душанбе йўналиши Тожикистон, Тошкент – Туркманбоши йўли Туркманистон билан боғлайди.

1995 йилда республикада халқ хўжалигига тегишли темир

йўлларнинг узунлиги 6,6 минг км, шу жумладан умумий фойдаланиладиган қисмининг узунлиги 3,5 минг км, асосан саноат корхоналарига тортилган (умумий фойдаланилмайдиган) темир йўлларнинг узунлиги 3,1 минг км ни ташкил этди.

Ўзбекистонда дастлабки темир йўл 1886–88 йилларда Фороб станциясидан Самарқандгача ётқизилган (Красноводск–Чоржўй темир йўлининг давоми). Бу темир йўл 1895–97 йилларда Қўқонгача, 1899 йилда Тошкентгача етказилди. 1906 йилда Тошкент–Оренбург темир йўли ишга туширилди.

1994 йил ноябрда Ўзбекистон Республикасида жойлашган темир йўл корхоналари ва бўлимлари, лойиҳа-конструкторлик ва бошқа ташкилотлари ва муассасалари негизида «Ўзбекистон темир йўллари» давлат-акциядорлик компанияси ташкил этилди. Ўзбекистон Республикаси мамлакат мустақиллиги ва иқтисодиёти учун улкан аҳамиятга эга бўлган, Хитой, Корея, Японияни Эрон, Туркия ва Ғарбий Европанинг жануби билан туташтирадиган Трансосиё магистрали (Истанбул — Тошкент — Олмаота — Пекин) қурилишида ҳиссабай иштирок этмокда. Бу магистралнинг Дружба станцияси (Қозоғистон), Туркманистонда Тажан — Сарахс ва Эронда Сарахс — Машҳад қисмлари қуриб фойдаланишга топширилди (1996, 13 май) ва йўлда поездлар қатнови бошланди. Республика қурувчилари узунлиги 133 км бўлган Тажан — Сарахс йўлини қуришда фаол қатнашди. Ўзбекистон темир йўли келажакда бу катта йўлнинг марказий бўғини бўлиб қолади. Бу йўлдан Бухоро — Бейнов орқали Европага, Тажан — Сарахс орқали Яқин Шарқ мамлакатларига чиқиш мумкин. Республика темир йўл транспортини ривожлантириш истиқболлари Иқтисодий Ҳамкорлик Ташкилоти мамлакатлари (Эрон, Покистон, Туркия, Марказий Осиё давлатлари, Афғонистон, Озарбайжон) ўртасидаги Кветта режасида белгиланган вазифалар бўйича ҳамкорлик йўналишида ҳам ишлаб чиқилмокда.

«Ўзбекистон темир йўллари» 50 мингдан ортиқ турли типдаги юк вагони ва Германияда тайёрланган рефрежераторларга, 1450 йўловчилар ташиладиган вагонга эга. Компаниянинг темир йўлдан фойдаланишга масъул бўлган Тошкент, Фарғона, Бухоро, Орол бўйи, Қарши темир йўл бўлимлари бор. 1995 йил умумий фойдаланиладиган темир йўл транспортида 46,2 млн. т юк ташилди. 20 тоннали контейнерлар билан юк ташиш республикадаги 11 станцияда (Шумилов, Жиззах, Қақир, Марғилон, Андижон, Раустон,

Улуғбек, Тинчлик, Бухоро-2, Қарши, Урганч)да амалга оширилади.

Ташиладиган юкларнинг асосий қисмини қурилиш материаллари (умумий ташиладиган юк ҳажмининг 21%), пахта толаси (3%), нефть ва нефть маҳсулотлари (35%), ғалла, цемент, кимёвий маҳсулотлар ва минерал ўғитлар, кўмир, сабзавот ва бошқа халқ хўжалиги юклари ташкил этади. Юк ташишда тепловозлар, йўловчилар ташишда тепловоз ва электропоездлар хизмат кўрсатади. 1995 йил темир йўл транспортида 14,4 млн. йўловчи тащилди. Йўловчиларга хизмат кўрсатишда, айниқса шаҳарлар атрофидаги қатновда электропоездлардан тобора кенгроқ фойдаланилмокда.

Ўзбекистоннинг ягона темир йўл тармоғини вужудга келтириш бўйича Навоий — Учқудуқ — Нукус, Султон Увайс — Нукус йуналишларида темир йўлни реконструкциялаш ва электрлаштириш бошланди. Урганч — Беруний электрлаштирилган янги темир йўл қурилмокда. 233 км ли Ғузор – Бойсун – Қумқўрғон темир йўли қурилиши бу ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришда катта аҳамиятга эга.

Автомобиль транспорти. Республика халқ хўжалигининг барча тармоқлари ва мамлакат аҳолиси эҳтиёжларини қондириш даражасида ривожланган автомобиль транспортига эга. Халқ хўжалигининг саноат, кишлоқ хўжалиги, қурилиш, сув хўжалиги, алоқа, савдо, соғлиқни сақлаш, коммунал хўжалиги, маданият, мудофаа ва бошка тармоқларида ихтисослаштирилган йирик автотранспорт корхоналари мавжуд.

1995 йил республикада умумий фойдаланиладиган автомобиль транспортида йўловчилар ташишга мўлжалланган 14,7 минг автобус, 5 мингдан кўпроқ енгил такси машиналари ишлади. Республика бўйича 2892 автобус маршрутларида (жумладан 593 шаҳар, 1768 шаҳар атрофи, 532 шаҳарлараро) автобуслар қатнади. Автобуслар билан ҳар куни 5 млн.га яқин йуловчи ташилади. Республикада 27 автовокзал, 120 автостанция хизмат кўрсатади. Фақат шаҳарлардаги автобус маршрутларида турли маркадаги 3 мингта яқин автобус қатнайди. 1995 йили автобусларда 1819,6 млн. йўловчи ташилди.

Ўзбекистон халқ хўжалиги тасарруфида турли мақсадларга мўлжалланган 200 мингта яқин юк автомобиллари, 35,4 минг автобус, 45,9 минг енгил автомобиллар хизмат кўрсатади. Республикада фуқароларнинг шахсий мулки бўлган 788,2 минг енгил автомобиллар бор.

Умумий фойдаланиладиган юк ва йуловчилар ташувчи автомобиль транспортининг йирик корхоналари «Ўзавтотранс» давлат-акционерлик корпорацияси таркибига киради. Корпорация 1993 йил январда ташкил этилган. Корпорация таркибида акциядорлар жамиятларига айлантирилган йўловчи ташишни амалга оширадиган 99, юк ташиш билан шугулланадиган 99 ва аралаш 67 автокорхоналар бор. Бу автокорхоналарда 14 мингдан ортик автобус, 24,6 минг юк автомобили (10 мингга якини ўзи ағдарувчи машиналар) бўлиб, уларда 1995 йил 220,6 млн. т га якин юк ташилди (жами транспорт турларида ташилган умумий юк ҳажмининг 24,7%, автомобиль транспортида ташилган юкларнинг 36,8%).

Корпорациянинг «Ўзташкитранс» савдо-транспорт бирлашмаси ва «Ўзбекавтотур» фирмаси халқаро юк ташиш ва йўловчилар қатновига хизмат курсатади. Кейинги йилларда корпорация аҳолига автотранспорт хизмати кўрсатишни ривожлантирмокда. Шаҳарлараро юк ташишни «Ўзшаҳараротранс» ишлаб чиқариш бирлашмаси корхоналари амалга оширади.

Автомобиль транспорти тизимида «Йўловчи» Ўзбекистон акциядорлик суғурта компанияси йўловчиларни суғурта килиш ишлари билан шугулланади.

Кейинги йилларда бозор иқтисодиётидан келиб чиқиб юк автомобиллари таъ ёкилғисига ўтказилмокда.

Автомобиль йўллари. Республика ривожланган йўл хўжалиги ва замонавий талабларга жавоб берадиган халқаро, республика, маҳаллий аҳамиятга эга бўлган автомобиль йўлларига эга. Йўл хўжалиги тармокларида 34,5 минг ишчи ва инженер-техник ходим банд. Республикадаги автомобиль йўлларининг жами узунлиги 115 минг км дан ортиқ. Умумий фойдаланиладиган автомобиль йўлларининг узунлиги 43,4 минг км, жумладан 3243 км халқаро, 18801 км давлат (республика), 21439 км маҳаллий (вилоят) аҳамиятига эга бўлган йўлдир. Шунингдек республикада идоралар (корхона, жамоа хўжаликлари, хўжалик ташкилотлари)га қарашли йўллар ҳам мавжуд.

1992 йил 3 июлда «Автомобиль йўллари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Қонуни қабул қилинди.

1992 йил февралда Ўзбекистон автомобиль йўлларини қуриш ва ундан фойдаланиш давлат-акциядорлик концерни («Ўзавтойўл») тузилган. Концерн таркибида Қорақалпоғистон Республикаси ва

вилоятлар автомобиль йўллари бошқармалари, 162 туман автомобиль йўллари бошқармалари, 532 йўлларни асраш ва улардан фойдаланиш бўлимлари, «Ўзйўллойиҳа» республика йўл ва иншоотлар қуриш, қайта қуриш ва таъмирлаш бўйича лойиҳа-кидирув институти, кўприк темир-бетон қурилмалари заводи ва бошқа корхоналар бор.

20-аср бошида Ўзбекистонда 27 минг км йўл бўлиб, асосан от-арава, карвон ва йўловчиларга мўлжалланган, шундан фақат 2 минг км га шағал ётқизилган эди. Республика мустақилликка эришганидан кейин мавжуд автомобиль йўлларини халқаро андозаларга мослаш, йўлларни сақлаш ва таъмирлаш, янги барпо этилаётган саноат районларини халқаро магистраллар билан боғлайдиган йўллар қурилиши масалаларига эътибор кучайди. Бу борада Ўзбекистон Хитой ва Покистонга чиқиш имкониятини берувчи Андижон – Ўш – Эргаштом – Қашқар автомобиль йўлини ишга туширишда (1997 йил 21 июль), Ҳинд океанига чиқишга имкон берадиган Термиз – Хирот – Карочи автомобиль йўли қурилишида ўз улуши билан қатнашмоқда. Республиканинг ўзида Фарғона водийси билан Тошкент воҳасини Қамчик довони (тоннель) орқали боғлайдиган йирик автомобиль йўли ҳамда Кўнғирот – Бейнов автомагистрали қурилиши жадал олиб борилмоқда.

1-жадвал

Автомобиль йўлларя қурилишининг асосий кўрсаткичлари, минг км

	1990	1992	1994	1995
Халқ хўжалигидаги жами тош йўллар	78,4	83,2	84,8	85,7
шу жумладан қаттиқ қопламали	67,0	70,7	73,6	74,4
Умумий фойдаланиладиган тош йўллар, жами	42,7	43,2	43,3	43,5
шу жумладан қаттиқ қопламали йўллар	40,4	40,9	41,3	41,6
улардан:				
цемент-бетон қопламали	0,3	0,3	0,3	0,3
асфальт-бетон қопламали	20,7	21,4	21,7	21,9
қатрон-шағал ва қора қопламали тош йўллар	17,7	17,5	17,7	17,8

Республикада жами йўлларнинг 95,6% ига қаттиқ қопламалар ётқизилган, жумладан, цемент-бетон қопламали йўллар 0,8% (336 км), асфальт-бетон қопламали йўллар 49,6% (21819 км), қора шағалли ва қора қопламали йўллар 40,6% (17796 км)ни ташкил этади.

Ҳаво транспорти. Ўзбекистон жаҳондаги кўп мамлакатларнинг пойтахтлари, йирик шаҳарлар, саноат марказлари билан ҳаво йўллари орқали боғланган.

Республиканинг ҳаво транспорти – фуқаро авиацияси тарихи 1920 йиллардан бошланади. 1924 йил 12 майда узунлиги 800 км бўлган Тошкент – Авлиёота (Жамбул) – Пишпек (Бишкек) – Олмаота маршрутида дастлабки йўловчилар ташиш рейси амалга оширилди. Ўша йили узунлиги 450 км бўлган Коғон – Октўқай – Дарғонота – Хива ҳамда Бухоро – Термиз – Душанбе ҳаво йўллари очилди. 1930 йилдан Тошкент – Москва йўлида самолётлар мунтазам қатнай бошлади.

Авиациядан қишлоқ хўжалиги зараркунандаларига қарши курашда ва санитария мақсадларида ҳам фойдаланилди.

Республика мустақилликка эришганидан кейин 1992 йилдан собиқ Иттифоқ тасарруфида бўлган Ўзбекистон Фуқаро авиацияси бошқармаси, фуқаро авиациясининг 243- таъмирлаш заводи, «Авиақурилиш» бирлашмасига қарашли «Авиамаҳсусмонтажсозлаш» негизида «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпанияси ташкил этилди.

Республиканинг айниқса хорижий мамлакатлар билан ташқи иқтисодий, туристик алоқаларини йўлга қўйишда мамлакатнинг ўз ҳаво транспорти муҳим роль ўйнамоқда. «Ўзбекистон ҳаво йўллари»нинг бир қанча Европа ва Осиё, Америка мамлакатларида ваколатхоналари очилди. 1993–95 йилларда 18 янги халқаро маршрутларда самолётлар қатнови йўлга қўйилди: 1993 йилдан Тошкентдан МДҲдан ташқари Лондон, Манчестер, Франкфурт-Майн, Тель-Авив, Шаржа, Жидда, Истанбул, Карочи, Дехли, Куала-Лумпур, Бангкок, Пекин, Афина, Амстердам, Сеул ва Нью-Йорк шаҳарларига мунтазам халқаро авиарейслар, Ҳалаб (Алеппо), Сингапур ҳамда Осиё ва Европанинг кўпгина мамлакатларига чартер йўловчи ташиш рейслари бажарилади.

«Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпанияси Германия, Франция, Россия фирмалари билан турли соҳаларда ҳамкорлик қилмоқда. 1993 йилдан шундай ҳамкорлик натижасида Европанинг

йирик «Эрбас индастри» концернидан «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпанияси сотиб олган «Эрбас»-А-310-300 аэробуслари халқаро маршрутларда йўловчиларга хизмат кўрсата бошлади.

«Ўзбекистон ҳаво йўллари» авиакомпанияси хилма-хил типдаги ҳаво кемаларига эга: қишлоқ хўжалиги ишларига мўлжалланган АН-2, маҳаллий (республика ичида) ҳаво йўлларида қатнайдиган АН-24, ЯК-40, халқаро классдаги ИЛ-76, ИЛ-62, ИЛ-86, ТУ-154, А-310 каби самолётлар, вертолёт паркида МИ-2, МИ-8, КА-26 каби машиналар бор. Республикада АН-2 самолёти, МИ-2, МИ-8, КА-26 вертолётларидан иборат махсус мақсадлардаги авиация парки қишлоқ хўжалиги, тиббий-санитария хизмати, метеорология, геология-қидирув, газ саноати ва бошқа соҳаларда унумли ишлатилади. 1996 йилдан «Боинг-757» ва «Боинг-764» самолётлари, маҳаллий ҳаво йўлларида ИЛ-114, Rj-85 самолётларидан фойдаланилмоқда.

«Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпанияси таркибида 12 замонавий аэровокзал (аэропорт) бор (Тошкент, Самарқанд, Андижон, Бухоро, Навоий, Наманган, Нукус, Термиз, Урганч, Фарғона, Қарши, Қўқон шаҳарларида). Сергели, Учқудуқ, Зарафшон, Сариосиё, Шаҳрисабз, Қўнғирот, Тўрткўл, Мўйноқ шаҳарларидаги аэропортлар вилоят марказидаги аэропортларга қарайди, ЯК-40, АН-24 самолётларини қабул қилишга мослаштирилган.

Вилоят марказларидаги аэропортлар ТУ-154, Самарқанд, Наманган, Урганч, Термиз аэропортлари ИЛ-62, ИЛ-76, Нукус аэропорти ИЛ-86, А-310 аэробусларини қабул қилишга қодир. Тошкент, Самарқанд, Термиз аэропортлари халқаро мақомга эга. Республика ҳукумати қарорига мувофиқ янги йирик халқаро аэропорт, Учқудуқда жаҳондаги энг илғор андозаларга мос келадиган катта аэропорт қурилиши бошланди.

Сув транспорти. 20- аср бошларида Амударё ва Орол денгизидаги сув йўллари бўйлаб юклар ва йўловчиларнинг анча қисми ташилган. 1924 йилда кема ва қайиқлар қатнайдиган сув йўлларининг умумий узунлиги 887 км эди. Амударё ҳарбий флотилияси, «Хива», «Меркурий» акциядорлик жамиятлари кемаларида, шунингдек хусусий қайиқларда йўловчиларга хизмат кўрсатишган, зарур юклар ташиб берилган. Ўша даврда Ўрта Осиё сув йўлларида умумий юк ортиш қуввати 7 минг т бўлган. 20

кема ва 50 баржа, умумий юк ортиш қуввати 24 минг т бўлган 1500 қайиқ бор эди. 1980 йилда Ўзбекистонда сув йўлларининг умумий узунлиги 2800 км га етди. Амударёда Панж (Тожикистон) бандаргоҳидан Мўйноққа қадар пароходлар қатнови амалга оширилди.

Дарё сувининг камайиши ва Орол денгизининг қуриб бориши натижасида сув йўллари кескин қисқарди, аммо шунга қарамай 1980 йил дарё транспортида 1420 минг т юк ташилди. Ўрта Осиё республикалари мустақилликка эришганларидан кейин Ўрта Осиё пароходчилиги Туркманистон, Ўзбекистон, Тожикистон ўртасида тақсимланди. 1994 йил май ойида Ўзбекистон Республикасида жойлашган дарё флоти бўлинмаларини бошқариш тартиби қайта ташкил этилди. Ўрта Осиё пароходчилигининг Ўзбекистондаги бўлинмалари негизида «Термиз дарё порти», «Хоразм дарё флоти», «Қорақалпоғистон дарё флоти» ишлаб чиқариш бирлашмалари ташкил этилди. «Ўзавтотранс» корпорацияси ҳузурида дарё флоти ишини мувофиқлаштириш бўйича бош бошқарма (Тошкентда) тузилди. Республикада Термиз дарё порти, Шарлавуқ, Тўрткўл, Беруний, Қоратов, Хўжайли бандаргоҳлари, Амударё орқали Тўрткўл – Хонқа, Чалиш – Беруний сузма кўприклари, Хўжайли кема таъмирлаш заводи ишлаб турибди. Термиз дарё порти йилига 2,5 млн. т юкни қабул қилиш-жўнатиш қувватига эга, Афғонистоннинг Ҳайратон бандаргоҳи орқали экспорт-импорт юкларини етказиб беришда халқаро аҳамиятга молик. Республика дарё флотида 150 га яқин теплоход, шунингдек баржалар, землесослар, сузувчи экскаваторлар, порт кранлари ва бошқа ёрдамчи кемалар, техника воситалари бор. Республикада сув йўлларининг умумий узунлиги 1000 км га яқин. Халқ хўжалиги юклари асосан Термиз – Ҳайратон, Шарлавуқ – Тўрткўл, Хўжайли – Тўрткўл, Хўжайли – Беруний, Қоратов – Тахиатош йўналишларида ташилади. Йилига дарё флотида 132,7 минг т юк ташилмоқда. Ўзбекистоннинг порт ва бандаргоҳлари темир йўллар билан боғланган.

Шаҳар йўловчилар ташиш транспорти. Республика шаҳарларида аҳолига йўловчиларни белгиланган маршрутларда ташийдиган жамоат кўча транспорти – автобус, трамвай, троллейбус, ер ости транспорти (метрополитен), енгил автомобиль транспорти (такси) хизмат кўрсатади. Шаҳар йўловчилар ташиш транспортининг ибтидоий тури 19- асрнинг 2- ярмида йирик

шаҳарларда пайдо бўлган кўп сонли извошлар эди. 1901 йилда Тошкентда конка – тор темир йўли изида отлар судрайдиган бир вагонли дастлабки шаҳар транспорти, 1912 йил биринчи трамвай ишга туширилди. 1913 йил тор изли трамвай йўли узунлиги 38 км га етказилди, 68 трамвай вагони қатнади, 27 млн. йўловчи ташилди.

Т р о л л е й б у с қатнови 1947 йил Тошкентда бошланди (троллейбус йўли узунлиги 18 км; 10 та машина). Кейинги йилларда Самарқанд (1967), Олмалиқ (1968), Фарғона (1970), Андижон (1971), Наманган (1973), Бухоро (1987), Нукус (1992), Урганч (1997), Жиззах (1997) шаҳарларида троллейбуслар қатнай бошлади. Троллейбус йўлларининг умумий узунлиги 403 км (1998; Тошкент шаҳрисиз), шу жумладан Андижонда (72,2 км), Бухорода (30,7 км), Наманганда (65,5 км), Нукусда (15 км), Олмаликда (53,2 км), Самарқандда (66,5 км), Фарғонада (56 км), Урганчда (5 км), Жиззахда (14 км). Тошкент шаҳрининг ўзида троллейбус йўлларининг узунлиги 296,5 км. 1997 йилда Хиванинг 2500 йиллигини нишонлаш арафасида Урганч шаҳрида аэропорт билан темир йўл вокзалини боғлайдиган троллейбус йўли ва 25 км ли Урганч–Хива троллейбус йўли ишга туширилди.

Т р а м в а й Тошкент шаҳрида ривожланган. Трамвай йўлларининг умумий узунлиги 293,1 км. 1995 йилда 23 маршрутда ўртача 293 трамвай (вагон) йўловчиларга хизмат кўрсатди. Тошкент шаҳрининг ўзида трамвай ва троллейбуслар бир кунда 1 млн.дан ортиқ йўловчиларга хизмат кўрсатади.

А в т о м о б и л ь йўловчилар транспорти муҳим ўринда туради. 85 шаҳар ва шаҳарчаларда ички шаҳар автобус ва енгил такси қатнови йўлга қўйилган, шаҳарларда 670 дан ортиқ маршрутда автобуслар қатнайди. Йўловчилар умумий ҳажмининг 70 % дан кўпроғи автобус ва енгил ҳамда микроавтобус таксиларга тўғри келади.

М е т р о п о л и т е н йўловчиларга хизмат кўрсатишда тобора катта аҳамият касб этмоқда. Республикада метро қурилиши Тошкент шаҳрида 1972 йилда бошланди. Унинг узунлиги 12,2 км бўлган «Собир Раҳимов» – «Максим Горький» станциялари 1-йўлининг биринчи навбати 1977 йил 6 ноябрда, 4,6 км ли 2-навбати 1980 йил 18 августда ишга туширилди. Тошкент метрополитенининг иккинчи йўли «Машинасоз» – «Беруний» станциялари 1984–91 йилларда 4 навбат билан босқичма-босқич фойдаланишга топширилди (узунлиги қарийб 15 км). Тошкент

метрополитенининг 3- йўли шаҳар марказини Юнусобод даҳаси билан боғлайди. Узунлиги 14 км бўлган бу йўлда қурилиш ишлари олиб борилмоқда. Метрополитенда суткасига ўртача 270–300 минг йўловчи ташилади.

Трубопровод транспорти Ўзбекистонда биринчи 20 км узунликдаги нефтепровод 1908 йил Чимён нефть конидан Ванновск (ҳозирги Олтиариқ) нефтни қайта ишлаш заводига тортилган. Кейинчалик Фарғона водийси, Сурхондарё вилоятида янги нефть конлари очилиши билан транспортнинг бу тури жадал ривожлантирилди. Нефть конларидан Фарғона ва Олтиариқ нефтни қайта ишлаш заводларига умумий узунлиги 228,5 км бўлган нефтепроводлар қурилди. Республика жанубида – Сурхондарё вилоятида 1947 йил Лалмикор – Қумқўрғон ва 1969 йил Амударё – Аму-Занг линиялари қурилди (умумий узунлиги 40 км). Қашқадарё вилоятида янги нефть конлари очилганидан кейин 1977 йил Ғарбий Тошлоқ – Қашқадарё станцияси (3,3 км), Шимолий Ўртабулоқ – Олтингугурт заводи (72 км) нефтепроводлари ишга туширилди. 1994–97 йилларда узунлиги 100 км бўлган Кўкдумалоқ – Бухоро нефтни қайта ишлаш заводи нефтепроводи курилиб ишга туширилди. Фарғона нефтни қайта ишлаш заводини хом ашё билан узлуксиз таъминлашга хизмат қиладиган Қамчиқ довони орқали ўтадиган Хонобод – Ангрен нефтепроводи қурилишини лойиҳалаш ишлари олиб борилмоқда. Бухоро, Қашқадарё вилоятларида улкан газ конларининг топилиши ва ишга туширилиши билан Ўзбекистонда газопровод транспорти ривож топди.

VI БОБ

АЛОҚА

- Алоқа тизимининг иқтисодиётда тутган ўрни
- Миллий алоқа тизими
- Почта алоқаси
- Телеграф алоқаси
- Телефон алоқаси
- Радио ва телевизион алоқа
- Матбуот тарқатиш

Алоқа Ўзбекистон Республикаси хўжалик ва ижтимоий инфраструктурасининг таркибий қисми бўлиб, аҳоли, хўжалик субъектлари, давлат идораларининг почта, телефон, телеграф, радио ва ахборотнинг ўзга турларини узатиш ва қабул қилиш ҳамда алоқа тармоғи орқали жўнатилаётган ашёларни етказиб беришга бўлган эҳтиёжларининг қондирилишини таъминлайди. Алоқа оммавий ахборотларни тарқатиш, шунингдек халқ хўжалигини бошқаришда муҳим роль ўйнайди. ЎзРда алоқа корхоналари аҳолига ҳамда халқ хўжалигига почта, телеграф ҳамда маҳаллий, шаҳарлараро, халқаро телефон алоқа хизмати кўрсатади, шунингдек республикада радиоалоқа, радиоэшиттириш ва телевидениени техника воситалари билан таъминлайди. Алоқа мажмуаси – матбуот тарқатиш, уяли (радиотелефон) алоқа, электр алоқа, космик йўлдошлар орқали алоқа республика ҳаётида катта роль ўйнайди. Идоравий ички алоқа тармоқлари (айрим вазирликлар, ташкилотлар ҳамда шахта, завод, хўжаликларнинг бевосита ўзига қарашли алоқа воситалари) ҳам мавжуд. Ўзбекистонда аҳолига пуллик хизматлар кўрсатишнинг умумий ҳажмида алоқа хизмати ҳиссаси 5 % га яқин.

Ўзбекистон мустақилликка эришганидан кейин бозор иқтисодиётига ўтиш жараёнида миллий телекоммуникация тармоғини ривожлантириш ва уни мустақил равишда бошқариш муҳим вазифага айланди.

1992 йил 13 январда Ўзбекистон Республикасининг «Алоқа

тўғрисида» Қонуни қабул қилинди. 1977 йил 23 июнда Алоқа вазирлиги Почта ва телекоммуникациялар Агентлигига айлантирилди. Кейинги йилларда Ўзбекистонда алоқа тармоқларини ривожлантириш бўйича АҚШ, Германия, Япония, Италия, Туркия, Корея Республикаси, Индонезия ва бошқа давлатлар билан олиб борилаётган халқаро ҳамкорлик самарали бўлмоқда. 1992 йил Ўзбекистон Республикаси Халқаро электралоқа иттифоқи аъзолигига қабул қилинди.

Ўзбекистонда алоқа соҳаси почта алоқаси, телефон (маҳаллий, шаҳарлараро, халқаро) алоқаси, телеграф алоқаси, радиоэшиттириш, радиолаштириш, телевидение, матбуот тарқатиш каби тармокларга бўлинади.

Почта алоқаси. Ўзбекистонда дастлабки почта алоқаси 1865 йил Тошкент яқинидаги Ниёзбек қалъаси билан Чимкент шаҳри ўртасида йўлга қўйилди. Ўша йили август ойида Тошкентда биринчи почта станцияси очилди, почта йўли Ниёзбекдан Тошкентгача етказилди. 1868 йил Тошкент билан Самарқанд ўртасида почта алоқаси ишга тушди. 1868 йил февралда Тошкентда Россия почта ва телеграф вазирлигига бўйсунган Сирдарё ва Самарқанд вилоятлари почта идоралари бошқармаси ташкил этилди. Дастлаб почта от-уловда, темир йўл қурилганидан кейин темир йўл орқали ташиладиган бўлди. 1885 йил 1 январдан Тошкент почта идораси мижозлардан телеграммалар қабул қилишни бошлади. 1913 йил Ўзбекистонда жойлашган 17 почта-телеграф бўлими, 18 почта-телеграф идораси ишлади. Телеграф алоқаси, асосан тижорат мақсадларига хизмат қилди. 10 телефон станциясидан 9 таси хусусий кишилар қўлида эди.

20-асрнинг 20-йилларидан бошлаб Ўзбекистонда почта хизмати тубдан қайта ташкил этилди, қишлоқларда почта бўлимлари очилди.

Почта алоқаси республика аҳолисига хат, газета ва журналлар, жўнатма, пул ўтказмалари, пенсия тўловларини етказиб берди. 60- йиллар бошидан барча вилоят марказлари ва 118 туманга вақтли матбуот босилган куни етказиб бериладиган бўлди. Почта ва матбуотни ташишда авиация, темир йўл, автомобиль транспортидан кенгроқ фойдаланилди.

1974 йил Тошкентда темир йўл қошида почтамтнинг очилиши, 1983 йил Тошкент почтамтининг янги биноси қурилиб фойдаланишга топширилиши билан хат, жўнатма, пул ўтказмалари, матбуот нашрларини жўнатиш ва етказиб бериш янада яхшиланди,

почта алоқаси алоқанинг энг кенг тарқалган ва оммавий турига айланди.

Почта алоқаси тармоқларида механизациялаш ва автоматлаштириш воситаларидан кенг фойдаланилади.

1-жадвал

Умумий фойдаланиладиган алоқа корхоналари сони ва хизмат кўрсатишнинг ривожланиши

	1990	1992	1994	1995
Почта, телеграф ва телефон корхоналари сони	3975	3466	3199	3045
шу жумладан қишлоқларда	2776	2623	2374	2319
Алоқанинг асосий фаолиятидан даромадлар (амалдаги нархларда), млн. сўм	346,0	3630,6	628,1	4102,5
Жўнатилган:				
хатлар, млн. дона	199,7	101,3	17,05	10,13
газета-журналлар, млн. нусха	2213,1	614,0	66,8	47,4
жўнатма, млн. дона	5,4	2,0	0,14	0,033
пул ўтказмалари ва нафақа тўловлари, млн. сўм	28,9	28,4	1,07	0,68
телеграммалар, млн. дона	10,1	7,3	3,6	2,08
Авиация транспортида почта жўнатмалари, минг т	25,0	4,9	...	...
Шаҳарлараро (ва халқаро) телефон сўзлашувлари сони, млн.	75,1	70,6	68,8	57,3
Умумий фойдаланиладиган телефон тармокларидаги телефон аппаратлари сони, минг дона	1478,6	1496,9	1531,6	1521,8
шу жумладан:				
шаҳар тармоғида	1140,8	1184,3	1216,6	1219,2
қишлоқ тармоғида	337,8	312,6	315,0	302,6
Хонадонлар телефони сони, минг дона	1038,5	1120,8	1192,8	1210,7
шу жумладан:				
шаҳарларда	830,9	905,7	960,2	979,3
қишлоқларда	207,6	215,1	232,6	231,4

Ҳозир Ўзбекистоннинг барча аҳоли пунктлари почта корхоналари тармоғи билан қамраб олинган. Почта корхоналари

«Ўзбекистон почтаси» концернига (1992) киради. Унинг таркибида 12 вилоят, Қорақалпоғистон Республикаси давлат почта корхоналари бошқармалари, Тошкент халқаро почтамти, 195 алоқа узели ва 3045 алоқа бўлими ишлаб турибди.

Телеграф алоқаси. Ўзбекистонда телеграф алоқаси 19- асрнинг 80- йилларида, темир йўл курилиши билан бир вақтда вужудга келди. Дастлабки телеграф алоқа йўллари Тошкент – Хўжанд – Ўратепа – Ховос – Жиззах; Тошкент – Чимкент; Бухоро – Карки – Калиф йўналишида курилди. Чоржўй – Самарқанд – Тошкент темир йўли бўйлаб телеграф курилиши давом эттирилди. 1876 йил март ойида Тошкентни Хўжанд билан боғлаган бир симли телеграф алоқа йўли ишга туширилди. 1885 йил 1 январдан Тошкент почта идораси мижозлардан телеграммалар қабул қилишни бошлади. 1913 йилда Ўзбекистонда 3 телеграф бўлими ва 2 телеграф идораси ишлади. 1932 йил Тошкентда Марказий телеграф ишлай бошлади. 1978 йил Тошкентда бевосита уланиш ва ахборотларни узатишга хизмат қиладиган катта қувватли абонент телеграф-коммутация станцияси фойдаланишга топширилди. 1992 йилда Тошкент Марказий телеграфи тезкор замонавий аппаратлар билан жиҳозланди; ҳар суткада алоқа каналлари орқали 200 мингдан зиёд хабар ўтади, хориждан газеталар тасвирини фототелеграф орқали қабул қилади. Унинг қошида сўзлашув пункти ва маълумотларни узатиш тармоқларидан жамоа тарзида фойдаланиш пункти бор. Республикадаги корхоналар ҳужжатли ахборотларни узатишда абонент телеграф тармоғидан кенг фойдаланадилар.

Телефон алоқаси. Ўзбекистонда умумий фойдаланиладиган 200 рақамли дастлабки телефон станцияси Тошкентда 1904 йил 15 сентябрда ишга туширилган. Телефон тармоғи бир симли бўлиб, ер иккинчи ўтказгич вазифасини бажарган. 1924 йилга келиб телефон станцияларининг сиғими 1700 рақам (номер)ни ташкил этди.

Ўзбекистонда умумий фойдаланиладиган телефон тармоқларида 1,5 млн.дан кўпроқ телефон рақами (номери) бор. Шаҳар хонадонларининг 50% (Тошкент шаҳрида 70 %) уй телефонларига эга. Қишлоқ жойларида мавжуд 310 мингдан кўпроқ телефоннинг 226 минги хонадонларга ўрнатилган.

Республикада телефон тармоғининг 87 % ини координат ва механик системали станциялар ташкил этади (республика бўйича

1200 та шундай станциялар ишлади, 1995). Квазиэлектрон ва электрон АТСлар 12 минг номерга эга. Маҳаллий тармоқларнинг 6%, шаҳарлараро телефонларнинг 13% рақамли АТСлар билан жиҳозланган. Тошкент шаҳри, Тошкент, Фарғона, Бухоро, Қашқадарё вилоятларидаги шаҳар абонентлари шаҳарлараро ва халқаро телефон тармоқларига автоматик уланиш тизимига тўлиқ уланган. 1994 йилдан Республикадаги барча шаҳарлар, телефон тармоқларини автоматлаштирилган тизимга ўтказиш ишлари давом эттирилди.

Электр алоқа корхоналари «Маҳаллийтелеком» компаниясига уюшган. Ўзбекистон алоқа тармоғи жаҳон андозалари даражасига кўтарилмоқда. 1992–95 йилларда Ўзбекистоннинг Туркия, АҚШ, Япония, Германия, Италия, Буюк Британия, Корея Республикаси, Индонезия, Хитойдаги етакчи фирмалар билан электр алоқа тармоқларини ривожлантиришдаги ҳамкорлиги яхши самара берди. Хорижий фирмалар билан ҳамкорликда ташкил этилган 10 дан ортиқ қўшма корхона ишламоқда. 1992 йил Ўзбекистон ва АҚШнинг «Интернейшнл Коммуникейшн группи» («Ай Си Жи») фирмаси билан ташкил этилган «Ўздунробита» қўшма корхонаси Тошкент, шунингдек Самарқанд, Урганч, Қарши, Андижон, Бухоро шаҳарларида халқаро ва шаҳар, шаҳарлараро телефон станциялари билан боғланиш имкониятига эга бўлган уяли телефон (радиотелефон) алоқаси станцияларини ишга туширди. 1997 йилдан Ўзбекистон-Малайзия қўшма корхонаси «ЎзМаком», Ўзбекистон – Индонезия қўшма корхонаси «Бустел» ва бошқалар шаҳарларда ва шаҳарлараро уяли телефон алоқасини ривожлантиришда фаолият кўрсатмоқда. Корея Республикасининг «ДЭУ телеком», Германиянинг «Сименс», «Алкатель сел РФТ», Японияниг «Мицуи» фирмаси, «НЭК» корпорацияси замонавий алоқа жиҳозлари етказиб беради, электрон рақамли АТСлар асосида республика шаҳарларида халқаро ҳамда шаҳарлараро телефон станцияларини такомиллаштиради ва қуради.

Ўзбекистон мустақилликни қўлга киритишига қадар республиканинг жаҳон мамлакатлари билан чекланган даражадаги телефон алоқаси Москва орқали амалга оширилган. Мустақилликнинг дастлабки давридаёқ халқаро телефон алоқасини ривожлантиришга алоҳида эътибор берилди. 1992 йили Тошкентда Япониянинг «НЭК» фирмаси етказиб берган асбоб-ускуналардан абонентларнинг жаҳон телефон тармоғига чиқишини ҳамда икки

томонлама халқаро телекўрсатувларни таъминлайдиган 150 каналли рақамли халқаро космик (фазовий) телефон станцияси қурилди ва фойдаланишга топширилди. 1997 йилда Хитой (Шанхай) билан Германия (Франкфурт-Майн)ни боғлайдиган шиша кабелли Трансосиё – Европа алоқа магистралининг Ўзбекистон ҳудуди орқали ўтадиган қисми (926 км) қурилиши тамомланди. Кейинчалик Туркиянинг «Неташ», «Телеташ», «Симко» фирмалари 30 каналли яна бир халқаро космик телефон станциясини Тошкентда қурди.

Бу станцияларнинг ишга туширилиши билан халқаро телефон сўзлашувларининг 80 %ини сунъий алоқа йўлдошлари орқали бевосита хорижий мамлакатларга узатиш ва улардан қабул қилишга эришилди.

Италиянинг "СТЕТ Интернейшнл" ва Германиянинг "Сименс АГ" компаниялари иштирокида тузилган "Удиней" қўшма корхонаси шаҳарлараро ва халқаро телефон алоқасини ривожлантириш, қайта қуриш ва ундан фойдаланиш билан шуғулланади. Шаҳардаги телефон эгалари Ер куррасидаги барча мамлакатлар билан автоматик боғланиш имкониятига эга.

Радио ва телевизион алоқа. Тошкентда тажриба радиоэшиттиришлар дастлаб 1926 йил ўтказилган. 1975 йили Тошкентда радиоэшиттириш ва овоз ёзиш уйида стереофоник радиоэшиттиришларни амалга оширишга имкон берадиган аппаратлар ўрнатилди. Ўзбекистонда радиолаштириш ишлари 1928 йилдан бошланган. Шаҳар, туман ва қишлоқларда қурилган радиоузеллар хонадонлар, корхоналар, муассасаларни радиолаштириш ишига хизмат қилди. 90-йиллар бошида республиканинг 12,5 млн.дан ортиқ аҳолиси радиолаштириш хизмати билан таъминланди.

Республика радио маркази суткасига 12 дастур бўйича 1700 соат эшиттиришлар олиб боришни таъминлаш қувватига эга.

1956 йилда Тошкентда (баландлиги 180 м ли) телевизион минораси қурилиб, Тошкент телевидение студияси ишга туширилди ва мунтазам кўрсатувлар бошланди. Кўрсатувларни Тошкент шаҳри ва унинг атрофидаги туманларда кўриш мумкин бўлди. Икки йилдан кейин телекўрсатувлар Андижон, Фарғона, Самарқанд шаҳарларида қабул қилинди. Кейинчалик Нукус (1961), Урганч (1964)да телемарказлар қурилди. 1966 йилга келиб ретрансляция станциялари ва радиореле алоқа йўллари (Тошкент – Андижон, 1960; Тошкент – Самарқанд, 1966)

ёрдамида кўпгина вилоятлар аҳолиси республика телевидениесининг 1- дастурини, Тошкент, Фарғона водийси ва Самарқанд аҳолиси икки дастурини ҳам қабул қилиш имкониятига эга бўлди. 1965 йилдан Ўзбекистондаги телетомошабинлар Москвадан олиб бериладиган кўрсатувларни оқ-қора, кейинчалик рангли тасвирда кўра бошладилар. 1974 йил Ўзбекистонда 18 та катта қувватли, 37 кичик қувватли телевидение узатгичлари ишлади, республика аҳолисининг 94,7% биринчи, 87% иккинчи, 36% учинчи телевидение дастурларини кўришга эришди. 1977 йил Республика телевизион техника маркази ишга туширилди. Бу марказ бир йўла 5 дастурда кўрсатувлар олиб боришга мўлжалланган. Марказда 3 студия, аппаратхоналар, телекинопроекционхона, видеоёзув аппаратхоналари, кинопроекцион заллар, кўчма телевизион воситалар базаси ва бошқа ёрдамчи хизматлар мавжуд. Телемарказ радиореле йўллари орқали Ўзбекистон Республикаси вилоятлари марказлари, шунингдек Қорақалпоғистон Республикаси билан боғланган. Кабель магистраллари, радио ва сунъий йўлдош йўллари ёрдамида кўп мамлакатлар шаҳарлари билан телевизион дастурлар алмашинади.

Телекўрсатувлар кўламининг кенгайиши муносабати билан кучли радио-телевизион узатиш станцияси қуришга эҳтиёж туғилди. Шу мақсадда 1978–85 йилларда Тошкент шаҳридаги Бўзсув каналининг ўнг соҳилида баландлиги 375 м бўлган иккинчи телеминора – ҳозирги радио-телевизион узатиш маркази қуриб ишга туширилди. Бу телеминора баландлиги бўйича жаҳонда Москвадаги Останкино, Торонто (Канада), Токио (Япония) телевизионораларидан кейин 4- ўринда, Марказий Осиёда 1- ўринда туради. Телевизионанинг 100 м ва 220 м баландлигида махсус бинолар жойлашган. Булардан энг юқорисида 5 дастурли кўрсатувларга мўлжалланган телевизион станция, ультра қисқа тўлқинли 4 дастурли эшиттиришларга мўлжалланган радиостанция, метеорологик станция ва бошқалар, 100 м баландликда эса «Коинот» ресторани, кузатув майдончаси ўрин олган. Радио-телевизион узатиш маркази Тошкент телевидениеси кўрсатувларини тахминан 100 км радиусда бевосита кўрсатилишини таъминлайди. Вилоятларга ва бошқа жойларга бу кўрсатувлар махсус ретрансляция станциялари орқали узатилади.

Ўзбекистонда Тошкент телестудиясидан ташқари Нукус, Урганч, Термиз, Наманган, Андижон, Самарқанд, Қўқон, Фарғона,

Бухорода вилоят телестудиялари ишлайди. Бундан ташкари 30 маҳаллий ва тижорат студиялари фаолият кўрсатади. Россия, Қозоғистон, Туркия теледастурларини мунтазам олиб кўрсатиш, Ҳиндистон, АҚШ ахборот дастурларини қабул қилиш йўлга қўйилган.

Республикада жаҳон мамлакатлари билан телекўрсатувларни бевосита алмашиш учун техник имкониятлар яратилган. 1994 йилдан Ўзбекистон – АҚШ қўшма корхонаси «Камалак ТВ – Пайжинг» шаҳарларда кабель телевидениеси тармоқларини ташкил этмоқда. 1993 йилдан Ўзбекистоннинг 98,% аҳолиси теледастурларни ишончли қабул қилади, жумладан аҳолининг 98,5% – бир, 98,3% – икки, 67,7% – уч, 17,8% – тўрт ва ундан ортиқ дастурни томоша кила олади.

Матбуот тарқатиш. Республикада алоқа органлари матбуот нашрларини тарқатиш ва етказиб бериш ишларини ҳам бажаради. Вақтли матбуотни тарқатишнинг асосий шакли обуна бўлиб, 1991 йилга қадар газета ва журналлар тиражининг 85% обуна йўли билан тарқатилган. Ўзбекистонда Алоқа вазирлиги тизимида обуна бўйича ва чакана савдо йўли билан вақтли матбуот нашрлари (маҳаллий ва чет эл газета, журнал, ҳафталиклари)ни тарқатиш маориф ва умуман маданиятни ривожлантиришда тарихан катта аҳамиятга эга бўлди. 1994 йил собиқ «Союзпечать» республика *бошқармаси ўрнида очиқ типдаги акциядорлик жамияти бўлган* «Матбуот тарқатиш уюшмаси» иш бошлади. Унинг 12 вилоят, Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳридаги корхоналари фаолият кўрсатади. Уюшма чакана савдо тармоқларига ҳам эга. Улар вақтли матбуот нашрлари билан бирга китоблар, таквимлар, почта маркалари, нишонлар ва бошқа нарсаларни ҳам сотади.

Республикада 2010 йилгача алоқа тизимини илғор технологиялар ва ечимлар базасида халқаро алоқа тизимларига аста-секин қўшилишини таъминлайдиган дастур ишлаб чиқилган.

VII БОБ

ҚУРИЛИШ

- Қурилиш ва унинг халқ хўжалигида тутган ўрни ва аҳамияти
- Қурилиш индустрияси
- Капитал қурилиш ва капитал сарфлар
- Қурилиш тизими
- Уй-жой қурилиши

Қурилиш – республикадаги моддий ишлаб чиқаришнинг энг муҳим тармоқларидан бири. Республика иқтисодиётида ялпи ижтимоий маҳсулот таркибида солиштирма ҳиссасига кўра саноат ва қишлоқ хўжалигидан кейин 3- ўринда туради. Ялпи ички маҳсулотнинг 7,8%, халқ хўжалигида банд бўлган ишчи ва хизматчиларнинг 10,34% қурилиш ҳиссасига тўғри келади (1995).

Қурилиш халқ хўжалигининг барча тармоқларига хизмат кўрсатиб, асосий фондларнинг қайта такрор ишлаб чиқариш учун шароитларни таъминлайди, халқ хўжалигининг мақбул таркибини барпо этиш, ишлаб чиқарувчи кучларни мақсадга мувофиқ жойлаштириш, республиканинг янги табиий бойликларини ўзлаштириш, бўш меҳнат ресурсларини ижтимоий ишлаб чиқаришга жалб этишга ёрдам беради.

Республикада қурилиш ишлари пудрат, субпудрат ва қисман хўжалик усулларида олиб борилади.

Қурилиш индустрияси. Унинг негизини давлат, акциядорлик, ширкат, хусусий, қўшма ва бошқа пудрат қурилиш-монтаж ташкилотлари, шунингдек ўз моддий-техника ва ишлаб чиқариш базасига, малакали ишчи ва мутахассис кадрларга эга бўлган корхоналар, транспорт ва бошқа ёрдамчи хўжаликлар ташкил этади. Ўзбекистонда 245 қурилиш-монтаж трестлари, 196 қурилиш саноати корхоналари, 1882 қуйи пудрат ташкилотлари, 3 мингга яқин кичик корхоналар, 64 лойиҳа ва илмий ҳамда қурилиш соҳасига мослаштирилган илмий тадқиқот институтлари фаолият кўрсатади. Қурилиш-монтаж ишларининг деярли барчасини ихтисослаштирилган қурилиш ташкилотлари амалга оширади.

Республиканинг қурилиш ташкилотлари ихтисослаштирилган корпорация, компания, бирлашма, трестлар ва бошқармаларга уюшган. Қурилиш моддий-техника базасининг муҳим таркибий қисмини қурилиш материаллари саноати ташкил этади.

Республикада қурилиш материалларини ишлаб чиқариш, уларнинг тур хилини кўпайтириш йилдан-йилга ортиб бормоқда. 80- йиллар бошидан маҳаллий хом ашё ресурсларидан бетон учун сунъий енгил тўлдирувчилар (керамзит, аглопорит), иссиқлик изоляцияси материаллари (минерал пахта, шиша толалар, пенополистрол) ишлаб чиқариш йўлга қўйилган. Қурилишда полимер материаллар, пластмасса маҳсулотлари, полистрол тахтачалар, линолеум, полиэтилен қувурлар, синтетик смолалар асосидаги лак ва бўёқлар тобора кўпроқ қўлланилмоқда.

Қурилиш индустриясида йиғма темир-бетон конструкциялари ва деталларидан кўпроқ фойдаланилмоқда. Бино ва иншоотларнинг йирик қисмларини, уй пойдеворлари, девор панеллари, зинапоялар ва бошқаларни завод усулида тайёрлайдиган янги тармоқлар пайдо бўлди. Қурилиш тобора бино ва иншоотларни монтаж қилиш жараёнига айланиб бормоқда. Биноларнинг зилзилабардошлиги таъминланган. Қишлоқ жойларида лойиҳалаш–қурилиш тамойиллари ўзгарди. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш бўйича саноат комплекслари ўрнига кичик фермалар қурилмоқда. Иморатларни тиклашда енгил конструкциялар кўпроқ қўлланилмоқда, хўжаликлар кўрғонларини қуришда уй-жойлар билан бир пайтда маданий-маиший муассасалар, ишлаб чиқариш бинолари комплекс фойдаланишга топширилади. Қурилишда жами жараёнларни қамраб олган қишлоқ қурилиш комбинатлари барпо этилган.

Капитал қурилиш ва капитал сарфлар. Ўзбекистонда қудратли иқтисодий салоҳиятни барпо этишдаги муваффақиятлар бевосита қурилиш билан боғлиқ. 1924–95 йилларда 5,5 минг км темир йўл, 1500 дан ортиқ йирик давлат саноат корхонаси, 40 га яқин магистрал канал, 54 йирик сув ва сел омбори қурилди, 2 млн. га дан ортиқ суғориладиган ерлар ўзлаштирилди, 29 млн. га яйловга сув чиқарилди.

1995 йилда жами манбалардан ўзлаштирилган капитал маблағлар 82,2 млрд. сўмни ташкил этди, жумладан унинг 47,0 млрд. сўмини қурилиш-монтаж ишлари ташкил этди. Капитал маблағлар таркибида давлат ҳиссаси 57% га тушди. Уй-жой

қурилиши кенг миқёсларда олиб борилди ва молиялашнинг жами манбаларидан фойдаланилди.

Республика мустақилликка эришганидан кейин капитал қурилиши янги дастур асосида давом эттирилди. Республика иқтисодиёти учун муҳим бўлган автомобиль, олтин қазиб олиш, нефть ва бошқа саноат тармоқларида янги корхоналарни қуриш бошланди. Барча вилоятларда саноат корхоналари, уй-жойлар, маданий-маиший бинолар, бозор ва савдо расталари, ҳаммом, чойхона, касалхона, маҳалла марказлари, масжидлар қурилди, ўнлаб меъморий комплекслар, тарихий ёдгорликлар, мадрасалар, масжидлар таъмирланди. Тошкентда «Туркистон» саройи, «Наврўз» ресторани, Амир Темур, Мирзо Улуғбек ҳайкаллари ва хиёбонлари, Алишер Навоий номидаги Миллий боғ, Андижонда Бобур боғи ва музейи, Фарғонада «Рамзий дарвоза» барпо этилди, Самарқанд вилоятининг Ургут шаҳрида кенг кўламда қурилиш ишлари олиб борилди. 1991–93 йилларда 300 минг кВт қувватли иссиқлик электр станциялари турбиналари, 900 км юқори қувватли электр узатиш линиялари, 150 млн. шартли банка мева-сабзавот консервалари ишлаб чиқарадиган қувватлар ишга туширилди, 41,5 минг га суғориладиган ерлар ўзлаштирилди.

1995 йилда капитал маблағларнинг 66,8% ишлаб чиқариш, 33,2% ноишлаб чиқариш объектлари йўналишида сарфланди. Қурилиш соҳасида халқаро ҳамкорлик яхши самара бермоқда. Хорижий фирмалар билан ҳамкорликда Тошкент, Самарқанд, Бухоро шаҳарларида халқаро классдаги меҳмонхоналар қурилиши ва таъмирлаш ишлари бошланди. Республика тарихида биринчи марта капитал қурилиши соҳасида чет эл инвестициялари жалб этилди. Капитал маблағлар таркибидаги хорижий инвестициялар ҳиссаси 16% ни ташкил этди.

Бозор иқтисодиётига ўтиш даврида қурилиш ишлари самарадорлигини янада ошириш мақсадида айрим қурилиш вазирликлари тугатилиб, мулкчиликнинг турли шаклларига ўтказилган ихтисослашган давлат концернлари, компаниялар, давлат-акциядорлик бирлашмалари, уюшмалар ташкил этилди. Уларнинг энг йириклари: «Ўзсаноатхўжаликқурилиш» корпорацияси, «Ўзмонтажмахсусқурилиш» уюшмаси, «Ўздеҳқончиликқурилиш», «Ўзжамоахўжаликқурилиш» давлат-ширкат бирлашмалари, «Тошкентуй-жойинвестқурилиш» корпорацияси ва бошқалар. Сув хўжалиги ва мелиоратив ишларни

«Ўзсувқурилиш» давлат концерни олиб боради. «Ўзтрансқурилиш», «Ўзавтойўл» концерни, Энергетика ва электрлаштириш вазирлиги ҳам қурилиш ишларини бажаради.

«Ўзсаноатхўжаликқурилиш» давлат корпорацияси республикада саноат қурилиши, уй-жой ва бошқа ижтимоий мақсадлардаги объектларни қуриш билан шуғулланади. Қурилиш ташкилотлари, қурилиш индустрияси корхоналари, транспорт, лойиҳа-конструкторлик ва бошқа ташкилотларни ихтиёрий асосларда бирлаштиради. 1992 йил 25 декабрда республика Қурилиш вазирлиги негизида ташкил қилинган. Давлат бошқаруви органи ҳуқуқи берилган хўжалик ташкилоти. Корпорация таркибида 8 уюшма, 147 акциядорлик жамияти, 7 давлат корхонаси, 6 қўшма корхона, 3 илмий тадқиқот ва лойиҳа-конструкторлик институти ва бошқалар бор. Унинг ишлаб чиқариш бўлинмалари 10 уйсозлик, 19 автотранспорт акциядор корхоналар, 28 саноат корхонаси, 90 умумий қурилиш муассасалари ва бошқа корхоналарни ўз ичига олади. Корпорацияда 50 мингдан ортиқ ишчи ва инженер-техник ходимлар ишлайди. Корпорация фақат 1990–95 йилларда ўнлаб саноат корхоналарида янги қувватлар, шунингдек 3800 ўринли касалхоналар, 75 минг ўринли мактаблар, 17,5 минг ўринли болалар боғчалари, 3,2 млн. м^2 уй-жой ва бошқалар қуриб фойдаланишга топширди. Корпорация қурувчилари 70- йиллардан йирик объектлардан Олмалиқ кон-металлургия комбинати қувватлари, Тошкент трактор заводи, Кумушкон (Тошкент вилояти) «Қуёш» мажмуаси, Тошкент «Зенит» заводи, Ангрен резина-техника буюмлари заводи, Тошкент иқтисодиёт университетининг янги биноси ва бошқаларни бунёд этдилар. Корпорация кейинги йилларда кимё, рангли металлургия, ип-газлама саноати корхоналари қурилишида фаол иштирок этмоқда. Корпорация қурувчилари Асака автомобиль заводи, Бухоро нефтни қайта ишлаш заводи, Учқўрғон – Наманган сув қувури, Ғазалкент ойна заводи ва бошқа объектлар қурилишини олиб борди.

«Ўзмонтажмахсусқурилиш» уюшмаси республика халқ хўжалигининг барча тармоқларида монтаж ва махсус қурилиш ишларини бажаради. Технологик жиҳозлар, электр таъминоти объектлари, автоматика, алоқа тизимлари, металл ва йиғма темир-бетон конструкциялари, иссиқлик изоляцияси жиҳозлари, лифт ва кўтаргичлар, саноат печлари ҳамда трубалари

ва бошқаларни монтаж қилади, қуради. 1992 йил 27 октябрда Ўзбекистон Монтаж ва махсус қурилиш ишлари вазирлиги (1965) ва бошқа ташкилотлар негизида ташкил этилган. Уюшма таркибида ихтисослаштирилган трест, «Ўзэлектромонтаж», «Ўзсантехгазмонтаж», «Ўзиссиқликмонтаж», «Ўзсаноатвентиляция», «Ўзпўлатконструкция», «Фарғонанефткимё-монтаж» трестлари, «Ўзбеклифтмонтаж» бошқармаси, Тошкент енгил металл конструкциялари, Тўйтепа металл конструкциялари, Тошкент санитария жиҳозлари заводлари, «Ўзмонтажлойиҳа» институти ва бошқалар бор.

Уюшма қурувчилари республиканинг саноат салоҳиятини янада юксалтириш йўлида Олмалиқ, Зарафшон, Муборак, Фарғона, Чирчиқ, Қаршида қурилаётган кон, кимё саноати корхоналари, Асака автомобиль заводи қурилишида фаол иштирок этмоқда. Кейинги йилларда хорижий мамлакатлар фирмалари билан турли корхоналар қурилишида ҳамкорлик йўлга қўйилди.

«Ўздеҳқончиликқурилиш» бирлашмаси қишлоқ жойларида ишлаб чиқариш ва ноишлаб чиқариш мақсадларидаги қурилиш ишларини олиб боради. 1985 йил Республика Қишлоқ қурилиши вазирлиги ва «Ўзжамоаҳўжаликқурилиш» бирлашмасининг айрим ташкилотлари негизида ташкил этилган. Бирлашма қишлоқ хўжалигининг моддий-техника базасини яратиш ва мустаҳкамлаш (йирик чорвачилик комплекслари, пахта тозалаш, ун, сут, консерва заводлари, дон омборлари, ёғ заводлари, гўшт комбинатлари, қандолат фабрикалари, инженерлик коммуникациялари ва мелиоратив иншоотлар), жамоат бинолари, мактаблар, йирик касалхоналар, савдо марказлари, клуб ва маданият саройлари, боғчалар, маиший хизмат кўрсатиш комбинатлари қурилишида катта ютуқларни қўлга киритди. Республика қишлоқларини ободонлаштириш, йўл, электр шохобчалари, газопроводлар қурилиши, қишлоқ меҳнаткашларининг буюртмалари бўйича уй-жойлар қуриб бериш ишларини ҳам бажаради. Бирлашма таркибида 23 бош пудратчи трестлар, 191 механизациялашган кўчма колонналар, 27 завод, 14 автобаза, «Ўздеҳқончиликқурилишлойиҳа» институти ва бошқа ташкилотларда 64 минг ходим (55 минг қурувчи, 9 минг саноат, лойиҳа, транспорт ходимлари) ишлайди. Бирлашманинг ўз корхоналарида темир-бетон панеллари, керамзит, ўтга чидамли гишт, бутловчи қисмлар, санитария, техника қурилмаларини ишлаб чиқариш йўлга қўйилган. Бирлашма

қурувчилари 1980–90 йилларда Андижон пойабзал фабрикаси, Бухоро қоракўлчилик заводи, Хўжаобод тикувчилик-трикотаж фабрикаси, Нукус консерва заводи, Шўрсув ғишт заводи, Тошкент шаҳридаги Ўқитувчилар уйи, ўнлаб сут-товар фермалари, парандачилик фабрикалари, чорвачилик комплекслари, пахта пунктлари, консерва маҳсулотлари тайёрловчи, майиз қуритувчи линияларни ишга туширдилар, мактаб, касалхона, пансионат, клуб ва бошқа маданият иншоотлари қуриб бердилар. Қишлоқ жойларида аҳолини иш билан таъминлаш мақсадида мўъжаз корхоналар, кичик цехлар ва бошқа ижтимоий аҳамиятга молик қурилишлар кенг кўламда олиб борилмоқда. Бирлашма 1994–95 йилларда Нукус ва Элликқалъа тўқимачилик комплекслари, Хўжаикон туз конида қадоқлаш цехи, Учқўрғон – Наманган сув қувури, Самарқанд, Қашқадарё, Андижон, Хоразм вилоятларида тўқимачилик комплекслари, Бухоро, Сирдарё, Навоий вилоятларида тикувчилик фабрикалари, Хоразм ва Тошкент вилоятларида қанд заводлари, Тошкент маккажўхори крахмали заводи, Андижон қандолатчилик фабрикаси, кўплаб мўъжаз заводларни, нонвойхоналарни барпо этишда иштирок этмоқда. Фуқароларнинг якка буюртмаларига кўра коттедж уйлар қуришни ўзлаштирди. 1994 йилда бундай уйлар жами қурилган уй-жойларнинг 2/3 қисмини ташкил этди. Бирлашмада МДҲ мамлакатлари, хорижий фирмалар билан иқтисодий ҳамкорлик йўлга қўйилган, 17 та қўшма корхона ташкил этилган.

«Ўзжамоаҳўжаликқурилиш» ширкат бирлашмаси қишлоқ туманларида, жамоа хўжаликларида уй-жой, жамоат ва маданий-маиший объектлар, ишлаб чиқариш корхоналари қурилиши бўйича бош пудратчи. 1991 йил май ойида ташкил этилган. Республика агросаноат мажмуини ривожлантиришга катта ҳисса қўшиб келмоқда. Бирлашма таркибида 15 вилоят умумий қурилиш трести, махсус қурилиш ва қурилиш таъминоти билан шуғулланадиган 3 бирлашма, лойиҳа институти, автобаза, трестлар таркибида 191 бошланғич қурилиш ташкилотлари, қурилиш материаллари ва темир-бетон конструкциялари ишлаб чиқарадиган 39 саноат корхоналари ишлайди. Бирлашмада 36 мингга яқин ишчи ва инженер техник ходимлар банд.

Бирлашма тарихи 1964 йилдан бошланади. Ўша йили апрель ойида вилоятлардаги колхозлараро қурилиш бошқармалари, кичик

цехлар, ғишт заводлари негизида «Ўзколхозқурилиш» бирлашмаси ташкил этилди. Унинг асосий вазифаси республика қишлоқ қурилишида ягона техника сиёсатини ўтказиш, хўжалик, уй-жой, маданий-маиший, коммунал ва бошқа мақсадлардаги объектларни қуришдан ва бошқалардан иборат эди.

Бирлашма таркибидаги корхоналар бир йилда 400 млн. дона ғишт, 530 минг $м^3$ йиғма темир-бетон конструкциялар, 33 минг т оҳак, 1,9 млн. $м^3$ норуда материаллари, 168,1 минг т енгил тўлдиргичлар ишлаб чиқариш қувватларига эга. Бирлашма қурувчилари қишлоқларда сув таъминоти, газлаштириш, ободончилик ишларини ҳам олиб боради.

«Тошкентуй-жойинвестқурилиш» молия-қурилиш корпорацияси Тошкент шаҳрида уй-жой, маданий-маиший ва саноат қурилишини олиб боради. 1994 йил декабрда Тошкент давлат-акциядорлик қурилиш корпорацияси (1963–1993 йилларда Тошкент шаҳар қурилиши бўйича Бош бошқарма) негизида ташкил этилган. Очиқ типдаги акциядорлик бирлашмаси, таркибида қурилиш, лойиҳа ташкилотлари, бинокорлик материаллари корхоналари, кредит-молия муассасалари, инвестиция-суғурта тузилмалари бор. Фақат қурилиш соҳасида 12 трест, 4 уйсозлик комбинати, махсус транспорт ишлаб чиқариш бирлашмаси, «Тошкентқурилиш», «Тошкентшаҳарлойиҳа» лойиҳа институтлари ва бошқа ташкилотлар ишлайди. Корпорацияда 28 мингдан кўпрок қурувчи ва инженер-техник ходимлар банд. Корпорациянинг ихтисослашган қурилиш-монтаж ташкилотлари Тошкент шаҳридан ташқари кўп йиллардан бери Россия вилоятларида, Новороссийск шаҳри, Краснодар ўлкаси, Қозоғистон, Туркманистонда уй-жой, мактаблар, маданий-маиший ва соғликни сақлаш муассасалари қуриш билан шуғулланади. 1963–1991 йилларда корпорация қурувчилари бир қанча саноат, маданий-маиший ва бошқа йирик биноларни (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси биноси, Халқлар Дўстлиги саройи, Кооператорлар уйи – ҳозирги Республика бошқарув ва давлат қурилиши академияси, Бош универсал магазин, «Зарафшон», «Наврўз» ресторанлари, «Ўзбекистон», «Чорсу», «Турон» меҳмонхоналари, Эскижўва, Олой, Бешёғоч бозорлари), шунингдек турар жой даҳалари (Чилонзор, Қорақамиш, Қўйлиқ, Юнусобод, Қорасув, Сергели ва бошқалар)ни бунёд этган. Корпорация бўлинмалари уй-жойлардан ташқари Тошкент шаҳрининг Юнусобод туманида спорт-

соғломлаштириш мажмуини, усти ёпиқ бозорлар, кичик нон заводлари, Биржа маркази, банклар биноларини қуриб битказди. 1995 йил корпорация Тошкентнинг Эски шаҳар қисмини қайта қуриш бўйича катта ҳажмдаги ишларни бажарди, 500 минг м^3 уй-жой майдонини фойдаланишга топширди. Корпорация аҳолининг ва хорижий сармоядорларнинг маблағларини жалб этиш йўли билан уй-жойлар ҳамда ижтимоий инфраструктура иншоотлари қурилиши ҳажмларини кўпайтириш мақсадларида қурилиш-молия корпорациясига айлантирилди. Республика Президентининг 1996 йил 31 январдаги «Тошкент шаҳридаги уй-жой қурилишини давлат томонидан қўллаб-қувватлашни кучайтириш тўғрисида» Фармонига кўра аҳолининг турар жой шароитларини яхшилаш мақсадларда Тошкент давлат-акциядорлик уй-жой жамғарма банки («Тошкентуйжойжамғармабанк») ташкил этилди ва банк уй-жой облигацияларини чиқарди.

VIII БОБ

МЕҲНАТ

- Меҳнат бўйича давлат сиёсати
- Меҳнат ресурслари
- Иш билан бандлик муаммолари
- Моддий ва маънавий рағбатлантириш
- Меҳнат бозори

Ўзбекистоннинг мустақилликка эришгандан кейинги тараққиёти, бозор муносабатларининг барқарор йўналишларда янада ривожланиши биринчи навбатда меҳнат муаммоларининг (меҳнат бозори, ишчи кучидан фойдаланиш ва аҳолини иш билан таъминлаш, аҳолини ижтимоий ҳимоялаш ва меҳнатга ҳақ тўлаш, меҳнат шароити ва нормативларини ишлаб чиқиш каби) муваффақиятли ҳал қилинишига боғлиқ.

Меҳнат бўйича ҳозирги давлат сиёсатининг асосини меҳнат ва аҳолини иш б-н таъминлашнинг қуйидаги йўналишлари ташкил этади: кўп укладли ва турли мулкчиликка асосланган бозор иқтисодиётини яратиш орқали меҳнат бозорини шакллантириш; давлат ва нодавлат тизимлари маблағлари ҳисобидан ишлаб чиқаришни таркибий жиҳатдан қайта тузиш дастурларини амалга ошириш ва шунга кўра меҳнат ресурсларини тақсимлаш; ишчи кучи таклифи ва унга бўлган талабни иқтисодий ва ҳуқуқий воситалар орқали тартибга солиш; ишсизларнинг ва меҳнат бозорида рақобатлаша олмайдиган аҳоли табақаларининг (касб-ҳунарсиз ёшлар, болали аёллар, ногиронлар ва бошқалар) ижтимоий ҳимоясини таъминлаш учун махсус тадбирлар кўриш; ишчи кучи сифатини ошириш (касбга ўқитиш, қайта ўқитиш ва малакасини ошириш тизимини такомиллаштириш), аҳолининг иқтисодий фаоллигини ривожлантириш, тадбиркорлик ва кичик бизнесни қўллаб-қувватлаш ва бошқалар.

1992 йил 13 январда «Аҳолининг иш билан таъминлаш тўғрисида»ги Қонун қабул қилинди (1998 йилда Олий Мажлиснинг XI-сессиясида унга айрим ўзгартиришлар киритилди). Унда бозор

муносабатлари шаклланиши даврида аҳолининг меҳнат ва иш билан таъминланишига бўлган ҳуқуқларини ва давлатнинг шу ҳуқуқларни таъминлаш ва амалга ошириш учун тегишли ҳуқуқий, иқтисодий ва ташкилий шарт-шароитларни яратиши белгилаб берилган.

1-жадвал

Ўзбекистонда меҳнат ресурслари, аҳоли бандлиги ва структураси
(минг киши)

	1990	1992	1993	1997
Меҳнат ресурслари, жами	9999,5	10412,5	10663,3	11826,0
шу жумладан: меҳнатга лаёқатли ёшдаги аҳоли	9766,2	10236,9	10462,6	11520,0

2-жадвал

Иқтисодий секторлар бўйича банд бўлган аҳоли сони
(минг киши)

	1990	1991	1992	1993	1997
Халқ хўжалиги бўйича жами	7940,8	8254,6	8271,4	8259,0	8680,0
Иқтисодиётнинг давлат сектори	5211,1	5326,3	5187,6	4845,5	2480,0
Иқтисодиётнинг нодавлат сектори	2729,7	2928,3	3083,8	3413,5	6200,0

Ўзбекистон Республикасида меҳнат муаммоларини замон даражасида ҳал этиш мақсадларида Республика Президентининг 1991 йил 5 майдаги Фармони билан М е ҳ н а т в а з и р л и г и ташкил этилди. Унинг бозор муносабатларига ўтиш давридаги вазифалари ва фаолияти ҳукуматнинг 1993 йил 11 мартда қабул қилинган махсус қарорида аниқ белгиланди.

Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат қонунлари кодекси 1993 йил 2 сентябрдаги ўзгартириш ва қўшимчалар билан 1993 йил 3 декабрдан кучга киритилди. 1995-йил 21 декабрда бўлиб ўтган Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 1- чақириқ 4-сессиясида Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодекси қабул қилинди ва 1996 йил 1 апрелдан амалга киритилди.

Меҳнат ресурслари Ўзбекистонда нотекис жойлашган. Ҳудуднинг иқтисодий йўналиши ва иш кучи билан таъминланишига қараб Ўзбекистон — Тошкент (саноати юксак даражада ривожланган ва меҳнат ресурсларининг салмоғи катта), Фарғона (қишлоқ хўжалиги саноатга нисбатан анча ривожланган ва аҳоли анча зич жойлашган), Жанубий-Ғарбий (асосан қишлоқ хўжалиги ривожланган, аҳоли юқоридаги минтақаларга нисбатан камроқ), Қуйи Амударё (қишлоқ хўжалиги ривожланган, аҳоли кам ва сийрак жойлашган) минтақаларига бўлинади. Ўзбекистонда табиий бойликлар (нефть, газ, олтин, мармар ва бошқа конлар)нинг топилиши ва ишга туширилиши муносабати билан бу минтақаларда кўплаб янги шаҳарлар, аҳоли пунктлари барпо этилди. Яроксиз ётган қўриқ ерлар ўзлаштирилиб, хўжаликлар ташкил этилди.

Аҳоли сонининг ўсиши билан бир қаторда унинг фойдали меҳнатга жалб қилиш имкониятлари кенгайди. Ўзбекистон аҳолиси 1995 йилда 1970 йилга нисбатан 1,9 мартага, меҳнат ресурслари эса шу даврда 2,0 марта ёки 5,5 млн.дан зиёд кишига кўпайди.

70- йилларнинг 2- ярмидан бошлаб меҳнат ресурсларининг ўсиш суръатлари бир оз секинлашди, 1990—95 йилларда ўртача йиллик ўсиш суръатлари 2% (80- йилларнинг 2- ярмида 2,8—3,0%) ни ташкил этди. Меҳнат ресурсларининг умумий миқдори 1995 йилда 11 млн. кишидан ортди. Уларнинг йиллик ўртача ўсиш суръати 210—220 минг кишидан иборат; таркибидаги иқтисодий фаол аҳоли миқдори 82%, иқтисодий фаол бўлмаган аҳоли — 18% (асосан уй бекалари, кўп болали оналар, ишга муҳтож бўлмаган фуқаролар) ташкил этди.

Республикада бозор муносабатларига ўтиш даврида аҳоли бандлиги соҳасида ҳам чуқур ўзгаришлар юз берди Давлат сектори билан бир қаторда нодавлат сектори ҳам вужудга келди. Ишга лаёқатли аҳоли нодавлат секторда ишлашга жалб этила бошлади. 1995 йилда иқтисодиётда банд бўлган жами аҳолининг 33,9% давлат корхона ва ташкилотларида, 66,1% нодавлат корхона ва

ташкилотларида, шу жумладан 2,7% хусусий секторда, 0,3% жамоат ташкилотлари ва жамғармаларда, 0,4% қўшма корхоналарда ишлади. Нодавлат секторнинг иқтисодиётдаги улуши кескин ошиб борди. У саноатнинг 44%, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг 97% ини ишлаб чиқарди. Республикадаги жами кичик корхоналарнинг 70% га яқини нодавлат секторга қарашли бўлиб, уларда 250 мингдан зиёд киши ишлади.

Саноат ва қурилишда ҳам кичик бизнес ривожланмоқда. Ҳозир унинг салмоғи жами кичик корхоналарнинг учдан бирини ташкил қилади, шундай корхоналарда иш билан банд меҳнат ресурсларининг деярли ярми (46,8%) саноат ва қурилишга тўғри келади.

Бозор муносабатларига ўтиш даврида иш билан банд меҳнат ресурсларининг тармоқ тузилиши ҳам такомиллашмоқда. Қишлоқ хўжалигида ҳам меҳнат фаолиятининг янги кўринишлари таркиб топмоқда. Ижтимоий тармоқларнинг, айниқса соғлиқни сақлаш ва ахборот таъминоти соҳаларининг салмоғи ортиб бормоқда.

Республикада халқ фаровонлигини ошириш ва аҳолининг меҳнат бозори рақобатига бардош бера олмайдиган табақаларини иш билан таъминлаш соҳаси сифатида шахсий ёрдамчи хўжаликлар ривожланишига ҳам катта эътибор берилмоқда. Иқтисодий ислоҳотлар амалга оширилаётган йилларда республика аҳолисининг фойдаланиши учун қўшимча равишда 550 минг га суғориладиган ер майдонлари ажратилди, натижада аҳолига шахсий томорқа сифатида ажратилган умумий ер майдони 700 минг га дан ошиб кетди. Мазкур майдонлардан етиштирилаётган маҳсулотлар 9 млн.дан зиёд кишини таъминламоқда. Айни пайтда аҳолининг даромадлари ўсиши билан бир қаторда қишлоқ хўжалигида меҳнат қилиш қобилиятига эга бўлган, бироқ иш билан банд бўлмаган қисми (аёллар ва ёшлар) меҳнатга жалб қилинди. Қишлоқ аҳолисини иш билан таъминлаш учун республикада бир қатор мақсадли махсус дастурлар ишлаб чиқилган. Уларга кўра қишлоқларда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларига қайта ишлов берадиган кичик корхоналар барпо этиш, тезкорлик билан ишлаб чиқаришни ва ижтимоий инфратузилмаларни ривожлантириш, хусусий бизнес, тадбиркорлик ва ўзини-ўзи иш билан таъминлашни қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш бўйича иш олиб борилмоқда.

Ишлаб чиқаришни ривожлантиришда аҳолининг меҳнати натижаларига қараб моддий рағбатлантириш асосий ўринни

эгаллайди. Аҳолининг асосий даромади иш ҳақи, ходимлар меҳнатига пул билан ҳақ тўлаш, ижтимоий истеъмол фондларидан бериладиган пул (пенсия, нафақа, стипендия, турли ёрдам пуллари ва бошқалар), молия тизими орқали тушумлар (заём ва лотереяларнинг ютуқлари) ва ҳоказолардан иборат. Ишчи-хизматчи, жамоа хўжалиги аъзоларининг меҳнатига қараб ишбай иш ҳақи ва вақтбай иш ҳақи тўлаш жорий қилинган. 1990—95 йилларда энг оз иш ҳақи бир неча марта оширилди.

1993 йил 1 январдан иш ҳақининг ставка ва маошлари янги тариф коэффициентлари асосида тўлана бошлади. Бундан мақсад меҳнатга ҳақ тўлаш тизимини тартибга солиш, турли касб ва тоифадаги ходимларнинг иш ҳақларида муайян объектив нисбат белгилаш кўзланган. 1994 йилда меҳнатга ҳақ тўлашнинг ягона тариф ставкаси 0 дан 28 гача бўлган разряд даражалари қабул қилинди. Бу даражалар ўртасидаги тариф коэффициентлари фарқи 1,00 дан 5,83 гачани ташкил қилган эди.

Республика Вазирлар Маҳкамасининг 1996 йил 18 мартдаги «Меҳнатга ҳақ тўлашнинг ягона тариф сеткасини такомиллаштириш тўғрисида»ги қарорига мувофиқ меҳнатга ҳақ тўлашнинг 0 дан 22 гача бўлган разряд (даража)лари қабул қилинди, унга кўра разрядлар ўртасидаги фарқ 2—2,5 баравар кўпайди. Бошланғич разрядниг 550 сўм миқдори ягона тариф сеткасига асос қилиб олинди. Қўшимча ҳақ ва устамаларнинг амалдаги тизими, шунингдек ходимлар иш ҳақига қўшиладиган район коэффициентлари сақлаб қолинди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Иш ҳақи, пенсиялар ва стипендияларнинг миқдорларини ошириш тўғрисида»ги Фармонига мувофиқ 1996 йил 1 апрелдан бошлаб иш ҳақи, барча турдаги пенсиялар, стипендиялар миқдорлари 1,4 баравар оширилди, иш ҳақининг энг оз миқдори ойига 400 сўм, фуқароларнинг соликка тортилмайдиган даромаднинг энг оз миқдори ойига 550 сўм қилиб белгиланди.

Аҳолининг ижтимоий муҳофазасини таъминлаш мақсадларида 1998 йил 1 июлдан Ўзбекистон Республикаси ҳудудида энг кам иш ҳақи ойига 1100 сўм, ягона тариф сеткаси бўйича бошланғич разряд ойига 1100 сўм миқдорида белгиланди.

Меҳнат ресурсларидан фойдаланишни яхшилашнинг йўлларидан бири иш кучи қўнимсизлигини камайтириш ҳисобланади. Ходимларнинг бир корхонадан,

хўжалик тармоғидан, иқтисодий райондан бошқасига бетартиб ўтиш жараёни иш кучининг қўнимсизлиги ҳисобланади. Сабабсиз ишга келмаслик ва меҳнат интизомини бузишлар туфайли ишдан бўшатиш қўнимсизликнинг асосий кўринишларидир, у меҳнат унумдорлигини оширишда, корхоналар фаолиятини яхшилашда анча қийинчиликлар туғдиради. Меҳнатни ва иш ҳақини яхши йўлга қўйиш, ишчилар малакасини ошириш, нормал турар жой шароитини яратиш туфайли иш кучининг қўнимсизлиги тугатилади. Қўнимсизликнинг асосий кўрсаткичи иш кучи қўнимсизлиги коэффициенти ҳисобланади. Бу кўрсаткич ишдан озод қилинганлар сонининг корхона ишчи ва хизматчиларининг ўртача рўйхатдаги сонига нисбати билан аниқланади.

Меҳнат вазирлиги ишдан озод қилинаётган ходимлар ва иш билан банд бўлмаган аҳолини касбга тайёрлаш, ўқитиш соҳасида ягона давлат сиёсатини олиб боришни, мазкур аҳолини касбга ўқитиш тизимини шакллантиришни, касбга ўқитишнинг зарурий ўқитиш ва меъёрий асосини яратишни, касбга йўллаш ва қайта тайёрлаш марказларининг фаолиятини мувофиқлаштириш ва умумий бошқаришни амалга оширади.

Ўзбекистон шароитида демографик вазиятнинг ўзига хослиги туфайли аҳолининг тез суръатлар билан ўсиши рўй бермоқда. Бу қишлоқ аҳолиси сонининг, ортиқча ишчи кучларининг ва яширин ишсизликнинг ўсишига олиб келмоқда. Республикада бандлик хизматини ташкил қилишга, ишсизликнинг олдини олишга катта эътибор берилмоқда. Республиканинг туман ва шаҳарларида 1991 йилдан бошлаб 210 дан зиёд (1995) меҳнат биржаларининг кенг тармоқли тизими ташкил этилди. Меҳнат биржалари ишсизларни рўйхатга олади, уларни касбга йўллайди ва ўқитади, ишсизлик бўйича нафақалар тўлайди, иш излаётган фуқароларни ҳақ тўланадиган вақтинча жамоат ишлари билан таъминлайди. Ҳукумат томонидан кўрилган тадбирлар натижасида ва турли манбалар ҳисобидан нодавлат секторида ҳар йили 200 мингга яқин иш ўринлари ташкил қилинмоқда.

1997 йилда меҳнат биржаларида 35,4 минг киши ишсизлик бўйича рўйхатга олинган. Республикада ишсизлик банд меҳнат ресурсларининг 0,3% ни ташкил этади. Иш истаб мурожаат қилган фуқароларнинг 2/3 қисмини қишлоқ аҳолиси ташкил этади.

Меҳнат бозори муносабатларини тартибга солиш ва такомиллаштириш қ а й т а ў қ и т и ш в а қ а с б г а т а й ё р л а ш х и з м а т и билан боғлиқ. Ишдан озод қилинаётган ходимлар ва иш билан банд бўлмаган аҳолини касбга тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш уларни ижтимоий ҳимоя қилишнинг асосий чораларидан бири. Ходимларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизими турли курс, факультет ва институтларни ўз ичига олади.

Ўзбекистон жаҳон миқёсида меҳнатни ташкил қилишга алоқадор жараёнларга қўшилмоқда. 1992 йил 13 июлда БМТнинг махсус муассасаси — Халқаро Меҳнат Ташкилотига аъзо бўлиб кирди.

Халқаро Меҳнат Ташкилоти ва Ўзбекистон ҳукумати ташаббуси билан 1993 йил июнда Тошкентда «Меҳнат бозори ва Ўзбекистон аҳолисини ижтимоий муҳофаза қилиш», 1994 йил апрелда «Ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётига ўтишда ўз-ўзини иш билан таъминлаш ва тадбиркорликни ривожлантириш» мавзуларида халқаро анжуманлар ўтказилди.

IX БОБ

ХИЗМАТ КЎРСАТИШ СОҲАСИ

- Коммунал хизмат кўрсатиш
- Уй-жой фонди
- Маиший хизмат тизими
- Маиший хизмат турлари
- Савдо тизими
- Савдонинг асосий шакллари
- Тайёрлов ва таъминот
- Биржалар

Коммунал хўжалик. Ўзбекистон Республикасининг кўп тармоқли коммунал хўжалиги таркибида уй-жой хўжалигига хизмат кўрсатиш ва уни асраш, сув таъминоти ва канализация, иссиқлик ва газ таъминоти, аҳоли яшайдиган жойларни тозалаш билан шуғулланувчи санитария-техника ташкилотлари, шаҳар йўловчилар ташиш электр транспорти (трамвай, троллейбус, метрополитен), электр, газ ва тақсимловчи тармоқлар, шаҳар хўжалигини ободонлаштириш, саноат, таъмирлаш-қурилиш, лойиҳалаш корхоналари, ташкилотлари ва бошқалар мавжуд.

Республикада коммунал хизмат кўрсатишни Коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги ва унинг тегишли вилоят, шаҳар, туман бўғинлари амалга оширади. Уларнинг фаолият доираси шаҳар ва шаҳарчалар, туман марказлари билан чегараланади. Айрим шаҳар ва шаҳарчаларда, қишлоқ жойларда коммунал хизмат кўрсатишни қишлоқ хўжалиги, йирик саноат корхоналари ва ташкилотлари ҳам амалга оширади.

Республика коммунал хўжалигида умумий қуввати бир кеча-кундузда 6,3 млн. м^3 ичимлик сувни олиш кучига эга бўлган иншоотлар, 16238 км узунликдаги сув ўтказгич шохобчалари ва сув ўтказгичлар, бир кеча-кундузда умумий қуввати 3,4 млн. м^3 чиқинди сувларни тозалаш кучига эга бўлган иншоотлар, 5114 км коллекторлар ва канализация шохобчалари, бир соатда 5560 Гкал иссиқлик бериш қувватига эга бўлган иситиш қозонхоналари,

3671 км иссиклик тармоғи, 16 газ тўлдирувчи станция ва 72 минг км дан ортиқ газ шохобчаларидан фойдаланилмокда. Йилига истеъмолчиларга 2,1 млрд. м³ ичимлик сув, 20,8 млн. Гкал иссиклик қуввати, 36,5 млрд. м³ дан зиёд табиий газ етказиб берилмокда.

Кейинги ўн йилликлар давомида Ўзбекистонда коммунал хўжалиги йирик соҳага айланди, саноат ишлаб чиқаришининг ривожи ва аҳолининг тез ўсишига боғлиқ ҳолда илдам суръатлар билан ривожланди. Қишлоқ жойларида аҳоли яшайдиган жойларни обод қилишда лойиҳалаш ишлари йўлга қўйилди, шаҳарчалар, кўплаб экспериментал агрошаҳарлар қурилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1993 йил 15 июлдаги «Ўзбекистон Республикасида коммунал хизмат кўрсатишни бошқаришни такомиллаштириш тўғрисида»ги Фармонига мувофиқ вилоятлар ва Тошкент шаҳрида ҳудудий коммунал хўжалиги ва ундан фойдаланиш бирлашмалари барпо этилди. 1996 йилнинг бошида республика Коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги тизимида 345 корхона ва иншоот хусусийлаштирилди, коммунал хизмат кўрсатиш корхоналари негизида 20 акциядорлик жамияти барпо этилди.

Республика уй-жой фонди. Республика уй-жой фонди жамоат, уй-қурилиш кооперативлари, давлат, фуқароларнинг шахсий мулки бўлган уй-жойларни ўз ичига олади. 20- асрнинг 20- йиллари бошларидан Ўзбекистонда давлат йўли билан уй-жой бинолари қурила бошлади. Шаҳар ва қишлоқларда замонавий европача андозадаги бинолар қад кўтарди. Кейинчалик аҳоли турар жойини яхшилаш учун жуда кўплаб маблағлар сарфланди. Республикада шахсий уй-жой қурилиши ҳиссаси катта. Жами уй-жой фонди 285,6 млн. м², унинг 121,8 млн. м² ёки 42,6% шаҳарларда жойлашган. Шаҳар уй-жой фонди марказлаштирилган сув таъминоти билан 71%, канализация билан 53,9%, марказлаштирилган иситиш билан 60,6%, газ билан 90,3% таъминланган, уй-жойларнинг 50,4% ваннахоналар билан жиҳозланган.

Ўзбекистон Республикасининг «Давлат уй-жой фондини хусусийлаштириш тўғрисида»ги Қонунига кўра республикада давлат уй-жой фондини хусусийлаштириш асосан тугалланди. Давлат уй-жой фондининг қарийб 98,8% фуқароларга хусусий мулк қилиб берилди. 1992—93 йилларда умумий майдони 57 млн.

м² бўлган 990,6 минг квартира арзон баҳоларда , шу жумладан 18,87 млн. м² бўлган 318,7 минг квартира бепул (маданият, маориф, соғликни сақлаш ходимларига) хусусий мулк қилиб берилди.

Шаҳар, шаҳарча ва туман марказларида аҳолини сув билан таъминлаш, шунингдек ичимлик сувининг сифатини яхшилаш мақсадида 1988—95 йилларда суткасига 381 минг м³ ичимлик суви етказиб берадиган водопровод шохобчалари қурилиб ишга туширилди (Самарқанд, Урганч, Нукус, Жиззах, Термиз ва бошқа шаҳарларда). 90- йилларда Туямўйин—Урганч, Туямўйин—Нукус, Учқўрғон–Наманган, Дамхўжа ва бошка сув қувурлари фойдаланишга топширилди. Республикада водопровод системасининг умумий қуввати бир кеча-кундузда 12,0 млн. м³, кўча водопроводлари якка тармоғи узунлиги 36231,5 км га етди. Аҳоли жон боши ҳисобига бир кеча-кундузда истеъмол қилинадиган сув шаҳарларда 536,3 л ва қишлоқларда 240,4 л ни ташкил этди.

Уй-жойларни ободонлаштиришда к а н а л и з а ц и я муҳим аҳамиятга эга. Ўзбекистонда археологик қазилмалар даврида айрим йирик шаҳарларда (Самарқанддаги Афросиёб қалъаси, Тошкентдаги Қоратош ҳаммоми харобасидан) сопол қувурли тазар (канализация) қолдиғи топилган. Аҳоли асосан кир ўралар, ҳаниклардан фойдаланган. 1993 йилда Ўзбекистондаги канализация билан таъминланган аҳоли пунктлари сони 235 га, канализация тармоғининг узунлиги 3501,9 км га етди. Канализация-тозалаш иншоотларининг бир кеча-кундуздаги қуввати эса 3,7 млн. м³ ни ташкил этди. 1995 йилда канализация-санитария иншоотлари орқали 1,19 млрд. м³ оқова сув ўтказилди.

Мустақиллик йилларида республика шаҳар ва айниқса қишлоқларини газлаштириш устивор давлат сиёсатига айланди. Республиканинг шаҳар, шаҳарча ва қишлоқларида узунлиги 65,2 минг км дан ортиқ якка тортилган газ шохобчалари мавжуд. Жумладан 23,9 минг км дан ортиқ ер ости газ қувури, 27,5 минг газ таксимлаш пункти (шундан 1573 таси кўчмас) ишлаб турибди. 3,38 млн. хонадон табиий газ билан таъминланган, бу умумий хонадонларнинг 66% ни ташкил этади, шу жумладан қишлоқларда 1985 минг хонадон газлаштирилган. Биноларни иситиш соҳасида 935 (соатига 5559 Гкал иссиқлик берадиган) газ билан ишлайдиган буғ қозонлари ва 3671 минг км узунликдаги иссиклик тармоғи ишлаб турипти.

Республика коммунал хўжалигининг яна бир муҳим тармоғи — шаҳар, шаҳарча ва туман марказлари санитария ҳолатини яхшилаш, қаттиқ ва суюқ чиқиндиларни ўз вактида йиғиш ва уларни чиқинди майдонларига олиб бориб зарарсизлантиришдир. Бу хизмат 113 шаҳар, 97 шаҳарчада йўлга қўйилган. Умумий майдони 930 гектар бўлган 173 чиқинди зарарсизлантириладиган майдонлар бор. Йилига 11 млн. $м^3$ қаттиқ ва 5 млн. $м^3$ суюқ чиқинди йиғилади ва улар 5 мингдан ортиқ машина ва механизмлар (кўча супурадиган, сув сепадиган, ахлат ташийдиган, канализация ва кир ўраларни тозалайдиган ва бошқалар) орқали чиқиндихоналарга ташилади. Йирик шаҳарлар — Тошкент, Андижон, Бухоро, Наманган, Учқўрғон, Фарғона ва бошқаларда махсус ихтисослаштирилган автобазалар бор. Коммунал хўжалик тармоғида уй-жойлар, ижтимоий, маданий-маиший иншоотлар, муҳандислик тизимларини капитал таъмирлаш корхоналари мавжуд. Тармоқдаги саноат корхоналари санитария-техника буюмлари, саноат газ жиҳозлари, ностандарт буюмлар, кичик механизация воситалари ва халқ истеъмоли молларини ишлаб чиқаради. Газ аппаратлари заводи —Тошкентдаги «Газавтоматика», Фарғонадаги «Газаппаратлар», Ангрендаги тажриба механика заводларининг маҳсулотлари МДҲ мамлакатларига ҳам чиқарилади.

Республика шаҳарларида коммунал хизмат доирасига кирадиган шаҳар электр транспортига оид маълумотлар «Транспорт» бўлимида берилган.

Маиший хизмат кўрсатиш. Аҳолига маиший хизмат кўрсатиш халқ хўжалигининг ўзига хос соҳаларидан бири. Ҳозир Ўзбекистон Республикасида аҳолига маиший хизмат кўрсатиш хизматининг ўз анъаналари ва тарихига эга бўлган тизими шаклланган. Маиший хизмат соҳасида 121,0 минг киши ёки республика халқ хўжалигида банд бўлган жами ишчи ва хизматчиларнинг 8% ишлайди.

Аҳолига маиший хизмат кўрсатиш корхоналари давлат, жамоа, кооператив, шахсий, акциядорлик каби турлича мулк шаклларига асосланган корхоналардан иборат. Тизим корхоналари аҳолига 800 дан ортиқ хизмат турини кўрсатади. Улар пойабзал, кийим-кечак, трикотаж буюмларини якка тартибда тикиш, тўкиш ва таъмирлаш, радиотелевизион аппаратуралар, рўзғорда ишлатиладиган асбоблар, металл буюмларни тузатиш ва ясаш, шахсий транспорт воситаларига техник хизмат кўрсатиш ва

таъмирлаш, мебелларни таъмирлаш, кийимларни кимёвий усулда тозалаш ва бўяш, кир ювиш, суратга олиш, ҳаммом, сартарошлик хизматлари, рўзғор буюмларини ижарага бериш, транспорт хизматлари, уй-жойлар қуриш ва таъмирлаш хизмати, боғ ва полизларда қишлоқ хўжалиги ишларини бажариш хизмати ва бошқа шунга ўхшаш ишларни бажаради.

1989 йилдан маиший хизмат кўрсатиш корхоналари хўжалик ҳисобига, ижара пудратига ўтказила бошлади. Корхоналарда ҳар йили аҳолига хизмат кўрсатишнинг 150 дан ортиқ тури ва усуллари жорий қилинди, барча хизмат турларининг сони қарийб 800 га етди. Лекин аҳолига маиший хизмат кўрсатиш аҳолининг ўсиб бораётган талабини етарлича қондира олмади. Республиканинг кўплаб қишлоқларида маиший хизмат кўрсатиш умуман йўлга қўйилмаган эди.

Аҳолига маиший хизмат кўрсатишни янада такомиллаштириш мақсадида 1992 йил апрелда аҳолига маиший хизмат кўрсатиш корхоналари ва ташкилотлари уюшмаси — «Ўзмаишийхизматуюшма» тузилди. Тизим тармоқларини бозор муносабатларига ўтказиш учун маиший хизмат корхоналарини давлат тасарруфидан чиқариш – уларни ижарага, аҳолига шахсий мулк қилиб бериш ҳамда акциядорлик корхоналари ва кооперативларни тузиш босқичма–босқич амалга оширилди. Айни вақтда мулкчиликнинг аралаш шаклларига асосланган корхоналар ҳам барпо этила бошлади.

1992–95 йилларда маиший хизматга қарашли жами 12 587 корхона хусусийлаштирилиб, 29 ижара корхонаси, 13 акциядорлик жамиятлари, 565 жамоа корхонаси, 527 шахсий корхона ташкил топди, 4 мингга яқин шахс эса якка тартибдаги меҳнат фаолияти билан шуғулланишга ўтди. 1994 – 95 йилларда шаҳар ва қишлокларнинг гузарларида 474 савдо–маиший мажмуалари ташкил этилди, маиший хизматнинг 218 хил янги шакл ва усуллари ишлаб чиқаришга жорий этилди.

1996 йил бошларига келиб «Ўзмаишийхизматуюшма»га қарашли барча давлат корхоналари хусусийлаштирилди ва улар турли мулкчилик шаклларидаги корхоналарга айлантирилди, айрим корхоналар зарурат тақозоси билан кўнгилли ассоциацияларга, концернларга бирлаштирилди. Корхоналарни давлат назоратидан чиқариш баъзан шошилинч амалга оширилгани туфайли республика вилоятларининг ярмида маиший хизмат уюшмалари таркаб кетди.

Маиший хизматга бўлган аҳоли талабини қондириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси 1995 йил 12 октябрда «Аҳолига маиший хизмат кўрсатиш корхоналари фаолиятини барқарорлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» қарор қабул қилди. Унга кўра тармоқнинг вилоят ва туман тузилмалари қайтадан тикланди. Барча вилоят марказларида, туманларда ва шаҳарларда маиший хизмат соҳасидаги кичик, хусусий ва ўрта бизнесни мувофиқлаштириш ва қўллаб-қувватлаш уюшмалари тузилди. Республика Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 17 сентябрдаги қарори билан аҳолига маиший хизмат кўрсатиш соҳасини бошқаришни марказлаштиришдан чиқаришни давом эттириш ва рақобат муҳитини мустаҳкамлаш, маиший хизмат корхоналари ва маҳаллий бошқарув органларининг хўжалик мустақиллигини ошириш мақсадларида «Ўзмаишийхизматуюшма» тугатилди. Аҳолига маиший хизмат кўрсатиш ишларини ҳудудий (вилоят) уюшмалари, маиший хизмат кўрсатувчи тадбиркорлар туман (шаҳар) уюшмалари бошқаради. Республикада аҳолига маиший хизмат кўрсатишни ривожлантиришнинг 1996–2000 йилларга мўлжалланган дастури ишлаб чиқилган.

1-жадвал

Турли мулк шаклларидаги корхоналарда аҳолига пуллик маиший хизмат кўрсатиш (1997)

	млн. сўм	1996 йилга нисбатан, марта	1997 йилда мулк шакллари ҳиссаси, %
Пуллик хизмат кўрсатиш	70314,2	2,1	100
шу жумладан			
давлат мулки шакли бўйича	40191,3	1,8	57,2
нодавлат мулки шакли бўйича	30122,9	2,7	42,8
шундан:			
хусусий	16583,0	3,0	23,6
жамоа	11247,4	2,2	16,0
қўшма корхоналар	1007,9	40,8	1,4
аралаш мулк корхоналари	1284,6	2,4	1,8
Аҳоли жон бошига пуллик хизмат кўрсатиш, сўм	2972,1	2,0	–

Ўзбекистонда аҳолига маиший хизмат кўрсатиш соҳасига чет эл инвестициясини жалб қилиш, янги ишчи ўринларини ташкил этиш мақсадида чет эл фирмалари билан қўшма корхоналар ташкил этилди. Ҳозирда Ўзбекистон – Туркия қўшма корхонаси «Шуҳрат» (эркаклар ички трикотаж кийимлари), Ўзбекистон – Афғонистон қўшма корхонаси «Имкон» (пойабзал ишлаб чиқариш), Корея Республикаси, Германия («Аг Велла» фирмаси), Туркия, Югославия («Элен» фирмаси), Италия («Кемоимпэкс» фирмаси), Франция («Л'Ореаль», «Легеран», «Пьер Карден», «Обреме», «Филлипс» фирмалари) билан алоқалар ўрнатилган.

Савдо. Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётини ривожлантириш, аҳолининг саноат, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларига бўлган эҳтиёжини қондиришда ички савдо муҳим ўринлардан бирини эгаллайди. Республика мустақилликка эришганидан кейин илгари собиқ Иттифоқнинг Марказий ҳукумати тасарруфида бўлган ташқи савдони Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлиги олиб боради. Аҳолига зарур барча саноат ва озиқ-овқат маҳсулотларини сотиш дўкон, супермаркет, умумий овқатланиш муассасалари ва бошқалар орқали амалга оширилади. Аҳолининг шахсий эҳтиёжига мўлжалланган барча моддий бойликларнинг 80% ички савдо орқали тақсимланади. Халқ хўжалигида банд бўлган барча ишчи ва хизматчиларнинг 11,1% савдо ва умумий овқатланиш соҳасида ишлайди. Давлат ва давлатга тегишли бўлмаган 43,4 минг чакана савдо корхоналари аҳолига хизмат кўрсатади.

Қадимдан Ўзбекистон ҳудудида савдо ҳамиша иқтисодий ҳаётнинг энг муҳим омилларидан бири бўлиб келган. Қадимги савдо йўли – Буюк ипак йўлида жойлашган Туркистон халқаро савдода муҳим ўрин эгаллаган. Бу йўл орқали Хитой ва Мўғулистондан Ҳиндистон, Эрон, Ғарбий Осиё, Кавказ ҳамда Шарқий Европага асосан ипак, тери, шунингдек зираворлар, олтин ва қимматбаҳо тошлар, заргарлик буюмлари олиб ўтилган. Ипак йўли бўйлаб, айниқса Туркистон ҳудудида маълум масофаларда работ, карвонсарой, бекат, сардоба ва қудуқлар қурилган. Ўша жойларда кейинчалик катта-кичик шаҳарлар вужудга келган. Йирик шаҳарлар – Бухоро, Самарқанд, Урганч, Тошкент, Қарши, Қўқон ва бошқаларда кўплаб карвонсаройлар бўлган. Карвонсарой ва бозорларда нарх-наво, савдо ҳақида сўнгги маълумотлар эшиттирилган. Кейинчалик карвон савдо алоқалари Волгабўйи,

Москва, Қозон шаҳарлари билан ҳам ўрнатилган.

Республикада 80- йилларнинг охирига қадар савдонинг асосий шакллари давлат, кооператив ва қишлоқ савдосидан иборат бўлди. Давлат савдоси улгуржи товар оборотининг асосий қисмини амалга оширди. Давлат савдоси орқали ички бозорда халқ истеъмол товарларининг кўпчилик қисми сотилди; у республика чакана товар оборотида муҳим ўринни эгаллади. Давлат савдоси асосан шаҳар аҳолисига ва саноат марказларига хизмат кўрсатди, шунингдек ўз ташкилотлари орқали колхоз ва совхозлардан картошка, сабзавот, полиз экинлари ва мевалар сотиб олди. Кооператив савдо «Ўзбекбирлашув» орқали амалга оширилди. Уюшма асосан қишлоқ аҳолисини халқ истеъмол моллари билан таъминлади, шунингдек қишлоқ аҳолиси ва жамоа хўжаликларидан қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини (тухум, жун, қоракўл териси, мўйна, тери хом ашёси, айрим хом ашёлар, картошка, сабзавот, полиз экинлари) харид қилди. Шаҳарларда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари савдосини ташкил этди, қишлоқ аҳолисини нон маҳсулотлари билан таъминлади. Қишлоқ савдоси деҳқон бозорларида давлат ва кооператив савдо билан бирга қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқарилган озиқ–овқат маҳсулотлари савдосини амалга оширди.

Аҳоли харид киладиган товарлар структурасида ноозиқ–овқат маҳсулотлар ҳиссаси кўпая борди. 1991 йилда давлат савдоси товар оборотининг умумий ҳажмида аҳолининг ноозиқ-овқат молларини харид қилиш харажатлари 60,6 % ни ташкил этди.

Ўзбекистон иқтисодиётининг бозор муносабатларига ўтиши даврида республикада савдо «Ўзбексавдо», «Ўзбекбирлашув», «Ўзтайёрловсавдо», республика товар–хом ашё, фонд биржалари, шунингдек саноат, транспорт концернлари ва компаниялари ҳузуридаги ишчилар таъминоти бўлимлари, Республика Соғлиқни сақлаш вазирлиги (дори ва атир–упа савдоси), Матбуот давлат қўмитаси (китоб савдоси) ва бошқа вазирликларнинг савдо ташкилотлари орқали амалга оширилмокда. Шунингдек хусусий савдога ҳам кенг йўл берилди.

2-жадвал

Давлат ва кооператив савдосининг товар оборотн умумий ҳажмида озиқ-овқат ва ноозиқ-овқат товарларининг нисбати

(умумий овқатланиш билан бирга),%

	1990	*1991*	*1992*	*1993*	*1997*
Озиқ-овқат маҳсулотлари	42,4	39,4	54,8	55,7	58,2
Ноозиқ-овқат маҳсулотлари	57,6	60,6	45,2	44,3	41,8

«Ўзбексавдо» акциядорлик компанияси. *90- йиллар бошида,* эркин савдо шароитида истеъмол товарлари ресурсларини фондлаштиришга зарурат қолмаган шароитларда Савдо вазирлигининг вазифалари тубдан ўзгарди. 1992 йил май ойида вазирлик «Ўзбексавдо» давлат–акциядорлик уюшмасига айлантирилди. 1992 йил июнда барча вилоят, шаҳар ва туман давлат савдо ташкилотлари ҳамда улгуржи савдо базалари негизида акциядорлик жамиятлари ва жамоа корхоналари, вилоят савдо–*ишлаб чиқариш концернлари, акциядорлик савдо бирлашмалари* ва савдо–воситачилик фирмалари ташкил этилди. 1996 йилда «Ўзбексавдо» тизимида 14 савдо ишлаб чиқариш концерни, 124 акциядорлик жамияти, 3500 жамоа ташкилоти, 1800 хусусий корхоналар ишлади. Улгуржи савдо билан 99 (вилоят) акциядорлик жамиятлари шуғулланди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1997 йил 19 декабрдаги «Савдо соҳасида монополиядан чиқаришни чуқурлаштириш тўғрисида» Фармонига кўра, 1998 йил 1 январдан бошлаб озиқ-овқат маҳсулотлари асосий гуруҳларини фонд йўли билан тақсимлаш тизими бекор қилинди. Ўзбекистон «Савдо» давлат-акциядорлик уюшмаси тугатилиб, «Ўзбексавдо» акциядорлик компанияси ва вилоятлар савдо-ишлаб чиқариш акциядорлик «Савдо» компаниялари ташкил қилинди. «Ўзбексавдо» компанияси таркибида Республика "Савдо тараққиёти" бирлашмаси, савдо-ишлаб чиқариш «Савдо нашриёти» бирлашмаси, «Наврўз» компанияси, «Гўшт-сут савдо» давлат-акциядорлик бирлашмаси бор.

«Ўзбекбирлашув» акциядорлик компанияси. Ўзбекистонда биринчи республика кооператив савдоси идораси – Ўзбекистон матлубот жамиятлари уюшмаси («Ўзбекбирлашув») 1925 йилда ташкил этилган. «Ўзбекбирлашув» 1994 йил 5 майдан Ўзбекистон матлубот кооперацияси акциядорлик ва матлубот жамиятлари Марказий уюшмаси номи билан фаолият кўрсата бошлади. Уюшма қишлоқда савдо, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини харид қилиш ва тайёрлаш, озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш билан шуғулланди. Акциядорлари сони 114 мингдан ортиб кетди

Республика Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 24 мартдаги «Қишлоқ савдосида мулкчилик муносабатларини, бошқарув тузилмасини такомиллаштириш ва монополиядан чиқариш чора-тадбирлари тўғрисида» қарори билан «Ўзбекбирлашув» акциядорлик компаниясига айлантирилди, вилоятларда «Матлуботсавдо» ҳудудий акциядорлик компаниялари ташкил этилди.

«Ўзбекбирлашув» 16 млн.дан ортиқ қишлоқ аҳолиси (республика аҳолисининг 70%)га савдо хизматини кўрсатади. Тизимдаги чакана савдо корхоналарининг ярмига якини кундалик эҳтиёж молларини сотиш учун мўлжалланган дўконлардан иборат. Шунингдек вилоят, туман марказларидан йирокда яшайдиган аҳоли ва чорвадорларга кўчма савдо уюштиради (465 автомагазин хизмат қилмокда, 1995). «Матлуботсавдо» акциядорлик компаниялари тизимида 429 гузар мажмуалари ҳамда 115 супермаркет, босма маҳсулотларини тарқатадиган 8 вилоят кооператив китоб савдо идоралари ва бошка махсус савдо базалари бор.

Тизим умумий овқатланиш корхоналарини гўшт ва гўшт маҳсулотлари билан таъминлайди.

«Ўзбекбирлашув» хорижий мамлакатлар (Австрия, Афғонистон, Бельгия, Вьетнам, Германия, Греция, Покистон, Сингапур, Швейцария, Япония ва бошқа) фирмалари билан контракт асосида савдо алоқаларини олиб боради. 10 қўшма корхона (улардан 4 чет эл фирмалари билан ҳамкорликда) фаолият кўрсатмокда.


«Матлуботсавдо» ҳудудий компаниялари таркибида 7,6 минг умумий овқатланиш муассасалари (ошхона, қаҳвахона, ресторанлар) мавжуд. Республикада ёпиладиган жами нонниг 60%, алкоголсиз ичимликларнинг 25% ва қандолат маҳсулотининг 15% кооператив шохобчаларда чиқарилади.

3-жадвал

Мулк шакллари бўйича чакана товар оборотн, 1997

	Амалдаги нархларда, млрд. сўм	1996 йилга нисбатан марта	Мулк шакллари хиссаси, %
Жами	497,9	2,1	100,0
Давлат мулки	23,2	1,8	4,7
Нодавлат мулки шу жумладан:	474,7	2,1	95,3
хусусий	330,8	2,1	66,4
жамоа	127,2	2,1	25,5
шундан: малубот кооперацияси	44,2	2,0	8,9
кўшма корхоналар	16,2	2,8	3,3
аралаш корхоналар	0,5	0,99	0,1

Мулк шакллари бўйича чакана товароборотн таркиби
(умумий овқатланиш билан)



Биржа савдоси. Бозор иқтисодиётининг ички тизимини шакллантиришда молия, инновация, ссуда, интеллектуал, ноу-хау,

ақлий меҳнат, уй-жой, санъат, гоялар бозори муҳим ўрин эгаллайди. Ўзбекистонда шундай бозорларни шакллантириш тадбирлари кўрилди. Иқтисодий ислоҳотларни тезроқ амалга ошириш, уни ривожлантириш ҳамда бозор инфратузилмасини яратиш бўйича саъй-ҳаракатлар натижасида Ўзбекистон Республикасида биржа савдоси шаклланди. Ўзбекистонда «Ўзулгуржибиржасавдо», Республика Кўчмас мулк биржаси, «Тошкент» фонд биржаси, Республика товар–хом ашё биржаси, Ўзагробиржа, ва бошқалар биржа савдосини амалга оширади.

«Ўзулгуржибиржасавдо» республикада товар ресурслари бозорини шакллантиришда зарур инфраструктурани яратиш мақсадида 1994 йил март ойида Ўзбекистон шартномалар ва савдо бўйича давлат-акциядорлик уюшмаси негизида ташкил этилди. Илгари халк хўжалиги таъминотига республика моддий–техника таъминоти идораси раҳбарлик қилган. Ўзбекистонда ўтказилаётган чуқур иқтисодий ислоҳотлар моддий–техника таъминоти тизимини ҳам тубдан ўзгартирди. «Ўзулгуржибиржасавдо» хўжалик механизми режавий моддий–техника таъминоти тизимидан эркин хўжалик алоқаларга ўтишни, давлат эҳтиёжлари учун маҳсулот етказиб беришни ишлаб чиқарувчилар билан шартномалар тузиш йўли орқали амалга оширишни таъминлайди. Моддий–техника таъминоти ва сотиш бозор усуллари бўйича олди–сотди, улгуржи савдо, ярмарка, биржа ва ким ошди савдолари йўли билан амалга оширилади.

Етказиб берувчилар ва истеъмолчилар ўртасида тўғридан–тўғри ўзаро манфаатли алоқалар моддий–техника таъминотининг етакчи шакли бўлиб колди. «Ўзулгуржибиржасавдо» уюшмаси республикада ишлаб чиқариш воситалари бозорини вужудга келтиришга, товар ресурсларининг олди–сотдисини уюштиришга, корхоналар, муассасалар ва тадбиркорларга хизмат кўрсатишни кенгайтириш ҳамда ривожлантиришга кўмаклашади.

Уюшма таркибида 13 республика акциядорлик улгуржи–воситачилик фирмаси, «Саноатанжомкартонсавдо» акциядорлик ишлаб чиқариш савдо бирлашмаси, республика вилоятлари ва Қорақалпоғистондаги 14 ҳудудий тижорат–воситачилик акциядорлик компаниялари, акциядорлик транспорт экспедиция агентлиги, акциядорлик товар–хом ашёси биржаси, «Трастбанк» акциядорлик биржа банки, доимий ишлайдиган ярмарка ва ким ошди бозорлари дирекцияси мавжуд. Шунингдек, уюшманинг бозор

инфраструктураси таркибида «Ўзтаъминотсистема» илмий ишлаб чиқариш бирлашмасининг бошқаришни автоматлаштириш илмий–ахборот бирлашмаси; 167 майда улгуржи дўкон, 10 техник воситалар ижараси пункти, 30 дан ортиқ тайёрлаш ва анжомларни таъмирлаш корхоналари, маҳсулот ишлаб чиқарувчи цех ва устахоналар, савдо уйлари ва МДҲ мамлакатларида ваколатхоналари бор. Уюшма юкори даражада механизациялаштирилган омбор хўжалиги шохобчаларига эга. Биржа ва ярмарка савдолари дастлаб 1994 йил апрелда ўтказилди, кейинчалик республика ярмаркаси доимий ишлаш тартибига ўтказилди. 1995 йилда товар обороти ҳажми 1 млрд.дан ортиқ АҚШ долларини ташкил этди.

Республика Кўчмас мулк биржаси 1994 йил мартда тузилган. Асосий вазифаси республикада хусусийлаштириш жараёнини мукаммаллаштириш ва кўчмас мулкларнинг доимий очиқ бозорини вужудга келтиришдир. Биржада аҳоли турар жой бинолари, меҳмонхона, ресторанлар, ер майдонлари, автотранспорт воситалари, ишлаб чиқариш корхоналари, қурилиши тугалланмаган иншоотлар, банкротга учраган корхоналар (кейинчалик чорва моллари, бинолар ва асбоб анжомлар) ким ошди, танлов савдолари орқали сотилади. Шунингдек давлатга қарашли бўлмаган корхоналар, акциядорлик жамиятлари, ҳуқуқий ва жисмоний шахслар, хорижий сармоядорларни биржа савдоларига жалб этади.

Кўчмас мулк биржаси, унинг вилоят бўлимлари ҳамда 87 дан ортиқ брокерлик идоралари олиб борган ишлари натижасида 1995 йилда жами 8485 кўчмас мулк объекти, шу жумладан 177 тугалланмаган қурилиш объектлари, 920 савдо, маиший хизмат объектлари, уй–жой ва бинолар, 4687 ер участкалари (уларнинг 2845 таси умрбод эгалик ва мерос қолдириш ҳуқуқи билан), 1691 автотранспорт воситалари, 121 ёнилғи қуйиш станциялари, 5 та кичик ва ўрта корхона, 4 та зарар кўриб ишлаётган корхона сотилди ва сотув ҳажми 9,04 млрд. сўмни ташкил этди.

«Тошкент» республика фонд биржаси эркин сотувга чиқарилган акциялар савдоси билан шуғулланувчи ёпиқ акциядорлик жамияти, 1994 йил апрелда «Тошкент» Республика универсал товар–фонд биржаси таркибидаги фонд бўлими асосида ташкил этилди.

Биржа қимматли қоғозларнинг бир маромда муомалада

бўлишини таъминлайди, уларнинг бозор баҳосини белгилайди ва уларга доир маълумотларни тарқатади.

Биржанинг 81 брокерлик идораси бўлиб, уларда жами 240 брокер (брокерлик ўрнини сотиб олган юридик ва жисмоний шахслар, шунингдек хорижийлар) ишлайди.

Республиканинг қимматли қоғозлар бозорини шакллантириш борасида Ҳукумат томонидан бир қанча тадбирлар кўрилди. Бундай бозор республикада илгаридан маълум бўлиб, 20–30– йилларда векселлар, депозитли сертификатлар, облигациялар муомалада бўлган. 1995 йилдан эса бундай қимматли қоғозлар «Тошкент» республика фонд биржаси орқали сотила бошлади. Ҳозирги вақтда векселлар накд пулсиз ҳисоб–китобларни амалга оширишнинг энг қулай воситаси сифатида корхона ва ташкилотларда кенг қўлланилмоқда.

Республика фонд бозорига Марказий банк томонидан векселлар билан бирга депозит ва жамғарма сертификатлари чиқарилди.

Қимматли қоғозлар бозорини кенгайтириш мақсадида фонд дўконлари тармоғи вужудга келтирилди. Уларнинг сони 55 га етди.

Қимматли қоғозларнинг биринчи савдоси 1994 йил апрелда бўлиб ўтган. 1995 йилда давлат корхоналари негизида очиқ турдаги 3747 акциядорлик жамиятлари ташкил топди ва рўйхатдан ўтди, улардан 3619 таси эмиссия проспектларини рўйхатдан ўтказди, 3322 таси миллий депозитарийда ҳисобга олинди ва акцияларини чиқарди. 1995 йилда «Тошкент» фонд биржасида сотилган акцияларнинг 67% агросаноат, 19% саноат, 6% ижтимоий, 5% қурилиш, транспорт, алоқа мажмуи ҳиссасига тўғри келади.

Бозор иқтисодиётининг муҳим қисмларидан бири бўлган қимматли қоғозларни сақлашнинг депозитарий тизими фонд биржалари, эмитент, инвестор ва брокерлик идоралари фаолиятини назорат қилувчи ташкилотларга хизмат қилади. Ўзбекистонда тузилган «Вақт» миллий депозитарийсининг ва унинг 12 ҳудудий филиаллари, 6 мустақил депозитарийларнинг асосий вазифаси қимматли қоғозларни сақлаш, уларнинг ҳаракатини ҳисоб–китоб қилиш ва рўйхатга олиш, эгалик ҳуқуқи бўйича хизмат кўрсатишдан иборат. Депозитарийдаги компьютерларда 4,8 минг акциядорлик жамиятларининг умумий номинал миқдори 4 млрд. сўмлик акциялари сақланади.

Шунингдек жаҳондаги кўпгина давлатларнинг қимматбаҳо

қоғозлар бозорлари тўғрисидаги зарур ахборотлар депозитарийнинг «Депо» электрон счетлари компьютерларида сақланади. Республикада депозитарийнинг 9 вилоят филиаллари ва 5 рўйхатга олиш пункти фаолият кўрсатмоқда.

1995 йилда «Тошкент» фонд биржаси Европа-Осиё фонд биржалари федерацияси аъзолигига қабул қилинди.

Республика товар–хом ашё биржаси 1994 йил апрелда очиқ ҳиссадорлик жамияти шаклида ташкил этилди. У саноат, қишлоқ хўжалиги, озиқ-овқат товарлари ва хом ашё маҳсулотларининг эркин улгуржи савдосини уюштиради. Биржа савдоларида брокерлар орқали харид қилинган маҳсулотлар республикадан ташқарига лицензиясиз ва божхона тўловисиз чиқарилади. Товар-хом ашё биржасининг бўлинмалари барча вилоятларда, Қорақалпоғистонда ташкил этилган.

Товар–хом ашё биржаси чет эл давлатлари (Англия, Польша, Туркия) ҳамда МДҲ мамлакатлари (Россия, Тожикистон, Туркманистон)нинг товар–хом ашё биржалари билан, Киев шаҳри, Беларусь универсал биржалари билан биржалараро алоқаларни йўлга қўйган.

Деҳқон бозорларида қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари, озиқ-овқатлар, саноат моллари, ҳунармандчилик маҳсулотлари билан савдо қилинади. Шунингдек тадбиркорлар, ишбилармонлар, турли фирма, концерн, компания вакиллари томонидан республиканинг турли вилоятларидан, МДҲ мамлакатлари, чет эллардан олиб келган турли товарлар сотилади.

Ўзбекистонда 80– йиллардан бозорлар деҳқон бозорлари деб атала бошлади. Республикада 169,1 минг савдо ўрнига эга бўлган 621 деҳқон бозори ва уларнинг филиаллари бўлиб, улардан 187 таси чорва моллари сотишга мўлжалланган.

90– йиллардан деҳқон бозорларини қайта қуриш ва таъмирлашга катта аҳамият берилмоқда. 1991–95 йилларда 146 деҳқон бозори, шу жумладан Тошкентдаги Эски Жўва, Олой, Сергели, Самарқанддаги Сиёб бозорлари, Ургут, Қўқон, Андижон, Фарғона шаҳарларидаги бозорлар кенгайтирилди, таъмирланди. Жиззах вилоятининг Ёйилма даштида Тошкент–Термиз ва Жиззах–Қўқон автомобиль йўллари кесишган жойда майдони 500 гектар бўлган «Осиё карвонсаройи» халқаро бозори қурилди.

Шунингдек қадимдан йирик шаҳарларда ёки шаҳар чеккаларида, вилоятлар чегараларида тунги бозорлар

(бозоришаблар) бўлиб, савдо асосан тунда олиб борилган (мас., Тошкентда Шайхонтоҳур даҳасининг Ўрдага яқин жойида, Қашқадарёда Чиали бозори ва бошқалар). 90– йиллар бошидан шундай бозорлар Тошкент (Отчопар бозори), Қўқон ва бошқаларда фаолият кўрсата бошлади.

Хусусий савдо. 90– йиллар бошидан Республикада хусусий савдо шакллана бошлади. Унинг ривожланишида республикада ўтказилаётган савдо корхоналари, умумий овқатланиш муассасалари, майда ҳунармандчилик устахоналари, қишлоқ хўжалиги корхоналарини хусусийлаштириш муҳим ўрин эгаллади. 1995 йилда чакана савдо товар оборoти (104,2 млрд. сўм) нинг 91% нодавлат савдоси (матлубот кооперацияси билан бирга) ҳиссасига тўғри келди, унинг таркибида хусусий савдо товар обороти 64,2 млрд. сўм бўлди.

X БОБ

ИЖТИМОИЙ ҲИМОЯ

- Бозор иқтисодиёти ва ижтимоий ҳимоя
- Ижтимоий ҳимоя шакллари
- Ижтимоий таъминот
- Ижтимоий суғурта жамғармаси
- Хайрия жамғармалари

Ўзбекистон Республикасида ижтимоий ҳимоя тизими мавжуд иқтисодий, ижтимоий вазиятдан келиб чиққан ҳолда аҳолининг моддий ва ижтимоий ҳимояга муҳтож бўлган қисмини ҳимоя қилишга қаратилган иқтисодий, ҳуқуқий, ижтимоий чора-тадбирлар мажмуини қамраб олган.

Ўзбекистонда аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш иқтисодий ислоҳотлар дастуридаги узлуксиз устивор йўналишлардан бирига, яъни ислоҳотларнинг ҳамма босқичларида устивор ҳисобланадиган вазифалар қаторига киради. Кучли ижтимоий сиёсат Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўлининг етакчи тамойилларидан биридир.

Ўзбекистонда ижтимоий ҳимояни амалга оширишнинг асосий манбаи давлат бюджети, ижтимоий суғурта жамғармаси, корхона ва жамоат ташкилотлари ажратаётган маблағларидан ташкил топади. Аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш масалаларини ҳал этишда барча хайрия жамғармаларининг («Наврўз», «Маҳалла», «Соғлом авлод учун», «Саломатлик ва меҳр-шафқат» ва ҳоказо) иштироки бор.

1995 йилда Республика давлат бюджети харажатларининг 29,3% ижтимоий–маданий тадбирларга, 21,8% аҳолини ижтимоий ҳимоя қилишга ажратилди.

Республикада ижтимоий ҳимоя асосан кам таъминланган оилалар учун турли нафақалар бериш, аҳолининг баъзи гуруҳлари учун имтиёзлар яратиш, давлат ҳисобидан ёлғиз қария ва ногиронларни боқиш ва шу каби воситалар асосида амалга оширилади. Ўзбекистонда булардан ташқари норасмий ижтимоий

ёрдам турлари ҳам мавжуд; уларга қариндошларнинг ўзаро ёрдами, миллий ва диний урф-одатлар асосида қилинадиган ёрдам, корхона ва идораларнинг вақти-вақти билан пенсионерларга ёрдам пули бериши киради. Бундай ёрдамлар фақат меҳнатга лаёқатсизларга эмас, балки кам таъминланган кўп болали оилаларга, бева–бечораларга ҳам берилади. Ўзбекистонда Республика аҳолисини 2010 йилгача бўлган даврга мўлжалланган ижтимоий ҳимоя тизимининг ягона концепцияси ишлаб чиқилган. Унда Республикада мавжуд бўлган ижтимоий ҳимоя ва ижтимоий ёрдам тизими – пенсия таъминоти, болаларга нафақа, ёлғиз кексаларга хизмат кўрсатиш, ногиронларни протез-ортопедия буюмлари, ҳаракат воситалари билан таъминлаш, шунингдек тиббий, меҳнат ва ижтимоий жиҳатдан тиклаш, тиббий хизмат, ишсизларни ишга жойлаштириш ва моддий ёрдам бериш, бир йўла (номунтазам) ёрдам йўналишларида амалга оширилиши белгиланган.

Республикада аҳолини ижтимоий ҳимоя қилишга оид бир неча қонунлар, ногиронларни реабилитация қилиш бўйича 1996–2000 йилларга мўлжалланган Давлат дастури қабул қилинди.

Ижтимоий таъминот. Бозор муносабатларига ўтиш ва ижтимоий-иқтисодий тизимни ислоҳ қилиш даврида аҳолини, айниқса ночор гуруҳларни аниқ манзилли ва мақсадли ижтимоий ҳимоя қилиш тизими барпо этилди.

Ижтимоий таъминот тизимида Қорақалпоғистон Республикаси Ижтимоий таъминот вазирлиги, 12 вилоят ва Тошкент шаҳри ижтимоий таъминот бошқармалари, 233 туман ва шаҳар ижтимоий таъминот бўлими, 34 қариялар ва ногиронларнинг интернат уйлари, Уруш ва меҳнат фахрийлари республика пансионати, «Олтиариқ» ва «Товоқсой» санаторийлари, «Ортопедия» илмий-тиббий-техникавий мажмуаси ва унинг вилоятлардаги устахоналари, ҳар бир туманда ижтимоий ҳимоя бўлинмалари фаолият кўрсатмоқда. «Ортопедия» заводи ва клиникаси Ўзбекистон Республикасидан ташқари қўшни Қозоғистон, Тожикистон ва Қирғизистон республикаларидан келган беморларга хизмат кўрсатмоқда. Аҳоли пенсия, нафақа, шунингдек санаторий, пансионатлар, дам олиш уйлари ва базалари, болалар лагерлари, профилакторийлар, парҳез таомлар, саёҳат йўлланмалари билан давлат томонидан таъминланади.

Мамлакат иқтисодиёти бозор муносабатлари тартибига ўта бошлагач, пенсия таъминотида ҳам ислоҳотлар ўтказилиши

бошланди. Қарилик пенсияси 25 йиллик меҳнат стажига эга бўлган 60 ёшлик эркакларга, 20 йиллик меҳнат стажига эга бўлган 55 ёшга кирган аёлларга берилади. *Ногиронлик пенсияси меҳнат* қилиш қобилиятини вақтинча ёки узоқ вақт йўқотган ишчи–хизматчилар ва бошқаларга тайинланади. Боқувчисини йўқотган оила аъзоларига бериладиган пенсия ишчи–хизматчи, пенсионерларнинг қарамоғида бўлган меҳнатга қобилиятсиз оила аъзоларига берилади. Ўзбекистон Республикасининг «Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида»ги Қонунида фуқароларга қарилик, боқувчисини йўқотганлик, шахсий ва ижтимоий пенсиялар тайинлаш кўзда тутилди ва пенсияларга бериладиган устамалар бир тизимга солинди. Республика олдида алоҳида хизмат кўрсатганларга, маданият, фан ва техника соҳасида хизмати катта бўлган шахсларнинг пенсияларига қонунчилик ва ҳукумат қарорлари билан қўшимчалар ва имтиёзлар бериш жорий қилинди. Мавжуд шахсий пенсиялар ва бундай пенсия олувчилар ва уларнинг оила аъзоларига бериладиган имтиёзлар (турар жой, коммунал хизмат ҳақлари ва электр энергияси ҳақининг 50% ни тўлаш ва бошқалар) сақланиб қолди.

Шунингдек, ижтимоий суғурта жамғармаси, ижтимоий пенсиялар, даромадлар индексацияси каби янги тузилмалар амал қила бошлади. Амалдаги ижтимоий *таъминот тизими пенсиялар, болалар учун нафақалар, ногиронлар* учун имтиёзлар. ёлғиз кексалар ва ногиронларни давлат ҳисобига боқиш, ёлғизларга хизмат кўрсатиш, ижтимоий ёрдам каби турларидан иборат.

Ижтимоий ёрдам кўрсатишда давлат тизими ва хизмат идоралари, жамоат бирлашмалари ва хайрия ташкилотлари иштирок этмоқда. Давлат тизими хизматини Ижтимоий таъминот вазирлиги ва унинг бўлинмалари, Пенсия жамғармаси, Молия вазирлиги ва уларнинг жойлардаги хизмат идоралари олиб боради.

1995 йили ижтимоий таъминот идоралари мавжуд 2590 минг пенсионерга 15878,4 млн. сўм, 9,5 млн. болага 681,6 млн. сўмлик нафақа тўлади.

Ижтимоий ёрдамнинг анчагина қисми айрим тоифадаги фуқароларга имтиёзлар бериш, уларни қабул қилинган умумий қоидаларнинг талаблари ва мажбуриятларидан тўлиқ ёки қисман озод қилишдан иборат. Ҳозирда 20 турдаги 106 хил имтиёздан 1 млн.дан зиёд киши фойдаланмоқда. Имтиёзлар биринчи навбатда

ногиронлар, уруш қатнашчилари, ҳалок бўлган ҳарбий хизматчиларнинг оила аъзолари, ўзгалар парваришига муҳтож ёлғиз фуқаролар, халқ хўжалиги, фан ва маданиятни ривожлантиришга алоҳида ҳисса қўшган, республика олдида алоҳида хизматлари бўлган фуқароларга берилмокда.

1-жадвал

Пенсионерлар сони ва таркиби (йил охирида, минг киши)

	1990	1991	1992	1993
Пенсионерлар, жами	2377	2499	2628	2729,3
жумладан:				
ёши бўйича	1538	1591	1677	1739,9
ногиронлик бўйича	259	275	298	339,8
боқувчисини йўқотганлик бўйича	422	428	437	443,2

Ҳозирги республикада 32,4 минг ёлғиз қариядан 26 мингги уйига келиб хизмат кўрсатишдан фойдаланмокда. Республика «Ортопедия» саноат бирлашмасининг маҳсулотлари (ясама аъзолар, турли протез, аёллар учун бандаж, корсет ва бошқа гигиеник белбоғ)лардан қарийб 100 минг ногирон фойдаланмокда.

Маҳаллий идоралар, корхоналар, жамоа ва давлат хўжаликлари ҳамда бошқа ташкилотлар томонидан фуқаролар пенсиясига қўшимча, муҳтожларга оталиқ ёрдамлари, ёлғиз кексалар учун бепул тушликлар уюштирилган.

Республика Президентининг «Кам таъминланган оилаларни ижтимоий ҳимоя қилишни кучайтиришга оид тадбирлар тўғрисида»ги Фармонига кўра вояга етмаган фарзандлари бўлган кўп болали оилалар, кам пенсия олаётганларнинг оилалари, ногиронларнинг оилалари, ишсизлар, боқувчисини йўқотганларнинг оилалари, ёлғиз пенсионерлар ва кам даромад олаётган муҳтож оилаларга моддий ёрдам берилмокда. Бундай ёрдам беришни белгилаш ва тўлаш ўзини–ўзи бошқариш органлари (маҳаллалар) зиммасига юклатилган. 1995 йилда 500 мингга якин эҳтиёжманд оилаларга маҳалла қўмиталари орқали жами 6 млрд. сўм миқдорида ёрдам берилди.

Кам даромад олувчиларнинг даромадларини индексациялаб бориш ҳам амалга оширилмокда. Нархлар даражасининг ошиши

билан барча аҳоли тоифаларнинг номинал даромадлари ҳам (иш ҳақи, стипендия, пенсия ва бошқа) мунтазам равишда ошириб борилмоқда. 1996 йил 1 апрелдан 16 ёшгача болалари бўлган оилаларга ойлик нафақалар миқдори оширилди. 1998 йил 1 июлдан кексалик пенсияси ойига 2100 сўм миқдорида белгиланди.

Ижтимоий суғурта жамғармаси. 1993 йил 4 августда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузурида ташкил этилган.

Жамғарма зиммасига фуқароларнинг давлат томонидан белгиланган ижтимоий суғурта ҳуқуқларини тўла ҳажмда рўёбга чиқариш, ижтимоий суғурта бўйича пенсия ва нафақаларнинг кафолатли ва ўз вақтида тўланишини таъминловчи шарт-шароитлар яратиш ва бошқа муҳим вазифалар юклатилган.

Бу вазифалар давлат ижтимоий суғуртасига мўлжалланган маблағларни йиғиш ва жамлаш, пенсиялар, вақтинча меҳнатга қобилиятсизлик, ҳомиладорлик ва туғиш бўйича, фарзанд туғилганда, шунингдек фуқароларни дафн этиш учун бериладиган нафақаларни тўлаш ва давлат ижтимоий суғуртасининг бошқа мақсадлардаги харажатларини маблағ билан таъминлаш ва бошқа йўллар орқали бажарилди.

Жамғарма асосан корхона, ташкилот, бирлашма ва кооперативлар (қайси идорага тегишлилиги ва мулкчилик шаклларидан қатъий назар)нинг иш ҳаки фондидан белгиланган фоиз бўйича тўлайдиган бадаллари ҳамда зарур ҳолларда давлат бюджетидан тўлатиладиган маблағлар; якка меҳнат фаолияти билан шуғулланаётган шахслар, шунингдек хусусий, ижарадаги ёки шахсий деҳқон хўжалигининг суғурта бадаллари, фуқароларнинг мажбурий суғурта бадаллари; Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг, хорижий фуқароларнинг, корхона ва жамоа ташкилотларининг даромадларидан бериладиган ихтиёрий бадаллари, шунингдек бошқа тўловлар ҳисобига жамланади.

Давлат ижтимоий суғуртаси бадаллари тарифи (миқдори) Республика қонунларида белгиланган. 1995 йил 1 январдан барча корхона, ташкилот ва бирлашмалар учун бадаллар тарифи меҳнат ҳақи фондининг 36% қилиб белгиланди, ёлланма шартномалар билан ишлайдиган фуқароларнинг иш ҳақидан 1% бадал олинади; айрим меҳнаткашлар тоифаси учун имтиёзли тариф белгиланган.

Ижтимоий суғурта жамғармаси бюджетининг даромад қисми 1995 йилда 19,1 млрд. сўмни, шу жумладан, корхона, ташкилот, муассасаларнинг ва шахсий тадбиркорлик билан шуғулланувчи

шахсларнинг меҳнат ҳақи жамғармаларидан тушган суғурта бадаллари 16,2 млрд. сўмни, фуқароларнинг иш ҳақи ҳисобидан тушган тўловлар 564 млн. сўмни, пеня ва жарималар 143 млн. сўмни, республика бюджетидан ажратилган маблағ 1,6 млрд. сўмни ва бошқа манбалардан тушумлар 212 млн. сўмни ташкил этди.

Ижтимоий суғурта жамғармаси бюджетининг харажат қисми 18,9 млрд. сўм миқдорида шаклланди. Харажатлар умумий ҳажмининг 87,5%, яъни 16,6 млрд. сўми барча турдаги пенсиялар тўлови учун сарфланди, шу жумладан, ёшга доир пенсиялар 9,1 млрд. сўм, ногиронлик пенсиялари 4,6 млрд. сўм, боқувчисини йўқотганлик учун 1,7 млрд. сўм ва ҳарбий хизматчиларга тўланган пенсия миқдори 340 млн. сўмни ташкил этди.

Ижтимоий суғурта жамғармаси халқаро ижтимоий суғурта ва ижтимоий ҳимоя ташкилотлари билан кенг, ҳар томонлама алоқалар ўрнатган.

Хайрия жамғармалари Ўзбекистонда Республика Конституцияси ҳамда амалдаги қонунларга риоя қилган ҳолда *ўзини ўзи бошқариш принциплари асосида иш кўради.*

Жамғармалар ўз сафига миллати, ирқи, дини ва фуқаролигидан қатъий назар аждодларимиз қолдирган бой маданий меросни халқлар дўстлиги учун, маданиятининг ривожи, умуминсоний қадриятлар тантанаси учун хизмат қилдириш ниятида бўлган барча *кишиларни, ташкилот, муассаса ва корхоналарни кўнгилли равишда* бирлаштиради. Давлат ва жамоат ташкилотлари, ижодий уюшмалари ва фуқароларнинг фаолияти ва эътиборини ёш авлод тарбиясига, етим-есир ва ногиронларни, кам даромадли оилаларни қўллаб-қувватлашга қаратади.

Республикада 1998 йилда 40 га яқин халқаро, республика хайрия жамғармалари, хорижий жамғармаларнинг Ўзбекистондаги бўлимлари фаолият олиб борди.

XI БОБ

МОЛИЯ ВА БАНК ТИЗИМИ

- Молия муносабатлари ва молия тизими
- Давлат бюджети
- Суғурта тизими
- Банк тизими
- Молия бозори
- Валюта биржаси

Мамлакатдаги молиявий муносабатлар ва уларга хизмат қилувчи махсус муассасалар республиканинг молия тизимини ташкил килади. Молия тизими корхоналар, тармоклар ва умумдавлат *молиясини ўз ичига олади. Давлат пул маблағларининг асосий* марказлашган фонди бўлмиш давлат бюджети молия тизимининг асосий бўғини бўлиб хизмат қилади. Унинг асосий вазифаси молиявий воситалар ёрдамида иқтисодиётни самарали ривожлантириш ва умумдавлат миқёсидаги ижтимоий вазифаларни ҳал қилиш учун шароит яратишдир.

Республика Марказий банки мамлакат пул-кредит тизимини марказлашган тартибда бошқаради ва давлатнинг ягона кредит сиёсатини амалга оширади. У барча банкларнинг фаолиятини ўзаро мувофиқлаштиради, жумладан улар ўртасидаги ҳисоб-китобларни ташкил этади, қимматли қоғозларни чиқаради, пул муомаласини тартибга солади, давлат бюджетининг касса ижросини назорат этади. Пул муомаласи – пулнинг муомала ва тўлов воситаси сифатидаги узлуксиз ҳаракати республиканинг пул тизими миқёсида амалга оширилади.

1991–96 йиллар давомида Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати, Молия вазирлиги ва Марказий банки мустақил республиканинг пул-кредит сиёсатини олиб бориш юзасидан улкан меъёрий-ҳуқуқий негиз тайёрлади. Республикамизда иқтисодий ислоҳотларнинг *иккинчи босқичида пул-кредит сиёсатининг асосий мақсади миллий* валютанинг харид қувватини ошириш, инфляцияни камайтиришга, ишлаб чиқаришни барқарорлаштириш учун замин тайёрлашга

қаратилган ҳаракатлар орқали иқтисодий танглиқни енгиб ўтиш, бозор иқтисодиётининг зарур шарт-шароитларини яратиш, жаҳон молия-кредит тизими билан алоқаларни узвий олиб боришни янада ривожлантиришга қаратилган. Амалга оширилаётган пул-кредит сиёсати натижасида республикада молиявий ва иқтисодий барқарорлик таъминланди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1994 йил 16 июлда эълон қилинган «Ўзбекистон Республикасининг миллий валютасини муомалага киритиш тўғрисида»ги Фармонига мувофиқ 1994 йил 1 июлдан бошлаб Ўзбекистон Республикасининг миллий валютаси – сўм муомалага киритилди. Сўм (1 сўм=100 тийин) Ўзбекистон Республикасининг валюта бирлиги ҳисобланади. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки муомалага қиймати 1, 3, 5, 10, 25, 50, 100 сўм, 1997 йил 1 мартидан 200 сўм бўлган банк қоғоз пуллари (банкнотлар) ва 1, 3, 5, 10, 20, 50 тийин, 1997 йил 1 августдан қиймати 1, 5, 10 сўмлик металл тангалар чиқарган.

Давлат бюджети. Республикада бюджет муносабатлари Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва республиканинг бошқа қонун ҳужжатлари билан тартибга солинади. Ўзбекистонда биринчи давлат бюджети 1924–25 йиллар учун тузилган.

Ўзбекистон Республикасининг ҳозирги бюджет тизими республика бюджети, Қорақалпоғистон Республикаси бюджети, шунингдек, вилоят, туман, шаҳар, шаҳарлардаги туманлар бюджетларини ўз ичига оладиган маҳаллий бюджетларнинг мажмуидан иборат. Ўзбекистон Республикаси бюджети Республика Олий Мажлиси томонидан, Қорақалпоғистон Республикаси бюджети республика Жўқорғи Кенгеси томонидан қонун тарзида тасдиқланади, маҳаллий бюджетлар халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари қарори билан тасдиқланади. Солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича бюджет даромадлари қисмининг ижросини назорат қилишни давлат солиқ органлари таъминлайдилар.

Бюджетни бажариш жараёнида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, ҳокимликлар ўзларига берилган ваколатлар доирасида республика ва тегишли маҳаллий бюджетларнинг даромадлар ва харажатлар қисмларига ўзгартиришлар киритишлари мумкин. Барча даражадаги бюджетларнинг мувозанатланган бўлиши бюджет-молия сиёсатининг зарур шарти ҳисобланади. Республикада ҳамма

даражадаги бюджетларнинг касса ижросини Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ўз муассасалари ва тижорат банклари орқали амалга оширади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 13 декабрдаги қарорига кўра 1995 йилдан республиканинг умумий (тўпланма) бюджетига амалдаги қонунларга мувофиқ ташкил этиладиган бюджетдан ташқари жамғармалар: ижтимоий суғурта жамғармаси, бандликка ёрдам жамғармаси, касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши жамғармаси, минерал-хом ашё ресурсларини такрор ишлаб чиқариш жамғармаси, йўл жамғармаси, Ўзбекистон Давлат жамғармаси, маҳаллий ўз-ўзини бошқариш органларининг махсус жамғармалари ҳам қўшилади.

1997 йилда Давлат бюджетининг даромадлари 294 млрд. сўм бўлиб, миллий даромаднинг 60 %ини ташкил этди. Бюджет харажатлари 318 млрд. сўм бўлди, бюджет тақчиллиги ялпи ички маҳсулот (ЯИМ)нинг 2,4% га тенг ва бу иқтисодиёт учун меъёр даражасидаги ҳолат ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси давлат бюджетининг даромадлари ва харажатларининг таркиби жадвалларда берилган.

1-жадвал

Давлат бюджети даромад қисмининг бажарилиши

	1996 йил		1997 йил	
	млрд. сўм	ЯИМга нисбатан %	млрд. сўм	ЯИМга нисбатан %
Даромадлар – ҳаммаси	192,6	34,5	294	29,8
шундан:				
юридик шахслар фойдасидан ундирилган солиқ	49,5	8,9	69,6	7
аҳолидан даромад солиғи	19,8	3,5	36,4	3,9
қўшимча қиймат солиғи	34	6,1	71,2	7,2
акцизлар	38,4	6,9	41,5	4,2

Давлат бюджети даромадларининг асосий тушуми фойдадан ундириладиган солиққа (23,7%), қўшимча қиймат солиғига (24,2%), аҳолидан ундириладиган даромад солиғига (13,1%) ва акциз солиғига (14,1%) тўғри келмоқда.

2-жадвал

Давлат бюджети харажат қисмининг таркиби

	1996 йил		1997 йил	
	млрд. сўм	ЯИМга нисбатан %	млрд. сўм	ЯИМга нисбатан %
Харажатлар – ҳаммаси	203,3	36,4	317,8	32,2
шундан:				
ижтимоий-маданий тадбирларга	70,1	12,5	122,7	12,4
халқ хўжалигига	35,3	6,3	46,2	4,7
марказлашган инвестицияларга	40,2	7,2	67,5	6,8
давлат бошқарувига	5,3	0,9	7,4	0,7

Давлат бюджети харажатлари таркибида халқ хўжалигини ривожлантириш, ижтимоий-маданий тадбирлар, давлат бошқаруви ва маъмурияти аппарати 211,9 млрд. сўм, яъни 66,7 фоизни (ялпи ички маҳсулотнинг 21,5%) ташкил этмоқда.

Суғурта тизими. Республикада бозор иқтисодиётига ўтиш даврида суғурта иши муҳим аҳамият касб этади. 1993 йил 6 майда Ўзбекистон Республикасининг «Суғурта тўғрисида» Қонуни қабул қилинди, суғурта ишини монополиядан чиқариш бўйича фаол ишлар бошланди. 1992 йилдан бошлаб Республикада суғурта компаниялари, фирмалари, акциядорлик жамиятлари, қўшма корхоналари таклиф этадиган суғурта хизмати бозори шаклланди ва ривожланмоқда. Бу бозорда ихтисослашган давлат-акциядорлик компаниялари етакчи мавқени эгаллайди.

Суғурта органларининг асосий вазифаси фуқароларнинг ҳаёти, соғлиғи, меҳнат қобилияти, фуқаролар ва юридик шахсларнинг мол-мулки, моддий бойликлари, жавобгарлик мажбуриятлари ва бошқаларни, мулкий ҳамда мулкка оид бўлмаган ҳуқуқлари ёки манфаатларини табиий офатлар, фавқулодда талафотлар, бахтсиз ҳодисалардан, турли хатарлардан суғурта ҳимоясини таъминлашдан иборат.

Ҳозир суғурта ташкилотлари аҳолига, корхоналар ва ташкилотларга 40 дан ортиқ турдаги суғурта хизмати кўрсатади.

Республикада суғуртанинг м а ж б у р и й ва и х т и ё р и й турлари бор. Республикада мажбурий суғурта билан фақат

давлат-акциядорлик суғурта ташкилотлари шуғулланади ва улар мажбурий суғуртанинг қишлоқ хўжалиги корхоналари мол-мулки; фуқароларнинг мол-мулки; йўловчилар; ҳарбий хизматчилар; солиқ хизмати хизматчилари; учувчилар таркиби; хавфли касблар; фуқаролик масъулияти суғуртаси турларини амалга оширади.

Энг йирик суғурта компаниялари:

– «Ў з а г р о с у ғ у р т а» давлат-акциядорлик суғурта компанияси 1997 йил 25 февралда собиқ Ўзбекистон давлат суғурта бош бошқармаси («Ўздавсуғурта») негизида ташкил этилган. Дастлабки Устав капитали 2 млрд. сўм. Компания деҳқончилик соҳасида товар ишлаб чиқарувчиларнинг мулки ва маҳсулоти суғурта йўли билан ҳимоя қилинишини, қишлоқ ва шаҳар аҳолисининг шахсий ҳамда мулкий манфаатларини суғурта йўли билан ҳимоя қилинишини ва бошқаларни таъминлайди. Унинг 13 вилоят дирекцияси ва барча қишлоқ туманларида 163 бўлими бор.

– «Ў з б е к и н в е с т» экспорт-импорт миллий суғурта компанияси 1997 йил февралидан ишлайди (1994 йил 21 январда «Ўзбекинвест» миллий суғурта компанияси номи билан ташкил топган). Дастлабки Устав капитали 60 млн. АҚШ доллари миқдорида белгиланган. Хорижий сармояларни турли қалтисликлардан суғурта ҳимоясини таъминлаш, республиканинг экспорт салоҳиятини суғурта кафолатлари билан мустаҳкамлаш, хорижий сармоядорларини турли қалтисликлардан ишончли ҳимоя қилиш, халқаро суғурта бозори билан ўзаро манфаатли ҳамкорликни йўлга қўйиш вазифаларини бажаради.

– «К а ф о л а т» давлат-акциядорлик суғурта компанияси 1997 йил 14 мартда ташкил этилган. Дастлабки Устав капитали 500 млн. сўм. Асосан шаҳарлардаги юридик ва жисмоний шахсларга мажбурий ва ихтиёрий суғурта хизмати кўрсатади. Булардан ташқари республикада «Банксуғурта», «Биржасавдосуғурта», «Мадад», шунингдек 80 дан ортиқ нодавлат суғурта компаниялари бор.

Банк тизими. 1991 йил 15 февралда Ўзбекистон Республикаси Олий Совети сессиясида республика ҳудудидаги банклар фаолиятининг ҳуқуқий асослари белгилаб берилган Ўзбекистон Республикасининг «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида»ги Қонуни қабул қилинди ва шу вақтдан бошлаб республиканинг ҳақиқий, мустақил банк тизими шаклана бошлади.

Ўзбекистон Республикаси банк тизимини шакллантириш ва ривожлантириш стратегияси иқтисодиётни хўжалик юритишнинг бозор шароитларига босқичма-босқич ўтказиш дастурига мос келади ва мазкур ислоҳотларни ўтказиш дастурининг бешта асосий тамойилларига асосланади. Ўтган даврда банк ислоҳотларининг ривожланишида қуйидаги муҳим ютуқлар қўлга киритилди: миллий банк тизимининг икки босқичли структураси (юқори босқичда – Марказий банк, қуйи босқичда – тижорат банклари) ҳуқуқий жиҳатдан мустаҳкамланди; тижорат банкларининг сони ва улар кўрсатадиган хизмат турлари кўпайди; банклар фаолиятини таъминлайдиган тизим (муассаса)лар яратилди.

1995–96 йилларда банк қонунчилиги янада такомиллашди. Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида» 1995 йил 21 декабрдаги Қонуни банк тизимининг ҳуқуқий асосларини тўлдирибгина қолмасдан, Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг алоҳида мақоми, мақсадлари, вазифалари ҳамда ваколатларини ҳам аниқ белгилаб берди. Ўзбекистон Республикасининг «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида» 1996 йил 25 апрелдаги Қонуни эса тижорат банклари фаолиятининг барча ҳуқуқий асосларини аниқ белгилаб берди.

Таркибида 13 вилоят ва Тошкент шаҳри бошқармалари бўлган Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Ўзбекистон Республикасининг бош банки ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикаси Марказий банки тўғрисида»ги Қонуни 3- моддасида «Марказий банкнинг бош мақсади миллий валютанинг барқарорлигини таъминлашдан иборат» дейилган. Ушбу қонунга мувофиқ юқорида белгиланган мақсадга эришиш йўлида Марказий банк қуйидаги асосий масалаларни ҳал этади: монетар сиёсатни ва валютани тартибга солиш сиёсатини шакллантириш, қабул қилиш ҳамда ўтказиш; Ўзбекистон Республикасида ҳисоб-китобнинг самарали тизимини ташкил этиш ва таъминлаш; банк фаолиятини тартибга солиш ва банклар устидан назоратни амалга ошириш; Ўзбекистон Республикасининг олтин-валюта захираларини ва келишув бўйича ҳукумат захираларини ҳам қамраб олган ҳолда сақлаш ва бошқариш; Молия вазирлиги билан биргаликда давлат бюджетининг касса ижросини ташкил этиш ва бошқалар.

Марказий банк тўлов тизимини такомиллаштириш борасида катта ишлар олиб боради. Шу мақсадда банкларaро ўтказмалар

ва ҳисоб-китобларни компьютерлаштириш, электрон тўловлар тизимининг дастурий таъминотини такомиллаштириш, янги тўлов воситалари (чеклар, тўлов топшириқномалари, аккредитивлар)ни жорий этишга доир тадбирлар амалга оширилди; битимларни бажаришда тижорат банклари чиқарган векселлардан кенг фойдаланила бошланди, бу амалга оширилмаган тўловлар муаммосини ҳал қилишга ёрдам берди. Компьютер тармоғининг яратилиши ҳисоб-китобларни анча тезлаштириш имконини берди. 1994 йилда электрон тўловлар тизимининг биринчи босқичини амалга киритиш тўловларнинг 4 кун ичида ўтказилишини таъминлади. 1995 йил электрон тўловлар (ЭТ) тизими иккинчи босқичининг амалга киритилиши тўловларнинг вилоят ичида – санокли соатларда ва вилоятлар ўртасида – бир кунда ўтказилишини таъминлади. 1996 йил охирида электрон тўловлар тизими учинчи босқичини амалга киритиш тўловларнинг бир неча минутда ўтказилишига имкон беради. 1996 йилнинг биринчи чорагида тижорат банклари вакиллик ҳисоб рақамларини Марказий банк ҳисоб-китоблар марказига ўтказиш тўлик тугалланди ва клиринг марказлари тугатилди, бу ҳудуд ичидаги банклар ўртасида операцияларнинг санокли соатларда ўтказилишига имкон беради.

Банк тизимининг қуйи босқичини пайчилик, акциядорлик асосида, шунингдек, чет эл капитали иштирокида ташкил этилган тижорат банклари, уларнинг филиал ва ваколатхоналари, кооператив ва хусусий банклар ташкил этади.

Банк соҳасини монополиядан чиқариш банк ислоҳотларининг энг муҳим йўналишларидан биридир. Дастлабки босқичда бу асосан иқтисодиётнинг айрим соҳаларига хизмат кўрсатувчи ихтисослаштирилган банкларни тузиш йўли билан амалга оширилди. *Ихтисослаштирилган банкларнинг ташкил этилиши* бозорга йўналтирилган банк тизимини яратиш йўлидаги зарурий ва табиий босқич бўлди.

1995–96 йилларда «Асака» ихтисослаштирилган давлат-акциядорлик-тижорат банки, «Алоқабанк» акциядорлик-тижорат банки, «Тошкентижтимоий уй-жойбанк» акциядорлик тижорат банки, «Саёҳатинвестбанк» Ўзбекистон акциядорлик-тижорат *инвестиция банки ва «Замин» ихтисослаштирилган давлат* акциядорлик ипотека банклари ташкил этилди. «Ўздеҳқонсаноатбанк» акциядорлик-тижорат банки «Пахтабанк» ихтисослаштирилган акциядорлик-тижорат банкига,

«Ўзжамғармабанк» «Халқ банки»га айлантирилди. Тижорат банклари халқ хўжалиги турли соҳалари, корхона ва ташкилотларини кредитлаш, молиялаш ва уларга ҳисоб-китоб хизмати кўрсатишни амалга оширади. Бу банклар тўла мустақилдир. Хусусий ресурслари етмай қолганда улар бошқа банклардан ёки Марказий банкдан кредит олишлари мумкин.

Ўзбекистоннинг барча минтақаларида 790 га яқин филиалларга эга бўлган 30 акциядорлик-тижорат, шунингдек хусусий капитал асосида ташкил этилган банклар фаолият кўрсатади. Улардан 4 таси чет эл капитали иштирокида, 3 таси хусусий, қолганлари акциядорлик банкларидир.

Республикада хусусий банклар ҳам пайдо бўлди. Уларнинг фаолияти учун ҳуқуқий базани ривожлантиришда Республика Президентининг 1997 йил 24 апрелдаги «Хусусий тижорат банкларини ташкил қилишни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» Фармони муҳим аҳамиятга эга бўлди. 1998 йилда «Умарбанк», «Олимбанк», «Алп Жамол», «Туркистон», «Истиқлол», «ХИФбанк», «Ўктамбанк» хусусий банклари ишлади.

1995 йил 24 октябрда Ўзбекистон тижорат банклари уюшмаси ташкил топди (унинг таркибига хусусий банклар ҳам кирган).

Республикада 1992 йилдан «Ўзаудитбанк» – банклараро акциядорлик жамияти шаклида ташкил этилган банк иш олиб боради. «Ўзаудитбанк» банклар, кредит муассасалари, суғурта компаниялари, ташкилот ва корхоналарнинг буюртмаси билан уларнинг молиявий-хўжалик фаолиятини текширади (тафтиш қилади), холисона хулосалар беради, экспертизалар ўтказади.

Чет эл банклари, уларнинг шўъба банклари ва филиалларини очиш Ўзбекистон молия тизимини ривожлантиришда жуда муҳим йўналиш ҳисобланади. Ҳозир Республикада Ўзбекистон – Голландия «Ўзприватбанк», Ўзбекистон – Туркия «ЎТбанк», Ўзбекистон-Корея «ЎзДЭУбанк» ва бошқа қўшма банклар фаолият кўрсатади. 11 та чет эл банки Тошкентда ўз ваколатхоналарини очган. Булар қаторида Ҳиндистон Давлат банки, Дойче Банк, Берлинер Банк, Мейбанк, Кредит Суисс (Швейцария), «Российский кредит» ва «Сакурабанк ЛТД» (Япония) банклари бор.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Халқаро валюта фонди ва Жаҳон банкининг доимий маслаҳатчилари хизматларидан фойдаланади.

1997 йилда Ўзбекистон Республикаси банклари мижозларга

109,7 млрд. сўмлик қисқа муддатли, 87,5 млрд. сўмлик узоқ муддатли кредитлар берди. Ўртача фоиз ставкаси қисқа муддатли кредитлар бўйича 36,5%, узоқ муддатли кредитлар бўйича 15% дан иборат бўлди.

Молия бозори. Ўзбекистонда миллий молия бозорининг шаклланиши иқтисодиётнинг бозор муносабатларига ўтиш зарурати билан белгиланади. Молиявий маблағларни тармоқлараро йўналтирувчи тижорат банклари ва бошқа молиявий воситаларни ўз ичига олувчи молия институтлари мажмуаси республика молия бозорини ташкил этади. Шу муносабат билан турли суғурта компаниялари, фонд биржалари ва бошқа молиявий воситачилар ташкил этилмоқда, тижорат банкларининг сони кўпаймоқда.

1995 йилда бозор иқтисодиёти муносабатларига ўтган мамлакатларда мавжуд бўлган банклар билан биргаликда давлат молия тизимининг муҳим таркибий қисми ҳисобланадиган ихтисослаштирилган кредит-молия институтларини тузиш иши жадал олиб борилди.

Бундай жараён объектив характерга эга бўлиб, ҳар хил типдаги молия институтлари ўртасида кредит соҳасини тақсимлаш заруратидан келиб чиқади. Шу тарика ихтисослаштирилган молия-кредит институтлари – «Бизнесфонд», «Мадад» суғурта компанияси, «Ўзбекинвест» экспорт-импорт миллий суғурта компанияси, хусусий суғурта ва инвестиция компаниялари дунёга келди. Бундай молия институтларини келгусида янада ривожлантириш мақсадида Ҳукумат ва Марказий банк Ўзбекистон банклар уюшмаси ва бошқа манфаатдор ташкилотлар билан биргаликда банклар фаолиятини, шунингдек, суғурта, траст ва лизинг компаниялари каби молия муассасалари фаолиятини аниқ чегаралаб қўйиш асосида банкдан ташқари молия институтлари фаолиятининг қонуний асосларини ишлаб чиқишни амалга оширмоқда.

1994–95 йилларда капитал маблағлар таркибида банк кредитлари улуши сезиларли даражада кўпайди. Марказлаштирилган кредитлар ҳажми қисқартирилаётган бир шароитда банкларапро кредит бозори ривожланиб бормоқда. 1996 йилнинг 28 мартидан бошлаб Марказий банк Ҳукумат агенти сифатида давлат қисқа муддатли облигацияларй кўринишидаги давлат қимматбаҳо қоғозларини жойлаштиришга киришди. 1996 йилнинг май ойи охирида давлат қимматбаҳо қоғозлари 3 марта чиқарилди ва Марказий банк томонидан жойлаштирилди.

Фонд бозорининг ҳуқуқий базаси шаклланиши, шунингдек, 1995 йилда хусусийлаштиришнинг иккинчи босқичи бошланиши тижорат банкларининг қимматбаҳо қоғозлар операциясига жалб этилиши учун қулай шарт-шароитлар яратди. Қимматбаҳо қоғозлар бозорини шакллантиришда Ўзбекистон Республикасининг 1993 йил 2 сентябрда қабул қилинган «Қимматбаҳо қоғозлар ва фонд биржаси тўғрисида»ги Қонуни асосий ҳужжат ҳисобланади. Хусусийлаштириш жараёнини фаоллаштиришда корхона ва тижорат банклари акцияларининг бирламчи бозори кенг ривожланди, ҳисоб-китоб ва тўлов воситаси сифатида ишлатилган векселлар бозори вужудга келди.

Ўзбекистон Республикаси валюта биржаси *(ЎзРВБ) пул* бозорининг таркибий қисмига айланди. 1992 йил 22 июнида ёпиқ тусдаги акциядорлик жамияти сифатида тузилган. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки, Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки, Ўзбекистон акциядорлик-инновация банки, Ўзбекистон «Ипак йўли» инновация банки ЎзРВБ муассислари бўлганлар.

Республика валюта биржаси фаолиятининг асосий вазифаси чет эл валютаси савдосини ташкил қилишдан иборат.

Ўзбекистон Республикаси сўмининг барқарорлашиб бориши натижасида ЎзРВБда 1994 йил 15 апрелдан мунтазам савдо ўтказилмоқда. 1995 йили сотилган эркин муомаладаги валюта ҳажми 1,5 млрд. АҚШ долларига етди, бу кўрсаткич 1994 йилга *нисбатан 11 марта кўп.*

Марказий банк томонидан чет эл валютасидаги операцияларни амалга ошириш учун бош лицензиянинг берилиши ваколатли банкларга чет эл банклари билан вакиллик муносабатларини ўрнатиш учун шарт-шароитлар яратди.

Ваколатли банклар нақд сўмларни эркин айирбошланадиган валютага алмаштириш учун айирбошлаш пунктларини ташкил этдилар. Сўмлар эркин айирбошланадиган валютага банклар томонидан талаб ва таклифга асосланган ҳолда белгиланадиган харид ва сотиш курслари бўйича алмаштирилади.

XII БОБ

ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ АЛОҚАЛАР

- Ташқи иқтисодий алоқалар стратегияси
- Ташқи савдо оборoти
- Экспорт ва импорт таркиби
- Ташқи иқтисодий ҳамкорлик
- Ташқи иқтисодий алоқаларни ривожлантириш истиқболлари

Ўзбекистон мустақилликни қўлга киритишига қадар мамлакатдаги ташқи иқтисодий фаолият собиқ СССРнинг тегишли вазирликлари ихтиёрида эди. Мустақиллик туфайли Ўзбекистон бир қанча хорижий мамлакатлар билан бевосита иқтисодий ҳамкорликни йўлга қўйишга киришди. Бу масала республика ривожининг устивор, давлат сиёсатининг муҳим йўналишларидан бири сифатида белгиланди.

Бу йўналишда дастлаб Ўзбекистон ССР Ташқи савдо ва хорижий алоқалар давлат комитети 1992 йил 12 февралда Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлигига айлантирилди.

Ташқи иқтисодий алоқаларни ривожлантириш ва тартибга солишда Республика Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 17 ноябрдаги «Ўзбекистон Республикаси ташқи иқтисодий фаолиятининг асосий йўналишлари ва янги стратегияси» қарорига мувофиқ Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлиги иши қайта ташкил этилди.

1998 йил март ойида 2000-йилгача бўлган даврда Ўзбекистон Республикасининг экспорт имкониятларини ривожлантириш Давлат дастури қабул қилинди. Мавжуд ресурслар ва ишлаб чиқариш имкониятларидан энг кўп даражада фойдаланиш ва уларни янда ривожлантириш асосида экспорт ҳажмлари барқарор ўсиши учун шарт-шароитларни таъминлаш ва унинг таркибини такомиллаштириш Дастурнинг асосий мақсади ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикасининг ташқи иқтисодий алоқалар соҳасидаги янги стратегияси қуйидагиларни ўз ичига олади:

экспорт-импорт операцияларини марказлаштирмаслик; давлат эҳтиёжлари учун зарур товарларнинг экспорти ва импорти устидан назоратни кучайтириш; давлат учун стратегик муҳим бўлмаган товарлар экспортини осонлаштириш; экспортнинг хом ашёвий йўналишини бартараф этиш, хорижий инвестициялар оқимининг кенгайишига кўмаклашиш.

Мустақил Республиканинг ташқи иқтисодий алоқалар соҳасидаги янги сиёсати жаҳондаги жуда кўп мамлакатлар билан ҳар томонлама алоқаларни кенгайтиришда ўз ифодасини топмоқда.


1997 йилда Ўзбекистоннинг ташқи савдо оборoти 8,9 млрд. долларни ташкил этди. Унинг 31,2 % дан кўпроғи МДҲ мамлакатлари, 68,8 % бошқа хорижий мамлакатлар билан олиб борилган савдо-сотиққа тўғри келди. Уларнинг орасида АҚШ, Япония, Германия, Буюк Британия, Франция, Италия; ривожланаётган мамлакатлардан Туркия, Покистон, Ҳиндистон, Афғонистон, Индонезия ва бошқалар бор. Шунингдек Хитой, Болгария, Венгрия, Польша, Руминия, Вьетнам каби мамлакатлар билан анъанавий савдо алоқалари кенгайиб бормоқда. Исроил, Испания, Лихтенштейн, Голландия, Корея, Сингапур, Гонконг, Бирлашган Араб Амирликлари билан ҳам савдо алоқалари йўлга қўйилди.

1-жадвал

Ўзбекистон Республикасининг ташқи савдо оборoти
(млн. АҚШ долларида)

	1996 йил	1997 йил	1997 йилда 1996 йилга нисбатан %
Ташқи савдо оборoти	9311,3	8910,5	95,7
Экспорт	4590,2	4387,5	95,6
шу жумладан:			
МДҲ мамлакатлари	1050,6	1508,6	143,6
Бошқа чет эл мамлакатлари	3539,6	2878,9	81,3
Импорт	4721,1	4523,0	95,8
шу жумладан:			
МДҲ мамлакатлари	1517,7	1268,2	83,6
Бошқа чет эл мамлакатлари	3203,4	3254,8	101,6

Ўзбекистон Республикасининг ташқи савдосида МДҲ ва бошқа чет эл мамлакатларининг ҳиссаси (%)



Ўзбекистон Европа Иттифоқининг Марказий Осиёдаги энг йирик савдо-иқтисодий шериги ҳисобланади. 1994 йил октябрда Ўзбекистон билан Европа Иттифоқи ўртасида дипломатик муносабатлар ўрнатилди ва Брюсселда, Европа Иттифоқи ҳузурида Ўзбекистон Республикаси дипломатик ваколатхонаси ишлай бошлади. 1995 йилда Европа Иттифоқи билан Ўзбекистон ўртасида шериклик ва ҳамкорлик тўғрисида битим тузиш бўйича бир неча марта муваффақиятли музокаралар ўтказилди. Бу битим Европа Иттифоқи, Европа Иттифоқига аъзо мамлакатлар ва Ўзбекистон ўртасида иқтисодий, савдо, илмий-техникавий, маданий-маърифий алоқалар учун кенг имкониятлар очиб беради.

Ўзбекистон ва Европа иттифоқи ўртасида тўқимачилик маҳсулотлари савдоси бўйича битим тузилган. Ўзбекистонда Европа Иттифоқининг «Тасис» техникавий кўмаклашиш дастурлари муваффақиятли ривожланмоқда.

Ўзбекистон экспортининг асосий маҳсулотлари: пахта толаси (пахта толаси экспорти бўйича жаҳонда АҚШдан кейин 2- ўринни эгаллайди), машиналар, уларга жиҳозлар ва эҳтиёт қисмлар, рангли ва қора металлар, минерал хом ашё, ўғит, пилла, пахта чиқиндилари, ўсимлик мойи, ип газлама.

Ўзбекистонга 30 дан ортиқ маҳсулот тури четдан келтирилади. Буғдой, гўшт ва субмаҳсулотлар, сут ва сут маҳсулотлари, сариёғ, шакар, мойли ўсимликлар уруғлари ва мевалар, чой, кофе, ширинликлар, картошка, фармацевтика маҳсулотлари, кийим-кечак, трикотаж, чарм, пойабзал, автомобиллар (енгил, юк ва махсус ишларга мўлжалланган), қора ва рангли металлар ҳамда улардан ясалган маҳсулотлар, телерадиоаппаратура, машиналар, ускуна-жиҳозлар импортнинг асосий бандларини ташкил этади. Мамлакат четдан оладиган жами товарларнинг 18,2% дан кўпроғини озиқ-овқат маҳсулотлари ташкил этди (1995). Бозор иқтисодиёти муносабатларининг қарор топиши даражасига қараб республиканинг озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган эҳтиёжлари мамлакатнинг ўзида ишлаб чиқарилган маҳсулотлар ҳисобига қондиришнинг узоқ муддатли режаси белгиланган.

2-жадвал

Ўзбекистон Республикаси ташқи савдосида қитъаларнинг ўрни
(млн. АҚШ долларида)

	Экспорт	Импорт	Сальдо	1997 йилда 1996 йилга нисбатан %	Жамига нисбатан ҳиссаси, %
Ҳаммаси шу жумладан:	4387,5	4523,0	-135,5	95,7	100,0
Европа	3299,2	2227,7	1071,5	92,2	62,0
Осиё	1025,7	1856,8	-831,1	114,7	32,3
Африка	18,8	4,7	14,1	300	0,3
Америка	40,1	430,0	-389,9	59,6	5,3
Австралия ва Океания	3,7	3,8	-0,1	150	0,1

3-жадвал

Ўзбекистон Республикаси экспорт ва импортининг товар таркиби

	1997 йил, млн. АҚШ доллари	1997 йилга нисбатан, %	Жамига нисбатан, %
Экспорт	4387,5	95,6	100
шу жумладан:			
пахта толаси	1579,4	90,3	36,0
озиқ-овқат товарлари	163,9	79,8	3,8
кимё маҳсулоти ва пластмассалар	76,1	68,4	1,7
энергия қувватлари	527,9	190	12,0
қора ва рангли металлар	200,4	124,9	4,6
машина ва асбоб-ускуналар	277,6	210	6,3
хизматлар	361,1	95,2	8,2
бошқалар	1201,1	76,1	27,4
Импорт	4523,0	95,8	100
шу жумладан:			
машина ва асбоб-ускуналар	2075,9	122,9	45,9
озиқ-овқат товарлари	873,2	62,8	19,3
кимё маҳсулоти ва пластмассалар	567,5	96,2	12,5
энергия қувватлари	25,1	49,8	0,6
қора ва рангли металлар	340,2	107,1	7,5
хизматлар	337,2	359	7,5
бошқалар	303,9	45,1	6,7

Ўзбекистон ҳукумати кўрган чора-тадбирлар натижасида республикада ғалла етиштириш кескин кўпайди, шу ҳисобдан ғалла импорти 2 марта, гуруч импорти 10 марта, умуман озиқ-овқат маҳсулотлари импорти жиддий қисқарди. Аҳоли жон бошига экспортнинг миқдори жиҳатидан Ўзбекистон МДҲда олдинги ўринларда. Ўзбекистоннинг ташқи савдо баланси актив сальдога эга.

Ўзбекистонда ўтказилаётган иқтисодий ислоҳотларда халқаро меҳнат тақсимотининг афзалликларидан унумли фойдаланилмоқда. Чет эллик сармоядорлар учун қулай иқтисодий, ҳуқуқий инвестиция муҳити яратилмоқда. Ўзбекистонда иқтисодиётдаги устивор лойиҳаларни амалга ошириш учун жалб этилган хорижий инвестициялар ҳажми 1 млрд. АҚШ долларини ташкил этди. Булар компанияларнинг бевосита сармоясидир. Шунингдек Ўзбекистон узоқ муддатли ва имтиёзли кредитлар ҳам олмоқда. Хорижий

инвестициялар биринчи навбатда аҳолини озиқ-овқат билан таъминлашни яхшилашга хизмат қиладиган агросаноат комплексини ривожлантириш, саноатнинг устивор тармоқларини, хусусан ёқилғи-энергетика мажмуасини жадал ривожлантириш, халқ хўжалигининг илмталаб соҳаларида янги қувватларни барпо этиш, ҳозир ишлаб турган корхоналарни янгилаш, республиканинг импортга қарамлигини камайтириш; республиканинг экспорт имкониятларини кучайтириш, маҳсулотларнинг рақобатбардошлигини кўтариш, экспортда машинасозлик ва кимё саноати маҳсулотлари ҳиссасини кўпайтириш, хом ашё экспортидан тайёр маҳсулотлар экспортига ўтиш; кичик ва ўрта тадбиркорликни ривожлантириш, қадимги ҳунармандлик ва анъанавий касб-корларни тиклаш, Марказий Осиё бозорини ривожлантиришда иштирок этиш, шу минтақадаги корхоналарнинг ҳамкорлиги учун иқтисодий ва ташкилий шарт-шароитларни яратиш, ўзаро манфаатли лойиҳаларни ҳамкорликда яратиш йўналишларида сарфланмоқда.

Республика учун хорижий сармоядорларни иқтисодиётни барқарорлаштириш ва янада ривожлантириш дастурларини амалга оширишга жалб этиш, чет эллик тадбиркорлар ва халқаро ташкилотлар билан ишлаб чиқариш соҳасида қисқа вақтда фойда кўриб ишлашни таъминлайдиган лойиҳаларни амалга ошириш учун инвестиция фондини ташкил этиш муҳим аҳамиятга эга. Шу мақсадлар учун инвестицияларнинг турли манбалари, уларнинг турли шакллари ва усуллари, узоқ ва қисқа муддатли кредитлар, бевосита қарзлар, дотациялар, ишлаб чиқариш-тижоратчилик фаолиятини ривожлантиришда ҳиссадор бўлиб қатнашиш ва бошқалардан фойдаланилмоқда. Хорижий сармоядорлар иқтисодда туб таркибий ўзгаришлар сиёсатини амалга оширишда, техника ва технологияни янгилаш жараёнларини жадаллаштириш, биринчи навбатда ишлов берувчи саноатни ривожлантиришда ёрдам бермоқда. Хорижий фирмалар, халқаро ташкилотлар республиканинг кимё, газ, нефть саноати, қишлоқ хўжалигини ривожлантириш бўйича йирик инвестиция лойиҳаларида иштирок этмоқда.

АҚШ, Германия, Франция, Туркия, Европа тикланиш ва тараққиёт банки катта ҳажмда энг янги машина ва ускуналар ҳамда технологиялар импортини, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини марказлаштирилган ҳолда харид қилишни молиялаш, Кўкдумалоқ газ-нефть конини ўзлаштириш лойиҳаларини кредитлаш бўйича

битимларни имзолади. Айникса Бухоро нефтни қайта ишлаш заводини куриш, Қашқадарё ва Наманган вилоятларидаги нефть конларини ўзлаштириш бўйича Франция билан муносабатлар фаол ривожланмокда. Европа тикланиш ва тараққиёт банки билан Мурунтов олтин конларидан олтин, кумуш ва бошқа нодир металлар олишга ихтисослашган «Зарафшон-Ньюмонт» Ўзбекистон – АҚШ қўшма корхонаси қурилишини молиялаш ва бошқа молия манбаларини мувофиқлаштириш бўйича битимлар имзоланди (лойиҳа қиймати 150 млн. доллар). Бу корхонанинг Ўзбекистон томонидан муассислари Ўзбекистон Геология давлат қўмитаси ва Навоий кон-металлургия комбинати, АҚШ томонидан, «Ньюмонт Майнинг корпорейшн» компанияси, лойиҳани амалга оширишда Ғарбдаги йирик банклар ҳам иштирок этмокда.

Пахта хом ашёсини халқаро бозор талабларига жавоб берадиган тайёр маҳсулот даражасигача қайта ишлашнинг жами циклини қамрайдиган янги технологияларни жорий қилиш бўйича ҳам лойиҳалар ишлаб чиқилган. Қайта жиҳозланадиган корхоналар негизида босқичма-босқич давлат тасарруфидан чиқариладиган холдинг компаниялари ташкил этиш назарда тутилади. Бу лойиҳаларни амалга ошириш учун Швейцария банклари билан бирга «Ўзенгилсаноат», «Пахтабанк», Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки ҳам иштирок этмокда. Республикада кичик тадбиркорликни ривожлантириш мақсадларида Европа тикланиш ва тараққиёт банки махсус кредит йўли очди, унга кўра Республика Ташқи иқтисодий фаолият Миллий банкига 10 йилга 60 млн. доллар маблағ ажратилди.

Шунингдек бу банк ўз амалиётида биринчи марта ишлаб чиқаришни ривожлантириш муаммоларини ҳал этишда муҳим аҳамият касб этадиган кичик корхоналар устав фондини маблағ билан таъминлаш учун 2,5 млн. доллар миқдорида махсус фонд ташкил этди. Япония ҳукумати бу кредит йўлига хизмат кўрсатиш бўйича услубий ёрдам тарзда Миллий банкка 1 млн. доллар маблағ ажратди. Республика қисқа муддатларда Халқаро Валюта Фонди, Жаҳон банки, Халқаро Меҳнат Ташкилоти, Халқаро электр алоқа Иттифоқи, Европа тикланиш ва тараққиёт банки, Халқаро молия корпорацияси; Божхона ҳамдўстлиги Кенгаши каби иқтисодий ҳамкорлик бўйича обрўли халқаро ташкилотлар аъзолигига қабул қилинди.

Буларнинг ҳаммаси республиканинг ташқи бозорга фаол кириб бориш, хорижий шериклар билан ҳамкорликни йўлга қўйиш, жаҳон ҳамжамиятига интеграцияланиш имкониятларини яратади.

XIII БОБ

ТУРИЗМ

- Асосий туристик марказлар
- Автотранспорт саёҳати
- Ҳаво йўллари саёҳати
- Темир йўллар маршрутлари
- Туризмнинг асосий турлари
- Халқаро «Ипак йўли» лойиҳаси
- Туризмни ривожлантириш истиқболлари.

Ўзбекистоннинг кўҳна тарихи, қадимий маданий-меъморий ёдгорликлари жаҳон туристларини ҳамиша ўзига чорлаб келган. Лекин собиқ Иттифоқ даврида ташқи мамлакатлар билан туристик алоқалар ва бу билан боғлиқ маблағ марказ ихтиёрида бўлганлиги сабабли республика иқтисодиёти ундан унча наф кўрмасди. Натижада туризм иши ўлкада жаҳон андозалари даражасига кўтарилмай, ташкилий жиҳатдан орқада қолди. Ўзбекистон мустақилликка эришганидан сўнг туризм ишини яхшилаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1992 йил 27 июлдаги Фармони билан саёҳат соҳасида республикада ягона сиёсатни амалга оширувчи давлат органи – «Ўзбектуризм» миллий компанияси тузилди. У мамлакатда шу соҳадаги бир қанча давлат ва жамоат ташкилотлари, бирлашмалар негизида янгидан ташкил топди. Миллий компания Ўзбекистонда сайёҳликнинг ҳуқуқий, *иқтисодий асосларини шакллантириб, жаҳон андозаларига мувофиқ* келадиган сайёҳлик тизимини таркиб топтириб бормоқда. Хорижий инвестициялар жалб этилиб замонавий сайёҳлик мажмуалари курилмоқда. Тарихий--меъморчилик обидалари таъмирланишига, уларни тарғибот–ташвикот қилиш ишига аҳамият берилмоқда.

«Ўзбектуризм» миллий компанияси таркибига вилоятлардаги тизим ташкилотлари – минтақавий бўлинмалар, шунингдек «Отел Ўзбекистон», «Шоллик» қўшма корхоналари, «Саёҳат», «Чорсу» ташқи иқтисодий ишлаб чиқариш мажмуалари, «Ўзинтур», «Ўзмахсустур» ҳиссадорлик жамиятлари, «Ўзбектурқурилиш»

ташқи иқтисодий ишлаб чиқариш бирлашмаси кирди. 1993 йил Бали (Индонезия) шаҳрида бўлиб ўтган Бутунжаҳон Туристик ташкилоти Бош ассамблеяси 10– сессиясида Ўзбекистон Республикаси «Ўзбектуризм» миллий компанияси Бутунжаҳон Туристик ташкилотининг тўла ҳуқуқли аъзолигига қабул қилинди. Франкфурт, Москва, Лондон шаҳарларида «Ўзбектуризм» миллий компаниясининг ваколатхоналари фаолият кўрсатмоқда.

1995 йил «Ўзбектуризм» миллий компанияси 458,4 мингдан зиёд кишига, шу жумладан 92 мингдан ортиқ хорижий сайёҳларга хизмат кўрсатди. Миллий компания тизимида 22 меҳмонхона, 8 турбаза, 2 кемпинг ва 1 дам олиш зонаси мавжуд.

Тошкент, Самарқанд, Бухоро, Урганч – Хива асосий туристик марказлардир.

А в т о т р а н с п о р т с а ё ҳ а т и Ўзбекистон Республикасида кенг тарқалган туризм тури ҳисобланади. Унинг маршрутлари республиканинг барча вилоятлари, туристик *марказлардаги манзарали дам олиш манзиллари, қўшни мамлакатлар* бўйлаб ўтади. Автотранспорт маршрутларида 1995 йилда 96 минг сайёҳга хизмат кўрсатилди.

Ҳ а в о й ў л л а р и саёҳати маршрутлари Ўзбекистон Республикасининг бир неча ўнлаб шаҳарлари йўналиши, МДҲ мамлакатлари, шунингдек Буюк Британия, Германия, Туркия, Эрон, Бирлашган Араб Амирликлари, Саудия Арабистони, Покистон, Корея, Греция, Тайланд, Малайзия, Хитой, Ҳиндистон бўйлаб ўтади. Бу маршрутларда 1995 йил «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпаниясининг самолётлари билан 20 минг сайёҳга хизмат кўрсатилди.

Т е м и р й ў л л а р маршрутларида «Буюк ипак йўли» бўйлаб сафар қилиш, Марказий Осиё, умуман МДҲ давлатлари йирик шаҳарлари бўйлаб саёҳат қилиш мумкин. Бу маршрутда 1995 йилда 17,5 минг кишига хизмат кўрсатилди.

Ўзбекистонда фуқароларга туризмнинг қуйидаги турлари бўйича хизмат кўрсатилади: маданий сайр-танишув, спорт-сайёҳлик (чанғи спорти, вело ва автосайёҳлик, қоя ошиш, археологик, ғор сайри, туяларда саёҳат ва бошқалар), оилавий сайёҳлик; болалар маршрути; талабалар маршрути; бизнесменлар учун маршрут; даволаниш-мақсадли маршрут; дам олиш маршрути ва бошқалар.

1994 йил октябрида Тошкент ва Самарқандда Бутунжаҳон Туристик ташкилотининг «Ипак йўли» лойиҳасини ишлаб чиқиш

бўйича халқаро йиғилиш бўлиб, унда Ўзбекистон мазкур қадимий йўналиш (маршрут) маркази деб белгиланди. «Ўзбектуризм» миллий компанияси томонидан «Ипак йўли» ўтган тарихий манзиллар бўйлаб йўналишлар ишлаб чиқилмоқда, илгари ўрганилмаган меъморчилик ва археологик ёдгорликлар аникланилмокда. 1995 йил 2 июнда Ўзбекистон Республикаси Президенти «Буюк ипак йўли»ни қайта тиклашда Ўзбекистон Республикасининг иштирокини авж олдириш ва республикада халқаро туризмни ривожлантириш борасидаги чора–тадбирлар тўғрисида фармон қабул қилди. Шу фармонга мувофик гоят муҳим халқаро туризм йўналиши – Буюк ипак йўлини қайта тиклаш, хорижий сайёҳларни кенг жалб этиш, шунингдек мамлакатда замонавий туризм саноатини вужудга келтириш мақсадида Буюк ипак йўлидаги шаҳарлар – Самарқанд, Бухоро, Хива ва Тошкентда халқаро туризм бўйича махсус очиқ иқтисодий минтақалар ташкил қилиш вазифаси қўйилди ва бу борада муҳим тадбирлар белгиланди. Жумладан Самарқанд, Бухоро, Хива ва Тошкентда туризм соҳасида қўшма корхоналар барпо этувчи хорижий сармоядорларга муайян имтиёзлар берилди.

«Ўзбектуризм» миллий компанияси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки билан биргаликда инвестиция банки – «Ўзсаёҳатинвестбанк»ни ташкил қилди ва жамланаётган маблағлар қатъиян аниқ мақсад йўлида фойдаланилиши устидан назоратни таъминлаш йўлида муайян ишларни амалга оширди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузурида туризм бўйича идоралараро кенгаш тузилиб, қуйидагилар шу кенгаш фаолиятининг асосий вазифалари қилиб белгиланди:

туризм соҳасида туб иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш;

жаҳон андозалари даражасида кичик ва ўрта меҳмонхо-налар, мотеллар ва кемпинглар тармоғи шакллантирилишини мувофиқлаштириш;

сайр-томошалар замонавий индустриясини, маданий ва спорт–соғломлаштириш марказларини барпо этишга кўмаклашиш;

мавжуд туризм имкониятлари ва тарихий-маданий мерос кенг кўламда тарғиб қилиниши ва сақланишини ташкил этиш;

сайёҳлик тизимида мувофиқлаштиридган илмий-техникавий ва инвестиция сиёсатини ўтказиш;

сайёҳлик соҳасида кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлашни таъминлаш.

Ҳисоб-китобларга кўра 2000-йилда Ўзбекистонга туристлар оқими ҳажми 1 млн. кишига, шу жумладан хорижий туристлар 650 минг кишига етади. Туризм ҳам Республика иқтисодиётининг муҳим тармоғига айланиб боради.

Иловалар

I. ҚОНУНЛАР

Ўзбекистон Республикасида бозор иқтисодиётини ривожлантиришга оид қабул қилинган қонунлар

Қонунлар	Қабул қилинган сана
Ер тўғрисида	20.06.1990
Ўзбекистон Республикасида мулкчилик тўғрисида	13.10.1990
Ўзбекистон Республикасида тадбиркорлик тўғрисида	15.02.1991
Ўзбекистон Республикасидаги корхонала тўғрисида	15.02.1991
Банклар ва банк фаолияти тўғрисида	15.02.1991
Корхоналар, бирлашмалар ва ташкилотлардан олинадиган соликлар тўғрисида	15.02.1991
Жамоат бирлашмалари тўғрисида	15.02.1991
Ўзбекистон Республикаси фуқароларидан ва фуқаролиги бўлмаган шахслардан олинадиган даромад солиғи тўғрисида	15.02.1991
Ўзбекистон Республикасининг ташқи иқтисодий фаолияти тўғрисида	14.06.1991
Ўзбекистон Республикасида кооперация тўғрисида	14.06.1991

Ўзбекистон Республикасининг Ташки иқтисодий фаолият миллий банкини ташкил этиш тўғрисида	17.09.1991
Давлат тасарруфидан чикариш ва хусусийлаштириш тўғрисида	19.11.1991
Ижара тўғрисида	19.11.1991
Аҳолини иш б-н таъминлаш тўғрисида	13.01.1992*
Монополистик фаолиятни чеклаш тўғрисида	3.07.1992
Биржалар ва биржа фаолияти тўғрисида	2.07.1992
Деҳқон хўжалиги тўғрисида	3.07.1992
Аудиторлик фаолияти тўғрисида	9.12.1992
Давлат божи тўғрисида	9.12.1992
Хўжалик жамиятлари ва ширкатлари тўғрисида	9.12.1992
Гаров тўғрисида	9.12.1992**
Ер солиғи тўғрисида	6.05.1993
Суғурта тўғрисида	6.05.1993
Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида	6.05.1993
Меҳнатни муҳофаза килиш тўғрисида	6.05.1993
Валютани тартибга солиш тўғрисида	7.05.1993
Маҳаллий соликлар ва йиғимлар тўғрисида	7.05.1993

---

* 1.05.1998 й. да янги таҳрирда қабул қилинган

** 3. 05. 1998 й. да янги таҳрирда қабул килинган

Давлат уй-жой фондини хусусийлаштириш тўғрисида	7.05.1993
Ўзбекистон Республикаси б-н халкаро молия институтлари ўртасидаги халкаро заём ва кафолатли шартномалар ҳамда битимларни тузиш ва денонсация қилиш тартиби тўғрисида	7.05.1993
Маҳсулот белгилари ва хизмат кўрсатиш белгилари тўғрисида	7.05.1993
Ахборотлаштириш тўғрисида	7.05.1993
Қимматли қоғозлар ва фонд биржаси тўғрисида	2.09.1993
Давлат статистикаси тўғрисида	2.09.1993
Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида	3.09.1993
Ўзбекистон Республикасининг хўжалик процессуал кодекси	2.09.1993
Жисмоний шахсларнинг мол-мулкига солинадиган соликлар тўғрисида	28.12.1993
Стандартлаштириш тўғрисида	28.12.1993
Метрология тўғрисида	28.12.1993
Маҳсулотлар ва хизматларни сертификат-лаштириш тўғрисида	28.12.1993
Чет эл инвестициялари ва чет эллик инвесторлар фаолиятининг кафолатлари тўғрисида	5.05.1995*

---

* 30.04.1998 й.да янги қонун қабул қилиниши муносабати билан ўз кучини йўқотган

Банкротлик тўғрисида	5.05.1994
Ер ости бойликлари тўғрисида	23.09.1994
Концессиялар тўғрисида	30.08.1995
Ўзбекистон Республикаси Марказий банки тўғрисида	21.12.1995
Кичик ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришни рағбатлантириш тўғрисида	21.12.1995
Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодекси	21.12.1995
Банклар ва банк фаолияти тўғрисида	25.04.1996
Акциядор жамиятлар ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида	25.04.1996
Қимматли қоғозлар бозорининг фаолият кўрсатиш механизми тўғрисида	25.04.1996
Эркин иқтисодий зоналар тўғрисида	25.04.1996
Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида	26.04.1996
Хориждан маблағ жалб қилиш тўғрисида	29.08.1996
Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида	30.08.1996
Товар бозорларида монополистик фаолиятни чеклаш ва рақобат тўғрисида	27.12.1996
Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодекси	24.04.1997
Табиий монополиялар тўғрисида	25.04.1997

Товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палаталари тўғрисида	25.04.1997
Давлат божхона хизмати тўғрисида	29.08.1997
Давлат солиқ хизмати тўғрисида	29.08.1997
Бож тарифи тўғрисида	29.08.1997
Ўзбекистон Республикаси хўжалик процессуал кодекси	30.08.1997
Қишлоқ хўжалиги корхоналари санацияси тўғрисида	25.12.1997
Ўзбекистон Республикасининг Божхона кодекси	26.12.1997
Чет эллик инвесторлар ҳуқукларининг кафолатлари ва уларни ҳимоя қилиш чоралари тўғрисида	30.04.1998
Чет эл инвестициялари тўғрисида	30.04.1998
Ўзбекистон Республикасининг Ер кодекси	30.04.1998
Қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкат хўжалиги) тўғрисида	30.04.1998
Деҳқон хўжалиги тўғрисида	30.04.1998
Фермер хўжалиги тўғрисида	30.04.1998

II. БАНКЛАР

Ўзбекистон Республикасида фаолият кўрсатаётган банклар

Давлат банклари

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки
Тошкент ш., 700001
Ўзбекистон проспекти, 6
тел: 133-68-29
факс (3712) 133-35-09

Ўзбекистон Республикаси
Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки
Тошкент ш., А. Темур кўчаси, 101
тел.: 137-59-68, 137-59-70, 34-15-60

"Асака" акциядорлик тижорат банки
Тошкент ш., 700015
Нукус кўчаси, 37
тел: 54-73-25, 55-61-40

"Замин" давлат-акциядорлик ипотека банки
Тошкент ш., 700015
Ржевский кўчаси, 54
тел: 54-09-47, 55-82-58

Ўзбекистон Республикаси давлат-тижорат Халқ банки
Тошкент ш., 700017
Қатортол кўчаси, 4
Тел: 173-69-16

“Ўзуйжойжамғармабанк” давлат-акциядорлик уй-жой жамғарма банки

Тошкент ш., 700000
Пушкин кўчаси, 4
тел: 133-29-57, 133-11-22, 133-15-33

Акциядорлик-тижорат банклари

“Ўзсаноатқурилишбанк” акциядорлик тижорат саноат-қурилиш банки
Тошкент ш., 700000
А. Тўқай кўчаси, 3
тел: 30-79-92, 133-61-27

“Тадбиркор” акциядорлик тижорат банки
Тошкент ш., 700047
С. Азимов кўчаси, 52
тел: 133-18-55, 133-81-50

“Пахтабанк” акциядорлик тижорат банки
Тошкент ш., Мукимий кўчаси, 43
тел: 78-21-77, 78-12-96, 78-20-98

“Галлабанк” акциядорлик тижорат банки
Тошкент ш., 700060
Лоҳутий кўчаси
тел: 133-42-25, 136-04-30

“Ўзмевасабзаватбанк” акциядорлик тижорат банки
Тошкент ш., Лоҳутий кўчаси, 16
тел: 56-16-54, 133-83-96, 56-49-28

"Алокабанк" акциядорлик тижорат банки
Тошкент ш., 700000
Толстой кўчаси, 1
тел: 133-62-54, 144-79-71

"Савдогар" акциядорлик тижорат банки
Тошкент ш., 700047
К. Цеткин кўчаси, 76
тел: 54-19-91, 54-24-09

"Ўзсаёҳатинвестбанк" акциядорлик инвестиция банки
Тошкент ш., 700047
Хоразм кўчаси, 47
тел: 136-23-30, 136-78-24

"Турон" акциядорлик тижорат бирлаштирув банки
Тошкент ш., 700011
Навоий кўчаси, 44
тел: 144-23-97, 144-31-87

"Ипак йўли" акциядорлик инновация-тижорат банки
Тошкент ш., 700116
Фарҳод кўчаси, 12
тел: 76-85-52, 76-98-43

"Авиабанк" акциядорлик тижорат банки
Тошкент ш., 700015
Нукус кўчаси, 73Б
тел: 54-65-79

"Ўзенгилсаноатбанк" акциядорлик тижорат банки
Тошкент ш., 700031, Баранов кўчаси. 40
тел: 56-03-22, 56-05-09, 56-77-52

"Трастбанк" акциядорлик тижорат банки
Тошкент ш., Навоий кўчаси, 7
тел: 41-23-43, 41-53-54

"Илмтехбанк" акциядорлик тижорат банки
Тошкент ш., 700011, Абай кўчаси, 6
тел: 67-23-63, 67-24-48

"Сармоябанк" акциядорлик тижорат банки
Тошкент ш., 700011
Навоий кўчаси, 18
тел: 144-08-89, 41-45-83, 144-10-54

"Андижонбанк" акциядорлик тижорат банки
Андижон ш., Бобур кўчаси, 1
тел: (37422) 4-34-89, 4-53-85, 24-77-18

"Наманганбанк" акциядорлик тижорат банки
Наманган ш., Терешкова кўчаси, 2
тел: (36922) 22-05-21, 2-06-88

Хусусий тижорат банклари

"Парвинабанк" хусусий акциядорлик тижорат банки
Самарқанд ш., 703603
Ўзбекистон кўчаси, 82
тел: (36622) 33-02-82, 33-81-72, 37-17-52

"Умарбанк" хусусий акциядорлик тижорат банки
Самарқанд ш., 703020
Даҳбед кўчаси, 14
тел: (36622) 35-81-72, 31-22-84, 31-22-86

"Олимбанк" хусусий акциядорлик тижорат банки
Самарқанд вил. Ургут ш., 704470
Навоий кўчаси, 35
тел: 3-52-40, 3-55-71

"Алп Жамол банк" хусусий очиқ акциядорлик тижорат банки
Тошкент ш., Мустафо Камол Отатурк
кўчаси, 21, тел: 132-16-00

"ХИФ Банк" очиқ акциядорлик тижорат банки
Тошкент ш., 700063
Ўзбекистон шох кўчаси, 49
тел: 45-61-69, 45-95-33, 45-79-96, 45-79-81

"Туркистон" хусусий очиқ акциядорлик тижорат банки
Тошкент ш., 700000
А. Темур 1-тор кўчаси, 6
тел: 34-62-52

Қ ў ш м а б а н к л а р

Ўзбекистон-Туркия Қўшма банки "ЎТБанк"
Тошкент ш., Чилонзор-3, 74
тел: 77-45-19, 77-44-95

"Ўзприватбанк" Ўзбекистон халқаро хусусийлаштириш банки
Тошкент ш., 700003
Ўзбекистон шоҳ кўчаси, 51
тел: 139-10-18, 139-16-63

"АБН Амробанк Ўзбекистон МБ, А. Ж." акциядорлик-тижорат банки
Тошкент ш., Х. Олимжон майдони,
Пойтахт бизнес мажмуаси
тел: 40-61-41

“ЎзДЭУ-Банк” Ўзбекистон-Корея қўшма банки
Тошкент ш., Пушкин кўчаси, 1
тел: 40-69-70, 132-06-40

Ш ў ъ б а б а н к л а р

Марказий Осиё ҳамкорлик ва тараққиёт банкининг Тошкент шаҳридаги шўъба банки
Тошкент ш., Абай кўчаси, 6
тел: 144-01-63, 144-01-69, 144-02-93

Ш. СУҒУРТА ХИЗМАТИ

«Ўзагросуғурта» давлат-акциядорлик суғурта компанияси
Тошкент–700138, Лутфий кўчаси, 18
тел. 769241, 76-93-28, 76-92-38

Компаниянинг ҳудудий дирекциялари

Қорақалпоғистон Республикаси
742000, Нукус ш.,
Татибоев кўчаси, 48
Тел. (36122) 7-86-65

Андижон вилояти
710031, Андижон ш.,
Навоий шох кўчаси, 128
тел. (32422) 5-12-21

Бухоро вилояти
705006, Бухоро ш.,
Низомий кўчаси, 6
тел. (36522) 3-26-03

Жиззах вилояти
7088000, Жиззах ш.,
Ц-2 мавзеси, 7
тел. (37222) 3-57-50

Навоий вилояти
706800 Навоий ш.
Навоий кўчаси, 47
тел. (43622) 4–89-01

Наманган вилояти
716000, Наманган ш.,
Гагарин кўчаси, 9
тел. (36922) 6-21-20

Самарқанд вилояти
703005, Самарқанд ш.,
Ўзбекистон кўчаси, 51
тел. (36622) 31-07-85

Сирдарё вилояти
707000, Гулистон ш.,
Ал-Хоразмий кўчаси, 53
тел. (36722) 25-11-27

Сурхондарё вилояти
732008, Термиз ш.,
Гагарин кўчаси, 36^
тел. (37622) 3-78-02

Тошкент вилояти
700096, Тошкент ш.,
Байналминал кўчаси, 53
тел. (3712) 78-22-73

Фарғона вилояти
712000, Фарғона ш.,
Навоий кўчаси, 13
тел. (37322) 24-64-68

Хоразм вилояти
740000, Урганч ш.,
Ал-Хоразмий кўчаси, 93
тел. (36222) 6-75-04

Қашқадарё вилояти
730000, Карши ш.,
Мустақиллик кўчаси, 2
тел. (37522) 4-61-93

«Кафолат»
давлат-акциядорлик суғурта компанияси
Тошкент ш., 700115 Чилонзор кўчаси, 88
тел: 79-68-47; факс: (8-3712) 79-67-23

Компаниянинг ҳудудий филиаллари

Қорақалпоғистон Республикаси
Нукус ш., 742000 Телеграф
кўчаси, 9 тел: (36122) 25530,

Андижон вилояти
Андижон ш., 710002
Анисий кўчаси, 4
тел: (37422) 56-341,

Бухоро вилояти
Бухоро ш., 705006
Низомий кўчаси, 6
тел: (36522) 36-305, 35-907

Жиззах вилояти
Жиззах ш., 700000,
Низом Кўшоқов кўчаси, 117
тел: (37222) 26-213, 22-278

Навоий вилояти
Навоий ш., 706800, Ибн Сино
кўчаси, 26 а/я, 1026
тел: (43622) 35-620,

Наманган вилояти
Наманган ш., 716000,
Гагарин кўчаси, 9
тел: (36922) 35-402, 35-013

Самарқанд вилояти
Самарқанд ш., 703000,
Курчатов кўчаси, 54
тел: (36622) 35-402, 35-013

Сирдарё вилояти
Гулистон ш., 707000,
Ал-Хоразмий, 53
тел: (36722) 52-645, 31-122

Сурхондарё вилояти
Термиз ш., 732006,
Имом ат Термизий кўчаси 11
тел: (37622) 37-660, 37-842

Тошкент вилояти
Янгийўл ш., 700803,
Охунбобоев кўчаси, 28
тел: (260) 21-149, 21-145

Тошкент шаҳри
Тошкент ш., 700043,
Халқлар дўстлиги, 9^
тел: (3712) 77-14-90, 77-83-15

Фарғона вилояти
Фарғона ш., 712003,
М. Қосимов кўчаси, 111
тел: (37322) 43-443, 47-285

Хоразм вилояти
Урганч ш., 740000,
Ал Хоразмий кўчаси, 93.
Тел: (36222) 66-112

Қашқадарё вилояти
Қарши ш., 730017
Ўзбекистон кўчаси, 286
тел: (37522) 52-340

«Ўзбекинвест»
экспорт-импорт миллий суғурта компанияси
Тошкент ш., 700017, Х. Сулаймонова кўчаси, 49
Тел: (371) 133-05-56, 136-77-79
факс: (371) 133 07 04, (3712) 40-65-38

Компаниянинг ҳудудий шўъба корхоналари

Қорақалпоғистон Республикаси
Нукус ш., 742000,
Шомуротов кўчаси, 86
тел./факс: (36122) 79-944

Бухоро вилояти
Бухоро ш., 705018,
Ҳамза кўчаси, 6
тел./факс (36522) 33-165

Жиззах вилояти (ваколатхона)
Жиззах ш., 708000,
Ш. Рашидов кўчаси, 2
тел./факс (37222) 34-890

Наманган вилояти
Наманган ш., 716000,
А. Хўжаев кўчаси, 59
тел./факс (36922) 63-163

Навоий вилояти
Навоий ш., 706800,
Халқлар Дўстлиги кўчаси, 77а

Самарқанд вилояти
Самарқанд ш., 703000, Почта
кўчаси, 13 тел./факс (3662)
33-08-82, 31-23-50

Сирдарё вилояти (ваколатхона)
Гулистон ш., А. Навоий шоҳ
кўчаси, тел. (3672) 251049

Сурхондарё вилояти
Термиз ш., 732006,
Бакуменко кўчаси, 20
тел./факс: (37622) 31-983

Тошкент вилояти
Тошкент ш., 4-мавзе,
Лисунов кўчаси, 6
тел./факс (371) 97-16-09

Тошкент шаҳри, 700040
Бош Андеррайтерлик агентлиги:
4-мавзе, Лисунов кўчаси, 68
тел. (3712) 940909, 942525

Хоразм вилояти
Урганч ш., 740000,
Пушкин кўчаси, 2
тел./факс (36222) 67-705

Фарғона вилояти
Фарғона ш., Алишер Навоий
кўчаси, 1 тел./факс (3732)
24-99-12, 24-99-10

Қашқадарё вилояти
Қарши ш., 730000,
Ўзбекистон кўчаси, 243
тел./факс (37522) 52945)

Кўқон шаҳри (Андеррайтер
агентлиги)
Истиклол кўчаси, 25
тел./факс (255) 23419

"Мадад"
суғурта агентлиги
Тошкент ш., 700043, Халқлар Дўстлиги шоҳ кўчаси-8,
тел. 457765, 458889; факс: 458956

Агентликнинг ҳудудий филиаллари

Қорақалпоғистон Республикаси
Нукус ш., 742000
Амир Темур кўчаси, 112а,
тел. 8-361-22, 4-32-84
факс 2-24-40

Андижон вилояти
Андижон ш., 710031
Навоий кўчаси, 126
тел. 8-374-22, 5-29-99, 5-12-58

Бухоро вилояти
Бухоро ш., 705017
Иқбол кўчаси, 7
тел. 8-365-22, 23-72-92

Жиззах вилояти
Жиззах ш., 708000
Ш. Рашидов кўчаси,
Касаба уюшмалари уйи,
тел. 8-372-22, 3-30-00
факс 3-87-66

Наманган вилояти
Наманган ш. 716001
Навоий кўчаси, 5
тел. 8-369-22, 6-82-43,

Самарқанд вилояти
Самарқанд ш., 703034
Гагарин кўчаси, 85а
тел. 8-366-22, 24-33-71

Сурхондарё вилояти
Термиз ш., 732000
Ф. Хўжаев кўчаси, 19
тел. 8-376-22, 3-58-98

Сирдарё вилояти
Гулистон ш., 707000
3-й микрорайон
Тургун Ахмедов кўчаси, 4
Бизнес марказ, тел. 8-367-22
факс 26-54-94

Тошкент вилояти
Тошкент, Муқимий кўчаси, 178
тел. 78-30-51

Хоразм вилояти
Урганч ш., 741000
Махмудов кўчаси, 16
тел. 8-362-22, 6-72-22

Фарғона вилояти
Фарғона ш., 712000
М. Қосимов кўчаси, 58
тел. 8-373-22, 24-84-25

Қашқадарё вилояти
Қарши ш., 730000
Очилов кўчаси, 24
тел. 8-375-22, 4-52-81
факс 5-15-96

IV. БИРЖАЛАР

Ўзбекистон Республикаси валюта биржаси
Тошкент ш., Ўзбекистон проспекти
тел: (3712) 133-02-07

"Тошкент" Республика фонд биржаси
700047, Тошкент ш., Бухоро кўчаси, 10
тел: (3712) 360740, 360536; факс: (3712) 333231

Биржанинг ҳудудий филиаллари

Қорақалпоғистон Республикаси
Нукус ш., Дўстлик гузари кўчаси, 94^; тел: (36122) 22-863
факс: 78-216

Андижон вилояти
Андижон ш., Чўлпон кўчаси, 18

Бухоро вилояти
Бухоро ш.,
Академик И. Мўминов кўчаси,2
тел: (36522) 23-35-98

Жиззах вилояти
Жиззах ш., Халқлар Дўстлиги проспекти, 7
тел: (37222) 35-560

Навоий вилояти
Навоий ш., Очилов кўчаси, 24
тел: (43622) 39-509

Наманган вилояти
Наманган ш.,
Гагарин кўчаси, 7
тел: (36922) 66-520

Самарқанд вилояти
Самарқанд ш.,
Кўксарой кўчаси, 4
тел: (36622) 35-00-10

Сирдарё вилояти
Гулистон ш.,
Қаҳрамонлар хиёбони, 1
тел: (3672) 26-52-96

Сурхондарё вилояти
Термиз ш.,
Гагарин кўчаси, 36^
тел: (37622) 30-559

Фарғона вилояти
Фарғона ш., Навоий кўчаси, 13
тел: (3732) 24-59-88, 24-78-46

Хоразм вилояти
Урганч ш.,
Ал-Хоразмий кўчаси, 27
тел: (36222) 66-307

Қашқадарё вилояти
Қарши ш.,
Мустақиллик проспекти, 2
тел: (37522) 43-487

Республика кўчмас мулк биржаси
700000, Тошкент ш., Бухоро кўчаси, 10
тел: (3712) 136-15-28, 136-15-29

Биржанинг ҳудудий филиаллари

Қорақалпоғистон Республикаси
742000, Нукус ш.,
А. Шомуротов кўчаси, $117^{Б}$
тел: (36122) 42-096, 73-054

Андижон вилояти
710031, Андижон ш.,
А. Навоий кўчаси, 126
тел: (37422) 25-05-77,

Бухоро вилояти
705012, Бухоро ш.,
Акад. И. Мўминов кўчаси, 2
тел: (36522) 3-71-30, 3-71-36

Жиззах вилояти
708000, Жиззах ш.,
Ш. Рашидов кўчаси, 39
тел: (37222) 3-05-72, 34416

Навоий вилояти
706800, Навоий ш.,
Очилов кўчаси, 24
тел: (43622) 30-603, 30-935

Наманган вилояти
716000, Наманган ш.,
Гагарин кўчаси, 10
тел: (36922) 66-741, 63-779

Самарқанд вилояти
703048, Самарқанд ш.,
Мирзо Улуғбек кўчаси, 148
тел: (36622) 31-13-26

Сирдарё вилояти
707000, Гулистон ш.,
Т. Ахмедов кўчаси,
Бизнес-Марказ биноси
тел: (36722) 26-52-88

Сурхондарё вилояти
732000, Термиз ш.,
Гагарин кўчаси, $36^{А}$
тел: (37622) 30-025, 35-341

Тошкент вилояти
700000, Тошкент ш.,
Хоразм кўчаси, 51
тел: (3712) 133-77-12

Тошкент шаҳри
700128, Тошкент ш.,
А. Қодирий кўчаси, 13
тел: (3712) 144-44-72

Фарғона вилояти
712000, Фарғона ш.,
М. Қосимова кўчаси, 35
тел: (37322) 24-31-24

Хоразм вилояти
740000, Урганч ш.,
П. Маҳмуд кўчаси, 13/1
тел: (36222) 63-263, 63-466

Қашқадарё вилояти
730017, Қарши ш.,
Космонавтлар кўчаси, 20
тел: (37222) 51-684, 53-855

Республика агросаноат биржаси
700027, Тошкент ш., Зарбдор кўчаси, 24
тел: (3712) 144-60-33, 144-33-16
факс: (3712) 144-60-33

Биржанинг Фарғона филиали
712000, Фарғона ш., М. Қосимов кўчаси, 58
тел: (3732) 24-69-96, 24-62-97

Ўзбекистон Республикаси товар-хом ашё биржаси

700003, Тошкент ш., Ўзбекистон проспекти, 53
тел: (3712) 139-83-77; факс: 139-83-90

Худудий товар-хом ашё биржалари
(акциядорлик жамиятлари)

Қорақалпоғистон Республикаси
товар-хом ашё биржаси
742006, Нукус ш., Хўжайли
кўчаси тел: (36122) 7-75-96
факс: 7-70-08

Андижон товар-хом ашё биржаси
710020, Андижон ш.,
А. Темур кўчаси, 13
тел: (37422) 6-14-18

Бухоро товар-хом ашё биржаси
705004, Бухоро ш.,
С. Муротов кўчаси, 2
тел: (36522) 5-87-04
факс: 5-64-70

Жиззах товар-хом ашё биржаси
708000, Жиззах ш.,
Х. Носиров кўчаси, 100
тел: (37222) 32922
факс: 32922

Наманган товар-хом ашё биржаси
716000, Наманган ш.,
Тўкимачилар кўчаси, 3
тел: (36922) 25781
факс: 2-05-89

Навоий товар-хом ашё биржаси
706800, Навоий ш.,
Меъмор кўчаси, 4
тел: (43622) 43-471
факс: 3-77-31

Самарқанд товар-хом ашё биржаси
703000, Самарқанд ш.,
Охунбобоев кўчаси, 85[А]
тел: (366-2) 33-71-66
факс: 31-17-66

Сурхондарё товар-хом ашё биржаси
703208, Термиз ш.,
Хўжаев кўчаси, 32
тел: (37622) 33512; факс: 33512

Сирдарё товар-хом ашё биржаси
707700, Гулистон ш.,
3-Микрорайон
тел: (36722) 26-34-66

Фарғона товар-хом ашё биржаси
712000, Фарғона ш.,
Қосимов кўчаси, 135
тел: (37322) 24-75-04
факс: 24-76-91

Хоразм товар-хом ашё биржаси
740006, Урганч ш.,
Хонка кўчаси, 62
тел: (36222) 5-52-33
факс: 5-52-33

Қашқадарё товар-хом ашё биржаси
730000, Қарши ш.,
Мустақиллик проспекти, 4
тел: (37522) 43-659
факс: 43-587

Ўзбекистон Республика "Ўзулгуржибиржасавдо" акциядорлик уюшмаси

700038, Ўзбекистон, Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 7
тел: 411343, 413950, телетайп 164, факс 413904,
телекс 116298 MAKET SU

Ҳудудий улгуржи-савдо воситачилик компаниялари
(акциядорлик жамиятлари)

"Қоракалпоқулгуржибиржасавдо"
Нукус шаҳри, Хўжайли шоссеси,
тел. (36122) 33-531

"Навоийулгуржибиржасавдо"
Навоий шаҳри,
Лермонтов кўчаси, 2,
тел. (43622) 39530.

"Андижонулгуржибиржасавдо"
710020, Андижон шаҳри,
тел. (37522) 48-549, 48-998

"Наманганулгуржибиржасавдо"
716003, Наманган шаҳри,
Дўстлик кўчаси, 18а.
тел. (36922) 63123.

"Жиззахулгуржибиржасавдо"
708004, Жиззах шаҳри,
Тошкент кўчаси, 4,
тел. (37222) 38-452, 30-301

"Самарқандулгуржибиржасавдо"
703000, Самарқанд шаҳри,
Охунбобоев кўчаси, 35а,
тел. (3662) 351124, 311231

"Қашқадарёулгуржибиржасавдо"
730002, Қарши шаҳри,
Маслозавод-2 пос.
тел. (37522) 38407, 37600

"Сирдарёулгуржибиржасавдо"
Янгиер шаҳри, Ўзбекистон 40
йиллиги кўчаси, 26,
тел. (36737) 34523, 34422

"Сурхондарёулгуржибиржасавдо"
732004, Термиз шаҳри,
Шчусев кўчаси, 69,
тел. (37622) 42456, 42392

"Хоразмулгуржибиржасавдо"
740006, Урганч шаҳри,
Хонқа кўчаси, 62,
тел. (36222) 55534, факс 63233

"Фарғонаулгуржибиржасавдо"
712000, Фарғона шаҳри,
Комилов кўчаси, 19,
тел. (3732) 255726, 257959

"Тошкентулгуржибиржасавдо"
700097, Тошкент шаҳри,
Волгоград кўчаси, 9,
тел. (3712) 773605.

Республика улгуржи савдо-воситачилик ширкатлари

"Ўзметаллсавдо"
700057, Тошкент ш., Уста
Ширин кўчаси, 136
тел. (3712) 480735

"Ўзкурилишматериалсавдо"
Тошкент ш., Навоий кўчаси, 7
тел. (3712) 412821, 412360

"Ўзўрмонқоғозсавдо"
Тошкент ш., Навоий кўчаси, 7
тел. (3712) 413560, 413071.

"Ўзкомплектускуна"
700096, Тошкент шаҳри,
Волгоград кўчаси,
Узгипрозем биноси, тел. 788400.

"Ўздастгоҳасбобсавдо"
700025, Тошкент шаҳри,
Стародубцев кўчаси, 130,
тел. (3712) 544922, 545698.

"Ўзэлектронасбобсавдо"
700057, Тошкент шаҳри,
Уста Ширин кўчаси, 125,
тел. (3712) 485348, 485470.

"Ўзкимёполимерсавдо"
Тошкент ш., Навоий кўчаси, 7,
тел. (3712) 415260, 411754

"Ўзкоммаишийсавдо"
Тошкент ш., Навоий кўчаси, 7,
тел. (3712) 412160, 412021

"Ўзмашсавдо"
700059, Тошкент шаҳри,
У. Носир кўчаси, 1-проезд, 6,
тел. (3712) 536905, 536254

"Ўзэлектркабелсавдо"
700147, Тошкент шаҳри,
Мўйноқ кўчаси, 135,
тел. 923233, 907735

"Ўзенгилсаноатсавдо"
700022, Тошкент шаҳри,
Қушбеги кўчаси, 20,
тел. (3712) 501797.

"Ўзташқиулгуржисавждо"
700038, Тошкент шаҳри, Навоий
кўчаси, 7,
тел. (3712) 412393

Уюшмага кирган ташкилотлар

Республика мол-хом ашё биржаси
Тошкент ш., Навоий кўчаси, 7
тел. (3712) 410971

"Трастбанк" биржа банки
Тошкент ш., Навоий кўчаси, 7
тел. (3712) 412343

"Биржасавдосуғурта" суғурта агентлиги
Тошкент ш., Навоий кўчаси, 7
тел. (3712) 413110, 413182

"Транспорт–экспедиция агентлиги"
Тошкент ш., Олимбеков кўчаси, 22
тел. (3712) 901601, 901607

"Биржасавдоинвест" молия-инновация ширкати
Тошкент ш., Навоий кўчаси, 7
тел. (3712) 410554

V. ДЕПОЗИТАРИЙЛАР

«Вақт»
миллий депозитарий акциядорлик жамияти
Тошкент ш., 700000, Бухоро кўчаси, 10
тел: (3712) 136-14-34, 136-14-35
факс: 136-14-32

Миллий депозитарийнинг ҳудудий филиаллари

Қорақалпоғистон Республикаси
Нукус ш., Шомуротов кўчаси, 17[б]
тел: (36122) 26-540, 62-525

Андижон вилояти
Андижон ш., 710011,
Тинчлик кўчаси, 9[А]
тел: (37422) 57-711, 21-874

Бухоро вилояти
Бухоро ш.,
Мустақиллик кўчаси, 10
тел: (36522) 35-283, 34-677

Самарқанд вилояти
Самарқанд ш., Улуғбек кўчаси, 148
тел: (36623) 10-124

Сирдарё вилояти
Гулистон ш.,
Қаҳрамонлар ҳиёбони, 1
тел: (36722) 65-292

Сурхондарё вилояти
Термиз ш.,
Гагарин кўчаси, 32[А]
тел: (37622) 35-56-68

Жиззах вилояти, Жиззах ш.,
Наримонов кўчаси, 100
тел: (37222) 35-570

Навоий вилояти
Навоий ш.,
Т. Очилов, 24
тел: (43622) 39-910

Наманган вилояти
Наманган ш., Гагарин кўчаси, 7
тел: (36922) 64-519, 65-546

Фарғона вилояти
Фарғона ш., Навоий кўчаси, 13
тел: (37322) 49-195, 42-962

Хоразм вилояти
Урганч ш.,
Ал-Хоразмий кўчаси, 27
тел: (36222) 63-156

Қашқадарё вилояти
Қарши ш.,
Мустақиллик проспекти, 3
тел: (37522) 43-819

VI. ҮЮШМАЛАР

Ўзбекистон
Товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатаси

Тошкент ш., 700015, Бухоро кўчаси, 12-уй
тел: (3712) 55-56-33, 133-27-07, 36-33-31
факс: 55-15-57, 55-04-87, 55-59-77

Палатанинг ҳудудий филиаллари

Қорақалпоғистон Республикаси
Нукус ш., 742000
Дўсназаров кўчаси, 96
тел: (36122) 78681, 78663, 42882, 42848

Андижон вилояти
Андижон ш., 710000
Навоий проспекти, 122
тел. (37422) 21739, 21738, 21743
факс: 21736

Бухоро вилояти
Бухоро ш., 705018
Навоий проспекти, 10
тел (36522) 30682
факс 34317

Жиззах вилояти
Жиззах ш., 708000
Ш. Рашидов кўчаси, 63
тел: (37222) 31623, 33643
факс: 33542, 33936

Навоий вилояти
Навоий ш., 706800
П. Очилов кўчаси, 24
тел. (43622) 91444, 91729

Наманган вилояти
Наманган ш., 716002
Усмон Носир кўчаси, 7
тел: (36922) 66166, 6418

Самарқанд вилояти
Самарқанд ш., 703007
М. Улуғбек кўчаси, 148
тел: (36622) 265169, 222652

Сирдарё вилояти
Гулистон ш.,
Навоий кўчаси, 46
тел: (36722) 50700, 54787

Сурхондарё вилояти
Термиз ш., Навоий проспекти, 28
тел. (37622) 42709, 42590

Тошкент вилояти
Тошкент ш.,
Буюк ипак йўли
тел. (3712) 671631, 671630
факс: 671528, 671730

Хоразм вилояти
Урганч ш., 740000
Ал-Хоразмий кўчаси, 27
тел. (36222) 65244, 68750

Фарғона вилояти
Фарғона ш.,
Навоий кўчаси, 13
тел: (37322) 47252, 41645
факс: 44345

Қашқадарё вилояти
Қарши ш., 730000
Мустақиллик кўчаси, 2
тел: (37522) 45267, 44818
факс: 30693

Ўзбекистон Республикаси
Хусусий тадбиркорлик ва кичик бизнесни қўллаб-қувватлаш фонди ("Бизнес Фонд")
Тошкент ш., 700043, Халқлар Дўстлиги кўчаси, 8
тел: 45-06-45

Бизнес Фондниг ҳудудий филиаллари

Қорақалпоғистон Республикаси
Нукус ш., 742000
А. Темур кўчаси, 112
тел: (36112) 77 609, 76 303

Андижон вилояти Андижон ш.,
710000, Навоий шоҳ кўчаси, 126
тел: (3742) 25-14-53, 59-896

Бухоро вилояти
Бухоро ш., М. Иқбол кўчаси, 7
тел: (3652) 23 38 47,
факс: 23 80 81

Жиззах вилояти
Жиззах ш., 708000
тел: (37222) 37-222, 33-370

Навоий вилояти
Навоий ш., 706800
Очилов кўчаси, 24
тел: (436221) 30-942, 30-947

Наманган вилояти
Наманган ш., 716036
навоий кўчаси, 5
тел: (36922) 62381, 67000
факс: 62701

Самарқанд вилояти
Самарқанд ш., 703000
Ю. Гагарин кўчаси, 89
тел: (3662) 24 18 25,
24-06-67

Сирдарё вилояти
Гулистон ш., 707000
Т. Аҳмедов кўчаси,
тел: (36722) 265291,
265295

Сурхондарё вилояти
Термиз ш., 712000
М. Қаҳҳор кўчаси, 23
тел: (37622) 29-062, 33-509

Тошкент вилояти
Тошкент ш., 700131
М. Шайхзода кўчаси, 1
тел: (3712) 72-02-62, 71-01-88

Фарғона вилояти
Фарғона ш., 712000
М. Қосимов кўчаси, 58
тел: (3732) 24-79-24
факс: 24-79-13

Хоразм вилояти
Урганч ш.,740000
Абул Гози Баҳодирхон
кўчаси,185
тел: (36222) 63707

Қашқадарё вилояти
Карши ш., 730000
Мустақиллик кўчаси, 3
тел: (37522) 51-125, 94-904

МУНДАРИЖА

I боб. Ислоҳотлар стратегияси 5

II боб. Ўзбекистоннинг ресурслар потенциали 19

Аҳоли ва меҳнат ресурслари 19
Ёқилғи - энергетика ресурслари 23
Минерал хом ашё ресурслари 24
Ер-сув ресурслари 26

II боб. Саноат 30

Ёқилғи-энергетика мажмуи 32
Металлургия саноати 42
Кимё саноати 46
Машинасозлик саноати 50
Қурилиш материаллари саноати 62
Ёғочсозлик саноати 65
Енгил саноат 67
Озиқ-овқат саноати 79

IV боб. Қишлоқ хўжалиги 92

Деҳқончилик 107
Чорвачилик 117
Ветеринария хизмати 128
Мелиорация ва сув хўжалиги 129
Ўрмон хўжалиги 132

V боб. Транспорт 135

VI боб. Алоқа 146

VII боб. Қурилиш 154

VIII боб. Меҳнат 162

IX боб. Хизмат кўрсатиш соҳаси 169

X боб. Ижтимоий ҳимоя 185

XI боб. Молия ва банк тизими 191

XII боб. Ташқи иқтисодий алоқалар 201

XIII боб. Туризм 209

Иловалар 213

Ўзбекистон Республикаси иқтисодиёти

Тузувчи муаллиф
иқтисод фанлари доктори, профессор Нурислом Тўхлиев

"Ўзбекистон Миллий энциклопедияси"
Давлат илмий нашриёти
Иқтисодиёт ва қишлоқ хўжалиги фанлари таҳририяти

Таҳририят мудири	Султон Холназаров
Муҳаррирлар	Инобат Абдуллаева, Абдували Турсунов
Бадиий муҳаррир	Асомиддин Бурҳонов
Техник муҳаррир	Мирзиёд Алимов
Компьютер операторн	Холнисо Эрмаматова
Компьютерда саҳифаловчи	Андрей Биляк

Теришга берилди 20. 5. 1998 й. Босмага рухсат этилди. 8.09.1998 й. Қоғоз бичими 84x108 1/32. Шартли босма табоқ 12,6. Нашриёт хисоб табоғи 12,7. Тиражи 6500 нусха. Буюртма № 2889. Баҳоси шартнома асосида.

"Ўзбекистон миллий энциклопедияси" Давлат илмий нашриёти,
Тошкент 700129, Навоий кўчаси, 30.

"Шарк" нашриёт-матбаа концерни босмахонасида босилди.
Тошкент - 700029, Буюк Турон кўчаси, 41.